И.И. БОБОҚУЛОВ

АФҒОНИСТОН

ЛУҒАТ – МАЪЛУМОТНОМА

И.И. БОБОҚУЛОВ

АФҒОНИСТОН

ЛУҒАТ – МАЪЛУМОТНОМА

«COMPLEX PRINT» нашриёти
ТОШКЕНТ – 2021

908(581)(038)
63.3(5Афғ)
Б 79

Бобоқулов И.И.
Афғонистон. Луғат – маълумотнома / И.И. Бобоқулов. – Тошкент: "Complex Print", 2021. – 248 б.

УЎК 908(581)(038)
КБК 63.3(5Афғ)

Тақризчилар
Ҳайдаров А.А., тарих фанлари доктори, профессор, Фавқулодда ва мухтор элчи
Умаров Х.П., сиёсий фанлар номзоди, доцент

Мазкур луғат-маълумотномада Афғонистон тарихи, маданияти, географияси, аҳолиси ҳамда мамлакатда кечаётган замонавий сиёсий жараёнларга оид асосий тушунчалар, фактлар ва маълумотлар жамланган. Луғат соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, шунингдек, халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалалари билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7601-3-4

“АФҒОНИСТОН” ЛУҒАТ-МАЪЛУМОТНОМАСИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

АДР - Афғонистон Демократик Республикаси
АДТ - Америка давлатлари ташкилоти
АИА - Афғонистон Ислом Амирлиги
АИД - Афғонистон Ислом Давлати
АИЖ - Афғонистон ислом жамияти
АИП - Афғонистон ислом партияси
АИР - Афғонистон Ислом Республикаси
АНЗЮС - Австралия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатлари
АХДП - Афғонистон халқ-демократик партияси
АҚШ - Америка Қўшма Штатлари
БАА - Бирлашган Араб Амирликлари
БМТ - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ГФР - Германия Федератив Республикаси
ЕАҲК - Евроатлантика ҳамкорлиги кенгаши
ЕИ - Европа Иттифоқи
ЕХҲТ - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот
МРА - Марказий разведка агентлиги
НАТО - Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
ПИР - Покистон Ислом Республикаси
СУАТ - Синьцзян-Уйғур автоном тумани
ТБАВ - Тоғли Бадахшон автоном вилояти
ТТП - Покистон толибон ҳаракати
ФБҚҲ - Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди
ХАД - Давлат хавфсизлик хизмати
ХКХК - Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар
ХХР - Хитой Халқ Республикаси
ШҒЧВ - Шимоли-Ғарбий чегара вилояти
ШҲТ - Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
ЭКО - Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

СЎЗ БОШИ

Муҳтарам ўқувчи!

“Осиёнинг юраги” деб эътироф этилган Афғонистон унга қўшни давлат ва минтақалар, хусусан, Марказий Осиё хавфсизлиги, барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, *“Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир”.*

Замонавий босқичда Афғонистондаги конфликт ва унинг оқибатлари халқаро ҳамжамият олдида турган муҳим минтақавий ва глобал муаммога айланди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга оид қатор ташаббуслар илгари сурилди. Ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан ташкил этилган халқаро конференцияларнинг якуний хулосалари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистон бўйича қабул қилган қарорларида ўз аксини топди.

Афғонистондаги конфликтни бартараф этиш ҳамда ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари ва миллий манфаатларини амалга ошириш мазкур мамлакатда кечаётган мураккаб ижтимоий, сиёсий ва тарихий воқеликни англаб етиш ва тадқиқ қилишни тақозо этади.

Шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанлари доирасида афғоншунослик ўз анъанаси ва тарихига эга. Афғонистонга оид тадқиқот мавзулари устувор аҳамият касб этиб, мутахассис ва олимларимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда кенг қўлланиб келинган сўзлар, атамалар ҳамда тушунчаларнинг изоҳли луғати ҳозиргача мавжуд эмас эди. Шу боис мутахассислар, талабалар, олий ўқув юртлари

ўқитувчилари учун қулайликлар яратиш мақсадида мавзуга оид луғатга зарурат туғилди.

Ушбу ўринда халқаро муносабатлар ва хавфсизлик тадқиқотлари нуқтаи назаридан тайёрланган мазкур изоҳли, терминологик луғат-маълумотнома, мамлакатимизда амалга оширилган дастлабки уринишлардан бири бўлиб, бу борадаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Луғат Афғонистон давлати ва халқи тарихи, маданияти, географияси ҳамда замонавий сиёсий жараёнларига оид мавзуларни қамраб олади. Луғат устида ишлашда ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мавжуд илмий асарлар, энциклопедиялар, луғатлар, таҳлил марказлари ресурслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа турдаги манбалардан кенг ва унумли фойдаланилди.

Умид қиламизки, ушбу луғат-маълумотнома мамлакатимиз афғоншунослигига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, истиқболда мазкур йўналишда амалга ошириладиган тадқиқот ишлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Луғат мазмунини бойитиш ва уни янада такомиллаштиришга оид танқидий фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

КИРИШ

Умумий маълумотлар. Афғонистон – Жануби-Ғарбий Осиёнинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган тоғли, тўғридан-тўғри денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлат. Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Ўрта Шарқни ўзаро боғловчи географик чорраҳада жойлашганлиги боис, уни ҳар уч минтақага мансублиги эътироф этилади.

Майдони 652,864 минг кв. км.ни ташкил этади. Аҳолиси 38 миллион кишидан ортиқ. Пойтахти – Кобул шаҳри. Маъмурий-ҳудудий тузилишига кўра, 34 та вилоятдан иборат. Мамлакатнинг 2004 йилда қабул қилинган конституциясида “Афғонистон – бу Ислом Республикаси, мустақил, унитар ва бўлинмас давлат” (1-модда) эканлиги қайд қилинган. Давлат бошлиғи – умумхалқ сайловлари орқали беш йил муддатга сайланадиган президент ҳисобланган. Мамлакат парламенти Миллий мажлис икки палатадан иборат бўлган: Мешрано жирға (юқори палата) ва Волеси жирға (қуйи палата).

2021 йилнинг сентябрь ойида “Толибон” ҳаракати томонидан давлат номи “Афғонистон Ислом Амирлиги” деб ўзгартирилганлиги эълон қилинди.

Афғонистон ғарбда Эрон, жануб ва шарқда Покистон ва Хитой Халқ Республикаси, шимолда Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон билан чегарадош. Тожик-афғон чегарасининг умумий узунлиги 1344 км.ни ташкил этиб, унинг асосий қисми тахминан 1136 км. Панж/Амударё бўйлаб ўтади. Туркман-афғон чегараси (узунлиги 800 км.) қисман Амударё, асосий қисми эса текисликка тўғри келади. Умумий узунлиги 143 км. дан иборат ўзбек-афғон давлат чегараси тўлиғича Амударё бўйлаб ўтади.

Табиати. Афғонистон субтропик мамлакат бўлиб, ҳудудининг 80% ни тоғлар ва ясси тоғликлар эгаллаган. Шимоли-ғарбида *Паропамиз, Сафедкўҳ, Банди Туркистон*, шимоли-шарқида *Ҳиндукуш* тоғ тизмалари (водийлар орқали оқиб ўтадиган дарёлар каби) мамлакатнинг ғарби ва жанубидаги кенгликлар бўйлаб йўналган. Мамлакат

марказининг асосий қисмини *Ҳазоражат* ҳамда *Ғазни* ва *Қандаҳор* ясси тоғликлари эгаллаган. Афғонистон Ер шарининг энг баланд тоғлари, хусусан, Ҳимолай, Куньлун, Қорақурум, Помир ва Ҳиндукуш туташган ўзига хос географик ҳудуд ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмлари текисликлардан иборат бўлиб, бу ерда *Регистон* ва *Гармсир* қумли ҳамда тош ва гилли *Дашти Марго* чўллари ястаниб ётади. Афғонистоннинг жануби-шарқий чегараси бўйлаб пуштун/афғон халқининг “бешиги” ҳисобланган *Сулаймон* тоғ тизмалари жойлашган.

Афғонистон ҳудудининг катта қисми қуруқ субтропик иқлим минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими континентал. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши илиқ, тоғларда совуқ. Мамлакат суғорма деҳқончилик ҳудудлари бўз ва тўқ бўз тупроқли ҳисобланади. Унинг катта қисмини қумли тупроқ эгаллаган.

Йирик дарёлари – *Амударё* ва унинг ирмоғи – *Панж* ҳамда *Ҳилманд, Фараҳруд, Ҳерируд, Мурғоб,* *Кобул* ва бошқалар ҳисобланади. Афғонистоннинг трансчегаравий дарёлари тизимида Кобул денгизга қуйиладиган ягона дарё ҳисобланади. Дарёлардан сунъий суғоришда ҳамда электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланилади. 20-асрнинг 50-60-йилларида мамлакатнинг жануби (Ҳилманд дарёси ҳавзаси)да ҳамда шарқи (Кобул дарёси ҳавзаси)да Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи кўмагида йирик ирригацион иншоотлар қурилган. Хусусан, 1967 йилда Совет Иттифоқи Кобул дарёсида Афғонистондаги энг йирик Наглу ГЭСни қуриб битирган.

Аҳолиси. Қайд этиб ўтиш лозимки, Афғонистон аҳолисини рўйхатга олиш жараёни тўлиқ тарзда амалга оширилмаган. Шунинг учун демографик кўрсаткичлар, яъни аҳолининг умумий сони, этник ва диний таркибига оид аниқ маълумотларни келтириш қийин ва аксарият ҳолатларда улар нисбий характерга эга.

Афғонистон – кўп миллатли давлат. Пуштунлар (афғонлар) энг кўп сонли халқ ҳисобланиб, улар Афғонистон

аҳолисининг тахминан 45% дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Пушту тилида сўзлашувчи ушбу халқ асосан мамлакатнинг жануби ва шарқида истиқомат қилади. Шунингдек улар ғарбий ва шимолий вилоятларда ҳам мавжуд. Кейинги ўринларни этник тожиклар – тахминан 30% атрофида, ҳазоралар – 10% дан ортиқ, ўзбеклар – 9-10%, шунингдек, туркманлар, қирғизлар, чораймоқлар, балужлар ва бошқалар эгаллайди. Тожиклар, ҳазоралар ва чораймоқлар дарий тилининг турли лаҳжаларида сўзлашишади. Туркий тилда сўзлашувчи халқлар ўзбеклар, туркманлар ва қирғизлар саналади. Мамлакатнинг энг йирик туркий халқи ҳисобланган ўзбеклар Шимолий Афғонистоннинг барча вилоятларида, хусусан, Жузжон, Фарёб, Саманган, Сарипул, Балх, Қундуз, Таҳор, Бадахшон, Бағлон ҳамда пойтахт Кобул ва Ҳиротда истиқомат қилади.

Пушту ва дарий тилларининг давлат тили сифатидаги мақоми илк бор 1964 йилдаги конституцияда белгилаб қўйилган. Афғонистоннинг 2004 йилда қабул қилинган конституциясига кўра, туркий (ўзбек ва туркман), балуж, пошойи ва бошқа тиллар ҳам мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми фойдаланадиган ҳудудларда учинчи расмий тил мақомига эга.

Афғонистоннинг деярли барча аҳолиси ислом динига эътиқод қилади: 85% дан ортиқ қисми сунний, қолганлари эса шиа мазҳабига мансуб. Шиа мазҳабига эътиқод қилувчи асосий этник гуруҳ ҳазоралар ҳисобланади. Шунингдек, қизилбошлар, маълум қисм тоғлик (помир) халқлар, чораймоқлар ҳамда айрим пуштун қабилалари ҳам ушбу мазҳабга мансуб. Суннийлар орасида қодирия ва нақшбандийлик тариқатлари кенг тарқалган.

Ҳанафийлик мазҳабининг устунлиги белгилаб қўйилган аввалги конституциялардан фарқли ўлароқ, 2004 йилда қабул қилинган конституцияда Афғонистон Ислом Республикасининг дини *“муқаддас Ислом дини”* (2-модда) эканлиги қайд қилинди.

Мамлакат аҳолисининг 80% дан ортиғи қишлоқларда яшайди. Табиийки, аксарият кўпчилик қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланади. Аҳолининг маълум қисми Покистон, Эрон ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларида меҳнаткаш-мигрант сифатида фаолият юритади.

Мавжуд ғоят оғир ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда 40 йилдан ортиқ муддат давомида сақланиб қолаётган нотинч ҳарбий-сиёсий вазият сабаб мамлакатда урбанизация даражаси пастлигича қолмоқда. Минтақавий марказларни ўзаро боғловчи ҳалқа йўлида жойлашган тарихий Кобул, Қандаҳор, Ҳирот ва Мозори Шариф Афғонистоннинг йирик шаҳарлари ҳисобланади. Пойтахт Кобул аҳолиси тахминан 5 миллион кишини ташкил этади.

Тарихи. Ҳозирги Афғонистон ҳудуди тарихда Ахоманийлар, Араб халифалиги, Ғазнавийлар, Мўғуллар, Темурийлар, Бобурийлар, Сафавийлар ҳукмронлиги остида бўлган. 18-асрнинг биринчи ярмида минтақада вужудга келган қулай сиёсий вазият (шимолдаги тарқоқлик, шарқда Бобурийлар ва Эронда Сафавийлар давлатининг кучсизланиши) охир-оқибат Қандаҳорда мустақил афғон (пуштун) қабилавий давлатини пайдо бўлишига (1747) замин яратди. Аҳмадшоҳ Дурроний унинг асосчиси ҳисобланади. Бироқ 1818 йилга келиб ушбу давлат бир неча кичик хонликлар (Кобул, Қандаҳор, Ҳирот ва Пешовар)га бўлиниб кетди. Шимолий Афғонистондаги ўзбек хонликлари ўзларининг мустақил ва ярим мустақил мақомини узоқ муддат давомида сақлаб қолди.

1826 йилда Муҳаммадзайлар етакчиси сардор Пояндахоннинг ўғли Дўстмуҳаммадхон Кобул тахтини эгаллаб, барча тарқоқ ерларни бирлаштириш ҳаракатини бошлади. Бироқ бу кезларда Афғонистон атрофида “катта ўйин” деб ном олган империялар кураши авж олаётган эди. Британия ва Россия империялари ўртасидаги қарама-қаршилик мамлакатнинг бугуни ва келажагига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Англиянинг босқинчилик урушлари Афғонистонни тўлиқ мустамлака давлатга айлантира олмади. Бироқ давлат ташқи сиёсатини Британия назорати остига ўтишига олиб келди. Афғон ҳукмдорларининг инглиз иқтисодий, молиявий ва ҳарбий ёрдамига муҳтожлиги ва қарамлиги ортиб борди. Россия ва Британиянинг ўзаро кураши охир-оқибатда Афғонистонни буфер ҳудудга, яъни икки империя ўртасидаги зиддиятни юмшатувчи оралиқ бўғин ёки заиф давлатга айланиши билан якунланди. Шу билан бирга, айнан инглиз ҳукумати субсидиялари амир Абдураҳмон ҳокимиятини (1880-1901) мустаҳкамланишида ҳамда Афғонистонда марказлашган давлат тизимини яратилишида муҳим роль ўйнади.

Ҳабибуллахон даврида (1901-1919) Афғонистондаги биринчи лицей – *“Ҳабибия”*га – асос солинди (1903). Кейинчалик у мамлакат сиёсий ҳаётининг асосий марказига айланди. Шунингдек, 1909 йилда ҳарбий ўқув юрти ўз фаолиятини бошлади. Бу даврда амир таклифига кўра, Афғонистонга қайтган Маҳмуд Тарзий замонавий таълим ва фаннинг тарғиботчиси сифатида фаолият юритди. 1911–1919 йиллар оралиғида Афғонистоннинг илк газеталаридан бири *“Сирож ул-Ахбор”* (“Хабарлар чироғи”) нашр этилди.

1919 йилда Афғонистон билан Британия ўртасида имзоланган Равалпинди шартномасига кўра, Афғонистон мустақиллиги тан олинди. Амир Омонуллахон мамлакатда кенг миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришди. 1923 йилда Афғонистоннинг биринчи конституцияси қабул қилинди. Бироқ анъанавий афғон жамиятида амир ва унинг яқинлари томонидан амалга оширилган ислоҳотлар муайян ижтимоий қатламлар, диний ва сиёсий кучлар томонидан қўллаб-қувватланмади ва уларнинг қаршилигига учради.

1929 йилдаги исён натижасида Омонуллахон тахтдан ағдарилди ва исённинг етакчиларидан бири Бачаи Сақо Ҳабибуллахон номи билан Афғонистон амири деб эълон

қилинди. Ҳабибуллахоннинг қисқа муддатли ҳукмронлиги (1929 йил январь-октябрь) Омонуллахон даврида ҳарбий вазир лавозимида бўлган генерал Муҳаммад Нодирхон (кейинчалик Нодиршоҳ)ни Англия ёрдамида тахтга келиши билан якунланди. У мамлакатда кенг миқёсдаги ўзгаришларни давом эттирди.

Нодиршоҳнинг ўлимидан сўнг (1933) Афғонистон тахтига унинг ўғли Муҳаммад Зоҳиршоҳ ўтирди. Бироқ амалда ҳокимият Зоҳиршоҳнинг амакилари Ҳошимхон (1933-1946), Шоҳ Маҳмуд (1946-1953) ва амакиваччаси Муҳаммад Довудга (1953-1963) тегишли эди. 1963 йилга келиб, Зоҳиршоҳ ҳокимиятни ўз қўлига олди ва кейинги ўн йилликда Афғонистон тарихидаги барқарор давр сақланиб қолди. Конституциявий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мамлакатда ички сиёсий мухолифат шаклланди ва кучайиб борди. Айнан 20-асрнинг 60-70-йилларига келиб, Афғонистон халқ-демократик партияси ва Мусулмон ёшлар ҳаракати каби сиёсий кучлар вужудга келди.

1973 йилда Муҳаммад Довуд АХДП кўмагида давлат тўнтаришини амалга оширди. Афғонистон республика деб эълон қилинди ва 226 йиллик якка ҳокимлик (монархия) даври ўз ниҳоясига етди.

1978 йил апрель ойида амалга оширилган навбатдаги давлат тўнтариши натижасида АХДП ҳокимиятга келди. Афғонистон президенти ва бош вазири М. Довуд ва унинг яқинлари қатл этилди. Мамлакатда кескин ва радикал ислоҳотлар даври бошланди. Ушбу ислоҳотлар афғон халқининг кўп асрли анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига зид эди. Бу, айниқса, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ислом дини ва дин пешволарига нисбатан олиб борилган сиёсатда яққол намоён бўлди. Натижада жамият аъзоларининг норозилиги ва унга ҳамоҳанг тарзда қуролли мухолифат кучайиб борди.

Ушбу шароитда 1979 йилнинг декабрь ойида Совет қўшинлари Афғонистонга киритилди ва “катта ўйин”нинг

янги босқичи бошланди. Совет Иттифоқи ва АҚШнинг Афғонистондаги қарама-қаршилиги мамлакат учун жиддий салбий оқибатлар олиб келди: 1 миллиондан ортиқ афғон фуқароси ҳалок бўлди; 5 миллиондан ортиқ киши хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Афғонистон турли террористик гуруҳлар учун бошпана ва қорадори етказиб берувчи асосий ҳудудга айланиб қолди. 90-йилларнинг ўрталарида хавфсизлик ва ҳокимият вакууми шароитида сиёсий саҳнага “Толибон” ҳаракати чиқди.

1996 йилда “ал-Қаида” етакчиси Усама бин Лоден Афғонистонга қайтиб келди. “Толибон” ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, у дунёнинг турли нуқталарида террорчилик актларини содир этишни давом эттирди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ ва унинг иттифоқчилари “Толибон” ҳукумати ва “ал-Қаида” террористик ташкилотига қарши “Енгилмас озодлик” операциясини амалга оширди.

2001 йилнинг кузида Германияда БМТ шафелигида Афғонистон бўйича халқаро конференция чақирилди ва иштирокчи афғон томонлари ўртасида Бонн келишуви имзоланди. Ҳамид Карзай муваққат ҳукумат бошлиғи этиб тайинланди. 2004 йилда президентликка сайловлар бўлиб ўтди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ Афғонистонда Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар ташкил этилди.

Халқаро ҳамжамият йигирма йил давомида Афғонистондаги сиёсий режимни ҳар томонлама қўллаб келди. Пировардида қуролли мухолифат (толиблар) билан музокара йўли танланди. Оқ уй маъмурияти ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишини маълум қилди. Расмий Кобул билан толиблар ўртасидаги сиёсий мулоқот ижобий натижаларга олиб келмади. 2021 йилнинг август ойида “Толибон” ҳаракати Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди.

Ташқи сиёсати. 1919 йил 19 августда Афғонистон давлат мустақиллигини эълон қилди. Мамлакат халқаро муносабатлар тарихидаги биринчи универсал халқаро

ташкилот – Миллатлар Лигасига 1934 йилда, БМТга эса 1946 йилда аъзо бўлиб кирди. Афғонистон давлат мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб нейтралитет сиёсатини танлади. Иттифоқчи ва ҳамкор давлатларнинг сиёсий босими ва уринишларига қарамасдан, Афғонистон Иккинчи жаҳон уруши даврида нейтралитет сиёсатига содиқлигини намойиш қилди.

20-асрнинг 60-йилларига келиб, Афғонистон БМТнинг қатор ихтисослашган муассасалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Шунингдек бир неча минтақавий халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлараро уюшмаларнинг, хусусан, Ислом конференцияси ташкилоти (Ислом ҳамкорлиги ташкилоти), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси ва таъсисчисига айланди.

Бир томондан, мамлакатнинг муҳим геосиёсий жойлашуви ва шу сабаб қудратли давлатларнинг унинг ички ишларига аралашишга интилиши, иккинчи томондан, расмий Кобулни ташқи ҳамкор ва иттифоқчиларни излаши Афғонистон ташқи сиёсатида, авваламбор, дунёнинг етакчи давлатлари (хусусан, АҚШ, Совет Иттифоқи, ХХР, Буюк Британия ва Германия), қўшнилари (Эрон, Покистон, Ҳиндистон) ҳамда мусулмон дунёси мамлакатларини муҳим ўрин тутишини белгилаб беради. Афғонистон мустақиллигини тан олган биринчи давлат Россия (РСФСР) ҳисобланади (1919). Кейинчалик Франция (1922), АҚШ (1936), Ҳиндистон (1947), ГФР (1950) ва ХХР (1955) билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1947 йилда Покистон давлатининг пайдо бўлиши кейинги ўн йилликда Афғонистон ташқи сиёсатининг муҳим омилига айланган “пуштунистон” муаммосини саҳнага олиб чиқди. Афғонистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар, айниқса, Муҳаммад Довуднинг бошқаруви даврида (1953-1963) янада таранглашди.

“Совуқ уруш” йилларида мамлакат АҚШ ва Совет Иттифоқи билан ўзаро муносабатларда муайян мувозанатни сақлашга интилди. Бироқ савр инқилобидан кейин ушбу

мувозанат жиддий равишда бузилди. Совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши билан мамлакат “совуқ уруш”нинг муҳим нуқталаридан бирига, Афғонистон ва Покистон қарама-қарши мафкуравий лагерларнинг икки томонида қолди.

Нажибулла ҳукумати ағдарилганидан сўнг (1992 йил апрель) мамлакат Бурҳониддин Раббоний етакчилигидаги “Афғонистон Ислом Давлати”, 1996-2001 йилларда эса толибларнинг “Афғонистон Ислом Амирлиги” бошқаруви остида бўлди. Бироқ халқаро ҳамжамият аъзолари амалда Раббоний ҳукумати билан алоқаларни сақлаб қолди. “Толибон” ҳукумати фақатгина Покистон Ислом Республикаси, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари томонидан тан олинди.

2001 йилдан кейин халқаро ҳамжамият кўмагида тузилган афғон ҳукумати билан дунёнинг кўплаб давлатлари дипломатик алоқаларни ўрнатди.

Ўзбекистон – Афғонистон алоқалари. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил октябрь ойида ўрнатилди. Тошкент ва Кобулда Ўзбекистон ва Афғонистон давлатлари элчихоналари фаолият юритмоқда, шунингдек, Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонаси, Термиз шаҳрида эса Афғонистон Бош консулхонаси (2018) очилди.

Давлат мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистон Афғонистондаги конфликтни тинч йўл билан бартараф этиш бўйича ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида (1993) бу мамлакатдаги оғир аҳволга жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қаратди. 1997 йил БМТ шафелигида Афғонистонга чегарадош давлатлар ҳамда АҚШ ва Россия иштирокида «6+2» мулоқот гуруҳи тузилди. Гуруҳнинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтди. 1999 йил 19 июлда Тошкент шаҳрида манфаатдор давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда конфликт томонлари,

жумладан, “Шимолий альянс” ва “Толибон” ҳаракати вакиллари иштирокида конференция ўтказилди. Унинг якунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Замонавий босқичда ҳам Афғонистон ва унинг атрофидаги вазият Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, *“Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир”.*

Афғонистонга оид ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш ва самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили институти жорий этилди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “йўл харитаси” қабул қилинди (2017).

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожланишига, тегишли соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2018 йил январь ойида Термиз шаҳрида афғон ёшларини ўзбек тили ва темир йўл мутахассисликлари бўйича ўқитишга ихтисослашган ўқув маркази ташкил этилди. Ўзаро товар айирбошлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2020 йил натижаларига кўра, ушбу кўрсаткич 770 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Афғонистонни Марказий Осиё минтақасининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўради. Бугунги кунда минтақадаги барқарорлик ва тараққиётнинг истиқболи қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши жараёни билан узвий боғлиқдир. Биринчи навбатдаги вазифалардан бири – бу Афғонистонни

минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Хўжалиги. Афғонистон – аграр мамлакат. Асрлар давомида бу ерда ёпиқ натурал хўжалик мавжуд бўлган. Мамлакат қўшни давлатлар ва минтақаларнинг ўзаро савдосида транзит ҳудуд вазифасини бажариб келган. Иқтисодиётининг асосини суғорма деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги ташкил этади. Суғорма деҳқончилик Қундуз, Кўкча, Балх, Мурғоб, Ҳилманд, Ҳерируд дарёларининг водийларида ривожланган бўлиб, у ерларда буғдой, арпа, шоли, жўхори, пахта, кунжут, қанд лавлаги, Нангарҳор вилоятида шоли, жўхори билан бир қаторда шакарқамиш, цитрус мевалари ҳам етиштирилади.

Боғларнинг асосий қисми Кобул, Ҳирот, Аргандоб ҳамда шимолий ва ғарбий вилоятлардаги дарё водийларига тўғри келади. Сабзавотчилик ва полизчилик кенг тарқалган. Мамлакатда қишлоқ хўжалигига яроқли 17 миллион гектар ер бўлиб, унинг 8 миллион гектари ҳайдаладиган ерлардир. Суғорма ерлар 5,3 миллион гектарни ташкил этади.

20-асрнинг биринчи ярмига келиб, ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари, хорижий ва халқаро молиявий институтларнинг кредитлари ҳамда беғараз иқтисодий ёрдами натижасида Афғонистон халқ хўжалигининг индустриялаш жараёни кучайди. Бироқ шунга қарамасдан 80-йилларга келиб ҳам Афғонистон дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлиб қолаверди. Саноат асосан маҳаллий хом ашёга ихтисослашган бўлиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат саноатини ташкил этар эди.

Бу даврда бир қатор саноат ҳудудлари вужудга келди. Кобулда металлсозлик, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, ип газлама, чарм пойабзал корхоналари, Мозори Шарифда азот ўғитлари заводи, тўқимачилик корхонаси, Пули-Хумрида цемент заводи, тўқимачилик корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган қуролли

конфликт мамлакатнинг саноат инфратузилмасини тўлиқ издан чиқишига олиб келди.

Афғонистон фойдали қазилмаларга бой давлат. Мавжуд табиий бойликларининг умумий қиймати 1 триллион АҚШ доллари (айрим манбаларда 3 триллион)га тенг деб баҳоланади. Шимолий Афғонистон углеводородларга бой бўлиб, 20-асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ва Туркманистонга газ экспорт қилинган. Лоғар вилоятида дунёнинг энг катта мис конларидан бири жойлашган. 2007 йилда Афғонистон билан Хитой ўртасида Айнак мис конини ўзлаштириш бўйича битим имзоланди. ХХР томонидан киритилиши режалаштирилаётган инвестиция миқдори 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Афғонистон, шунингдек, ўзининг қимматбаҳо тошлари, хусусан, Бадахшон лаъли билан машҳур. Бироқ ҳозирги кунда ушбу йўналишни саноатлашмаганлиги ҳамда мамлакатдаги нотинч ҳарбий-сиёсий вазиятда табиий бойликлар асосан ибтидоий усулда қазиб олинмоқда ва ноқонуний тарзда экспорт қилинмоқда.

Мамлакатнинг асосий ўрмонлари шарқда жойлашган бўлиб, Кунар, Нуристон, Пактия ҳамда Нангарҳор вилоятларига тўғри келади. Қўшни Покистонга ёғоч маҳсулотларини ноқонуний экспорт қилиш турли қуролли гуруҳлар, хусусан, “Толибон” ҳаракатининг асосий молиявий манбаларидан бири бўлиб келган.

Транспорт. Афғонистон тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас. Форс кўрфази ва Араб денгизидаги портларга чиқиши қўшни Эрон ва Покистон ҳудудлари орқали амалга оширилади. Афғонистоннинг географик жойлашуви унинг анклав ҳолати ҳамда “сиёсий тақдири”ни белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, Афғонистон географиясининг муҳим хусусияти ва устун жиҳати – бу унинг транзит салоҳиятга эгалигидир. Бироқ бугунги кунда мамлакатнинг транспорт тизими талаб даражасида эмас. Автомобиль транспорти – асосий транспорт тури бўлиб қолмоқда. Мавжуд автомобиль

йўлларининг умумий узунлиги тахминан 20 минг км бўлиб, унинг 3 минг км қисмигина асфальт ёки цемент-бетон қопламага эга. Бироқ мамлакатда 40 йилдан ортиқ муддат давом этаётган қуролли конфликт мавжуд йўлларни фойдаланишга яроқсиз ҳолатга олиб келди.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини ва минтақавий транспорт тизимини ривожлантиришда, шунингдек, минтақани Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ билан боғлашда Афғонистон муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Халқаро молиявий институтлар, хусусан, Осиё тараққиёт банки дастурлари доирасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Банкнинг молиявий кўмагида ўзбекистонлик мутахассислар Хайратон – Мозори Шариф темир йўли йўлагини қуриб битиришди. Минтақа давлатлари учун Форс кўрфази (Чобаҳор) ва Араб денгизидаги (Карачи ва Гвадар) портларга чиқиш истиқболдаги режалар ҳисобланади.

Кобул, Мозори Шариф ва Қандаҳор каби шаҳарларда халқаро аэропортлар мавжуд. 1955 йилда ташкил этилган “Ариана ҳаво йўллари” компанияси Афғонистоннинг асосий миллий авиаташувчиси ҳисобланади. Компания илк бор 1965 йилда Кобул-Тошкент йўналишида парвозларни амалга оширишни йўлга қўйган. Афғонистонда қатор хусусий авиакомпаниялар (хусусан, “Кам Эйр”, “Сафи ҳаво йўллари” ва бошқалар) фаолият юритмоқда.

Адабиёти. Афғонистон адабиётининг ривожида пушту ва форсий-кобулий тилидаги халқ оғзаки ижодининг таъсири катта. 10-15-асрлар мумтоз адабиётининг намояндалари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий ва бошқа шоирлар ижодиётини Эрон, Афғонистон, Тожикистон халқлари ўзларининг умумий адабий мероси деб билади. 15-асрда яшаб ижод этган Боязид Ансорий саж (қофияли наср) услубидаги асарларида диний-фалсафий, ижтимоий фикрларини баён этган. Унинг издошлари, «равшаний шоирлар»[1] номи билан машҳур

[1] Қарашлари ислом анъаналаридан бир мунча фарқ қилувчи Афғонистонда вужудга келган ислом динидаги фирқа, ҳаракат. Ҳаракат номи унинг пири Боязид Ансорийни

бўлган Давлат Лоҳоний, Мулла Арзоний, Мирзахон Ансорийлар 17-асрда Афғонистон адабиётида ижтимоий ва демократик майлларни тарғиб қилган. Равшаний ҳаракати пуштун халқи миллий онгининг шаклланишига таъсир кўрсатган. 17-18-асрларда Абдураҳмон Раҳмонбобо, Абдулқодирхон Ҳаттак, Козимхон Шайдо, Аҳмадшоҳ Дурроний каби забардаст шоирлар етишиб чиққан. Афғонистон адабиётига форс-тожик ва ўзбек адибларидан Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Лутфий ва Бедил ижоди сезиларли таъсир ўтказган.

19-асрда афғонларнинг инглиз босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши Нур Соҳиб, Нуриддин, Ҳамид Кашмирий каби ёзувчилар ижодида акс этган. Маҳмуд Тарзий 20-аср бошларида таниқли маърифатпарвар бўлган. Ўша пайтда Солиҳ Муҳаммад, Ғулом Муҳиддин Афғоний ва бошқалар мавжуд ижтимоий муаммолар ҳақида ёзган. 19-аср охири 20-аср бошларида Пешоварда насрчилик ривожлана бошлади. Мавлавий Аҳмад афғон адабиётида ҳикоянависликка асос солганлардан бири ҳисобланади.

Турли адабий услуб ва йўналишлар бир-бири билан қўшила борди. 1937 йилда Кобулдаги «Анжумане адабий», Кандаҳордаги «Пушту» жамиятлари бирлашиши натижасида «Пушту тўлана» (Афғон академияси) ташкил топди. Академия олимлари пушту тилидаги адабиёт ва санъатни ривожлантириш билан шуғулландилар. Машҳур ёзувчилари: Абдурауф Бенаво, Гул Поча Улфат, Нурмуҳаммад Таракий, Ғулом Ҳасан Софий, Қиёмиддин Ходим, Садиқулла Ришгин, Абдулҳақ Бетоб, Халилулла Халилий ва бошқалар.

Меъморчилиги ва тасвирий санъати. Афғонистон ҳудудида милоддан аввалги 4-3 минг йилларда барпо этилган Мундигак манзилгоҳи қолдиқлари сақланиб қолган. Юнон-Бақтрия подшоҳлиги даври меъморчилиги ва санъатида эллинизм таъсири сезилади. Бақтрия яқинида, Бомиён дарёси водийсида 1-8-асрларга мансуб будда ибодатхоналари, эҳром

Равшан деб номланишидан келиб чиққан. Ислом. Энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003. – Б.196.

ва ҳайкаллари сақланиб қолган. Бомиён мажмуининг энг эътиборли қисми Будданинг қояга ишланган ҳайкалларидир. Бироқ ушбу ҳайкаллар толиблар томонидан портлатиб юборилди. Олим ва мутахассисларнинг халқаро гуруҳи томонидан уларни тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ғазнавийлар даври (977–1186)даги маҳобатли биноларда айвонлар, пештоқлар пайдо бўлди. Истеҳком шаҳарлар, ҳашаматли саройлар, масжидлар, мақбаралар қурилди. 12-аср меъморий обидаларидан Ғазни атрофидаги миноралар алоҳида аҳамиятга эга. Темурийлар ҳукмронлиги даврида қурилиш ишлари авж олди. Шаҳарлар қуриш доирасининг кенглиги, биноларнинг дабдабали шакллари, уларнинг безакдорлиги – бу давр меъморчилиги ва санъатининг асосий хусусиятидир. Ҳиротда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Жоме масжиди тикланди, шаҳар атрофида боғлар, саройлар қурилди. Масжид, мадраса, мақбара, минора ва бошқалардан иборат кўркам Мусалло мажмуаси ташкил топди. Балхдаги Хўжа Абу Наср Порсо мақбараси (15-аср) машҳур.

Ҳиротда миниатюра санъати жуда ривожланди. Шоҳрух ва унинг ўғли Бойсунғур ҳомийлигидаги кутубхонада Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса», Саъдийнинг «Бўстон» каби мумтоз асарларини Туркистон ва эронлик хаттотлар кўчирди, мусаввирлар безади. Ҳирот миниатюра мактаби расмлари кўркамлиги, нафислиги, рангдорлиги билан ажралиб туради. Ҳиротда Мирак Наққош (Беҳзоднинг устози), Беҳзод каби машҳур мусаввирлар ижод қилган. 16-аср обидалари орасида Бобур мақбараси диққатга сазовор. 18-аср обидаларидан Қандаҳор шаҳридаги Аҳмадшоҳ Дурроний мақбараси машҳур ҳисобланади.

Миллий санъатнинг ривожланишида 1921 йилда Кобулда ташкил этилган тасвирий, амалий санъат ва ҳунар мактаби катта роль ўйнади. Абдулғофур Брешна ва унинг шогирдлари, Ғавсиддин, Хайр Муҳаммад, Вафо ва бошқалар ижодида манзара, озодлик кураши тарихидан олинган

воқеалар, халқ ҳаётини кўрсатувчи лавҳалар катта ўрин эгаллайди. Портретчи рассом Ҳумоюн Эътимодий ижодида кўпроқ ўрта аср миниатюрачилиги ўрин олган.

Мусиқаси. Афғонистон мусиқаси ранг-баранг тароналарга бой. Халқ мусиқасида бир овозли, байт қўшиқлар кенг тарқалган; чорбайт, ғазал каби анъанавий ва янги шаклдаги жанрлар мавжуд. Афғон ва қашқар рубоблари, дилрабо, дилнавоз ва танбур каби торли созлар кўп. 1965 йилда мамлакатда биринчи мусиқа мактаби очилди. Кобулдаги Академия биринчи афғон қўшиқлари тўплами («Паштани сандири»)ни нашр этди. Ўзбекистон санъаткорлари Афғонистонда, афғон санъат усталари (Усто Ғулом Ҳусайн, Ҳофизулла Ҳиёл) Ўзбекистонда кўп марта гастролларда бўлишган.

- А -

АБДУЛЛА АБДУЛЛА – таниқли афғон сиёсатчиси. 1960 йилнинг 5 сентябрида Кобулда пуштун-тожик оиласида туғилган. Онаси Панжшир водийсидан, отаси Қандаҳордан бўлиб, Муҳаммад Зоҳиршоҳ даврида юқори давлат лавозимларида фаолият юритган, хусусан, *Мешрано жирға* аъзоси бўлган. Абдулла 1983 йилда Кобул университетининг тиббиёт факультетини тамомлаган. Шу боис у *“доктор”* тахаллусини олган. Маълум муддат Пешовар (Покистон)да афғон қочоқларига хизмат кўрсатувчи касалхонада ишлаган ва афғон мужоҳидларига қўшилган. Мужоҳидларнинг машҳур дала қўмондони *Аҳмадшоҳ Масъуднинг* маслаҳатчиси ва яқин ёрдамчиси бўлган. *“Афғонистон ислом жамияти”* назоратидаги мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларида соғлиқни сақлаш ишларига раҳбарлик қилган. 1992-2001 йилларда Бурхониддин Раббоний ҳукуматида мудофаа вазирлигининг расмий вакили, ташқи ишлар вазири ўринбосари ва вазири лавозимларида фаолият юритган. 2001-2005 йилларда Карзай маъмуриятида ташқи ишлар вазири бўлган. 2006-2009 йилларда Аҳмадшоҳ Масъуд номидаги хайрия жамғармасига раҳбарлик қилган. 2014-2020 йилларда *“Миллий бирлик ҳукумати”*да ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи бўлган. У деярли барча президентлик сайловларида (2009, 2014 ва 2019) ўз номзодини қўйган. Унинг тарафдорлари 2019 йилдаги сайлов натижаларини тан олмади ва Абдулла Абдуллани ғолиб деб эълон қилди. Натижада 2020 йил 9 март куни Кобулда ҳам Абдулла Абдулла, ҳам

Ашраф Ғанининг инаугурацияси, яъни президентлик лавозимига ўтириш маросими бўлиб ўтди. Узоқ тортишувлар, афғон ва халқаро воситачиларнинг аралашуви билан икки томон "*Ўзаро ҳамкорлик ва ҳокимият ваколатларини тақсимлаш бўйича келишув"*га эришди. Абдулла Абдулла "Толибон" ҳаракати билан музокараларни олиб боришга масъул ҳисобланган *"Миллий ярашув олий кенгаши"* раиси этиб тайинланди. Дарий, пушту, араб, инглиз ва француз тилларида сўзлашади. Оилали, тўрт фарзанди бор. Шеърият ихлосманди.

Ад.: Who is Abdullah Abdullah? Afghanistan's three-times presidential contender //https://www.bbc.com/news/world-asia-27138728; *Абдулла Абдулла.* Биография //https://tass.ru/info/1458715.

АБДУЛРАЗЗОҚ – таниқли афғон ҳарбийси, дала қўмондони, генерал. 2011-2018 йилларда *Қандаҳор* вилояти полицияси бошлиғи бўлган. Абдулраззоқ 1979 йилда *Спин Болдак* (Афғонистоннинг Покистон билан чегарадош) туманида туғилган, этник пуштун, *дурроний* иттифоқининг *ачакзай* қабиласидан. 1994 йилда унинг отаси ва амакиси толиблар томонидан ўлдирилган. 2001 йилдан "Толибон" ҳаракатига қарши курашда фаол иштирок этган. Афғонистон жанубида Кобул режимининг асосий таянчи ҳамда толибларнинг ашаддий душмани ҳисобланган. Афғон ва халқаро кузатувчилар томонидан Қандаҳор ва унинг атрофида узоқ муддат барқарорликни таъминлаб турган қудратли шахс сифатида эътироф этилган. Бир пайтнинг ўзида у Спин Болдак тумани Чегара полицияси бошлиғи вазифасини ҳам бажарган. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Қандаҳор – Кветта транспорт йўлаги ва товарлар оқимини назорат қилган. Афғонистонда ва хорижда тижорат фаолияти билан шуғулланган. Хусусий ҳарбий тузилмаларга

ҳам эга бўлган. Афғонистондаги халқаро коалиция кучлари, хусусан, АҚШ ҳарбий контингенти, *Ҳамид Карзай* ва бошқа етакчи сиёсатчилар билан яқин ҳамкорлик қилган ва улар томонидан қўллаб-қувватланган. Президент *Ашраф Ғани* сиёсатини танқид қилган. БМТ ва бошқа бир қатор гуманитар ташкилотлар томонидан қорадори савдоси, коррупция, инсон ҳуқуқларини бузиш, қийноққа солиш ва одам ўлдириш каби жиноятларни содир этишда айбланган. 2018 йилда “Толибон” ҳаракати томонидан амалга оширилган террорчилик акти қурбони бўлган.

Ад.: The Killing of Razeq: Removing the Taleban’s Strongest Foe in Kandahar, an Indirect Hit at Elections // The Afghanistan Analysts Network, 2018; *Who was Afghanistan's General Abdul Raziq?* // Al Jazeera, 2018; *Powerful Afghan Police Chief Puts Fear in Taliban and Their Enemies* // The New York Times, 2014.



АБДУЛҚОДИР АРСАЛА – пуштунларнинг кучли мавқе ва таъсирга эга бўлган *арсала* уруғи вакили, таниқли дала қўмондони. 1951 йилда туғилган. Икки маротаба Афғонистон шарқидаги *Нангарҳор* вилояти губернатори бўлган. Афғон мужоҳидларининг яна бир таниқли намояндаси *Абдулҳақ Арсала*нинг укаси. *“Афғонистон ислом партияси” (Холис)*нинг қўмондонларидан бири бўлган. 20-асрнинг 90-йилларида Жалолобод шўроси етакчиси бўлиб, толибларга қарши курашда “Шимолий алъянс” кучлари билан ҳамкорлик қилган. 2001 йилдаги Бонн конференцияси иштирокчиси. Конференция якунлари бўйича шакллантирилган муваққат ҳукумат таркибида этник пуштун миллатига мансуб вакиллар сонининг камлигига эътироз билдириб, конференция йиғилишини тарк этган. Фавқулодда лойя жирға томонидан тузилган ўтиш ҳукуматида биринчи вице-президент лавозимини эгаллаган. 2002 йил

июль ойида Кобулда номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилган. Ўлимидан сўнг вице-президентлик лавозимига унинг амакиваччаси *Ҳидоят Амин Арсала* тайинланган. *Қ.: Абдулҳақ Арсала.*

Ад.: Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co, 2014.

АБДУЛҲАҚ АРСАЛА – афғон мужоҳидларининг таниқли вакили, *“Афғонистон ислом партияси” (Холис)*нинг етакчи қўмондонларидан бири. У 1958 йилда Нангарҳорда туғилган. Дурроний қиролларнинг Афғонистон шарқидаги минтақавий иттифоқчиси бўлган *аҳмадзай* қабиласи *жабборхел* уруғининг кучли мавқе ва таъсирга эга бўлган зодагон *арсала* оиласидан. Жабборхел кланига *“хон хел”* ёки *“хон уруғи”* мақоми Бобурийлар давлатининг учинчи ҳукмдори *Акбаршоҳ* томонидан берилганлиги айтилади. Унга кўра, қабила ёки клан бошлиғи лавозими ушбу уруғ аъзоларига тегишли бўлади. Абдулҳақ Арсала “Мусулмон ёшлар” ҳаракатининг фаол иштирокчиси бўлган. Сиёсий фаолияти учун 1975 йилда Довуд режими томонидан қамоққа олинган ва савр инқилобидан кейин озод қилинган. Совет қўшинлари ва афғон режимига қарши курашда Кобул атрофида шарқий пуштун қабилаларининг жанговар ва самарали қаршилик ҳаракати ва яширин тармоғини яратган. Мамлакат келажаги борасида мустақил нуқтаи назарга эга бўлган Абдулҳақ маҳаллийчилик ва афғон жамиятининг тарқоқлигини енгиб ўтишга ҳаракат қилган. Ушбу мақсадда у АҚШ президенти

Р. Рейган, Буюк Британия бош вазири М. Тэтчер, БМТ Бош котиби П. Куэльяр, собиқ қирол Зоҳиршоҳ вакиллари, етакчи дала қўмондонлари (А. Масъуд) ҳамда Кобулдаги Иттифоқ маслаҳатчилари билан учрашган. 90-йилларда турли мужоҳид гуруҳлари, хусусан, “Толибон” ва “Ҳизб-и ислом”нинг ўзаро қарама-қарши курашида бетарафликни сақлаб қолган. Қўшни Покистон ва Форс кўрфази давлатларида тижорат ишларини йўлга қўйган. Муҳаммад Нажибулла ҳокимияти ағдарилганидан сўнг, *Жалолобод шўроси*ни тузади ва унга етакчилик қилади. “Толибон” ҳаракатига қарши курашда умумий фронт тузишни қўллаб-қувватлайди. Жалолобод толиблар қўлига ўтгач (1996 йил, сентябрь), маълум муддат Пешоварда яшайди. Бироқ 1999 йилда Покистондан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Унинг яқин қариндошлари, хусусан, хотини ва қизи Пешоварда ўлдирилади. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШнинг молиявий кўмагида ўз тарафдорлари ва қабиладошларининг “Толибон” ҳаракатига қарши курашини ташкил этиш мақсадида мамлакатга қайтади. Бироқ толиблар томонидан қўлга олиниб, 2001 йилнинг 26 октябрь куни қатл этилади. Укалари Ҳожи Абдулқодир ва Ҳожи Динмуҳаммад Ҳамид Карзайнинг ўтиш ҳукуматида биринчи вице-президент ва Нангарҳор вилояти губернатори лавозимларини эгаллайди. *Қ.: Юнус Холис, Абдулқодир Арсала.*

Ад.: Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co, 2014; Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика).* – М.: “Наука”, 1984.

АБДУРАҲМОН – Афғонистон амири (1880-1901), Дўстмуҳаммадхоннинг набираси. Замонавий афғон давлатчилиги асосларини яратилиши ҳамда марказлашган давлат бошқарувини ўрнатилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган шахс. Тахт учун ўзаро курашларда мағлубиятга

учрагач, Туркистондан бошпана топган (1869) ва ўн йилдан ортиқ муддат мобайнида Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда яшаган. Иккинчи инглиз-афғон уруши даврида (1878-1880) Афғонистонга қайтиб, шимолий ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатган. Таниқли афғоншунос олим Л. Дюпре таърифлаганидек *“... рус ҳарбий кийимида, Россия қуроли ва пули билан Кобулга юриш қилган Абдураҳмон бошқа афғон амирлари сингари на россияпараст ва на британияпараст, балки афғонпараст бўлиб қолаверди”*. *“Руслар ҳам, инглизлар ҳам у билан ҳисоблашган* – деб ёзади А.Е. Снесарев, – *....ташқи сиёсатда у уддабурон, тадбиркор бўлиб, оқилона муросага кела билган”*. Абдураҳмон Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга интилди, бироқ Англиянинг босими остида *«Дюранд чизиғи»*ни мамлакатнинг шарқий чегараси деб тан олишга мажбур бўлди (1893). Шафқатсизлиги билан ном қозонган амир шаҳар марказлар (масалан, Қандаҳор, Ҳирот) ҳамда шарқий пуштун қабилаларининг автоном сиёсий ҳокимияти ва ҳарбий қудратини заифлаштириш (хусусан, ҳокимларни тайинлаш, кичик маъмурий ҳудудларга бўлиб юбориш орқали), дурроний рақибларини бўйсундириш, пуштун қабилалари (гилзайлар) ва ҳазораларнинг қўзғолонларини аёвсиз бостириш, Афғон Туркистони (1888), Ҳазоражат (1891-1893) ва Кофиристонни (1895-1896) босиб олиш ҳамда мамлакатда пуштунлаштириш сиёсатини амалга ошириш орқали Кобул мавқеини мустаҳкамлади ва ҳокимиятнинг марказлашувини таъминлади. Л. Дюпре бу ҳолатни *“ички империализм”* деб таърифлайди. Бироқ у яратган давлат бошқарув тизими 20-асрнинг 70-йиллари ўрталарига қадар амалда бўлди.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Абдураҳмон;* Снесарев А.Е. *Афганистан. Географическо-политический очерк. –*

М.: Изд.-во «Лань», 2013; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. – NJ: Princeton University Press, 1980.

АЗ-ЗАВОҲИРИЙ АЙМАН – *“ал-Қаида”* халқаро террористик ташкилотининг асосчиларидан бири ва амалдаги етакчиси. Аз-Завоҳирий 1951 йилда Қоҳира (Миср)да врачлар, уламолар, сиёсий арбоблар етишиб чиққан зодагонлар ва зиёлилар оиласида туғилган. Отаси тиббиёт соҳаси профессори, амакиларидан бири ал-Азҳар университети ректори, она томондан бобоси Қоҳира университети президенти, Қирол Сауд (Саудия Арабистонининг биринчи) университети асосчиси ҳамда Мисрнинг Покистон, Яман ва Саудия Арабистонидаги элчиси бўлган. 1974 йилда Қоҳира университетининг тиббиёт факультетини тамомлаб, бир неча йил мобайнида Миср армиясида врач бўлиб ишлаган. 1978 йилда магистр даражасини олган. Завоҳирийни *Саид Қутб* асарлари ва ғоялари таъсирига тушишида унинг тоғаси, Қутбнинг адвокати ва ишончли вакили *Маҳфуз Аъзам* муҳим роль ўйнаган. У 14 ёшида *“Мусулмон биродарлар”* ташкилотига қўшилган. 20-асрнинг 70-йилларида Мисрдаги “Ислом жиҳоди” экстремистик гуруҳининг асосчиси ва етакчиликларидан бирига айланган. 1981 йилда президент Анвар Садатнинг ўлимида гумон қилиниб қамоққа олинади ва уч йил давом этган суд жараёни якунида озод қилинади. 1985 йилда Завоҳирий Саудия Арабистонига жўнаб кетади ва Жидда шаҳрида тиббиёт билан шуғулланди. 1986 йилда жиҳодда иштирок этиш учун Афғонистонга келади. 90-йилларнинг бошида у Усама бин Лоден билан бирга *Судандан* бошпана топади. Бу йилларда қалбаки паспорт билан қатор давлатлар (хусусан, АҚШ, Россия, Сингапур)да бўлганлиги айтилади. 1996 йилда Миср президенти Хусни Мубораккa қилинган суиқасддан сўнг *“Миср ислом жиҳоди”*

ва “ал-Қаида” етакчилари Судандан чиқариб юборилади ва улар “Толибон” назоратидаги Афғонистон ҳудудидан бошпана топади. 2001 йилда Завоҳирийнинг “Миср ислом жиҳоди” ва “ал-Қаида” террористик ташкилотларининг бирлашганлиги эълон қилинади. Завоҳирий “ал-Қаида”нинг бош идеологи ва стратеги сифатида танилади. Бин Лоденнинг ўлимидан кейин ташкилотнинг маслаҳат кенгаши уни “ал-Қаида” етакчиси деб эълон қилади (2011 йил, 16 июнь). Завоҳирий Миср суди ҳукми билан сиртдан ўлимга маҳкум қилинган (1999), Америка ҳукумати эса уни топишга хизмат қилувчи маълумот учун 25 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот пули ваъда қилган.

Ад.: The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought. *al-Zawahiri, Ayman (b. 1951)* – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013; Lawrence Wright. *The Looming Tower: Al-Qaeda and the Road to 9/11.* – New York: Alfred A. Knopf, 2006; Ali Soufan. *Al-Qa`ida's Soon-To-Be Third Emir? A Profile of Saif al-‘Adl* // CTC Sentinel. February 2021. Vol. 14. Issue 2.

АЙМОҚЛАР – мўғул ва туркий халқлар қадимий уруғларининг парчаланишидан келиб чиққан турли тармоқдаги ўзаро қон-қардош оилалар бирлашмаси, иттифоқи; Эрон, Афғонистон ва Ўзбекистонда яшовчи бир қанча туркий қабила ва уруғларнинг умумий номи. “Аймоқ” туркий ва мўғулча сўз бўлиб, “қабила” деган маънони англатади ҳамда қабилалар иттифоқига нисбатан ҳам қўлланади. Афғонистон аймоқлари таркибига дарий тилида сўзлашувчи мамлакатнинг шимоли-ғарбида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи *чорaймоқлар*, яъни тўрт уруғ, қабила: *фирузкўҳи* (Мурғоб ва Ҳериуд дарёлари оралиғида)*, тайман* (Ғурда), *жамшид* (Ҳиротда) ва *таймурлар* (Ҳирот ва Фараҳда) киради. Аймоқлар ислом динига эътиқод қилиб, уларнинг



бир қисми сунний, Эронда яшовчи аймоқларнинг маълум қисми эса шиа мазҳабида.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Аймоқлар; Ўзбек тилининг изоҳли луғати.* – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006; Большая российская энциклопедия. *Чараймакы;* Бартольд В.В. *Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов* – М.: Вост. лит., 2002.

“АЛ-ҚАИДА” – 1988 йилда *Усама бин Лоден, Айман аз-Завоҳирий,* Муҳаммад Атиф ва бошқа араб кўнгиллилари томонидан асос солинган глобал тармоққа эга бўлган террористик ташкилот. Унинг номланиши 1986 йилда Усама бин Лоден томонидан афғон араблари учун Пактия (Жажи)да қурдирилган ўқув лагерининг – “*ал-Қаида ал-Аскария”* ёки *“ҳарбий база”* – номидан келиб чиққанлиги айтилади. Ташкилотнинг Хўст ва Пактиядаги ҳарбий база ва лагерлари афғон араблари ва бошқа хорижий террорчиларни тайёрлаш ҳамда “ал-Қаида”нинг асосий кўпорувчилик актларини режалаштириш ва амалга ошириш учун майдон бўлиб хизмат қилган. “Ал-Қаида” 1996 йилдан *“Толибон”* ҳаракатининг ҳамкори ва ҳомийларидан бири сифатида Афғонистон ҳудудини ўзининг қароргоҳига айлантирди. 2001 йилда “Толибон” ҳукумати ағдарилгач, “ал-Қаида” етакчилари ва жангарилари Покистоннинг асосан *Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди*дан бошпана топди. Ташкилот Афғонистон – Покистоннинг чегара ҳудудида мустаҳкам илдизларга эга. “Ал-Қаида” “Толибон”, авваламбор, *“Ҳаққоний тармоғи”* билан *“жуда қалин ва ўзаро манфаатли”* алоқаларни сақлаб қолмоқда (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти). Усама бин Лоденнинг ўлимидан кейин (2011) *Айман аз-Завоҳирий* ташкилотга етакчилик қилмоқда. Афғонистон ҳудудида “ал-

Қаида” жангариларининг сони 300 дан 600 нафаргача эканлиги айтилади. Ўтган йиллар давомида “ал-Қаида” дунёдаги турли экстремистик ва террористик тузилмаларнинг маънавий раҳнамоси, илҳомчиси ва ташкилотчисига айланди ҳамда уларнинг глобал тармоғини яратди. Ҳозирда “ал-Қаида”га алоқадор ва ҳамкор террористик гуруҳлар Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа минтақаларда фаолият юритмоқда.

Ад.: Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of jihad: the Haqqani nexus, 1973 – 2012*. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013; *Доклады Группы по аналитической поддержке и наблюдению за санкциями Совета Безопасности ООН*.

АМИН ҲАФИЗУЛЛА – таниқли афғон сиёсатчиси, Афғонистон халқ-демократик партиясининг асосчиси ва етакчиларидан бири. Пуштунларнинг *гилзай* иттифоқига кирувчи *хароти* қабиласига мансуб. 1929 йилда пойтахт Кобул яқинидаги Пагмон шаҳарчасида туғилган. Пуштун миллатчиси сифатида танилган. 1978 йилдаги *Савр инқилоби*нинг асосий ташкилотчиларидан бири. Ташқи ишлар вазири, мудофаа вазири ва бош вазир лавозимларида фаолият юритган. АХДП (*“Халқ”* фракцияси) фаолиятида ҳал қилувчи шахсга айланган. Партиянинг бош котиби ва ҳукумат бошлиғи *Нурмуҳаммад Таракий* билан қарама-қаршилиги кучайиб, унга қарши уюштирилган муваффақиятсиз суиқасддан сўнг давлат тўнтаришини амалга оширган. Унинг бошқаруви даврида сиёсий мухолифатга нисбатан репрессия кучайди, иқтисодий вазият янада оғирлашди, армиянинг жанговар шайлик даражаси жиддий тарзда тушиб кетди, ҳукуматга қарши қуролли кураш авж олди. Ташқи сиёсатда Совет Иттифоқига боғлиқликни

камайтириш, Покистон ва Эрон билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бироқ ички сиёсий барқарорликни таъминлашда Иттифоқнинг ҳарбий ва иқтисодий ёрдамига муҳтожлиги сақланиб қолди. Амин 1979 йилнинг 27 декабрида Совет армияси махсус кучларининг “Шторм-333” ҳарбий операцияси доирасида ўлдирилди. Замондошлари уни *“шафқатсиз ва радикал марксист”*, ҳукмронлик даврини эса Афғонистон тарихидаги *“катта доғ”* сифатида таърифлайди (Султонали Кештманд). *Қ.: АХДП; Савр инқилоби; Нурмуҳаммад Таракий.*

Ад.: Halim Tanwir. *Afghanistan: History, Diplomacy and Journalism.* Vol 1. – Xlibris, 2013; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990.

АТМАР МУҲАММАД ҲАНИФ – таниқли афғон сиёсатчиси. 1968 йилда Лағмон вилоятида пуштун оиласида туғилган. Кобул режими тарафида афғон мужоҳидларига қарши курашган. АДР *Давлат хавфсизлик хизмати* (ХАД)нинг махсус кучлари таркибида Жалолободда амалга оширилган операция пайтида яраланган ва бир оёғидан ажралган. Муҳаммад Нажибулла режими қулаганидан сўнг (1992) аввал Покистон, кейин Буюк Британиядан бошпана топган. Қишлоқ хўжалиги (бакалавр), давлат сиёсати ва халқаро муносабатлар бўйича (магистр) Британия университетларининг дипломларига эга. Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматга қўшилгунга қадар, Афғонистон ва Покистонда турли халқаро ва хорижий гуманитар ташкилотлар ва дастурларда фаолият юритган. АИР ҳукуматида қишлоқни тиклаш ва ривожлантириш (2002-2006), таълим (2006-2008) ва ички ишлар вазири (2008-2010) лавозимларини эгаллаган. Президент Ҳ. Карзай билан келишмовчилик сабаб, 2010 йилда *ички ишлар вазири*

лавозимидан истеъфога чиққан. Ашраф Ғанининг биринчи муддат президентлиги даврида (2014-2018) *миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент маслаҳатчи* вазифасини бажарган. Шу мақомда 2014 йилнинг сентябрь ойида АҚШ билан Афғонистон ўртасида тузилган Хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича икки томонлама шартномани имзолаган. Атмар *Юнус Қонуний* ва *Муҳаммад Муҳақиқ* (вице-президентликка номзодлар) билан биргаликда 2019 йилдаги президентлик сайловларида иштирок этиши лозим эди. Бироқ у сайлов кунидан бир муддат аввал президентлик пойгасини тарк этганлигини эълон қилади. Мутахассислар Атмарни ушбу лавозимга сайланиш эҳтимоли кучли бўлган номзод сифатида баҳолашган эди. 2020 йил апрель ойида Атмар Ашраф Ғани ҳукуматида АИР *ташқи ишлар вазири* лавозимига тайинланди. У дарий, пушту, урду ва инглиз тилларида сўзлашади.

Ад.: *Biography of Mohammad Hanif Atmar* //https://peoplepill.com/people/mohammad-hanif-atmar/; *Biography of Mohammad Haneef Atmar Minister of Foreign Affairs of the Islamic Republic of Afghanistan* //https://www.mfa.gov.af/fm/biography.html.

АФПОК – АҚШ президенти Барак Обама маъмуриятининг Афғонистондаги конфликтни ҳал этиш ва бу ерда терроризмга қарши курашга оид *ташқи сиёсий ёндашуви*ни белгиловчи тушунча/ибора. Унга кўра, Оқ уй Афғонистон ва Покистонни бир бутун макон сифатида кўради ва бу икки давлатга нисбатан умумий/ягона стратегия ишлаб чиқишни зарур деб ҳисоблайди. 2009 йилда *Ричард Холбрук* АҚШ президентининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили этиб тайинланди. Мазкур иборани сиёсий муомалага кириб келиши ва оммалашувида унинг фаолияти муҳим роль ўйнади. Холбрукнинг фикрича, “Дюранд чизиғи”нинг ҳар икки томонидаги жараёнларнинг узвий боғлиқлиги; чегара чизиғининг халқаро ҳуқуқий мақомини белгиланмаганлиги; чегаранинг ғарбий томонида халқаро коалиция ва афғон кучлари, Покистон суверенитети остидаги шарқий қисмида

эса “Толибон” ҳаракати ва бошқа террористик ташкилотларнинг мавжудлиги ҳамда расмий Исломободнинг уларга қарши курашни самарали ташкил этмаганлиги, Афғонистон ва Покистонни ягона ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар майдони сифатида кўришни тақозо қилади. Мазкур қарашлар асосида 2009 йилнинг 27 мартида *“АҚШнинг Афғонистон ва Покистонга оид сиёсати бўйича идоралараро гуруҳ доклади”* (Оқ китоб) қабул қилинди. Ҳужжатда бу икки давлат ҳудудидаги мавжуд террористик гуруҳлар фаолияти АҚШнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатларига таҳдид эканлиги қайд қилинди. Афғонистонда халқаро коалиция кучлари сонини ошириш ҳамда Афғонистон ва Покистон йўналишида АҚШ қарашларини мувофиқлаштириш Оқ уй сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. АфПок лойиҳаси расмий Исломободнинг норозилигига сабаб бўлди. Обама маъмурияти “Дюранд чизиғи”нинг легитимлигини шубҳа остига олишга уринишда, Покистон ҳудудида НАТО ҳарбий операцияларини қонунийлаштириш ҳамда Ҳиндистонни минтақанинг етакчи давлатига айлантиришга интилишда айбланди. Ўз навбатида расмий Деҳли ҳам “АфПок” иборасини қўлланишига нисбатан ўз эътирозини билдирди. 2010 йил 21 январь куни Р. Холбрук Оқ уй маъмурияти “АфПок” иборасини қўллашдан воз кечганлигини расман эълон қилди. Бироқ шунга қарамасдан ушбу ибора сиёсатчи ва экспертлар томонидан кенг қўлланиб келинмоқда.

Ад.: Фененко А.В. *Проблематика «АфПак» в мировой политике* // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. 2013. № 2; Prados J. *The AfPak Paradox* // Foreign Policy in Focus. http://fpif.org/the_afpak_paradox/; White Paper of the Interagency Policy Group’s Report on U.S. Policy toward Afghanistan and Pakistan.

АФРИДИЙЛАР – *Хайбар довони* атрофида яшовчи пуштунларнинг *карланий* иттифоқига кирувчи қабила. Покистоннинг собиқ Федерал бошқарувдаги қабилалар

ҳудудидаги энг кўп сонли пуштун қабилаларидан бири ҳисобланади. Тарихан афридийлар *Афғонистон ва Марказий Осиёни Ҳинд субконтиненти* билан боғловчи стратегик аҳамиятга эга бўлган Хайбар довонини назорат қилиб келган. “*Бобурнома”*да улар жангари, урушқоқ қабила сифатида таърифланади. 18-асрда Аҳмадшоҳ Дурроний афридийлардан ўзининг ҳарбий юришларида фойдаланган. Инглизлар Хайбар довонини ўз назоратига олиш мақсадида афридийларга нисбатан турли мажбурлаш ва рағбатлантириш чораларини кенг қўллаган. 1893 йилда Дюранд келишуви имзоланганидан сўнг афридийлар Британия Ҳиндистони назоратига ўтган. 1947 йилда Шимоли-Ғарбий чегара вилояти таркибида бўлган афридийлар ерлари Покистон давлатининг таркибий қисмига айланган. Покистон ҳукумати Кашмирга қарши амалга оширган илк ҳарбий ҳаракатларида (1947) афридий қабилаларига мурожаат қилган.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Пуштунлар*.

АФҒОН АРАБЛАРИ – Афғонистонда собиқ Совет Иттифоқи қўшинлари ва Кобул режимига қарши кураш (жиҳод)да иштирок этган араб кўнгиллиларига нисбатан қўлланиладиган ибора. Араб кўнгиллиларини ёки *“озодлик жангчилари”*ни афғон жиҳодига жалб этишда фаластинлик исломшунос олим *Абдулла Аъзам* ва Пешоварда фаолият юритган араб мужоҳидларига хизмат кўрсатиш маркази муҳим роль ўйнаган. Форс кўрфазининг қатор давлатлари ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг молиявий кўмаги айнан ушбу марказга йўналтирилган. Усама бин Лоден Покистонга келгач, аввал Аъзам билан ҳамкорликда фаолият юритган. Бироқ унинг Пактияда афғон араблари учун алоҳида ўқув лагерини ташкил этиш борасидаги қарори Абдулла Аъзам билан ихтилофига сабаб бўлади. Аъзамнинг ўлимидан сўнг (1989) марказни Усама бин Лоден бошқаради

ҳамда Пактия ва Хўстда афғон араблари учун ўқув лагерлари ва базаларни барпо этади. Араб кўнгиллиларининг аксарият кўпчилиги *Гулбиддин Ҳикматёр, Абд ур-Раб Расул Сайёф, Жалолиддин Ҳаққоний* ва *Жамил ур-Раҳмон* гуруҳларида фаолият юритган. *Жалолиддин Ҳаққоний*ни араб кўнгиллиларини афғон жиҳодига илк жалб этган шахс сифатида танилган. Собиқ Иттифоқ қўшинлари Афғонистонга кириб келмасидан аввал араб кўнгиллилари *“Ҳаққоний тармоғи”*нинг Хўст (Афғонистон) ва Шимолий Вазиристон (Покистондаги)даги база ва лагерларида жанговар тайёргарликдан ўтганлиги айтилади. Афғон арабларининг кескин ва радикал қарашлари аксарият дала қўмондонлари ва оддий афғонларнинг эътирози ва қаршилигига сабаб бўлган. Хусусан, Аҳмадшоҳ Масъуд афғон арабларига нисбатан салбий муносабатда бўлган ва уларни Афғонистондан чиқиб кетишини талаб қилган. 20-асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб, афғон жиҳодида жанговар тайёргарликдан ўтган араб кўнгиллилари ўз юртларида “ислом давлати”ни қуриш учун қайтади. Кейинчалик афғон арабларининг “изи” АҚШ (хусусан, 1993 йил Нью-Йоркда Бутунжаҳон савдо маркази) ва Яқин Шарқда содир этилган террорчилик актларида ҳамда “қайноқ нуқталар” (Сурия, Ироқ)да ўзини намоён қилди. Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда араб жангарилари асосан “ал-Қаида” сафларида 1996 йилдан бошлаб иштирок этиб келмоқда. *Қ.: “Ал-Қаида”*.

Ад.: Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2010; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond*. – London: I.B. Tauris, 2010.

АФҒОН МУЖОҲИДЛАРИ (*мужоҳид* арабча – эътиқод ва муқаддас иш учун курашувчи; айнан – жиҳод урушининг иштирокчиси) – 20-асрнинг 70-йиллари охиридан Кобул режими ва Совет Иттифоқи қўшинларига қарши курашган қуролли гуруҳ аъзолари (мужоҳидлар)га нисбатан

қўлланиладиган ибора/тушунча. (Мутахассисларнинг фикрича, йирик ислом олимлари ёки ташкилотлари бирор урушни жиҳод деб фатво берган ҳолдагина ана шу уруш қатнашчилари мужоҳид деб ҳисобланган). Афғон мужоҳидларининг *қароргоҳи* қўшни Покистон (*Пешовар*) ва Эрон (*Машҳад*)да жойлашган. Ушбу марказлар манфаатдор давлатлар, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг молиявий, ҳарбий ва бошқа турдаги кўмагининг тақсимоти ҳамда афғон жиҳоди кўнгиллиларини қабул қилиш ва тайёрлашнинг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Афғон мужоҳидлари *АҚШ* ва *Совет Иттифоқи* ўртасидаги қарама-қаршилик қурбони ва ўзаро геосиёсий курашнинг воситасига айланиб қолган. Манфаатдор давлатлар этник, қабилавий, конфессионал ва мафкуравий жиҳатдан тарқоқ бўлган қуролли афғон мухолифатини бирлаштиришга ҳаракат қилган. Натижада 1982 йилда Покистонда сунний гуруҳларни ўзида жамлаган *“Пешовар еттилиги”* (ёки *“Афғон мужоҳидлари исломий иттифоқи”),* Эронда эса шиа гуруҳларидан иборат альянс вужудга келган. Афғонистонда монархияни тиклашга интилган ҳамда миллий руҳдаги партия ва гуруҳлар қўллаб-қувватланмаган. Ҳар бир гуруҳ ёки дала қўмондони молиявий, ҳарбий ва бошқа турдаги кўмакка эга бўлиши учун албатта “еттилик”ка кирувчи муайян партияга/ташкилотга мансуб бўлиши лозим бўлган. 1989 йилда Равалпиндида афғон мужоҳидларининг С. Мужаддадий бошчилигидаги *“ўтиш ҳукумати”* тузилган. Ушбу ҳукумат *Саудия Арабистони, Бахрайн, Малайзия* ва *Судан* томонидан тан олинди. Бироқ етакчи афғон гуруҳлари (хусусан, Раббоний ва Ҳикматёр, фундаменталистлар ва традиционалистлар)нинг ўзаро ички қарама-қаршилиги ва адовати уларни бир бутун сиёсий куч бўлиб бирлашишига ва марказлашган ягона ҳукумат тузишига имкон бермади. Сиёсий тарқоқлик ва ҳарбий-

сиёсий беқарорлик мамлакатни бошбошдоқликка олиб келди. 1996 йилда Кобулни толиблар томонидан босиб олиниши амалда мужоҳидлар ҳукуматига барҳам берди. Б. Раббоний, Г. Ҳикматёр, А. Сайёф, А. Масъуд, С. Мужаддадий, С.А. Гилоний, Ю. Холис, Ж. Ҳаққоний, А. Мозорий, М. Исмоилхон ва бошқалар афғон мужоҳидларининг таниқли намояндалари ҳисобланади. *Қ.: “Пешовар еттилиги”, Дала қўмондонлари.*

Ад.: *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Encyclopedia Britannica. *Mujahideen. Afghani rebels*.

АФҒОН ТУРКИСТОНИ – тарихий-географик Туркистон (Ўрта Осиё, Марказий Осиё) минтақасининг жанубий қисми. Ҳудуди шимоли-шарқда Кўкча дарёсининг Амударёга қуйилишидан жануби-ғарбда Ҳиротгача бўлган майдонни қамраб олади. Узунлиги 800 км. Эни Марказий Осиё давлатлари чегарасидан то Ҳиндукушгача бўлиб, тахминан 180 км.ни ташкил этади. Майдони 150 000 кв. км. бўлиб, Афғонистон ҳудудининг сал кам чорак қисмига тўғри келади. Аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва ҳазоралар ташкил этади. Улар шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳаёт кечиради. Энг катта тарихий шаҳри Мозори Шариф ҳисобланади. 15-асрдан бошлаб Афғонистон шимоли темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, Эрон (Нодиршоҳ Афшор) ҳамда Бухоро амирлиги ҳукмронлиги остида бўлган. 18-асрга келиб, ҳудудда алоҳида ўзбек (Балх, Шибирғон, Маймана, Қундуз) бекликлари вужудга келган. 1750 йилда мазкур ҳудудлар Аҳмадшоҳ Дурроний томонидан босиб олинган бўлса-да, 19-асрнинг ўрталаригача, яъни Дўстмуҳаммадхон ўғли Муҳаммад Афзалхонни афғон Туркистонида ўз вакили сифатида тайинлагунга қадар, Афғонистон шимолидаги ўзбек хонликлари мустақил фаолият юритиб келган. Афғонистоннинг шимолий

чегаралари 1873, 1883 ва 1893 йилларда Британия ва Россия империялари ўртасида имзоланган шартномалар билан белгиланган. 19-асрнинг 80-йилларида Жанубий Туркистон амир Абдураҳмон томонидан афғон давлатига қўшиб олинган (сўнгги бўлиб 1884 йилда Маймана хонлиги босиб олинган) ва у ўзини "Афғонистон ва Туркистон" амири деб эълон қилган. Бу ерда фаол равишда пуштунлаштириш сиёсати амалга оширилган.

Ад.: 1911 Encyclopædia Britannica. *Afghan Turkestan;* Назаров Н. *Афғонистон ўзбеклари* – Т., 2011.

АФҒОНИЙ МУҲАММАД ИБН САРДОР ЖАМОЛИДДИН – диний-сиёсий арбоб, ислоҳотчи, 19-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган *панисломизм диний-сиёсий оқимининг асосчиси, маънавий отаси ва ташаббускори* сифатида машҳур. Унинг келиб чиқиши ва диний эътиқоди (мазҳаби)га оид маълумотлар турлича: айрим манбаларда Афғоний 1838 йилда Эронда туғилганлиги ҳамда Эрон ва Ироқнинг анъанавий шиа мадрасаларида таҳсил олганлиги айтилади; бошқа манбаларга кўра, у Кунар вилояти саидларидан бўлиб, диний ва дунёвий билимларни тегишли равишда Афғонистон ва Ҳиндистонда олган. Ҳиндистон халқининг 1857 йилдаги Британия ҳукмронлигига қарши қўзғолонининг гувоҳи бўлган. Ушбу воқеа Афғонийнинг сиёсий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У Британия ҳукмронлиги ва унинг мустамлака сиёсатига қарши курашчи, муайян миллий жамоа доираси билан чекланмайдиган ислом бирлиги таълимотининг тарафдорига айланди. Ислом динини ислоҳ қилиш ва мусулмонлар бирдамлиги ғоясини кўтариб чикди. У мусулмон оламининг ижтимоий ва интеллектуал қолоқлиги ҳамда таназзулининг сабабларини расмий "уламо", уларнинг амалиёти ва анъаналарида

кўрди. Афғоний замонавий билимлар билан қуролланган мусулмонларнинг янги авлодини яратиш мақсадида диний институционал ислоҳотларни қўллаб-қувватлади. У ўз атрофида ислом дунёсида диний ислоҳотларга кучли таъсир кўрсатган Муҳаммад Абду (Абдо), Рашид Ризо каби интеллектуалларни йиғди. Ўзининг диний-сиёсий фаолиятини Эрон, Ироқ, Афғонистон, Миср ҳамда Усмонли турклар салтанати ҳудудларида олиб борди. Афғоний диний таълимотлари ҳамда расмий ҳукуматга қарши фаолияти учун Мисрдаги ал-Азҳар университети уламолари томонидан бидъатчи деб эълон қилинади ва мамлакатдан чиқариб юборилади. 19-асрнинг 80-йиллари бошида у Европа (Буюк Британия ва Франция)да истиқомат қилади. Парижда шогирди ва издоши мисрлик илоҳиётчи Муҳаммад Абду билан биргаликда “Ал-Урват ал-вусқо” ("Мустаҳкам бирлик") яширин жамиятини тузади ва мусулмон зиёлилари орасида катта таъсирга эга бўлган шу номдаги газетани нашр этади. 1892 йилда Туркияга қайтади ва Истанбулда вафот этади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимой танглик шароитида афғон ҳукумати “барча мусулмонларнинг бирлиги”ни мустаҳкамлаш чақириғи остида Афғоний ҳокини Истанбулдан Кобулга олиб келиш ташаббуси билан чиқади. 1944 йилда унинг ҳоки Афғонистонга олиб келинади ва Кобул университети ҳовлисида дафн қилинади.

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Афғоний, Муҳаммад ибн Сафдор Жамолиддин; Абду (Абдо) Муҳаммад* / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003; The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought. *Al-Afghani, Jamal al-Din* – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004.

АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ – 1978-1987 йилларда Афғонистон давлатининг номи. 1987 йил ноябрда Афғонистоннинг навбатдаги конституцияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, мамлакат номи *Афғонистон Республикаси* деб ўзгартирилди.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ АМИРЛИГИ – Афғонистон давлатининг номи (1996-2001). Давлат бошлиғи, *амири*, ҳарбий ва маънавий раҳнамоси *мулла Муҳаммад Умар* бўлган. АИАда асосий ҳокимият мулла Муҳаммад Умар бошчилигидаги *“Афғонистон исломий ҳаракатининг олий раҳбарий кенгаши”*га тегишли бўлган. Кенгаш Қандаҳордан туриб фаолият юритган. Жорий маъмурий ва ташқи сиёсий масалалар Кобулда вазирлар кенгаши томонидан амалга оширилган. Барча вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари *“вазифасини бажарувчи”* деб аталган. Толиблар бу билан бутун ҳокимият ёлғиз Оллоҳга тегишлилиги ва ҳукумат аъзолари “ислом амирлиги” доирасида фақатгина унинг иродасини амалга ошираётганлигини таъкидлаган. Ҳокимият тизимида Қандаҳор Олий шариат суди муҳим ўрин тутган. Халқаро ҳамжамият аъзоларидан фақат уч давлат *Саудия Арабистони, Покистон Ислом Республикаси* ва *Бирлашган Араб Амирликлари* “Толибон” ҳукуматини тан олган. Толиблар бошқарувининг фавқулодда ва кескин табиати (хусусан, “Наврўз” байрами, мусиқа, қўшиқ, варрак, шунингдек, хорижий журнал ва китобларнинг тақиқланганлиги), инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши халқаро ҳамжамият аъзоларининг жиддий эътирозига сабаб бўлган. Халқаро ҳамжамиятнинг Усама бин Лоденни экстрадиция қилиш тўғрисидаги талаби (ҳаракат ичидаги муайян розиликнинг мавжудлигига қарамасдан) мулла Умар томонидан рад этилади. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган воқеалардан сўнг Америка бошчилигидаги халқаро коалиция кучлари ва уларнинг афғон иттифоқчилари “Толибон” ҳукуматини ағдаради. Толиблар Покистоннинг чегарадош Балужистон ва Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудудидан, асосан, Шимолий ва Жанубий Вазиристондан бошпана

топади ва шу ердан туриб ўзларининг бошқарув тизимини қайта тиклайди. 2021 йилнинг август ойига келиб, “Толибон” ҳаракати мамлакат ҳудудини ўз назоратига олади ва “ислом амирлиги”нинг тикланганлигини эълон қилади. *Қ.: Толибон, Умар Муҳаммад.*

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London: I.B. Tauris, 2010; Рашидов Р.Р. *Афғонистонда давлатчилик масаласи: тарих ва ҳозирги замон.* – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ БИРЛИГИ ПАРТИЯСИ (Ҳизб-и Ваҳдат-и исломий Афғонистон**)** – 1989/90 йилларда Эрон томонидан қуролланган шиа гуруҳларини бирлаштириш асосида тузилган сиёсий партия, қисқача “Ваҳдат” деб номланади. Биринчи етакчиси афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси *Абдул Али Мозорий*, амалдаги раҳбари *Абдулкарим Халилий* ҳисобланади. Қуролли шиа гуруҳларининг асосий кураш майдони ҳазоралар истиқомат қиладиган Ҳазоражат ҳудуди ҳисобланади. “Ваҳдат” маълум муддат Гулбиддин Ҳикматёр кучлари ҳамда “Толибон” ҳаракати билан ҳамкорлик қилган. 1996 йилда Ҳазоражат толиблар томонидан босиб олингач, “Шимолий альянс”га қўшилган. 2001 йилда Халилий бошчилигидаги “Ваҳдат” кучлари Ҳазоражатни яна ўз назоратига олишган. Партия уламолар (етти киши)дан иборат *“Олий назорат кенгаши”* ҳамда *“Марказий кенгаш” (*80 нафар аъзо) томонидан бошқарилган. Марказий қўмита раҳбари – бош котиб ҳисобланган. Партия ичида ҳокимият ва таъсир учун доимий кураш борган. 2009 йилга келиб, партия Абдулкарим Халилий, Муҳаммад Муҳақиқ, Муҳаммад Акбарий ва Қурбон Али Эрфоний фракцияларига бўлиниб кетган.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003.

“АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ЖАМИЯТИ” (“Жамияти ислом”) – Афғонистоннинг етакчи диний сиёсий партияларидан бири. Асосчиси ва биринчи раҳбари *Б. Раббоний.* “Жамият”нинг тарихий илдизлари *“Мусулмон ёшлар”* ташкилоти фаолиятига бориб тақалади. Ушбу ташкилотнинг икки асосий “таъсисчиси” Б. Раббоний ва Г. Ҳикматёр ўртасидаги келишмовчилик 1976 йилда унинг негизида *“Афғонистон ислом жамияти”* ва *“Афғонистон ислом партияси”*нинг тузилишига олиб келди. “Жамият” Афғонистонда Иттифоқ қўшинлари ва Кобул режимига қарши курашнинг *авангарди*да бўлган. *“Пешовар еттилиги”* доирасида аъзолар таркиби бўйича ягона пуштун бўлмаган ва энг кўп сонли ташкилотлардан бири сифатида танилган. “Жамият” таркиби асосан тожик, ўзбек, ҳазора, чораймоқ, туркман, шунингдек, пуштунлар (пуштунлар тахминан 25 % ни ташкил этган (Барфилд)) ҳамда суннийлар билан бирга шиалардан иборат бўлган. Унинг кучлари Афғонистоннинг шимоли, шимоли-шарқи ва ғарбида ҳарбий ҳаракатларни олиб борган. *Аҳмадшоҳ Масъуд* ва *Исмоилхон* каби машҳур дала қўмондонлари “Жамият” таркибида фаолият юритган. 1992 йилнинг баҳорида айнан Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги “Жамият” кучлари Кобулни эгаллаган. 1992-2001 йилларда партия етакчиси Б. Раббоний АИД президенти лавозимини бажарган. 90-йилларда *“Шимолий альянс”* таркибидаги асосий кучлардан бири сифатида толибларга қарши курашган. 2001 йилда “Жамият”нинг етакчи дала қўмондонлари *Муҳаммад Фаҳим, Муҳаммад Ато Нур*, Исмоилхон ва бошқалар халқаро коалиция кучлар билан ҳамкорликда “Толибон” ҳукуматини ағдаришда бевосита иштирок этган. “Жамият” ҳозирда ҳам Афғонистон сиёсий саҳнасида ўзининг муҳим мавқеини сақлаб қолмоқда. *Абдулла Абдулла, Юнус Қонуний*, Муҳаммад Ато Нур

“Жамият”нинг таниқли аъзолари саналади. Партиянинг амалдаги етакчиси Б. Раббонийнинг ўғли *Салоҳиддин Раббоний* ҳисобланади. *Қ.: Бурҳониддин Раббоний.*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан исламская оппозиция истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Коргун В. *История Афганистана. – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004;* Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford. Princeton University Press, 2010.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ПАРТИЯСИ (Холис) – *Қ.: Юнус Холис, Афғонистон ислом партияси (Ҳикматёр).*

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ПАРТИЯСИ (Ҳикматёр) – 20-аср Афғонистон тарихида сезиларли из қолдирган радикал диний сиёсий партия. Асосчиси ва етакчиси (амири) Гулбиддин Ҳикматёр. Партия *Б. Раббоний* ва *Г. Ҳикматёр* келишмовчилиги натижасида *“Мусулмон ёшлар”* ташкилоти негизида 1976 йилда Пешоварда тузилган. 1979 йил АИПда яна бир бўлиниш юз беради: мавлоно *Юнус Холис* гуруҳи партиядан ажралиб чиқади ва Ҳикматёр фракцияси АИП (Ҳикматёр) (*“Ҳизб-и ислом” (Ҳикматёр))* деб номлана бошланди. *“Ҳизб-и ислом”* сиёсий партияга хос барча хусусиятларга, хусусан, марказлашган бошқарув, аъзоликнинг махфийлиги, партия низоми, қатъий партиявий интизом ва бошқаларга эга бўлган. Партиянинг мафкураси ва унинг ташкилий тузилмаси *“Мусулмон биродарлар”* ва Маъдудийнинг *“Ислом жамоати”*идан руҳланиб яратилган. Партиянинг радикал табиати, мақсади ва Ҳикматёр феномени *“Пешовар еттилиги”*га кирувчи гуруҳлар ичида уни ташқи акторлар учун энг “аҳамиятли” кучга айлантирган. *Покистон*, *Саудия Арабистони* ва *АҚШ*нинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан ажратилган молиявий, ҳарбий ва

бошқа турдаги ёрдамнинг сезиларли қисми АИП ҳиссасига тўғри келган. Ҳикматёр ушбу давлатлар махсус хизматлари, ПИРнинг етакчи исломий партиялари, хусусан, *Абдулаъло Маъдудийнинг "Ислом жамоати"* партияси билан яқин алоқаларни ўрнатган. 20-асрнинг 90-йиллари ўрталаригача "Ҳизб-и ислом" расмий Исломободнинг афғон йўналишидаги сиёсатининг асосий таянчи ва воситаси бўлиб хизмат қилган. Унинг кучлари асосан этник пуштунлардан иборат бўлиб, мамлакатнинг шарқи ва жанубида фаолият юритган. Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида АИП тожик мухолифатини фаол қўллаб-қувватлаган. *Мужоҳидлар ҳукумати*да Ҳикматёр бош вазир лавозимини эгаллайди, бироқ у бу ерда ҳам яккаҳокимликка интилади. Турли афғон томонлари ўртасидаги кураш мамлакат бошқарувида бошбошдоқлик ва хавфсизлик вакуумини вужудга келтиради. Кобул толиблар қўлига ўтгач (1996), "Ҳизб-и ислом" кучларининг маълум бир қисми "Толибон" ҳаракатига қўшилади. Ҳикматёр хорижда Эрон ва Покистонда яшайди. 2005 йилда АИПда яна бир бўлиниш юз беради: *Муҳаммад Холид Фаруқий* бошчилигидаги АИП фракцияси Кобулда сиёсий партия сифатида расман рўйхатдан ўтади. 2016 йил сентябрь ойида Ашраф Ғани бошчилигидаги афғон ҳукумати билан Г. Ҳикматёр ўртасида тинчлик сулҳи имзоланади ва у Кобулга қайтади. *Қ.: "Пешовар еттилиги"*.

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: "Наука", 1990; Коргун В. *История Афганистана. – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004;* Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History.* – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London-New York: I.B. Tauris, 2010; Roy Olivier. *Islam and Resistance in Afghanistan. 2 nd. ed.* – Cambridge: Cambridge University Press, 1990.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМИЙ ИНҚИЛОБ ҲАРАКАТИ (Ҳаракати инқилоби исломий Афғонистон) – *Қ.: Муҳаммад Наби Муҳаммадий.*

АФҒОНИСТОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ – мамлакат тарихида жами олтита конституция қабул қилинган. Афғонистоннинг биринчи конституция – 1923 йилда амир Омонуллахоннинг ислоҳотлари даврида қабул қилинган бўлиб, унда амир давлатни шариат тамойиллари асосида бошқариши белгилаб қўйилган. *Иккинчиси* – Нодиршоҳ томонидан 1931 йилда қабул қилинган. Ҳокимиятни марказлаштиришга алоҳида урғу берилди ҳамда жамиятдаги мавжуд консерватив қарашдаги қатлам талабларига мослаштирилди. *Учинчи* конституция 1964 йилда *Зоҳиршоҳ* даврида қабул қилган. Ҳужжатда давлат бошқарув шакли илк бор *“конституциявий монархия”* деб белгилаб қўйилди. “Республика” бошқарув шаклига ўтилиши натижасида 1977 йилда *тўртинчи* конституция *Муҳаммад Довуд* томонидан қабул қилинган. *Бешинчиси* – 1987 йилда *АХДП* (*Муҳаммад Нажибулла)* ҳукмронлиги даврида қабул қилинган. Мамлакатнинг номи Афғонистон Республикаси деб ўзгартирилган. Конституцияга мамлакат ҳудудида хорижий давлатлар ҳарбий базаларини жойлаштиришни тақиқловчи ҳамда Афғонистон *“ислом республикаси”* (1-модда) деб эълон қилинганлигига оид ўзгартиришлар киритилган. Афғонистоннинг *олтинчи* конституцияси 2004 йилда *Лойя Жирға* томонидан тасдиқланди. Ҳужжат лойиҳаси 35 кишидан иборат Конституциявий комиссия томонидан 11 ой давомида тайёрланди. Ушбу жараёнда давлат бошқарув шакли (президентлик ёки парламентар республика), исломнинг жамиятдаги ўрни, вилоят губернаторларини тайинлаш ёки сайлаш ҳамда маданий/диний плюрализм билан боғлиқ масалалар кескин мунозараларга сабаб бўлди. Ҳужжат Афғонистоннинг 1964 йилги конституцияси нормаларини деярли такрорлаб, давлат бошқарувининг ўта *марказлашган тизими*ни яратди. Конституцияга кўра, Афғонистон *унитар марказлашган давлат* ҳисобланади. Шу



билан бирга мамлакатнинг асосий қонунида пушту ва дарий тиллари билан бир қаторда туркий (ўзбек ва туркман), балуж, пошойи, нуристон ва помир тилларига ҳам аҳолининг кўпчилик қисми фойдаланадиган ҳудудларда учинчи расмий тил мақоми берилди (16-модда); Афғонистон дини *“муқаддас Ислом дини”* (2-модда) деб белгиланиши билан суннийлар (диний кўпчилик) ва шиалар (диний озчилик)нинг тенглиги таъминланди. АИА ўрнатилганидан сўнг амалдаги конституция ўз кучини йўқотганлиги эълон қилинди.

Ад.: Конституция Исламской Республики Афганистан, 2004 г.; Бобокулов И.И. *Государственное строительство Афганистана: децентрализация vs. централизации* // Центральная Ази и Кавказ. – Лулео, Швеция, 2015. – Том 18, вып. 2; Encyclopedia Iranica. *Constitutional History of Afghanistan*.

АФҒОНИСТОН МИЛЛИЙ ИСЛОМИЙ ҲАРАКАТИ (Жунбиши миллий исломий Афғонистон) – 1992 йилда таниқли афғон сиёсатчиси Абдурашид Дўстим ва унинг сафдошлари томонидан тузилган сиёсий партия. Партия таркибида ўзбек ва туркманлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳаракат ушбу этник гуруҳ вакиллари жойлашган *Саманган, Балх, Жузжон, Фарёб, Сарипул* ва *Бағлон* каби вилоятларида кучли мавқега эга бўлган. 20-асрнинг 90-йилларида “Жунбиш” сиёсий куч сифатида ўзини намоён қилиб, халқаро алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлган. Партиянинг бир неча давлатлар (хусусан, РФ, Туркия, Буюк Британия, АҚШ)да ўз ваколатхоналарига эга бўлганлиги таъкидланади (В. Коргун). 1996 йилда “Жунбиш” бошқа аксилтолибон кучлар билан бирга “Шимолий альянс”га бирлашади. 2018 йилдаги парламент сайловлари натижаларига кўра, ҳаракат Афғонистон олий вакиллик органининг қуйи палатаси, Волеси жирғада 10 та ўринга эга бўлган. *Қ.: Абдурашид Дўстим*.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003; *War Crimes and Crimes against Humanity: 1978-2001* // The Afghanistan Justice Project, 2005; *Understanding Afghanistan's elections 2018* / Al Jazeera, 2018.

АФҒОНИСТОН МУЖОҲИДЛАРИ ИСЛОМИЙ ИТТИФОҚИ – *Қ.: “Пешовар еттилиги”.*

АФҒОНИСТОН ОЗОДЛИГИ ИСЛОМИЙ ИТТИФОҚИ (Иттиҳод-и исломий боройи озоди Афғонистон) – 1982 йилда Пешоварда тузилган радикал исломий сиёсий партия. Асосчиси ва етакчиси “Мусулмон ёшлар” диний ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири салафийлик қарашлари тарафдори бўлган Абд ур-Раб Расул Сайёф. “Иттиҳод” бевосита Саудия Арабистонининг молиявий кўмаги ва иштирокида тузилган бўлиб, “Пешовар еттилиги” таркибидаги “энг ёш” партия ҳисобланган. 4 мингга яқин жангарилардан иборат Сайёф кучлари таркибида Саудия Арабистони, Миср, Яман, Сурия, Ливия, Жазоир, Марокашдан келган араб кўнгиллилари кўпчиликни ташкил этган. “Иттиҳод”нинг дала қўмондонлари уларни ўқитиш ва тайёрлашда бевосита иштирок этган. Форс кўрфази давлатлари ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари молиявий кўмагининг асосий қисми унинг партияси ҳиссасига тўғри келган. 1987 йилга келиб ҳомийлар томонидан “Пешовар еттилиги”га тақдим қилинган қурол-яроғларнинг 17-18 % Сайёф партиясига тегишли бўлган (Рубин). Сайёф, Гулбиддин Ҳикматёр ва Юнус Холис партиялари мафкуравий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган.

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013.

АФҒОНИСТОН РАСМИЙ ТИЛЛАРИ – 1964 ва 2004 йиллардаги Афғонистон конституцияларида *пушту* ва *дарий* тиллари расмий тиллар сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, мамлакатнинг асосий қонунида (2004) пушту ва дарий тиллари билан бир қаторда туркий (ўзбек ва туркман), балуж, пошойи, нуристон ва помир тилларига ҳам аҳолининг кўпчилик қисми фойдаланадиган ҳудудларда учинчи расмий тил мақоми берилган (16-модда).

АФҒОНИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ – 1965-1992 йилларда Афғонистон ички сиёсий ҳаётида фаолият юритган коммунистик руҳдаги сиёсий партия. 1967 йилга келиб, *Нурмуҳаммад Тараккий* ва *Бабрак Кармал* – АХДПнинг икки йирик намояндаси ўртасидаги етакчилик учун кураш ва партия сиёсати юзасидан ғоявий қарама-қаршиликлар сабаб партия бир неча фракцияларга бўлиниб кетди. Хусусан, Н. Тараккий бошчилигидаги асосан Шарқий Афғонистон пуштунлари (гилзайлар)дан иборат *“Халқ”* ҳамда Кобул ва бошқа катта шаҳарлар вакиллари, шунингдек, дарий умумий тил бўлган пуштун ва пуштун бўлмаган зиёлилардан иборат Б. Кармал етакчилигидаги *“Парчам” (“Байроқ”)* гуруҳларига. 1973 йилдаги АХДП иштирокидаги давлат тўнтариши Муҳаммад Довудни ҳокимиятга келиши ва Афғонистонда монархия бошқарув шаклига барҳам берилиши билан якунланди. 1977 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг босими остида “Халқ” ва “Парчам” қайтадан бирлашди. 1978 йилда Афғонистонда АХДП томонидан *Савр инқилоби* амалга оширилади ва Тараккий бошчилигидаги ҳокимият ўрнатилади. Бироқ партия сафларидаги ўзаро ички кураш ва қарама-қаршилик қайтадан жонланади, “Парчам” тарафдорлари ҳукуматдаги етакчи лавозимларидан четлаштирилади. Н. Тараккий ва Ҳ. Амин ўртасидаги зиддият эса “Халқ” фракцияни *“Қизил халқчилар”* ва *“Қора*

*халқчилар”*га бўлинишига олиб келади. Натижада 1979 йилдаги “ички сарой тўнтариши” Н. Таракийнинг ўлими ва ҳокимиятни тўлиғича Ҳ. Амин қўлига ўтиши билан якунланди. Совет Иттифоқининг ҳарбий аралашуви билан партия ва ҳукумат бошқаруви *Б. Кармал* бошчилигидаги фракция қўлига ўтади, партия сафларида ислоҳотлар амалга оширилиб, “Халқ” ва “Парчам” қайта “бирлаштирилади”. Коммунистик режимнинг турли соҳаларда афғон жамияти менталитети ва қадриятларини инобатга олмасдан амалга оширган кескин ва радикал сиёсати аҳоли ўртасида норозиликларга сабаб бўлади ва қуролли мухолифат мавқеини мустаҳкамлади. *Муҳаммад Нажибулла*нинг АХДП бош котиби этиб сайланиши (1986), партия номини *«Ҳизб-и Ватан»* деб ўзгартирилиши (1990), марксизм ва ленинизм ғояларидан, социализм қуриш мақсадидан воз кечилиши ёки Совет қўшинларини олиб чиқиб кетилишининг сўнгги кунини *“миллий озодлик куни”* деб эълон қилиниши каби саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Совет Иттифоқининг парчаланиши Кобул режимини ташқи иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий ёрдамсиз қолишига ва 1992 йилнинг апрелига келиб қулашига сабаб бўлди. Мужоҳидлар ҳукумати партия фаолиятини расман тақиқлади. *Қ.: Савр инқилоби*.

Ад.: Anthony Arnold *Afghanistan's Two-party Communism: Parcham and Khalq*. – Stanford, CA: Hoover Institution Press, 1983; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003; Коргун В. *История Афганистана*. – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Большая российская энциклопедия. *Народно-демократическая партия Афганистана*; Encyclopedia Britannica. *Hafizullah Amin, Babrak Karmal, Nur Mohammad Taraki*.

АФҒОНИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ – мамлакат ҳудудида қадимий тарихий илдизларга эга бугунги кунда Афғонистон халқининг ажралмас таркибий қисми бўлган туркий халқ. Этник ўзбеклар Шимолий Афғонистонда, хусусан, Фарёб, Жузжон, Сарипул, Балх, Саманган, Бағлон, Қундуз, Таҳор ва

Бадахшон, шунингдек, Кобул, Жалолобод, Ғазни, Ҳилманд ва Ҳирот каби вилоятларда истиқомат қилади. Афғонистонда ўзбек миллати таркибига кирувчи барча элат ва уруғ вакилларини учратиш мумкин. Туркий халқлар, айрим манбаларга кўра, 5-асрнинг иккинчи ярми, яъни эфталитлар давлати вужудга келган даврда ҳам мавжуд бўлган. *Табарий*нинг ёзишича, 7-8 асрда Балх, Бодғиз (Бодхиз), Таҳористон аҳолисининг асосини туркийлар ташкил этган. *“Ўрта Осиёни истило қилишда араблар Балх ва Бодғиздан кейин Фарғонада ҳам турклар билан тўқнашганлар”* – деб ёзади В.В. Бартольд. Бобур мирзо Андижон ва Ҳиротнинг туркий халқлари тилини қиёслаб ёзади: *“(Андижон) эли туркдур. Шаҳар ва бозорларида туркий билмас киши йўқдур. Элининг лафзи (тили, сўзи) қалам била ростдур. Ани(нг) учунким, Мир Алишер Навоийнинг асарлари гарчи Ҳиротда яратилиб шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил биладур”*. Академик Ойбек Ўрта асрлар Ҳирот анжуманини таърифлаб ёзади: *“Мажлис аҳлининг аксари уч тилда – ўзбекча, форсча, арабча - қай бири қулай келса, баб-баравар, бемалол сўзлашардилар”* (“Навоий” романи). Афғонистон шимолида мустақил ўзбек бекликлари 19-асрнинг 80-йилларигача мавжуд бўлган. Шимолий Афғонистонда ўзбеклар аҳоли таркибида этник кўпчиликни ташкил қилган. Давлат бошқарувини марказлаштириш ва пуштунлаштириш сиёсати доирасида амир Абдураҳмон (1881-1901) кўплаб ўзбек оилаларини мамлакатнинг шарқий ва жануби-шарқий вилоятларига кўчиртирди. Хусусан, 12 мингдан ортиқ оила Кобул ва Жалолободга (Какар), 100 оила Ғазнига (Бобохўжаев) кўчириб келтирилади. Ўз навбатида 18 минг пуштун оиласи шимолга кўчирилиб, туб аҳолидан тортиб олинган ҳосилдор ерларга жойлаштирилади. 1888 йилда Маймана ва Андхўй хонликлари мустақиллигини қўллаб-қувватлаган туб аҳоли қўзғолонининг Абдураҳмон қўшинлари томонидан бостирилиши натижасида ўзбек, тожик ва туркманларнинг бир қисми Амударёнинг ўнг қирғоғига кўчиб ўтади. Ўрта Осиёнинг Чор Россияси

томонидан босиб олиниши ҳамда минтақада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши кўплаб аҳолини Афғонистон шимолидан бошпана излашга мажбур қилади. Амударёнинг икки тарафини ташкил этувчи халқлар ўртасидаги ўзаро миграция жараёнлари 20-асрнинг 30-йилларигача давом этади. Ҳозирда этник ўзбеклар Афғонистон аҳолисининг қарийб 10 % дан ортиғини ташкил этиб, пуштунлар ва тожиклардан кейин (ҳазоралар билан бирга) мамлакатдаги учинчи катта этник гуруҳ, шунингдек, Ўзбекистондан ташқарида истиқомат қилаётган энг кўп сонли ўзбек жамоаси ҳисобланади. Асосан қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланади. Афғонистон ўзбеклари миллий қадриятлари, ўзлиги, тили ва урф-одатларини сақлаб қолган. Конституцияга мувофиқ (2004), ўзбек тили аҳолининг кўпчилик қисми фойдаланадиган ҳудудларда учинчи расмий тил мақомига эга бўлган. Мамлакатда ўзбек театри фаолият юритмоқда. Ўзбек тилида газеталар нашр этилмоқда ҳамда 10 дан ортиқ радио ва телеканаллар мавжуд. Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонда таълим, журналистика ва бошқа соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Бабаходжаев М.А. *К вопросу о национальном составе населения Афганистана в конце XIX в., Очерки по новой истории Афганистана*. – Т., 1966; Назаров Н. *Афғонистон ўзбеклари* – Т., 2011; Хашимбеков Х. *Узбеки Северного Афганистана.* – М., 1994; Kakar H.K. *Government and Society in Afghanistan: the Reign of Amir Abd al-Rahman Khan.* – Austin: University of Texas, 1979; Eden Naby. *The Uzbeks in Afghanistan* // Central Asian Survey, 3:1, 1984.

АФҒОНЛАР – Афғонистон халқи таркибидаги энг йирик этник гуруҳ, миллий кўпчилик ва давлатга ном берган титул

миллат. Афғонистон конституциясига кўра (2004), *“афғон”* тушунчаси мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига тааллуқли (4-модда). Бироқ “афғон” атамаси тарихда пуштун қавмига нисбатан қўллаб келинган. Жумладан, “Бобурнома”да афғонлар бир қавм сифатида кўп маротаба қайд қилинади, уларнинг яшаш жойлари Кобул ва унинг жанубидаги ҳудудлардан тортиб, Синд дарёси соҳилларига қадар эканлиги айтилади. Асарда “афғон” (“афғоний”) атамаси ишлатилиб, алоҳида афғон қабилалари, хусусан, юсуфзайлар, муҳаммадзайлар, афридийлар, маҳмандлар ҳам тилга олинади. Бугунги кунда ҳам Афғонистондаги бошқа миллат (ўзбек, тожик, туркман, ҳазора ва бошқалар) вакиллари пуштунларни “авғон” (яъни “афғон”) деб аташади. Бу ҳолат 19-асрдаги расмий ҳужжатлар ва тарихий манбаларда ҳам кузатилади. 20-асрнинг бошларидан асосан хорижий адабиётларда кўп миллатли Афғонистон халқига нисбатан “афғонлар” деган умумий ном қўллана бошланди. *Қ.: Пуштунлар.*

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Т.: “Sharq”, 2014; *Конституция Исламской Республики Афганистан, 2004* // Конституции государств (стран) мира //https://worldconstitutions.ru/?p=24.

АФҒОНШУНОСЛИК – Афғонистон географияси, табиати, халқи, тарихи, маданияти, этнографияси, давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётига оид билимлар, манбалар, нашрлар, шунингдек, олимлар, мутахассислар, илмий-тадқиқот институтлари, таҳлил марказлари ва бошқаларни ўзида жамловчи шартли тушунча. Афғонистоннинг турли соҳа мутахассислари учун “оҳанграбо” мавзу эканлиги ҳамда мазкур луғатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, асосий эътибор Афғонистон тарихи ва замонавий сиёсатига оид тадқиқотларга қаратилади. Шоҳ ва шоир, саркарда ва олим Бобур мирзо қаламига мансуб *“Бобурнома”* асари “*жаҳон манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик, ... насрий*

мемуар ва тарихий-илмий асар” жаҳон ва ўзбек афғоншунослигининг тамал тошини қўйган асарлардан бири ҳисобланади. Асарда 1494-1529 йиллар оралиғида Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган. “Катта ўйин”, яъни 19-аср ва 20-асрнинг бошларида *Британия* ва *Россия* империяларининг Марказий Осиё ва Афғонистонда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган сиёсати Афғонистонни тадқиқ этилишида муҳим даврни бошлаб берди. Империяларнинг манфаатлари Афғонистон ва унинг атрофидаги географик маконни ўрганишга нисбатан қизиқишни кучайтирди. Маълумот йиғиш, ўрганиш ва тадқиқ этиш, авваламбор, М. Эльфинстон, А. Бёрнс, Л. Каваньяри, Я. Виткевич каби ҳарбийлар ва дипломатлар зиммасига тушди. Бу даврнинг таниқли тадқиқотчилари сифатида П.Сайкс, У.К. Фрэзер-Тайтлер (Буюк Британия), Б.А. Дорн, А.Е. Снесарев, И.М. Рейснер, А.В. Станишевский (Россия), В.О. фон Ҳентиг (Германия) ва бошқаларни келтириш мумкин. 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб афғоншуносларнинг янги авлоди саҳнага чиқди: М.Япп, С.Мусави, Г.Бейли, М.Эванс, Л.М. Дженкмен (Буюк Британия), В.А. Массон, В.А. Ромодин, Ю.В. Ганковский, Н.А. Халфин, В.Г. Коргун, В.Я. Белокреницкий, Н.М. Гуревич, Р.Т. Ахрамович, В.Н. Спольников, Л.Темирханов, В.Н. Пластун (Россия) ва бошқалар. АҚШ ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари кесимида Афғонистонга оид тадқиқотлар ривожланди: Р. Фрай, Л. Адамек, В. Григорян, Л. Дюпре, Р. Кэнфилд, Л. Пуллада ва бошқалар афғоншуносликда ўз изларини қолдиришди. 80-йиллардан бошлаб ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Т. Барфилд, Б. Рубин, Н. Шаҳроний, Т. Нунан, Ф. Старр (АҚШ), А. Гиустоцци, М.Семпл (Буюк Британия), О. Руа, Ж. Дорронсоро (Франция), У. Мейли (Австралия), Т. Руттиг (Германия) ва бошқа мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда. Афғоншунослик ривожида шубҳасиз афғон мутахассислари ҳамда қўшни мамлакатлар тадқиқотчилари

ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, М. Тарзий, М. Губар, С.Б. Мажруҳ, Х. Какар, А. Сайкал, Б. Усмон, А. Сиддиқий (Афғонистон), М. Анвархон, А. Рашид, М. Юсуф, Р. Юсуфзай, С. Хон, Р. Хон, А. Дурроний (Покистон) каби мутахассисларнинг номларини келтириш мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, ўзбекистонлик олимлар ҳам афғоншунослик ривожида ўзларининг муносиб ўринларига эга. Айниқса, А.Х. Бобохўжаевнинг мамлакатимизда Афғонистонга оид илмий тадқиқотлари эътиборга лойиқ. Унинг ва минтақанинг бошқа олимлари, хусусан, М.А. Бобохўжаев, Т.Г. Абаева (Ўзбекистон), Х.Н. Назаров (Тожикистон)ларнинг асарлари А.А. Хайдаров, Ш. Акмалов, Н.Ю. Хан, Ф.Ф. Толипов, Н.Ў. Тулаганова (Ўзбекистон), Ш. Имомов, Қ. Искандаров, К. Абдуллаев, Р. Нурридинов (Тожикистон), С.М. Акимбеков (Қозоғистон) каби афғоншунос мутахассисларни шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Ад.: *Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси* / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Бойко В.С. *Мировая афганистика между наукой и политикой: проблемы истории и модернизации Афганистана в XX и начале XXI вв.*: учебное пособие. – Барнаул: АлтГПУ, 2016.

АЧАКЗАЙ – Қандаҳорнинг шарқида ҳамда Покистоннинг жануби-ғарбида жойлашган, пуштунларнинг *дурроний* иттифоқига мансуб кучли мавқега эга бўлган қабилалардан бири. Ачакзайларнинг кичик жамоалари, шунингдек, Ҳирот, Фараҳ, Ҳилманд ва Урузгонда ҳам мавжуд. “Дюранд чизиғи”нинг икки томонида, хусусан, *Спин Болдак* (Қандаҳор) ва *Чаман шаҳар* (Балужистон)ларини боғловчи ҳудудларда яшовчи ачакзайлар ўзаро яқин алоқаларни сақлаб қолишган. Стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган Қандаҳор – Кветта транспорт йўлагини назорат қилиш учун кураш икки азалий қарама-қарши *ачакзай* ва *нурзай* қабилалари ўртасида кечади. 20-асрнинг 80-йилларида ушбу вазифани генерал *Исматулла Муслим* (ачакзай) ўз зиммасига олган. Роберт

Каплан бу ҳолатга қуйидагича изоҳ беради: *“Спин Болдакдаги жанглар коммунистларга қарши кураш билан деярли боғлиқ эмас эди...қоғозда фундаменталист мужоҳид партиялар генерал Исматулла Муслим кучларига қарши жанг қилаётган бўлса, амалда бу дурроний иттифоқининг икки душман қабиласи ачакзайлар ва нурзайлар ўртасидаги кураш эди”.* 2018 йилда “Толибон” ҳаракати амалга оширган террорчилик акти қурбонига айланган Қандаҳор полицияси бошлиғи, таниқли дала қўмондони генерал *Абдулраззоқ* ҳам ачакзай қабиласининг вакили бўлган. *Қ.: Абдулраззоқ.*

Ад.: Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Robert D. Kaplan. *Soldiers of God with Islamic Warriors in Afghanistan and Pakistan.* – New York: Vintage Books, 2001.



АЪЗАМ АБДУЛЛА – иорданиялик фаластин исломшунос олими, глобал жиҳодий ҳаракатнинг идеологларидан бири, афғон жиҳодининг фаол иштирокчиси. 1941 йилда Фаластинда туғилган, 1967 йилда Ғарбий қирғоқ Исроил томонидан босиб олинганидан сўнг Иорданияга кўчиб ўтган. Жидда (Саудия Арабистони) шаҳридаги университетда дарс берган. Усама бин Лоден унинг талабаларидан бири бўлган. Совет қўшинлари Афғонистонга киритилганидан сўнг (1979), мусулмон ерларини ҳимоя қилишга оид фатво берган ва барча мусулмонларни афғон жиҳодида иштирок этишга чақирган. Унга кўра, жиҳодда иштирок этиш ҳар бир мусулмон учун фарз, унинг “шахсий мажбурияти” ҳисобланади. Саудия Арабистони бош муфтийси *Абдулазиз бин Баз* ушбу фатвони қўллаб-қувватлайди. 1984 йилда Пешоварда ташкил этилган хизмат кўрсатиш маркази (*“Мактаб ал-Хидмат”*) араб кўнгиллиларини афғон жиҳодига жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек у

“ансорлар” (“ёрдамчилар”), яъни афғон жиҳоди ва қочоқларга гуманитар ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи исломий ташкилотлар фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб турган. Форс кўрфазидан ташқарида ҳам молиявий кўмак манбаларини кенгайтириш мақсадида Аъзам 1988 йилда АҚШга борган. Унинг афғон жиҳодига араб кўнгиллиларини жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари АҚШ, Саудия Арабистони ва Покистон томонидан қўллаб-қувватланган. Усама бин Лоден ҳамда Мисрдаги “Ислом жиҳоди” гуруҳининг етакчиси Айман аз-Завоҳирий Покистонга келиб унга қўшилган. Аҳмадшоҳ Масъуд билан учрашувдан сўнг Аъзамнинг Масъудга нисбатан қарашлари ўзгаради. У Масъудни “тақводор мусулмон ва жасур мужоҳид” сифатида таърифлайди. Аъзам ва унинг ўғилларидан бири 1989 йилнинг ноябрида Пешоварда юз берган террорчилик акти натижасида ўлдирилади. Айрим манбаларга кўра, ушбу террорчилик актини ташкил этган асосий гумондор сифатида Масъуднинг азалий душмани Гулбиддин Ҳикматёр кўрилади.

Ад.: Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know.* – New York: Oxford University Press, 2020; Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973 – 2012*. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013.

АҚШ-ТОЛИБОН МУЗОКАРАЛАРИ – АҚШ ҳукумати билан “Толибон” ўртасидаги Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзаро мулоқот жараёни. 2001 йилдан буён ўтган давр мобайнида Оқ уйнинг афғон сиёсати, хусусан, унинг толибларга нисбатан расмий нуқтаи назари сезиларли даражада ўзгарди. Барак Обама маъмуриятининг 2009 йилда эълон қилган *“АфПок” стратегияси*да Афғонистондаги конфликтни ҳал этишда томонлар (расмий Кобул билан

“Толибон”)ни муросага келтириш ёки “янги ечимлар”нинг зарурати қайд қилиб ўтилди. 2018 йилнинг сентябрида *Залмай Халилзод* АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили этиб тайинланди. Расмий Вашингтон билан “Толибон” ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилди. Ҳаракат номидан унинг Доха (Қатар)даги *сиёсий офиси* фаолият юритди. Қуйидаги масалалар музокаралар мавзусини ташкил этди: *Афғонистон ҳудуди АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарши террорчилик фаолияти учун бошпана бўлиб хизмат қилмаслигига оид толибларнинг аксилтеррор кафолатлари; Афғонистондан барча хорижий қўшинларни олиб чиқиб кетишга оид халқаро коалиция аъзоларининг кафолатлари; ҳарбий ҳаракатларни ялпи тарзда тўхтатилиши ҳамда тўғридан-тўғри афғонлараро (расмий Кобул ва “Толибон”) музокараларнинг бошланиши. “Барчаси бўйича келишиб олинмагунча, ҳеч қандай келишувга эришилмайди” (“Nothing is agreed until everything is agreed”)* қоидаси музокараларнинг самарадорлигини белгиловчи асосий мезон этиб белгиланди. З. Халилзод таъкидлаганидек, белгиланган тўрт масаланинг ҳеч бири бўйича *“алоҳида битим”* тузилмаслиги лозим эди. 2020 йилнинг февраль ойида Қатардаги тўққиз раунд учрашувлар АҚШ билан “Толибон” ўртасида келишувнинг имзоланиши билан якунланди (Ҳужжатнинг тўлиқ номи: *“Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Америка Қўшма Штатларига “Толибон” сифатида маълум бўлган ва у томонидан давлат сифатида тан олинмаган Афғонистон Ислом Амирлиги билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги битим”*). Бироқ ҳужжат матнида белгиланган тўрт вазифадан фақат иккитаси, яъни “*толибларнинг Афғонистон ҳудуди АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарши террорчилик фаолияти учун бошпана бўлиб хизмат қилмаслигига оид аксилтеррор кафолатлари”* ва *“Афғонистондан барча хорижий қўшинларни олиб чиқиб кетишга оид халқаро коалиция аъзоларининг кафолатлари”* ўз аксини топди. Томонлар битимда қуйидаги тезисни қайд қилишга мажбур бўлишди:

“*биринчи икки масала бўйича келишув кейинги иккисини амалга ошириш учун шароит яратади*”. *Қ.: Залмай Халилзод.*

Ад.: Agreement …between the Islamic Emirate of Afghanistan which is not recognized by the United States as a state and is known as the Taliban and the United States of America; Thomas Ruttig. *“Nothing is agreed until everything is agreed”: First steps in Afghan peace negotiations* // Afghanistan Analysts Network, 2019.

АҲАДИЙ АНВАР УЛ-ҲАҚ – 1950 йилда Кобул вилоятида туғилган, этник пуштун. Кобул университети ҳамда Байрут (Ливан)даги Америка университетида таҳсил олган. Фалсафа доктори (PhD) даражасини АҚШнинг Шимоли-ғарбий университетида олган. Америкада банк тизимида ишлаган ҳамда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланган. Совет Иттифоқи қўшинлари ва Кобул режимига қарши қуролли ҳаракатда иштирок этган. Бир неча йиллар давомида Афғонистон социал-демократик партияси (*Афғон миллати*), афғон (пуштун) миллатчи партиясига етакчилик қилган. Пешоварда *Саид Аҳмад Гилоний* ҳимояси остида фаолият юритган. *Пешовар гуруҳи* вакили сифатида турмуш ўртоғи Фотима Гилоний билан 2001 йилдаги Бонн конференциясида иштирок этган. Бироқ конференция ишида этник пуштунларнинг етарли даражада овозга эга бўлмаганлиги сабаб якуний келишувни имзолашдан бош тортган. 2002 йилдан кейин Афғонистон Марказий банки раиси, молия ва транспорт вазири лавозимларида ишлаган.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know.* – New York and Oxford: Oxford University Press, 2020.

АҲМАДЗАЙ – пуштунларнинг *гилзай* иттифоқи *сулаймонхел* қавмига мансуб қабила. Аҳмадзайлар Лоғардан Жалолободгача бўлган ҳудудларда, шунингдек, Пактия, Пактика ва Хўстда истиқомат қилади. Жанубий Вазиристон

ва Баннуда яшайдиган вазирларнинг шу номдаги уруғидан фарқлаш лозим. Аҳмадзайларнинг маълум бир қисми (*кучилар*) кўчманчи турмуш тарзига эга. Амир Абдураҳмон мамлакатни пуштунлаштириш сиёсати доирасида аҳмадзай қабиласи қудратини сусайтириш ҳамда туркий халқларни бошқаришда улардан фойдаланиш мақсадида ушбу қабила аъзоларининг маълум бир қисмини Афғонистоннинг шимолига кўчиртирган. Аҳмадзай қабиласининг таниқли намояндалари сифатида *Ашраф Ғани, Муҳаммад Нажибулла, Абдулҳақ* ва *Абдулқодир Арсалалар*ни келтириш мумкин.

Ад.: Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: “Наука”, 1984; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014.

- Б -

БАБАР НАСРУЛЛО – таниқли покистон сиёсатчиси, *“Толибон”* ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири, генерал-майор. 1928 йилда Британия Ҳиндистонининг Шимоли-Ғарбий чегара вилоятида туғилган, этник пуштун, *гургушт* иттифоқига кирувчи *бабар* қабиласига мансуб. 1972-1974 йилларда вилоят чегара корпуси бош инспектори лавозимида афғон қочоқлари билан яқиндан ишлаган. Бабарни 1975 йилда Панжширда афғон ҳукуматига қарши амалга оширилган қуролли қўзғолоннинг ташкилотчиларидан эканлиги айтилади. 1975-1977 йилларда Шимоли-Ғарбий чегара вилояти губернатори бўлган. Покистон бош вазири Зулфиқор Али Бхуттонинг Афғонистон ва чегара масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасини бажарган. 1977 йилдан Покистон халқ партияси аъзоси ва унинг етакчиларидан бири. 1993-1996 йилларда Бабар *Беназир Бхутто* ҳукуматида ички ишлар вазири лавозимини бажарган. Углеводород ресурсларига бой Марказий Осиё ва Каспий минтақасига чиқиш расмий Исломободнинг устувор вазифаларидан бири ҳамда Афғонистон мазкур минтақа давлатларини Тинч океани транспорт тизими билан боғловчи энг мақбул транзит ҳудуд сифатида кўрилади. 1994 йилнинг сентябрида Бабар Покистоннинг *Идоралараро разведкаси* ветерани *полковник Имом* (асл исми Султон Амир Тарар, 2001 йилнинг октябрига қадар у Покистоннинг Ҳиротдаги бош консули бўлиб хизмат қилган) ҳамроҳлигида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш ҳамда “Толибон”ни яқиндан

ўрганиш мақсадида мамлакатнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларига яширин ташриф (рекогносцировка)ни амалга оширади. Толибларни Идоралараро разведка эътиборига тушишида, Бхутто ҳукуматининг молиявий ва ҳарбий кўмагига эга бўлишида ҳамда ҳаракатни Афғонистондаги етакчи ҳарбий-сиёсий кучга айланишида Бабарнинг роли муҳим бўлган. *Қ.: Толибон.*

Ад.: *A History of Pakistan and Its Origins* //Ed. by Christophe Jaffrelot. – London: Anthem Press, 2002; Owen L. Sirrs. *Pakistan's Inter-Services Intelligence Directorate: Covert Action and Internal Operations*. – New York: Routledge, 2016; Hein G. Kiessling. *Faith, Unity, Discipline: the Inter-Service-Intelligence (ISI) of Pakistan.* – London: C. Hurst & Co, 2016; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America's Secret Wars in Afghanistan and Pakistan*. – New York: Penguin Press, 2018.

БАГРАМ – Парвон вилоятидаги туман ва унинг маъмурий маркази. Кобулдан 60 км шимолда, Панжшир ва Ғурбанд дарёларининг қўшилиш нуқтасига яқин ҳудудда жойлашган. Тарихда Баграм яқинида *Кавказ Александрияси шаҳри* (милоддан аввалги 329 йил) жойлашганлиги, 16-асрда эса шаҳар *Бобур мирзо* томонидан қайта қурилганлиги айтилади. Географик жойлашуви жиҳатдан муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга. Хусусан, 1979-1989 йилларда бу ерда Иттифоқ қўшинларининг ҳарбий ҳаво кучлари, 2001 йилдан кейин эса АҚШнинг Афғонистондаги энг йирик авиабазаси ва қамоқхона жойлашган. Қамоқхона 2013 йилда Афғонистон ҳукумати юрисдикциясига берилган.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical dictionary of Afghanistan* / 3 rd ed., Asian/Oceanian historical dictionaries; No 47, 2003; BBC. *Bagram: US Base in Afghanistan //*http://news.bbc.co.uk/2/hi/south_asia/4672491.stm; *US Army hands over Bagram Prison to Afghanistan //* https://www.bbc.com/news/world-asia-21922047.

БАДАХШОН – Амударёнинг юқори оқимида, дарёнинг ҳар иккала томонида жойлашган тоғли ўлка. *Помир* тоғлари

бағридаги бу ўлка икки қисмга бўлинади: Ғарбий Помир, яъни Тожикистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги ҳисобланган *Тоғли Бадахшон автоном вилояти* ҳамда шимоли-шарқий қисми, Афғонистоннинг *Бадахшон вилояти.* Бадахшон қадимдан *лаъл, ёқут ва зумрадлари* билан машҳур бўлган. Бадахшон вилояти шимол ва ғарбда Тожикистоннинг ТБАВ ва Афғонистоннинг Хатлон вилояти, жануби-шарқда Покистон ва шарқда *Воҳон йўлаги* орқали Хитойнинг *Синьцзян-Уйғур автоном тумани* билан чегарадош. Вилоятнинг катта қисмини эгаллаган Помир ва Ҳиндукуш тоғларидаги музликлардан *Панж дарёси* ирмоқлари шаклланади. Аҳолиси асосан этник тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, пуштунлар ҳамда (ўзлигини муайян водийлар билан боғловчи ўз тилига эга бўлган) помир халқлари – воҳонлар, рушанлар, шуғнонлардан иборат. Уларнинг аксарият қисми сунний мазҳабига эътиқод қилади ва шу билан бирга кам сонли шиалар, *исмоилийлар* ҳам мавжуд. Бадахшон мўғул истилосига учрамаган ва маҳаллий сулола вакиллари томонидан бошқарилган. Ушбу сулоланинг келиб чиқиши Искандар Зулқарнайн билан боғлиқлиги илк бор Марко Поло томонидан тилга олинади. Бадахшонда 15-16 асрларда Темурийлар/Бобурийлар ҳукмронлик қилган. 17-асрда Даҳбед (Самарқанд) саййидларидан Мир Ёрбек Бадахшоннинг маркази Файзобод шаҳрига асос солган. 18-19-асрларда бу ерда Қундуз беклари ҳукмронлик қилган. 1872 йилда тузилган рус-инглиз келишувига мувофиқ Бухоро хонлиги билан Афғонистоннинг Бадахшондаги чегараси Панж дарёси этиб белгиланган. 1859 йилда Бадахшон Дўстмуҳаммадхон/Кобул ҳокимиятини тан олади. 20-асрнинг 80-90-йилларида Бадахшон Бурҳониддин Раббоний раҳбарлигидаги “Афғонистон ислом жамияти” ва “Шимолий альянс”нинг асосий таянч нуқтаси бўлган. Толиблар ҳукмронлиги даврида (1996-2001) вилоят уларнинг назоратида бўлмаган. Мураккаб ландшафти, асосий транспорт йўлакларидан четдалиги, ишлаб чиқариш ресурсларининг камлиги сабаб Бадахшон Афғонистоннинг

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликлари, хусусан, ҳалқа йўлида жойлашган вилоятларидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ортда қолмоқда. Бу ерда қимматбаҳо тошлар ва қорадорининг ноқонуний савдоси билан турли қуролли гуруҳлар, хусусан, толиблар шуғулланиб келган.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Бадахшон, Афғонистон*; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.

БАЛУЖЛАР (белужлар, балучлар) – Покистон (Балужистон ва Синд вилоятлари), Эрон (Сейистон ва Балужистон вилояти) ва Афғонистон (асосан Нимруз, Фараҳ ва Ҳилманд вилоятлари)да яшовчи, эроний тиллар гуруҳига мансуб *балуж* тилда сўзлашувчи қабилавий халқ. Шунингдек, улар Туркманистон ва қатор араб мамлакатларида ҳам истиқомат қилади. Афғонистон конституциясига кўра (2004), балуж тили шу тилда сўзлашувчи халқлар яшайдиган ҳудудларда расмий тил сифатида қабул қилинган. Улар Афғонистон аҳолисининг тахминан 2 % ни ташкил этади. Балужлар ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қилади. Кўчманчи чорвачилик ва деҳқончлик билан шуғулланади. Ҳозирги Эрон ва Покистон давлатлари таркибига кирган тарихий Балужистон 19-асрда Британия империяси томонидан бўлиб юборилган. Икки давлатнинг балужлар истиқомат қиладиган вилоятларида ажралиб чиқишга интилиш (сепаратизм) мавжуд. Балужистонда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари иқтисодиёти ва транспорт тизими учун муҳим бўлган *Чобаҳор* (Эрон) ва *Гвадар* (Покистон) портлари жойлашган. *Қ.: Голдсмид қарори.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Балужлар, Балуж тили*; Большая российская энциклопедия. *Белуджи* (В.Н. Москаленко).

БАЛХ – Афғонистон шимолидаги вилоят. Аҳолиси асосан этник ўзбек, тожик, ҳазора, туркман ва пуштунлардан иборат. Маъмурий маркази *Мозори Шариф* шаҳри. Кўҳна Бақтрия

(Балх) дунёнинг энг қадимий шаҳар марказларидан бири бўлган. Араблар уни *“шаҳарлар онаси”* деб атаган. Авестода у худо яратган ўлкалар қаторида санаб ўтилади. Мазкур ҳудудда *зардуштийлик* ва *буддавийлик* тараққий этган. Қисқа муддат Кушонлар давлатининг пойтахти бўлган. 1370 йилдан бошлаб Балх Темурийлар мулкига айланган, кейинчалик Шайбонийлар, Бобурийлар ҳамда 19-асрнинг иккинчи ярмига қадар қисман узилишлар билан Бухоро амирлиги таркибида бўлган. Мамлакатнинг шимолидаги йирик иқтисодий марказ ва ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ягона вилояти бўлиб, *Хайратон кўприги* орқали мамлакатни Марказий Осиё давлатлари билан боғловчи муҳим транспорт тугуни ҳисобланади. Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Осиё тараққиёт банкининг молиявий кўмагида Хайратон – Мозори Шариф темир йўл йўлаги қуриб битказилди (2010). Стратегик ва иқтисодий аҳамияти боис, мазкур вилоят мамлакатдаги турли сиёсий кучларнинг ўзаро курашлари майдони бўлиб келган. 20-асрнинг 90-йиллари бошида *Абдурашид Дўстим* ва унинг тарафдорлари Балх (Жузжон, Саманган, Фарёб)ни ўз назоратига олишган. 2001 йилдан кейин “Афғонистон ислом жамияти” етакчиларидан бири *Муҳаммад Ато Нур* Балхда ўз мавқеини мустаҳкамлади ва 14 йилдан ортиқ муддат мобайнида (2004-2018) вилоят губернатори лавозимида фаолият юритди. Ҳозирда қадимий шаҳар ёдгорликларидан *Боло Ҳисор қалъаси*, Ўрта аср шаҳридан эса арк, шаҳристон ва уларнинг пахса деворлари сақланиб қолган. 15-аср охирида қурилган *Хожа Абу Порсо* масжиди ва мақбараси ҳам яхши сақланган. Мозори Шарифда ҳазрат Али дафн этилганлиги (шаҳар номи шундан олинган) ҳамда 1481/82 йилларда Ҳусайн Бойқаро томонидан бу ерда *“Мовий масжид”* (Ҳазрат Али мақбараси) қурдирилганлиги айтилади. Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси жойлашган.

Ад.: Ислом. Энциклопедия. / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси* / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010.

БАРАКЗАЙ – *Қ.: Муҳаммадзайлар, Дурронийлар.*

БИРОДАР АБДУЛҒАНИ – “Толибон” ҳаракати етакчиси ва биринчи амири мулла Умарнинг яқин сафдоши, ҳаракатининг асосчиси ва етакчиларидан бири. Дурронийларнинг бош бўғини ҳисобланган *попалзай* қавмидан. 1968 йилда Афғонистоннинг Урузгон вилоятида туғилган. Собиқ Иттифоқ ва Кобул режимига қарши қуролли ҳаракатда иштирок этган. 90-йилларнинг бошида мулла Умар билан биргаликда Қандаҳор яқинидаги мадрасада фаолият юритган. 1994 йилда “Толибон” ҳаракатининг шаклланишида унга ёрдам берган. 2001 йилгача Афғонистон ислом амирлиги ҳукуматида Ҳирот ва Нимруз вилоятлари губернатори, корпус қўмондони, мудофаа вазири ўринбосари лавозимларини бажарган. *Кветта шўроси* фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаган. 2001-2010 йилларда мулла Умарнинг ўринбосари, амалда эса ҳаракат раҳбари бўлиб Кветта шўросини бошқарган. Расмий Кобул билан тўғридан-тўғри музокаралар тарафдори бўлган (жумладан 2001 йилнинг кузида мулла Биродар ҳамда толибларнинг бир қатор бошқа етакчи вакилларининг, хусусан, мулла Умарнинг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси *Тайиб Оға*нинг Ҳамид Карзайга мурожаат қилганлиги ҳамда Умарнинг хатини топширганлиги айтилади). Мутахассислар Биродарни 2010 йилда Карачида

АҚШ ва Покистон махсус хизматларининг ҳамкорликдаги операцияси натижасида қўлга олинишини айнан ушбу ҳолат билан боғлашади. 2018 йилда АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили *Залмай Халилзод*нинг расмий Исломобод ва “Толибон” билан мулоқоти натижасида Биродар Покистон қамоқхонасидан озод қилинади. “Толибон” ҳаракатининг *Доҳадаги сиёсий офиси* раҳбари сифатида АҚШ ва Кобул билан музокараларни олиб боради. 2020 йилнинг февралида *АҚШ билан “Толибон” ўртасидаги келишув*ни ҳаракат номидан Биродар имзолайди. 2021 йилнинг сентябрь ойида Афғонистон Ислом Амирлиги ҳукумати бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланади.

Ад.: *Profile: Abdul Ghani Baradar, Taliban's Political Head in Qatar*, 2019 // https://www.aljazeera.com/news/2019/1/25/profile-abdul-ghani-baradar-talibans-political-head-in-qatar; Anand Gopal. *The Battle for Afghanistan: Militancy and Conflict in Kandahar* // https://www.newamerica.org/international-security/policy-papers/the-battle-for-afghanistan/; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America’s Secret Wars in Afghanistan and Pakistan*. – New York: Penguin Press, 2018.

БЁРНС АЛЕКСАНДР – инглиз тадқиқотчиси, ҳарбийси ва дипломати, *“катта ўйин”* сиёсатининг фаол иштирокчиси. Ҳозирги Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркманистон ва Ўзбекистон географиясига оид тадқиқотлари билан машҳур бўлган. Ҳарбий академияни тугатгач (1821), Бомбай армиясида кичик офицер лавозимида хизматни бошлаган Бёрнс маҳаллий аҳоли тилларини ўрганиш борасида фавқулодда қобилиятини намойиш қилди. 1829 йилда у нуфузли сиёсий хизмат бўлимига ўтказилди ва “катта ўйин”нинг яна бир муҳим иштирокчиси Генри Поттингернинг ёрдамчиси этиб тайинланди. Бёрнс



раҳбарлигидаги гуруҳ икки босқичда (1831 йил ва 1832-1833 йилларда) Синд, Панжоб, Афғонистон, Бухоро амирлиги ва Эронга махсус экспедицияларни амалга оширди. Мазкур “саёҳатлар”дан кўзланган асосий мақсад Афғонистон, шунингдек, Туркистонни Англиянинг иқтисодий ва сиёсий таъсири доирасига тортиш, Ҳиндистоннинг шимолида жойлашган ҳудудлар тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда Кобул ва Бухоро ҳукмрон доиралари билан савдо ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш эди. Миссия натижалари бўйича унинг *“Марказий Осиё картаси”* (“*Map of Central Asia*”) ва *“Бухорога саёҳат”* (“*Travels into Bokhara”*) номли китоблари чоп этилди. Бёрнснинг меҳнати муносиб баҳоланди. У *Қироллик география жамияти*нинг Олтин медали билан тақдирланди ҳамда қирол Уильям IV томонидан қабул қилинди. 1837 йилда Бёрнс Британия ҳукумати ва Ҳиндистон генерал-губернаторлигининг махсус топшириғи билан Кобулга юборилди. Унга Кобул йўналишидаги барча ҳукмдорлар билан савдо бўйича келишувларга эришиш ҳамда Ҳинд дарёсининг кема қатнови бўйича якуний картасини тайёрлаш вазифалари юкланди. Тижорат миссияси билан бирга у сиёсий характердаги, хусусан, амир *Дўстмуҳаммадхо*н билан *Ранжит Синкх,* Лоҳур ҳукмдори ўртасидаги низони бартараф этиши лозим эди. Кутилган натижаларга эришмагач, 1838 йил 6 март куни Бёрнс Дўстмуҳаммадхонга ультиматум юборди. Унда амирни Россия ва Эрон билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатиши ҳамда Британия розилигисиз ушбу давлатлар вакилларини қабул қилмаслиги; Ян Виткевич миссиясини Кобулдан чиқариб юбориши; Пешоварга нисбатан барча даъволардан воз кечиши ҳамда Қандаҳор ва Пешоварнинг мустақиллигини ҳурмат қилиши шарт қилиб қўйилди. Амир талабларни рад этди ва Бёрнс миссияси 1838 йилнинг апрелида Кобулни тарк этди. Бироқ Бёрнс Британия ҳукумати ва Ҳиндистон генерал-губернаторлигини *Дўстмуҳаммадхон*ни қўллаб-қувватлашга чақирди. Аммо афғонлар ўртасида обрў ва мавқега эга

бўлмаган *Шоҳ Шужо* 30 йиллик сургундан кейин 1839 йилнинг 7 августида Кобул тахтига қайтарилди. Бёрнснинг ҳукуматга юборган маълумотлари тўғридан-тўғри қалбакилаштирилди. Англия парламентига тақдим қилинган ҳужжатларда ташқи ишлар вазири лорд Пальмерстон Афғонистонга ҳужум қилиш заруратини “Бёрнс маслаҳати” билан оқлади. Бёрнс 1839-1841 йилларда Англиянинг Кобулдаги элчиси Уильям Макнотеннинг ўринбосари вазифасини бажарди. Афғонистонда инглизларнинг узоқни кўзламай олиб борган сиёсати Бёрнс учун аянчли якун топди. 1841 йилнинг 2 ноябрида А. Бёрнс укаси билан бирга қўзғолончилар томонидан ўлдирилди. Бёрнснинг “катта ўйин”га қўшган асосий ҳиссаси, авваламбор таҳлилий ва разведкавий аҳамият касб этиб, унинг тадқиқот натижаларида намоён бўлади. *Қ.: “Катта ўйин”, Ян Викторович Виткевич.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Бёрнс;* Encyclopedia Britannica. *Sir Alexander Burnes;* Encyclopedia Iranica. *Burnes, Alexander*; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. – NJ: Princeton University Press, 1980; Халфин Н.А. *Провал британской агрессии в Афганистане (XIX в. – начало XX в.)*. – М., 1959; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.

“БОБУРНОМА” – *жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик; ўзбек адабиётида дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асар*. Асарда 1494-1529 йиллар оралиғида Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган. Асар воқеалари уч қисмдан иборат бўлиб, Бобурнинг



Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1504-1524) ва

Ҳиндистон (1524-1530)даги ҳукмронлик даврини қамраб олади. Асарнинг Афғонистонга оид қисмида унинг иқлими, табиати, тарихи, аҳолиси, дини ва маданияти ўзига хос беқиёс гўзал даражада тасвирлаб берилган. Халқаро Бобур жамғармасининг Швециядаги вакили, афғонистонлик олим Абдулҳаким Шаръий Жузжоний таъбири билан айтганда, *"Бобур ўзбек афғоншунослик фанининг асосчисидир"*. Шубҳасиз, Бобурнинг илмий мероси жаҳон афғоншунослиги ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. "Бобурнома" мамлакатимиз, рус/совет ва ғарб афғоншунослигининг йирик намояндалари Н.А. Аристов, В.В. Бартольд, Т. Барфилд, А.Х. Бобохўжаев, Ю.В. Ганковский, Б.А. Дорн, В.М. Массон, И.М. Рейснер, В.А. Ромодин, Б. Рубин, А.Е. Снесарев ва бошқалар асарларининг муҳим манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. *"Бобурнома" – деб ёзади машҳур рус олими Ю.В. Ганковский, – Афғонистон ва афғонларни ўрганишда жуда муҳим манба ҳисобланади. У афғон қабилаларининг жойлашуви, турмуш тарзи, урф-одатлари, характери ва таомилининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида қимматли маълумотларни етказади, қатор шаҳар ва жойларнинг батафсил тавсифини келтиради"*. Академик В.В. Бартольд Бобур асарларини *"оғзаки туркий тилнинг оддийлиги, табиийлиги ва ифоданинг аниқлиги"* тимсоли деб таърифлайди. Биргина Кобул аҳолиси ва тилини таърифи бу асарга нисбатан айтилган фикрларни тасдиқлайди: *"Кобул вилоятида хилма-хил қавмлар бордир. Тоғ оралиқлари ва текисликларда турклар, аймоқлар, саҳройи араблар, шаҳар ва баъзи кентларида сортлар истиқомат қилишади. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида пашойи, парожий, тожик, бараки ва афғонлар яшашади. Ғарбий тоғларида ҳазора ва накдарийлар яшайдилар. Буларнинг орасида баъзилари мўғул тилида гаплашишади ....Кобул вилоятида ўн бир-ўн икки тилда сўзлашадилар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, габрий, баракий, ламғоний. Бирор вилоятда бунчалик хилма-хил қавм ва ҳар турли тилларда сўзлашувчилар борлиги маълум эмас"* ("Бобурнома", 107-

бет). Бобурнинг Кобулга нисбатан муҳаббати кучли бўлган. Таниқли афғоншунос олим Луи Дюпре таъбири билан айтганда, *“Бобур Кобулни севган ва фақатгина Фарғонани қайтариб олиш умиди сўнгач, Ҳиндистон томон йўл олган”*. Бобур мирзонинг васиятига кўра, сулола асосчисининг хоки ўғли Хумоюн томонидан 1540 йилда Аградан олиб келиниб, Кобулдаги *“Боғи Наврўзий”*га дафн қилинади. Шундан бошлаб бу боғ “*Боғи Бобур”* деб атала бошланган. Ҳозирда ушбу меъморий ёдгорлик қайта таъмирланиб, Кобул аҳли ва меҳмонларининг асосий зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси* / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Бартольд В.В. *Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов* – М.: Вост. лит., 2002; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. – NJ: Princeton University Press, 1980.

БОНН КОНФЕРЕНЦИЯСИ, 2001 – 2001 йил 27 ноябрь – 5 декабрь кунлари Афғонистон бўйича БМТ шафелигида Бонн шаҳрида ташкил этилган халқаро конференция. Конференция ишида 25 кишидан иборат тўртта афғон гуруҳи иштирок этган: “*Шимолий альянс”* (аксилтолибон ҳарбий-сиёсий иттифоқ), *Рим гуруҳи* (Зоҳиршоҳ тарафдорлари), *Кипр гуруҳи* (Эрондаги афғон гуруҳлари) ва *Пешовар гуруҳи* (Покистондаги афғон гуруҳлари). Конференция якунида *“Афғонистонда доимий давлат институтлари қайта тузилгунга қадар кўриладиган вақтинча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Бонн келишуви* имзоланди. Унга кўра,

Афғонистонда *Ҳамид Карзай* бошчилигида *мувaққат ҳукумат* шакллантирилди, шунингдек, мамлакатда тўлақонли ҳукумат ўз фаолиятини бошлагунга қадар, *Ўтиш ҳукуматини* тузиш мақсадида 6 ойдан сўнг Лойя жирғани чақириш белгиланди. Бундан ташқари, Афғонистоннинг янги конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузиш ҳамда *Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларни* ташкил этиш назарда тутилди. Бонн конференцияси натижалари ва ундан кейинги жараёнлар (хусусан, янги конституция қоидалари) тарихан анъанавий тарзда марказлашмаган афғон жамиятида ўта марказлашган бошқарув шаклини вужудга келишига замин яратди. Бонн келишувининг архитекторларидан бири БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича *махсус вакили Лахдар Браҳими* конференция ишига «Толибон» ҳаракати вакилларини жалб этилмаганлигини *“дастлабки/асосий айб (original sin)”* деб атади. *Қ.: “Енгилмас озодлик” операцияси, Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар, Бонн конференцияси 2011.*

Ад.: UN Peacemaker. *Agreement on Provisional Arrangements in Afghanistan Pending the Re-establishment of Permanent Government Institutions (Bonn Agreement)* //https://peacemaker.un.org/afghanistan-bonnagreement2001; Barnet R. Rubin *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002.

БОНН КОНФЕРЕНЦИЯСИ, 2011 – Афғонистон бўйича биринчи Бонн конференциясининг 10 йиллиги муносабати билан 2011 йил 5 декабрда чақирилган халқаро конференция. Унинг ишида 80 дан ортиқ давлат ва 15 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Конференцияда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: 2014 йилга қадар давлат бошқаруви соҳасидаги масъулият ва жавобгарликни Афғонистон ҳукуматига юклатилишининг ижтимоий жиҳатлари; сиёсий трансформация даврида (2015-2024) халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонни қўллаб-қувватлаш бўйича мажбуриятлари; Афғонистонда барқарорликни

таъминлашга қаратилган сиёсий жараёнлар. Дастлабки режага кўра, конференция “Толибон” ҳаракати билан тинчликка эришиш бўйича дипломатик ҳаракатларни намойиш этиш бўлган бўлса-да, амалда бу ўз тасдиғини топмади. Толиблар ва Покистон конференцияда иштирок этишдан бош тортди. Халқаро ҳамжамият 2024 йилга қадар расмий Кобулни қўллаб-қувватлашга оид *Конференция хулосасини* қабул қилди.

Ад.: UN Peacemaker. *Afghanistan and the International Community: From Transition to the Transformation Decade, Conference Conclusions, 5 December 2011*; *Reading between the lines of Bonn 2*, The Afghanistan Analysts Network, 2011 //https://www.afghanistan-analysts.org/en/reports/international-engagement/aan-live-reading-between-the-lines-of-bonn-2/.

БРАҲИМИ ЛАХДАР – жазоирлик дипломат, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича *махсус вакили* (1997-1999, 2001-2004). Браҳими Афғонистондаги конфликтни ҳал этишда унга қўшни бўлган давлатлар ўртасидаги консенсусни таъминлашга ҳаракат қилди. Ўзбекистон Республикасининг “*6+2” мулоқот гуруҳи*ни тузиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. 1999 йилда Тошкентда БМТ шафелигидаги Афғонистон бўйича конференцияни ташкил этишда бевосита иштирок этди. 1998 йил август ойида толиблар назоратига ўтган Мозори Шариф шаҳри (Балх)да *Эрон дипломатлари*нинг ўлдирилиши “Толибон” ва ЭИРни қуролли тўқнашув ёқасига олиб келиб қўйди. Браҳимининг мулла Умар билан учрашуви конфликтни бартараф этишга ёрдам берди. Бу “Толибон” етакчисининг (покистонлик бўлмаган) хорижий давлат дипломати билан биринчи учрашуви эди. 2001 йил 27 ноябрь – 5 декабрь кунлари БМТ шафелигида *Бонн конференцияси* чақирилди. Ўта мураккаб вазиятда Браҳими ва

конференциянинг бошқа ташкилотчилари турли манфаат ва мақсадни кўзлаган афғон гуруҳларининг ўзаро келишувини таъминлади.

Ад.: Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London, New York: I.B. Tauris, 2010.

БУШ ДОКТРИНАСИ – 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик актларидан сўнг президент кичик Ж. Буш томонидан илгари сурилган ташқи сиёсий доктрина. Унинг асосий ғоялари 2002 йилнинг 1 июнь куни Ж. Бушнинг Уэст-Пойнт (Нью-Йоркда Ҳарбий академия)даги нутқида ўз ифодасини топган. Нутқ Оқ уй матбуот хизмати томонидан қуйидаги изоҳ билан тақдим этилди: *«АҚШ ташқи сиёсатининг янги доктринаси шаклланмоқда ... Уэст-Пойнтдаги нутқ Президент ва унинг маъмурияти қарашлари ва фикрлаш тарзи тўғрисида тасаввур беради...»*. Доктринада анъанавий тийиб туриш сиёсатини терроризм ва оммавий қирғин қуролларини тарқалишига қарши курашда самарасиз эканлиги таъкидланади. Тўқнашувни душман ҳудудига кўчириш, унинг режаларини барбод қилиш ҳамда жиддий таҳдидлар пайдо бўлишидан аввал уларга қарши туриш, жумладан, олдини олувчи зарбалар беришнинг лозимлиги белгиланади. Ушбу қарашлар Ж. Буш маъмуриятининг 2002 ва 2006 йилларда қабул қилган Миллий хавфсизлик стратегияларида ўз аксини топди.

Ад.: Уткин. А. *Доктрина Буша: концепция, разделившая Америку* //Россия в глобальной политике №4, 2005 июль/август; *National Security Strategy of the United States of America* //https://2009-2017.state.gov/documents/organization/63562.pdf.



- В -

ВАЗИРИСТОН – Покистон Ислом Республикасининг ғарбида жойлашган тарихий, географик ҳудуд. *Шимолий (маъмурий маркази Мироншоҳ)* ва *Жанубий (Вана) Вазиристон*га бўлинади. Ҳудуди *Сулаймон тоғ* тизмалари билан қоплаб олинган, шимолдан *Қуррам* дарёси, жанубдан *Гумал* дарёси ва ғарбдан Афғонистон билан чегарадош унумсиз ер. Ҳудуди тахминан 20 минг кв. км.ни ташкил этади. 1893 йилда амир Абдураҳмон билан инглизлар ўртасида имзоланган *Дюранд шартномаси*га мувофиқ, Британия Ҳиндистонига қўшиб олинган. 1947 йилдан Покистон таркибига кирган. 2018 йилнинг май ойига қадар *Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди*нинг алоҳида конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган *агентликлари* ҳисобланган. Ҳозирда Шимолий ва Жанубий Вазиристон Покистоннинг *Хайбар Пахтунхва* вилояти таркибидаги *округлар* саналади. Аҳолиси тахминан 1 миллион кишини ташкил этади. Шимолда асосан *вазирлар* (*дарвишхел*), жанубда эса *маҳсудлар* истиқомат қилади. Шу билан бирга *даварлар* ҳам мавжуд. Аҳоли *вазири*, пушту тилининг жануб диалектида сўзлашади. Мазкур қабилалар инглиз-афғон урушларининг фаол иштирокчиси бўлишган. Вазиристон 1928 йилда Муҳаммад Нодирхон ва унинг тарафдорлари учун Ҳабибулло Калаконий ҳукмронлигига қарши курашда таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. 20-асрнинг 80-йилларидан бошлаб Шимолий Вазиристон *“Ҳаққоний тармоғи”*нинг асосий қароргоҳи бўлиб келмоқда. 2001 йил воқеаларидан кейин Шимолий ва Жанубий Вазиристондан *“ал-Қаида”*, *“Ўзбекистон исломий ҳаракати*” ва бошқа хорижий террористик ташкилотлар

жангарилар бошпана топди. *Қ.: Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди, Вазирлар.*

Ад.: Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: “Наука”, 1984; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Вазиристон;* Encyclopedia Britannica. *Waziristan;* Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What everyone needs to know*. – New York: Oxford University Press, 2020.

ВАЗИРЛАР (*дарвишхел* деб ҳам номланади) **–** *гургушт* иттифоқига кирувчи пуштун қабиласи. Вазирлар асосан Покистон Ислом Республикасининг Хайбар Пахтунхва вилоятига тегишли *Шимолий Вазиристон* округида истиқомат қилади. Асосий машғулоти чорвачилик. Манбаларга кўра, вазирлар 14-асрда Пактика вилоятидан кўчиб келиб, ҳозирги Вазиристон ҳудудида ўрнашиб қолган. Тахминан 400-500 минг атрофидаги вазирларнинг аксарияти *“Дюранд чизиғи*”нинг Покистон қисмида мустаҳкам ҳимояга эга бўлган тоғли қишлоқларда яшайди. Вазирлар шарқий пуштунларнинг энг кучли, жангари қабилаларидан бири ҳисобланади. Улар *Муҳаммад Нодирхон*нинг *Ҳабибулло Калаконий*га қарши курашида иштирок этишган. 1929 йилда маршал Шоҳ Вали ва ўз етакчилари Оллоҳ Навозхон бошчилигида Кобулни ва шоҳ саройини эгаллашган.

Ад.: Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: "Наука", 1984; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Вазиристон.*

ВИТКЕВИЧ ЯН ВИКТОРОВИЧ – ҳарбий, тадқиқотчи, *“катта ўйин”*нинг фаол иштирокчиси, Россиянинг Афғонистондаги биринчи элчиси. 1823 йилда *махфий поляк аксилҳукумат ташкилоти*даги фаолияти учун 16 ёшли Виткевич суд томонидан солдатликка ҳукм қилинган. Ҳарбий хизматни Оренбургда ўтаган (Бу вақтда *Оренбург чегара комиссияси* Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқаларига, шунингдек, улар тўғрисида тегишли маълумотларни йиғишга масъул эди). Фавқулодда истеъдод

эгаси бўлган Виткевич немис, француз, инглиз ва рус тилларини билган ҳамда қисқа муддатда форс, қозоқ ва ўзбек тилларини ўзлаштириб олган. У маълум муддат машҳур немис олими *Александр Гумбольдт*га унинг Россия бўйлаб саёҳатида ҳамроҳлик қилган. Айнан унинг илтимоси билан Виткевичга кичик офицерлик унвони берилади. Виткевич 1836 йилда савдо карвони билан *Бухоро*га келади ва Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазият, хонликларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда инглизларнинг ушбу минтақага интилишларига оид маълумотларни тўплайди. У Бухорода Дўстмуҳаммадхоннинг элчиси/чопари билан учрашади ҳамда уни Санкт-Петербургга кузатиб келиб, ҳукумат вакиллари билан махфий музокараларида таржимонлик қилади. 1837 йилнинг декабрида Виткевич инглиз разведкачиси *Александр Бёрнс* изидан дипломатик миссия билан Тифлис ва Эрон орқали Афғонистонга келади. Ташқи ишлар вазирлиги йўриқномасида Виткевичга Кобул ва Қандаҳор ҳукмдорларини муросага келтириш; сиёсий нуфузга эга бўлган қўшни давлат, яъни Эрон билан мудофаа бўйича иттифоқ тузишга ундаш; шунингдек, Россия билан Афғонистон ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш вазифалари юклатилади. Бёрнс миссиясининг муваффақиятсизликка учраши Виткевич имкониятларини кенгайтирди. Бироқ инглизлар босими ҳамда вужудга келган геосиёсий воқелик шароитида Россия ҳукумати Афғонистонга оид ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўлади. Виткевичнинг Дўстмуҳаммадхон саройида олиб бораётган музокаралари тўхтатилади ва у Кобулдан чақириб олинади. *“Виткевич* – деб ёзади А. Снесарев, – *фавқулодда энергия ва истеъдод эгаси эди; у катта ютуқларга эришди, бироқ ниҳоят даражада ёлғиз бўлмаганида, бундан-да кўпига эришган бўлар эди”*. Виткевич

миссиясининг дипломатик натижалари йўққа чиқди. У ўзи тўплаган барча қимматли маълумотлар билан Санкт-Петербургга қайтди. Виткевич 1839 йилнинг 9 май куни меҳмонхонада ўз хонасида ўлик ҳолда топилди. Расмий нуқтаи назарга кўра, у ўз жонига қасд қилган. Ян Виткевич қатор бадиий асарлар ва кинофильмларнинг бош қаҳрамони ҳисобланади. Хусусан, Ю. Семёновнинг “Дипломатик агент” ва М. Гуснинг “Кобулдаги дуэль” китоблари ҳамда Л. Файзиевнинг “Ватанга хизмат” фильми ва бошқалар. *Қ.: “Катта ўйин”, Александр Бёрнс.*

Ад.: Халфин Н.А. *Провал британской агрессии в Афганистане (XIX в. – начало XX в.).* – М., 1959; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982; Снесарев А.Е. *Афганистан. Географическо-политический очерк.* – М.: «Лань», 2013; Dupree L. *Afghanistan*. 2 nd ed. – NJ: Princeton University Press, 1980.

ВОЛЕСИ ЖИРҒА – 2021 йилгача фаолият юритган Афғонистон парламенти (Миллий мажлис)нинг қуйи палатаси, *Халқ вакиллари палатаси (Халқ палатаси)* деб ҳам аталган. Депутатлар сони 250 нафар этиб белгиланган. Уларнинг камида 68 нафари аёллар, шунингдек, 10 та ўрин *кучи*лар, 1 тадан ўрин сикх ва ҳиндулар учун ажратилган. Мамлакат конституциясига мувофиқ, депутатларнинг камида 1/10 қисми ташаббуси билан вазирларга маълум бир масалалар юзасидан депутатлик сўровини йўллаб, тушунтириш талаб қилиш; депутатларнинг камида 20 % ташаббуси ва уларнинг кўпчилик овози билан вазирларга *ишончсизлик вотумини* эълон қилиш; тараққиёт дастурлари ва давлат бюджетига оид масалаларда қуйи ва юқори палаталар ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда ҳал қилувчи қарорни қабул қилиш; депутатларнинг камида 1/3 қисми розилиги

билан президентга айблов эълон қилиш каби муҳим ваколатларга эга бўлган. *Қ.: Мешрано жирға.*

Ад.: Конституция Исламской Республики Афганистан //https://worldconstitutions.ru/?p=24.

ВОҲОН – *Ҳиндукуш*, *Қорақурум* ва *Помир* тоғлари туташган нуқтада жойлашган Афғонистон шимоли-шарқидаги энг чекка ҳудуд; Бадахшон вилояти таркибига кирувчи туман. Воҳон ғарбда Ишкошимдан шарқда Хитойнинг *Синьцзян-Уйғур автоном тумани*гача бўлган узун тор йўлакни ташкил этади. Шимолда Тожикистон, шарқда Хитой ва Покистон билан чегарадош. Кам сонли аҳолиси (тахминан 13 минг киши)ни *воҳонлар* ва *қирғизлар* ташкил этади. Аҳоли Помир тиллари оиласига кирувчи *воҳон тили*да сўзлашади. 19-асрнинг охирида Россия билан Британия ўртасида тузилган шартнома ушбу йўлак (Афғонистон)ни икки империяни ажратиб турувчи *буфер* ҳудудга айлантирди. Бадахшон ҳудудида хорижий террористларнинг, жумладан, “Шарқий Туркистон исломий ҳаракати” жангариларининг мавжудлиги Воҳон йўналишини ХХР хавфсизлиги учун аҳамиятини белгилайди.

- Г -



ГАНДАМАК ШАРТНОМАСИ – 1879 йил 26 майда Кобул яқинидаги *Гандамак қишлоғи*да Англия билан Афғонистон ўртасида тузилган битим. Афғонистон учун салбий оқибатларга эга бўлган ушбу битим *амир Ёқубхон* билан Буюк Британия ҳукумати вакили *Луи Каваньяри* томонидан имзоланган. Шартнома бандларига кўра, Афғонистон амалда ўз мустақиллигини йўқотди: ташқи сиёсат масалаларида мустақил фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди; мамлакатнинг ички сиёсатини Британиянинг Афғонистондаги элчиси белгилайдиган бўлди. Бундан ташқари Куррам водийси ҳамда балужлар ҳудудлари ҳисобланган Сиби ва Пишин вилоятлари инглиз ҳукмронлиги остига ўтди. Хайбар ва Мичин довонларида Англия назорати ўрнатилди. Британия ҳукумати бошлиғи Дизраэли таъбирича, Гандамак шартномаси империяни *“илмий ва талабларга жавоб берадиган чегара билан таъминлади”*.

Ад.: *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Гандамак шартномаси*.

ГИЛЗАЙЛАР – пуштун қабилаларининг Афғонистондаги энг йирик иттифоқларидан бири. Гилзайларнинг анъанавий истиқомат макони Ғазни ва Калати Гилзайдан шарққа қараб, Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудларни қамраб олади. Гилзайлар *ғарбий* ёки *турон* (хотакий, харутий қабилалари) ва *шарқий* ёки *буран* (сулаймонхел, таракий, алихел

қабилалари) гуруҳларига бўлинади. Гилзайларнинг шаклланишида қадимдан (айрим манбаларда 4-асрдан, Бартольд) ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида, Сейистон билан Ҳиндистон оралиғида яшаган, кейинчалик (11-13 асрлар) Ғазни платосига бориб ўрнашган ва туб аҳоли билан аралашиб кетган қадимий туркий қабила *халажлар* ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шунинг учун гилзайлар ўзларини халажлар деб ҳам аташади. Гилзайлар Деҳли султонлигини бошқарган (1206-1526) Лўдийлар сулоласининг асосчилари ҳисобланади. Улар 1709 йилда Қандаҳорда ўз ҳокимлигини ўрнатишган. Ушбу ҳокимликнинг ҳарбий таянчини гилзайларнинг ғарбий (турон) тармоғи ташкил қилган. Сафавийларга қарши қўзғолонга *Мирвоис Хотакий* раҳбарлик қилган ва гилзай ҳокимлигининг биринчи раҳбари бўлган. 1738 йилда Қандаҳор ҳокимлиги яна Эрон ҳукмдорлари назоратига ўтган. Гилзайлар инглиз-афғон урушларида, Кобул режимига қарши курашда, ҳукуматга қарши амалга оширилган турли исёнларда муҳим роль ўйнаган. Гилзайларнинг ёрқин намояндалари сифатида *Н. Таракий, Ҳ. Амин, М. Нажибулла* ва *Г Ҳикматёр*ни келтириш мумкин.

Ад.: Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана*. Т.I. – М.: «Наука», 1964; Бартольд В.В. *Работы по истории и филологии тюркских и монголских народов* – М.: Восточная литература, 2002; Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: “Наука”, 1984; Encyclopedia Britannica. *Pashtun;* Большая российская энциклопедия. *Гильзай.* (автор В.Г. Коргун).

ГИЛОНИЙ (ЖИЛОНИЙ) САИД АҲМАД – 1931 йилда Кобулда туғилган бўлиб, *қодирия* тариқатининг асосчиси *Абдулқодир Гилоний*нинг авлодларидан ҳисобланади. Ушбу тариқат ҳозирги кунда Шимолий Африка, Судан, Ироқ, Афғонистон ва Покистонда кенг тарқалган. Гилонийнинг отаси (1905 йилда амир Ҳабибуллахон томонидан Афғонистонга таклиф этилган ва унга Нангарҳордан ер

ажратилган) 1920-1925 йилларда Германияда таълим олган ва шу ерда немис аёли Мария Рихтерга уйланган. Гилоний қодирия тариқатининг етакчиси, пири ҳисобланган. Мазкур тариқат муридларининг асосий қисми Афғонистоннинг шарқида истиқомат қилувчи пуштун қабилалари ҳисобланади. Гилонийлар оиласи Нангарҳор, Пактия, Лағмон ва бошқа вилоятларда катта ер ва мулкка эга бўлган. Гилоний Зоҳиршоҳга яқин шахс бўлиб, амалда унинг норасмий маслаҳатчиси бўлганлиги айтилади. У 1978 йилда Иттифоқ ва Кобул режимига қарши курашни ташкил этиш мақсадида *“Афғонистон миллий исломий фронти”*ни тузади. Қизи *Фотима Гилоний* турмуш ўртоғи, таниқли афғон сиёсатчиси *Анвар ул-Ҳақ Аҳадий* билан бирга “Пешовар гуруҳи” таркибида 2001 йилдаги Бонн конференциясида иштирок этган. Гилоний 2017 йилда вафот этган. *Қ.: Қодирийлар.*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: Наука, 1990; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know.* – New York: Oxford University Press, 2020.

ГОЛДСМИД ҚАРОРИ – 1872 йилда инглиз генерали *Фредерик Голдсмид* раҳбарлигидаги чегара бўйича комиссия ёки арбитражнинг *Сейистон* ҳудудида Афғонистон ва Эрон ўртасидаги чегара чизиғини белгилашга оид қарори. Эрон 19-асрнинг иккинчи ярмида Афғонистонда вужудга келган нотинч вазиятдан фойдаланиб, унга тегишли ҳудудни босиб олади. Ўртадаги ҳудудий низони бартараф этиш учун инглизлар ўз хизматини таклиф қилди. Арбитр этиб, 1870-1871 йилларда Балужистон (Макран) бўйича чегара комиссиясининг бош комиссари бўлган, урду, араб ва форс тиллари билимдони генерал-майор Ф. Голдсмид тайинланди. Бироқ комиссиянинг якуний қарори ҳеч бир томонни

қониқтирмади. Аммо, Л. Дюпре таъбири билан айтганда, *“яна бир сунъий чегара чизиғи”* пайдо бўлди. 1902 йилда Эрон талаби ва Афғонистон ҳукуматининг розилиги билан полковник *Генри Макмахон* бошчилигидаги яна бир инглиз комиссияси ушбу йўналишда аниқ чегара чизиғини ўрнатиш ҳамда *“Голдсмид чизиғи”*ни тўғрилашга уриниб кўрди. Демаркация ишлари 1904 йилга келиб якунланди ва томонлар маълум шартлар (оговорка) билан комиссия томонидан ўрнатилган чегараларни тан олди. Бироқ *Ҳилманд дарёси* суви тақсимоти масаласида Афғонистон ва Эрон ўртасидаги конфликтли вазият сақланиб қолаверди. Ҳилманд дарёси бўйича икки томонлама шартнома 1973 йилга келиб имзоланди. *Қ.: Балужлар, Сейистон.*

Ад.: Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; Ludwig W. Adamec. *Historical dictionary of Afghanistan* / 3 rd ed., Asian/Oceanian historical dictionaries; No 47, 2003; Encyclopedia Iranica. *Goldsmid, Major-General Sir Frederick John.*

ГУЛ ҲАМИД – Покистон Қуролли кучлари генерали, *Идораларaро разведка*нинг бош директори (1987-1989). Ҳамид Гул пуштунларнинг *юсуфзай* қабиласига мансуб бўлган. Афғон мужоҳидлари учун фожиали якун топган *Жалолобод операцияси* ташкилотчиси (1989). Ушбу операция натижасида жами 15 минг афғон мужоҳидлари ва хорижий кўнгиллиларнинг 3 минг нафари ҳалок бўлган. Покистон Ислом Республикаси бош вазири *Беназир Бхутто* томонидан лавозимидан бўшатилган. Афғонистонда собиқ Иттифоқ қўшинлари ва расмий Кобулга қарши курашда АҚШнинг яқин иттифоқчиси бўлган Ҳамид Гул кейинчалик унинг асосий танқидчиларидан бирига айланади. Покистон исломий партияларининг ғарб сиёсатига қарши юришларида иштирок этган. 1993 йилда *Усама бин Лоден* билан учрашган, уни террорист деб аташни рад этган.

“Ҳаққоний тармоғи”нинг асосчиси ва етакчиси *Жалолиддин Ҳаққоний*ни ўзининг *“дўсти”* деб атаган. 2010 йилда *BBC*га берган интервьюсида *“АҚШ – бу ўтмиш, Карзай ҳам ўтмиш, толиблар эса келажак”* деб айтган. АҚШ ҳукумати БМТ Бош котибига Ҳамид Гул ҳамда Покистон разведкасининг бир неча собиқ ходимларини халқаро террорчилар рўйхатига киритиш таклифи билан чиққан. ХХР бунга нисбатан ўз эътирозини билдирган. Ҳамид Гул 2015 йилнинг август ойида вафот этган.

Ад.: Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012* – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013; *The Godfather of the Taliban: Hamid Gul and His Legacy* // https://www.dw.com/en/the-godfather-of-the-taliban-hamid-gul-and-his-legacy/a-18652103.



- Д -

ДАЛА ҚЎМОНДОНЛАРИ – 1) ўз назоратидаги қуролли гуруҳ ёрдамида муайян ҳудудда нисбатан мустақил ҳарбий ҳаракатларни ташкил этиш ва амалга ошириш қудратига эга бўлган *ҳарбий қўмондон* (масалан, Дадулла ёки Мансур фронтлари) ёки; 2) муайян этник, қабилавий ёки сиёсий таянчга эга бўлган, ўзининг ижтимоий мавқеи ҳамда иқтисодий, молиявий ва ҳарбий қудратига кўра, ҳудудларда мавжуд давлат органларига муқобил бўла оладиган ва давлат ҳокимиятига таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган *қудратли маҳаллий ҳарбий қўмондонлар*. Ғарб адабиётида иккинчи ҳолат кўпроқ *"warlords"* (*"уруш/ҳарбий қўмондонлар"*) тушунчаси билан изоҳланади. Қудратли маҳаллий/минтақавий қўмондонлар сифатида Муҳаммад Ато Нур, Исмоилхон, Абдурашид Дўстим, Гул Оға Шерзай, Абдулқодир Арсалаларни келтириш мумкин. Ушбу феномен бевосита Афғонистондаги конфликтнинг воқелиги ҳамда унинг оқибатидир. 20-асрнинг 90-йилларида мамлакатда юзага келган ички сиёсий тарқоқлик ҳамда ҳокимият ва хавфсизлик вакууми шароитида Кобулдан мустақил равишда дала қўмондонлари атрофида куч марказлари вужудга келди. Маълум ҳолатларда уларнинг ҳокимияти ўз назоратидаги ҳудудларда барқарорлик ва тинчликнинг гарови (хусусан, Абдурашид Дўстим кучлари назоратидаги шимолий ҳудудларда) ҳамда толибларга қарши курашда АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг асосий ҳамкори ҳисобланган (хусусан, генерал Абдулраззоқ Қандаҳорда). 2001 йилдан кейин марказий ва маҳаллий давлат органларида муҳим мавқега эга бўлган (губернатор, ҳарбий корпус қўмондони, полиция бошлиғи) дала қўмондонлари ҳудуд, аҳоли ҳамда иқтисодий ресурсларни назорат қилиш учун формал (институциявий) ва

нoформал воситалардан кенг фойдаланишга интилди. Уларнинг давлат ҳокимиятига таъсирини камайтириш мақсадида расмий ҳукумат, жумладан, АҚШ кўмагида, бир қатор ишларни амалга оширди (хусусан, губернаторлик лавозимидан бўшатиб, вазир ёки ўзга вилоятга губернатор этиб тайинлаш ва бошқалар).

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical dictionary of Afghanistan* / 3 rd ed., Asian/Oceanian historical dictionaries; No 47, 2003; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know.* – New York: Oxford University Press, 2020; Dipali Mukhopadhyay. *Warlords as Bureaucrats: The Afghan Experience,* Carnegie Papers, No 101, August 2009.

ДАРИЙ (*форсча* – тоғ, дарага мансуб: дарада яшовчилар тили; кейинчалик: сарой тили) – Афғонистон конституциясига кўра (2004), пушту билан бир қаторда давлатнинг расмий тилларидан бири. Ҳинд-эрон тиллари гуруҳига мансуб бўлиб, *“форси-кобулий”* ёки “*янги форс тили”* деб ҳам юритилади. Замонавий араб алифбосида ёзилади, кўплаб арабча ва форсча сўзларни ўзлаштирган. Мамлакатнинг *шимолий, ғарбий* ва *марказий вилоятлари* ҳамда *пойтахт Кобул* ва бошқа катта шаҳарларда кенг тарқалган. Этник тожиклар, ҳазоралар ва чораймоқлар ушбу тилда сўзлашади. Дарий тарихан *“сарой тили”* сифатида қўллаб келинган. Адабиёт ва расмий иш юритиш тили сифатида дарий ҳозирда ҳам давлат органлари ва таълим тизимида ҳамда зиёлилар орасида ўз мавқеини сақлаб қолмоқда. Шу боис дарий тили Афғонистондаги турли миллат вакиллари учун *lingua franca*, яъни ўзаро мулоқот тили ҳисобланади. Дарийнинг Кобул, Балх, Ҳирот, Бадахшон, Панжшир, Лағмон, Аймоқ ва Ҳазора шевалари мавжуд.

Ад.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006; Encyclopedia Iranica. *Afghanistan/Languages*; Encyclopedia Britannica. *Dari language*.

ДЕОБАНДИЙЛИК (деобандизм) – Британия Ҳиндистонининг *Деобанд* шаҳрида вужудга келган диний-сиёсий *реформистик* ҳаракат. Деобандийлик ҳадислар ва ҳанафий мазҳабининг таълимоти ва ҳуқуқий анъаналарига таянади. Тариқатга нисбатан муросада бўлинган. Мазкур ҳаракат асосларининг яратилиши 1866/67 йилларда Деобанд шаҳрида ташкил этилган *“Дор ул-илм” (“Илм уйи”)* мадрасаси фаолияти билан бевосита боғлиқ. Асосчилари сифатида *Муҳаммад Қосим Нанатави* (1832-1880) ва *Рашид Аҳмад Гангоҳи* (1829-1905)нинг номлари келтирилади. Шунингдек, ислом илоҳиётининг йирик намояндаси, 18-асрда Ҳиндистон мусулмонлари ўртасида бошланган диний ислоҳотчилик ҳаракатининг асосчиси *Шоҳ Валиуллоҳ*нинг ҳам таъсири кучли бўлган. У мусулмонлар ўртасида илм ва маърифатни, ахлоқий тарбияни кучайтириш, илмсизлик ва жаҳолатга қарши кураш тарафдори бўлган. Деобандийлик мусулмон ҳукмдор бўлмаган мустамлака давлатда мусулмон жамиятини ислоҳ қилиш ва бирлаштиришни кўзлаган. Диний қадриятлар, қонунлар ва таълим зарар кўрган Британия бошқарувидаги мамлакатда диний амалиёт ва тафаккурни ислоҳ қилиш орқали солиҳ аждодларнинг соф динига қайтиш ҳамда мустамлака давлатни шариат қоидаларига қатъий риоя этиладиган *“тинчлик мамлакати” (дор ул-омон)*га айлантириш бош мақсад қилиб белгиланган. Ҳаракат тарафдорлари *“Ҳиндистон уламолари жамияти”* (1919) ва *“Ислом уламолари жамияти”* (1941)ни тузишда фаол иштирок этишган. Деобандий мадрасалар унинг ғояларини Жанубий Осиё, хусусан, Афғонистон бўйлаб кенг ёйилишида муҳим роль ўйнаган. 1879 йилда Ҳиндистонда жами 12 та деобандий мадрасалари мавжуд бўлган бўлса, 20-асрнинг 60-йилларига келиб уларнинг сони Жанубий Осиёда 9000 тага етган. Афғонистон ҳукмдорлари (Абдураҳмон, Омонуллахон) мамлакат ҳудудида деобандий мадрасаларини

очилишини тақиқлаган. Омонуллахон ушбу мадрасалар битирувчиларини “сотқинлар ва чет эл тарғиботчилари” деб атаган. Бироқ шунга қарамасдан, 20-асрнинг 30-йилларига келиб мамлакатда бир неча мадрасалар пайдо бўлган. 1947 йилдан кейин ушбу мактаб қарашлари ва амалиёти, айниқса, пуштун ҳудудларида кенг тарқалган. Шунингдек, мавлоно *Фазлур Раҳмон* ва *Самиул Ҳақ*нинг *“Ислом уламолари жамияти”* саъй-ҳаракати билан асосий деобандий мадрасалар мустақил қабилалар ҳудудида ташкил топган. Шубҳасиз, уларнинг энг машҳури ва йириги Хайбар Пахтунхва вилоятининг Акора Хаттак шаҳридаги Самиул Ҳақнинг *“Дор ул-илм Ҳаққония”* мадрасаси ҳисобланади. Афғон мужоҳидларининг етакчи вакиллари *Юнус Холис*, *Муҳаммад Наби Муҳаммадий*. *Жалолиддин Ҳаққоний* ва бошқалар мазкур мадраса битирувчилари ҳисобланади. 1999 йилда толиблар ҳукуматининг саккизта вазири ва ўнлаб губернаторлари, қозилари, ҳарбий қўмондонлар “Ҳаққония” мадрасаларининг битирувчилари бўлишган. Ўн йиллар давомида бепул таълим, озиқ-овқат ва бошпана тақдим қилган ушбу мадрасалар афғон қочоқлари учун муҳим таълим маскани бўлиб келган. Айнан уларнинг талабалари (толиблар) 80-йилларда мужоҳидлар учун, 90-йилларда “Толибон” ҳаракати учун муҳим ижтимоий база бўлиб хизмат қилган. Бироқ ушбу мадрасалар асосан қишлоқ жойларида фаолият юритган. Уларда деобандийликнинг асл мақсадларидан бехабар, етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган муллалар дарс бериб келган. Деобандийлик *“Толибон”* ҳаракатининг мафкуравий асосини ташкил этади. Бироқ динга, эътиқодга нисбатан толибларнинг ёндашуви ва талқинини мусулмон дунёсида қиёси кам. *“Толибон”* – деб ёзади Аҳмад Рашид, - *ўзиникидан ўзга Исломни тан олмаган”*. 20-асрнинг 80-йилларида саудия арабистонилик ва қувайтлик кўнгиллилар ҳамда афғон мужоҳидлари фаолияти деобандийликда салафийлик ғоялари таъсирини кучайишига хизмат қилди. *Қ.: “Ислом уламолари жамияти”, Толибон.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Шоҳ Валиуллоҳ; The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought*. *Deobandis.* – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London-New York: I.B. Tauris, 2010; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know*. – New York: Oxford University Press, 2020.

ДОВУД МУҲАММАД САРДОР – таниқли афғон сиёсатчиси, ҳукумат ва давлат бошлиғи. 1909 йилда Кобулда туғилган, *дурроний* иттифоқининг *муҳаммадзай* қабиласи вакили. 1946-1953 йилларда мудофаа ва ички ишлар вазири, 1953-1963 йилларда бош вазир лавозимида фаолият юритган. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда сезиларли ислоҳотларни амалга оширган, афғон аёлларининг жамиятдаги ўрни ва ҳукумат бошқарувидаги иштирокини таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган беш ва етти йиллик режаларнинг ташаббускори бўлган. Мамлакатни бошқаришда ҳарбийлар ва Совет Иттифоқининг кўмагидан кенг фойдаланган. Пуштунистон масаласида қатъий аксилпокистон сиёсатини олиб борган. 1963-1973 йилларда Довуднинг Афғонистон сиёсий саҳнасидаги фаоллиги сезилмади, бироқ Кобулда ҳокимиятни эгаллаш учун замин яратиб борди. 1973 йилда армиядаги ўз тарафдорлари ва *АХДП*нинг *"Парчам"* фракцияси кўмагида давлат тўнтаришини амалга оширди. Амакиваччаси Афғонистон қироли Зоҳиршоҳ тахтдан воз кечди ва Италиядан бошпана топди. Мамлакатда монархия бошқаруви тугатилди, Афғонистон республика деб эълон қилинди. Довуд президент ва бош вазир лавозимларини эгаллади. 1977 йилда Афғонистоннинг янги конституцияси қабул қилинди. Довуд ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятдаги эркин

қарашларни ёқлаган бўлса-да, давлат бошқарувида авторитар сиёсат юритди. Унинг *АХДП*даги “ҳамкорлари” билан муносабатлари кескинлашди. У 1975 йилда *“Миллий инқилоб”* партиясини тузди ва Ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Совет Иттифоқининг таъсирини камайтириш, Эрон, араб ва ғарб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилди. 1978 йилда *Саврн инқилоби* юз берди. Муҳаммад Довуд ва унинг оила аъзолари коммунистлар томонидан қатл этилди. Натижада дурронийлар сулоласининг Афғонистондаги 231 йиллик ҳукмронлик даври ўз якунига етди. *Қ.: Муҳаммад Зоҳиршоҳ*.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical dictionary of Afghanistan* / 3 rd ed., Asian/Oceanian historical dictionaries; No 47, 2003; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Большая российская энциклопедия. *Дауд Мухаммед*; Encyclopedia Britannica. *Mohammad Daud Khan*.

ДОНИШ МУҲАММАД САРВАР – таниқли афғон сиёсатчиси, олим. 1961 йилда Урузгон (ҳозирги Дайкунди) вилоятида туғилган, этник ҳазора. Ҳуқуқ, журналистика ва ислом тадқиқотлари бўйича Ироқ, Сурия ва Эроннинг олий ўқув юртларида таҳсил олган. 15 дан ортиқ китоб ва кўп сонли илмий мақолалар муаллифи. Афғонистон конституцияси лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган қўмита аъзоси, *Фавқулодда лойя жирға* (2002) ҳамда *Конституциявий лойя жирға* иштирокчиси бўлган (2004). Янги ташкил топган (2004) Дайкунди вилоятининг биринчи губернатори этиб тайинланган. 2001-2003 йилларда олий таълим вазири, 2004-2009 йилларда адлия вазири лавозимларида ишлаган. 2014 йилда Ашраф Ғани гуруҳида *вице-президент* этиб сайланган. *“Ҳизб-и Ваҳдат”* партияси

фракцияси етакчиларидан бири М. Эрфонийнинг куёви. Дарий, пушту ва араб тилларида сўзлашади.

Ад.: *Danish, Mohammad Sarwar*. http://www.afghan-bios.info/index.php?option=com_afghanbios&id=402&task=view&start=601&Itemid=2.

ДОР УЛ-ИЛМ ҲАҚҚОНИЯ – ПИРнинг Хайбар Пахтунхва вилояти Акора Хаттак шаҳрида жойлашган *деобандий мадраса*. 1947 йилда покистонлик пуштун сиёсатчиси ва деобандий мактабининг раҳнамоларидан бири мавлоно Абдулҳақ Акорви томонидан ташкил этилган. Кейинчалик мадрасани унинг ўғли *“Ислом уламолари жамияти”* етакчиларидан бири *Самиул Ҳақ* бошқарди. Ушбу диний таълим маскани Афғонистон ва Покистонда консерватив деобандий қарашлари ва амалиётини кенг тарқалишини таъминлади ҳамда кўплаб пуштун миллатига мансуб дин пешволари ва мадраса битирувчилари (ҳаққонийлар)ни исломий тартибот ўрнатишга руҳлантирди. Афғон мужоҳидлари ҳамда “Толибон” ҳаракатининг қатор таниқли вакиллари “Ҳаққония” мадрасасининг битирувчилари ҳисобланади. Шу боис ҳам мадраса *“толиблар университети”* номини олган. *Қ.: Деобандийлик.*

Ад.: Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014.

ДУРРОНИЙ АҲМАДШОҲ – шоҳ ва шоир, саркарда, мустақил афғон (дурроний) қабилавий давлатининг асосчиси. *Абдали* иттифоқининг *попалзай* қабиласи *садозай* уруғидан. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшор хизматида бўлган. Нодиршоҳ вафот этгач, Афғонистонга қайтган ва *1747 йилда*

*Қандаҳорда тахт*га ўтирган. Аҳмадшоҳ Дурроний барча пуштун қабилаларини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Ҳиндистон, Эрон ва Жанубий Туркистонга қатор ҳарбий юришларни амалга оширган. Машҳур афғоншунос олим *Луи Дюпре* Дурронийни замонавий афғон давлатчилигининг асосчиси деган фикрни танқид остига олади. Унга кўра, замонавий афғон давлатчилигининг яратилиши *амир Абдураҳмон* ҳукмронлиги даври билан боғлиқ. Афғон сиёсий саҳнасида қабилалар ва ҳудудларнинг бирлашиш ва бўлиниш жараёни мунтазам тарзда юз бериб келган. Айнан Абдураҳмон ҳукмронлиги даврида марказлашган давлат бошқаруви вужудга келган. Дурроний 17-аср афғон шеъриятининг давомчиси сифатида пушту тилида лирик шеърлар яратган. 1940 йилда Кобулда унинг 3000 байтдан иборат девони нашр этилган. Мазкур девоннинг қўлёзмаларидан бири Ўзбекистон ФА Шарқшунослик инситутида сақланмоқда.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Аҳмадшоҳ Дурроний;* Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980.

ДУРРОНИЙЛАР – Афғонистон ҳудудидаги энг йирик ва кўп сонли пуштун қабилалари иттифоқи. Мамлакатнинг жануби ва жануби-ғарбида (Қандаҳор, Ҳилманд, Урузгон, Фараҳ, Нимруз, Ҳирот), шунингдек, йирик шаҳарларида, қисман Покистонда яшайди. Дурронийлар 1747 йилгача *абдали* деб атаб келинган. Дурроний қабилавий давлатининг асосчиси *Аҳмадшоҳ Абдали* томонидан *“дур-и дурран”*, яъни *“дурлар дури”* деб ўзгартирилган. Дурронийлар *зирак* ва *панжпо* тармоқларига бўлинади. Зирак *попалзай* (Қандаҳорнинг шимоли ва шимоли-шарқида), *баракзай* (Қандаҳорнинг жанубида), *алакозай* (Қандаҳордан шарққа

қараб), панчпо эса *нурзай* (Афғонистоннинг жануби-ғарбида), *ализай* (Ҳилманд дарёси бассейнида), *исҳоқзай* (Фараҳда) ва бошқа қабилалардан иборат. Афғонистонда дурронийлар ҳукмрон пуштун иттифоқи, Қандаҳор эса дурронийлар ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб келган. Бошқа пуштун қабилаларидан фарқли ўлароқ, улар қатор солиқ ва тўловлар билан боғлиқ имтиёзларга эга бўлган. Афғон давлатида ҳокимият учун кураш асосан икки дурроний сулола *садозай (попалзай* қабиласи тармоғи) ва *муҳаммадзай (баракзай* қабиласи тармоғи) ўртасида кечган. Бу икки сулола афғон давлатчилигининг муҳим устунлари ҳисобланган. Афғонистоннинг барча ҳукмдорлари (айрим истиснолардан ташқари) айнан мазкур сулолага мансуб бўлган. Дурронийлар сулоласи 1747 йилдан то 1978 йилгача Афғонистонни бошқарган. "Толибон" ҳаракатининг асосчилари ва етакчиларининг аксарияти мазкур пуштун иттифоқи вакиллари ҳисобланади.

Ад.: *История Афганистана с древнейших времен до наших дней*. – М.: Мысль, 1982; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004.

ДЮРАНД ШАРТНОМАСИ – 1883 йилда Афғонистон амири *Абдураҳмон* билан Британия ҳукумати вакили *Мортимер Дюранд* томонидан имзоланган инглиз-афғон битими. Шундан унинг асосида ўрнатилган чегара чизиғи *"Дюранд чизиғи"* номини олган. Мустамлака сиёсатининг намойиши ҳисобланган ушбу ҳужжат аввалги (*Пешовар,* 1855 йил, *Гандамак,* 1879 йил) шартномаларнинг мантиқий давоми бўлиб, Афғонистон давлатидан тортиб олинган шарқий пуштун ерларини Британия империяси таркибига қўшиб олинишини ҳамда *"Дюранд чизиғи"*ни Афғонистон ва Британия Ҳиндистонининг давлат чегараси сифатида "тан

олиниши”ни таъминлади. Ушбу ҳолат 1905 (Кобул) ва 1921 (Кобул) йилларда икки давлат ўртасида имзоланган шартномаларда ҳам қайд қилинди. Тазйиқ остида имзоланган ушбу битим пуштунларни де-юре иккига бўлиб қўйди. Энг асосийси *“афғонлар Ватани”* деб ҳисобланган ерлар афғон давлати таркибига кирмай қолди (Бартольд). Бироқ амалда Британия ҳам, Покистон ҳам шарқий пуштун қабилаларига нисбатан ўзларининг тўлиқ назоратини ўрната олмади. 1947 йилда расмий Кобул Покистон ҳукуматидан шарқий пуштун қабилаларига *ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи* берилишини талаб қилди. Бироқ пуштун қабилаларига ё Покистон ёки Ҳиндистонни танлаш ҳуқуқи берилди. 1949 йилда Афғонистон парламенти Покистон давлати ташкил топгунга қадар тузилган барча инглиз-афғон шартномаларини бекор қилишини ҳамда “Дюранд чизиғи”ни давлат чегараси сифатида тан олмаслигини эълон қилди. Кобулда сиёсий режимларнинг ўзгаришига қарамасдан, ўтган вақт мобайнида ҳеч бир афғон ҳукумати (монархия, республика, коммунистлар ва на толиблар) “Дюранд чизиғи”ни давлат чегараси сифатида тан олмади. Чегара омили ҳамон афғон-покистон алоқаларига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Ад.: Бартольд В.В. *Работы по исторической географии и истории Ирана* – М.: Восточная литература, 2003; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004; Большая российская энциклопедия. *Англо-афганские договоры и соглашения*.

ДЎСТИМ АБДУРАШИД – таниқли афғон сиёсатчиси, Афғонистон вице-президенти, Қуролли кучлари маршали. 1954 йилда Жузжон вилоятининг Шибирғон туманида ўзбек-туркман оиласида туғилган. АДР Қуролли кучлари сафларига қўшилган. 1979 йилдан *АХДП* (*“Парчам”* фракцияси) аъзоси бўлган. 1980 йилда

Совет Иттифоқига ўқишга юборилган. Муҳаммад Нажибулла ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Кобул режимининг таянчига айланган, асосан этник ўзбеклардан ташкил топган ҳарбий қисм (53-дивизия) қўмондони бўлган. 1990 йилда АДР мудофаа вазири Шоҳнавоз Танай қўзғолонини бостиришга раҳбарлик қилганлардан бири. Икки маротаба "АДР қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган. 1992 йилда *"Афғонистон миллий исломий ҳаракати"* ёки қисқача *"Жунбиш"* партиясига асос солган. Партиядаги ўринбосарларидан бири Дўстимнинг яқин иттифоқчиси, ҳазоралар етакчиси *Муҳаммад Муҳақиқ*. 1992 йилнинг апрель ойида Дўстим *Аҳмадшоҳ Масъуд* ва *исмоилийлар етакчиси Саид Жафар Нодирий* билан иттифоқда Кобулни ишғол қилишда ва *Гулбиддин Ҳикматёр*га қарши жангларда қатнашган. 1994 йилда *Бурҳониддин Раббоний* бошчилигидаги ҳукуматга қарши курашда Ҳикматёр билан иттифоқ тузади. 90-йилларнинг бошида вужудга келган сиёсий бошбошдоқлик ва хавфсизлик вакууми шароитида у Шимолий Афғонистоннинг қатор вилоятлари (хусусан, *Балх, Қундуз, Жузжон* ва *Фарёб*)ни бирлаштириб, амалда Кобулдан мустақил (ўз ҳукумати, армияси, пул бирлиги (халқ тилида *жунбиш*)га эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирликни яратади. 1996 йилда Аҳмадшоҳ Масъуд ва бошқа дала қўмондонлари билан ҳамкорликда аксилтолибон иттифоқини тузади. "Жунбиш"даги иккинчи шахс *генерал Малик* толиблар томонига ўтгач, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлади (1997). 2001 йилнинг май ойида толибларга қарши янги фронт очиш учун Афғонистонга қайтиб келади ва шу йилнинг кузида АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучлари кўмагида Кобулни ишғол этишда иштирок этади. Карзай ҳукуматида Афғонистон Қуролли кучлари олий бош қўмондони штаби бошлиғи, мудофаа вазири ўринбосари лавозимларида фаолият юритади. 2004 йилда президентлик сайловларида иштирок этиб, 10 % овозга эга бўлади. 2014 йилги сайловларда Ашраф Ғани гуруҳида иштирок этади ва биринчи вице-президент лавозимига сайланади.

Дўстим Афғонистон ички сиёсий ҳаётида этник ўзбеклар ва бошқа туркий халқларнинг мавқеини мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади. 2019 йилги президентлик сайловларида *Абдулла Абдулла* номзодини қўллаб-қувватлади. 2020 йил 17 майда Ашраф Ғани ва Абдулла Абдулла ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ, Абдурашид Дўстимга *“маршал”* унвони берилади. Дўстим Афғонистонда марказлашмаган давлат бошқаруви тарафдори. 20-асрнинг 90-йилларида “Жунбиш” партияси доирасида Муҳаммад Муҳақиқ билан биргаликда мамлакатда федерал бошқарув шаклини жорий этишни қўллаб чиққан. Ўзбек, дарий, пушту ва рус тилларида сўзлашади. *Қ.: “Афғонистон миллий исломий ҳаракати”*.

Ад.: Afghanistan: Biography of Abdul Rashid Dostum // https://www.rferl.org/a/1057815.html; *Biography of Abdul Rashid Dostum* // https://www.afghan-web.com/biographies/biography-of-abdul-rashid-dostum/.



- Е -

“ЕНГИЛМАС ОЗОДЛИК” ОПЕРАЦИЯСИ (Operation Enduring Freedom) – 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик актларига жавобан Америка ва унинг иттифоқчилари томонидан “ал-Қаида” ва “Толибон” ҳукуматига қарши амалга оширилган ҳарбий операция. Шунингдек ушбу ном остида АҚШнинг Африка давлатлари, Филиппин ва бошқа бир қатор мамлакатларда терроризмга қарши амалга оширган (асосан ноҳарбий) тадбирлари ҳам тушунилади. Операция 2001 йилнинг 7 октябрида “ал-Қаида”нинг террорчиларни тайёрлаш база ва лагерлари ҳамда “Толибон” режимининг ҳарбий объектларига қарши ҳужуми билан бошланади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан таъсис этилган Афғонистонда *Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар* миссияси билан параллел равишда амалга оширилади. БМТ Низомининг 51-моддаси ташкилот аъзоси (АҚШ)га индивидуал ва коллектив ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини берди. НАТО, АНЗЮС ва АДТга аъзо бўлган давлатлар ўз иттифоқчилари (АҚШ)ни қўллаб-қувватлади ва терроризмга қарши глобал урушга қўшилди. 11 сентябрь воқеалари халқаро муносабатларда куч ишлатишга оид халқаро ҳуқуқий қарашларни ривожланишига таъсир кўрсатди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларида террорчилик акти “халқаро хавфсизлик ва тинчликка таҳдид” сифатида баҳоланди. 2014 йилдан кейин АҚШ ҳарбий кучларининг Афғонистондаги фаолияти

"Озодлик қўриқчилари" операцияси (*Operation Freedom's Sentinel*) номи остида давом эттирилди. *Қ.: Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар.*

Ад.: Stewart R.W. *The United States Army in Afghanistan: Operation Enduring Freedom. October 2001 – March 2002.* / U.S. Army Center for Military History, 2004; Benjamin S. Lambeth. *Air Power Against Terror. America's Conduct of Operation Enduring Freedom* / RAND Corporation, 2005; Бобокулов И.И. *Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики.* – Т.: УМЭД, 2010.

- Ё -

ЁШ АФҒОНЛАР – 20-аср бошида Афғонистондаги либерал сарой/давлат амалдорлари, лицей ўқитувчилари, офицерлар, йирик ер эгалари, савдогарлардан ташкил топган *миллий-ватанпарварлик ҳаракати*. Ҳаракат мамлакат конституциясини қабул қилиш; янги типдаги ҳукумат ва парламентни таъсис этиш; ижтимоий адолат ўрнатиш; дунёвий фанларни ўқитишни кенгайтириш ва таълимни ривожлантириш; иқтисодий мустақилликни таъминлаш ҳамда Британия мустамлакасига қарши кураш талаблари билан чиққан. Ҳаракатни шаклланишида панисломизм ва жадидчилик ғоялари, Ёш турклар ва Ёш бухороликлар фаолияти муҳим ўрин тутган. *Маҳмуд Тарзий* ҳаракатнинг ғоявий раҳбариларидан бири ҳисобланиб, у таъсис этган *“Сирож ул-Ахбор”* (“Хабарлар чироғи”) газетаси “Ёш афғонлар” ғояларининг тарғиботчисига айланган. 1919 йилда амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида тахтга ислоҳотларга мойил Омонуллахон келди. Ҳаракат вакиллари афғон халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши қуролли курашига раҳбарлик қилди. Бу даврда мамлакатнинг биринчи конституцияси қабул қилинди (1923) ва Афғонистонда конституциявий монархия ўрнатилди. Ислоҳотлар ислом қонуншунослиги, миллий ва этник соҳаларни ҳам қамраб олди. Суннийлар ва шиалар ўзаро тенг деб эълон қилинди. Бироқ “Ёш афғонлар” ҳукуматида консерватив ва тараққийпарвар кучлар ўртасидаги ўзаро кураш давом этди. Пуштун қабилалари Омонуллахонга қарши исён кўтарди (хусусан, Хўст қўзғолони, 1924). Тарзий, Валихон, Абдулҳоди Дави ва бошқалар ҳукумат таркибидан чиқарилди. Сиёсатдаги кескин ўзгаришлар ғалаёнларни қайтадан кучайишига олиб келди. 1929 йилда Ҳабибуллахон (“Бачаи Саққо”) раҳбарлигидаги исён натижасида Омонуллахон тахтдан ағдарилди. Ҳабибуллахон Афғонистон

амири деб эълон қилинди (1929 йил январь). Омонуллахон даврида ҳарбий вазир лавозимида бўлган генерал Муҳаммад Нодирхон Англия ёрдамида Ҳабибуллахон ҳокимиятини ағдарди ва тахтга ўтирди. Ҳаракатнинг қатор етакчилари, хусусан, Абдураҳмон Лўдий, Ғулом Муҳиддинхон Ортиқ, Мирзо Абдураҳмон, Абдулҳоди Дави, Ғулом Ризохон ва бошқалар қатл этилди ёки қамоққа олинди.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Ёш афғонлар* (Қаҳрамон Ражабов); Назаров Х.Н. *Социальные движения 20-х годов XX века в Афганистане*. – Душанбе: Дониш, 1989; Коргун В. *История Афганистана*. – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004.



ЁҚУБ МУҲАММАД – “Толибон” ҳаракатининг асосчиси ва биринчи амири мулла Умарнинг катта ўғли. 1990 йилда туғилган. 2001 йилдан кейин оиласи билан Покистонда яшаган ва *Карачи* шаҳридаги мадрасаларда таълим олган. Отасининг ўлими эълон қилингунга қадар у кўпчиликка маълум бўлмаган. 2015 йилда *Аҳтар Мансур*ни мулла Умарнинг вориси этиб сайланишига нисбатан ўз норозилигини билдирган. Ҳаракат асосчисининг ўғли эканлиги толиблар, айниқса, ўрта қатлам дала қўмондонлари ва ҳаракатнинг оддий аъзолари орасида унинг мавқеини бир қадар мустаҳкамлади. Мансур ўз ҳокимиятини кучайтирди ҳамда толибларнинг турли тарқоқ гуруҳларини назорати остида бирлаштириш мақсадида 2016 йилнинг апрелида Ёқубни кудратли ҳарбий комиссия таркибида 15 та вилоят бўйича масъул этиб тайинлади. Шунингдек, у амакиси (мулла Умарнинг кичик укаси) *Абдул Манан* билан бирга ҳаракатининг бош органи *Раҳбарий шўро*га киритилди. Мансурнинг ўлимидан кейин (2016 йил, 16 май) *Ҳайбатулла Охунзода* бир овоздан ҳаракат амири этиб сайланди ва Ёқуб унинг ўринбосари лавозимига тайинланди. 2020 йилнинг май

ойида қудратли *ҳарбий комиссия*нинг раҳбарилиги ҳам унга юклатилди. Ёқуб толибларнинг музокаралар тарафдори бўлган мўътадил лагери вакили ҳисобланган (ушбу гуруҳга мулла Барадор ҳам мансуб). 2021 йилнинг сентябрь ойида у Афғонистон Ислом Амирлиги ҳукуматининг мудофаа вазири лавозимига тайинланди.

Ад.: Frud Bezhan. *The Rise Of Mullah Yaqoob, The Taliban's New Military Chief* //https://www.rferl.org/a/the-rise-of-mullah-yaqoob-the-taliban-new-military-chief/30805362.html; Zahid Hussain. *Rising Son: How Mullah Yaqoob climbed up the Taliban Hierarchy* https://www.arabnews.pk/node/1728276.

- Ж -

ЖАЛОЛИЙ АЛИ АҲМАД – ҳарбий, журналист, олим ва дипломат. 1940 йилда Кобул шаҳрида туғилган, этник пуштун. 1961-1981 йилларда Афғонистон Қуролли кучлари сафларида хизмат қилган, полковник унвонига эга. Афғонистон, Россия, АҚШ ва Буюк Британиянинг етакчи олий ҳарбий билим юртларида ҳамда олий қўмондонлик курсларда таълим олган. Собиқ Иттифоқ ва Кобул режимига қарши курашда иштирок этган. Бир неча йил давомида қаршилик ҳаракатининг бош ҳарбий режалаштирувчиси бўлган. 1982-2002 йилларда *“Америка овози”* радиостанциясида фаолият юритган. 1987 йилдан АҚШ фуқароси. 2003 йилда Ҳамид Карзай ҳукуматида *ички ишлар вазири* лавозимига тайинланади. Вазир лавозимида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида сезиларли ислоҳотларни амалга оширди. АҚШнинг афғон стратегияси дала қўмондонлари мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини танқид остига олди. 2005 йилдан АҚШнинг Миллий мудофаа университети ҳузуридаги *Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази* профессори. АҚШ, Буюк Британия ва Афғонистоннинг олий ҳарбий ўқув юртларида маърузалар ўқийди. Марказий ва Жанубий Осиё, Совет Иттифоқи ва АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари ҳамда Афғонистон Қуролли кучларига оид 100 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи.

Ад.: Biography of Ali Ahmad Jalali // https://www.afghan-web.com/biographies/biography-of-ali-ahmad-jalali/.

ЖАЛОЛОБОД – *Қ.: Нангарҳор.*

ЖАМИЛ АР-РАҲМОН (мавлоно Муҳаммад Ҳусайн) – Афғонистонда *салафийлар*нинг етакчиларидан бири, Кунар вилоятида туғилган. Вилоят аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи пуштунларнинг *сафи* қабиласидан. Хайбар Пахтунхва вилоятининг Савабай туманида жойлашган *Панжпир* (*Панж Пир*) мадрасасида таҳсил олган. Дастлаб "Афғонистон ислом жамияти" кейинчалик *Афғонистон ислом партияси (Ҳикматёр)* сафларида Кобул режимига қарши курашган. АИПнинг Кунар вилояти бўйича амири бўлган. 80-йилларнинг иккинчи ярмида "Ҳизб-и ислом"ни тарк этиб, салафий руҳдаги партия ("Жамоат")га асос солган (Рубин, 1985). *Саудия Арабистони* ва *Қувайт*нинг молиявий кўмагига эга бўлган "Жамоат" Ҳикматёр билан бирга Кунардаги асосий кучга айланган. Унинг таркибида кўп сонли *афғон араблари* фаолият юритган. Ар-Раҳмон 1991 йилнинг январида афғон мужоҳидларининг *"Пешовар ҳукумати"*дан мустақил *"Кунар ислом амирлиги"*ни тузади. "Амирлик" аҳоли ўртасида салафийлик қарашларини кенг жорий этади. Бироқ маҳаллий урф-одатлар ва амаллар (хусусан, қабристонни зиёрат қилиш, қабила бошлиқлари ва оқсоқолларни можароларни ҳал этишдаги роли)ни чекламайди. АҚШнинг Ироққа қуролли ҳужуми (1991) ва Форс кўрфази давлатларининг бу борадаги нуқтаи назари Ҳикматёр ва ар-Раҳмоннинг ҳам ўзаро келишмовчилигига сабаб бўлади. Ҳикматёр АҚШ сиёсатини қўллаб-қувватлаган Саудия Арабистони ва Қувайтни қоралайди, Жамил ар-Раҳмон эса аксинча, ўз ҳомийлари тарафида бўлади. 1991 йилнинг бошида Кунарда Жамил ва Ҳикматёр кучлари ўртасида шиддатли тўқнашувлар рўй беради. Шу йилнинг августида ар-Раҳмон мисрлик тансоқчиси томонидан Бажаур (Покистон)да ўз офисида ўлдирилади. Унинг ўлимидан кейин ҳам оиласи ва Кунар салафийлари ўз мавқеини ҳамда ярим автоном мақомини сақлаб қолади. Партияга раҳбарлик унинг жиянлари ҳожи Рохулла ва ҳожи

Ҳаётулла қўлига ўтади. 2001 йилдан кейин улар қисқа муддат Кобул ҳукумати билан алоқаларини сақлаб қолади; Фавқулодда лойя жирға ишида қатнашади (2002). Шу билан бирга Кунар салафийлари толиблар ҳокимиятини тан олган энг сўнгги гуруҳлардан бири бўлиб, мулла Умарга содиқлигини 2010 йилда эълон қилган. Ҳозирда ҳам салафийлик *Кунар ва Нангарҳор*да ўзининг сезиларли мавқеини сақлаб қолмоқда.

Ад.: Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Roy Olivier. *The Failure of Political Islam.* – Cambridge: Harvard University Press, 1994; Osman Borhan. *Beyond Jihad and Traditionalism: Afghanistan's New Generation of Islamic Activities* // Afghanistan Analysts Network, Thematic Report 01, 2015; Obaid Ali, Khalid Gharanai. *Hit from Many Sides (2): The Demise of ISKP in Kunar* // https://www.afghanistan-analysts.org/en/reports/war-and-peace/hit-from-many-sides-2-the-demise-of-iskp-in-kunar/.

ЖЕНЕВА КЕЛИШУВЛАРИ – 1988 йилнинг 14 апрелида БМТ шафелигида манфаатдор томонлар ўртасидаги музокаралар натижасида Афғонистондаги конфликтни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича имзоланган ҳужжатлар мажмуи. Музокаралар 1982 йилда келишувлар “архитектори” БМТ Бош котиби муовини ва Афғонистон бўйича махсус вакили *Диего Кордовес* ташаббуси билан бошланган. Келишувлар доирасида жами тўртта халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳамда илова, жумладан, *учта битим* (хусусан, Афғонистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикасининг ўзаро алоқаларига оид принциплар ҳамда афғон қочоқларини қайтариш тўғрисидаги битимлар) ва Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги халқаро кафолатлар тўғрисидаги *декларация* имзоланди. Афғонистон ва Покистон *“бир-бирларининг суверенитетини ҳурмат қилиш ва ички ишларига аралашмаслик”* мажбуриятини олди. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари (келишув талабларини бажарилиши бўйича кафил-

давлатлар)нинг *“Афғонистон ва Покистоннинг ички ишларига ҳар қандай шаклда аралашишдан ўзларини тийиш”*лари лозимлиги белгилаб қўйилди. Бироқ афғон мужоҳидлари музокараларга жалб этилмади ва улар Женева келишувларини рад этди. Эрон ҳукумати ушбу келишувларга қарши чиқиб, афғон мужоҳидларининг иштирокисиз “ноқонуний” Кобул режими билан имзоланган битимларни “ҳақиқий эмас” деб топди ва БМТга расмий баёноти билан мурожаат қилди. 1988 йилнинг 15 майида Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бошланди ва бу жараён 1989 йилнинг 15 февраль ойига келиб якунланди. Женева келишувларининг икки муҳим банди/вазифаси, яъни *ташқи аралашувга чек қўйиш* ҳамда *қарама-қарши афғон томонлари ўртасидаги қуролли курашни тўхтатиш* бажарилмай қолди. Кордовес режасига мувофиқ, барча қарама-қарши томонлар 1988 йил 1 сентябрь кунидан бошлаб ўқ отишни тўхтатишлари, муваққат *“тинчлик ва тикланиш миллий ҳукумати”*ни тузишлари, 1989 йилнинг март ойига келиб эса Лойя жирға томонидан доимий фаолият юритувчи ҳукуматни тузишлари лозим эди.

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: Наука, 1990; Коргун В. *История Афганистана. – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004;* Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003.

ЖИРҒА (*доира, давра бўлиб ўтириб мажлис қуриш*) **–** пуштунларга хос уруғ, клан, қабила ва қабилалар иттифоқи *мажлиси/кенгаши*. Пуштун қабилаларининг *ўз-ўзини бошқариш*га оид анъанавий ижтимоий институти. Жамоадаги ҳар қандай низолар қабиланинг барча эркак аъзолари (*аҳли жирға*) ёки оила бошлиқлари иштирокида *пуштунвали,* яъни пуштун қабилаларининг ёзилмаган хулқ-атвор қоидалари асосида кўриб чиқилади. Одатда жирға иштирокчилари *давра* қуриб ўтирган ҳолда кўрилаётган масала/муаммони

муҳокама қилишади. Жирға (давра)нинг ҳар бир иштирокчиси тенг ҳуқуққа эга. Унинг қарори қабила аъзолари учун мажбурий аҳамият касб этади. Кенгашни қабила бошлиғи ёки оқсоқол бошқаради (раислик қилади). Қабилани бошқариш, қўшни қабилалар ва расмий ҳукумат билан алоқалар ҳамда низоларни ҳал қилишга оид масалалар оқсоқоллар кенгаши ёки хонлар ва маликлар жирғасида кўриб чиқилади. Жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим бўлган масалалар бўйича *Лойя жирға* (катта кенгаш ёки бутун афғон кенгаши) чақирилади. Мисол учун нейтралитет сиёсатини (1941) ёки пуштунистон ҳаракатини (1955) қўллаб-қувватлаш каби масалалар борасида. Шунингдек, Афғонистон конституцияларини қабул қилиш учун *Конституциявий* (1964, 1977, 2004) ёки Бонн конференцияси қарорларини тасдиқлаш учун (2002) *Фавқулодда жирға*лар чақирилган. *Қ.: Лойя жирға.*

Ад.: Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: "Наука", 1984; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Encyclopedia Britannica. *Gnad National Assamly (Afghani government)*; Аҳмедов Б. *Амир Темур: Тарихий роман* (Махсус муҳаррир: Б. Омон). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

- З -

ЗАДРАН (жадран) – пуштунларнинг *карланий* иттифоқига мансуб қабила. Задранлар Сулаймон тоғ тизмаларининг шарқий қияликлари, Афғонистоннинг жануби-шарқида ёки *Лойя Пактия*да, яъни Пактика, Пактия ва Хўст вилоятларида яшайди. Улар маҳоратли жангчилар ҳисобланишади. Лойя Пактияда задранларнинг азалий душмани карланий иттифоқининг яна бир йирик қабиласи *мангаллар* ҳисобланади. Бу икки қабила 1924-25 йилларда амир Омонуллахонга қарши кўтарилган *Хўст қўзғолони*нинг фаол иштирокчилари бўлишган. Задранлар 1979 йилда *Жалолиддин Ҳаққоний* етакчилигида Кобул режимига қарши бош кўтарган. Ҳозирда ҳам *“Ҳаққоний тармоғи”* аъзоларининг аксарият кўпчилигини ушбу қабила вакиллари ташкил этади.

Ад.: Vahid Brown, Don Rassler. Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012. – Oxford – New York: Oxford University Press, 2013; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014.

ЗИЁУЛҲАҚ МУҲАММАД – Покистон Ислом Республикаси президенти (1977-1988). Армия штаби бошлиғи сифатида 1977 йилда ҳарбийлар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши (шартли номдаги “Ҳалол ўйин” операцияси)га раҳбарлик қилган ва Зулфиқор Али Бхутто ҳукуматини ағдариб, ҳокимиятга келган. Зиёулҳақ ҳукмронлиги йиллари давлат ва жамият ҳаётида *исломлашув* жараёнининг кучайиш даври ҳисобланади. Ўзининг таъбири билан айтганда, *“Покистон ислом номи билан яратилди ва*



ислом динига эътиқод қилишни давом эттирган ҳолдагина ўз мавжудлигини сақлаб қолиши мумкин”. Зиёулҳақ ислом омилини минтақавий ва халқаро даражада ўз мавқеини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси деб билган. Исломий партиялар, авваламбор, “Жамоати исломий”ни жамият ва давлат бошқарувидаги мавқеини мустаҳкамлади ҳамда ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда улардан унумли фойдаланди. “Жамоат” асосчиси *Абдулаъло Маъдудий*нинг қатор ғоялари (хусусан, Аҳмадийлар фаолиятини тақиқлашга оид) айнан Зиёулҳақ даврида ҳаётга татбиқ этилди. Мадрасалар сони ва фаолият кўлами кенгайди. Диний ва дунёвий таълим мақоми тенглаштирилди. Шариат нормалари миллий қонунчилик, таълим, жамият ва давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига кенг жорий этилди. “Таблиғи жамоат” фаолиятига (хусусан, қуролли кучлар тизимида) кенг йўл очиб берилди. Офицерларнинг шариат қоидаларига оид билимларини имтиҳон қилиш тартиби жорий қилинди. *Федерал шариат суди* (1978) ҳамда исломлаштириш сиёсатини бошқаришни мониторинг қилиш мақсадида 350 нафар аъзодан иборат маслаҳат кенгаши – *“Мажлиси шўро”* (1981) таъсис этилди. Совет Иттифоқи қўшинларининг Афғонистонга киритилиши (1979) Зиёулҳақнинг сиёсий ҳокимияти ва маълум даражада минтақавий мавқеини мустаҳкамланишига замин яратди. Покистоннинг афғон конфликтидаги бевосита ва билвосита иштироки мамлакатда диний радикализм ва экстремизм кайфиятини янада кучайишига, ҳарбийлар, биринчи навбатда, Идоралараро разведканинг ташқи сиёсатдаги мавқеини янада кучайишига олиб келди. 1988 йилнинг 17 августида Зиёулҳақ, Покистон армияси штаби бошлиғи Аҳтар Абдураҳмон, шунингдек, АҚШнинг ПИРдаги элчиси

Арнольд Раффел ҳамда бир неча юқори мансабли Америка ва Покистон ҳарбийлари авиаҳалокат натижасида ҳалок бўлди.

Ad.: *A History of Pakistan and Its Origins* // Ed. by Christophe Jaffrelot. – London: Anthem Press, 2002; *The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought. Zia-ul-Haq (1924–88)* – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013; Mohammad Yousaf, Mark Adkin. *The Bear Trap: Afghanistan's Untold Story*. – London: Leo Cooper, 1992; Owen L. Sirrs. *Pakistan's Inter-Services Intelligence Directorate: Covert Action and Internal Operations*. – New York: Routledge, 2016.

ЗОҲИРШОҲ МУҲАММАД – Афғонистон шоҳи, Муҳаммад Нодиршоҳнинг ўғли. 1914 йилда туғилган, “Ҳабибия” ва “Истиқлол” лицейлари ҳамда Афғонистонда ҳарбий билим юртини тамомлаган. Францияда таҳсил олган (1924-1930). Отасининг ўлимидан кейин (1933) тахтга ўтирган. Бироқ амалда ҳокимият унинг амакилари Ҳошимхон (1933-1946), Шоҳ Маҳмуд (1946-1953) ва амакиваччаси *Муҳаммад Довуд*га (1953-1963) тегишли бўлган. 1963 йилга келиб у ҳокимиятни ўз қўлига олади. Давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, нейтралитет ва ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсатини давом эттиради. Конституциявий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотларни амалга оширади. Бироқ улар кўзланган натижаларга олиб келмади. 1973 йилда Зоҳиршоҳ хорижда даволанаётган пайтида М. Довуд бошчилигидаги гуруҳ томонидан давлат тўнтариши амалга оширилади. Монархия тугатилиб, Афғонистон республика деб эълон қилинади. Зоҳиршоҳ тахтдан воз кечади ва оиласи билан Италияда қолади. 2001 йил Бонн конфереציясида Рим гуруҳи вакиллари Афғонистонда монархияни тиклаш ва Зоҳиршоҳни тахтга қайтаришга уринишади. Саксон етти ёшли Зоҳиршоҳ Ҳамид Карзай бошчилигидаги Афғонистон мувaққат

ҳукумати таклифига биноан, 2002 йилнинг апрелида Афғонистонга қайтиб келади. Унга *“Миллат отаси”* фахрий унвони берилади. Зоҳиршоҳ 2007 йилда оламдан ўтади. *Қ.: Муҳаммад Довуд*.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Зоҳиршоҳ;* Коргун В. *История Афганистана*. – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004.



- И -

ИБРОҲИМБЕК (Муҳаммад Иброҳимбек Чақабой тўқсабо ўғли) – Ўрта Осиё (асосан Ўзбекистон ва Тожикистон)да совет ҳукуматига қарши курашнинг таниқли намояндаси ва етакчиларидан бири. 1889 йилда Душанбе атрофидаги Кўктош қишлоғида туғилган. Маҳаллий мадрасада сабоқ олган. 1919 йилдан Ҳисор беги хизматида бўлган. 1921 йилда Бухоро амири Саид Олимхон уни қўшин қўмондони этиб тайинлаган. Бухоро қўрбошиларининг қурултойи (1921 йил сентябрь)да Иброҳимбекка «Ислом лашкарбошиси» деган унвон берилган. 1926 йилнинг июнь ойида кескин жанглардан сўнг у Афғонистон ҳудудига чекинади ва то 1929 йилгача Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда амир Олимхон қароргоҳида яшайди. Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар Афғонистондаги ўзаро ички сиёсий курашлар ва қуролли конфликтларда иштирок этишга мажбур бўлишади. У 1928 йилнинг охирларида Кобулдан Шимолий Афғонистонга келиб, ўз мавқеини мустаҳкамлайди ва Тожикистон орқали Ўрта Осиёга ҳужум режасини тайёрлай бошлайди. 1929 йилнинг баҳорида совет қўшинлари Афғонистонга бостириб кириб, Мозори Шариф ва Тошқўрғон шаҳарларини босиб олади. Иброҳимбек Афғонистон ҳудудидан туриб советларга қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттиради. Шубҳасиз, Иброҳимбек ва унинг тарафдорларини Афғонистонда бўлиши совет-афғон алоқаларига таъсир кўрсатмай қолмас эди. Шунингдек, мамлакатдаги ички сиёсий вазият, хусусан, Ҳабибуллахоннинг тахтдан ағдарилиши ва Муҳаммад Нодирхоннинг ҳокимиятга келиши ва бошқалар сабаб 1931 йилнинг баҳорида Иброҳимбек кучлари Афғонистонни

тарк этишга мажбур бўлади. Шу йилнинг июнь ойида Тожикистон ҳудудидаги жангларда Иброҳимбек қўшинлари мағлубиятга учрайди ва у яраланган ҳолда қўлга олинади. Иброҳимбек Тошкентга олиб келинади ва 1932 йилнинг 31 августида қатл этилади.

Ад: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Иброҳимбек*; *Ўзбекистоннинг янги тарихи*. 2-китоб. (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида) – Т., 2000; Ражабов Қ. *Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш*. – Т., 2002; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980.

ИДОРАЛАРАРО РАЗВЕДКА (инглизча *Inter-Services Intelligence*) – Покистон разведка ҳамжамиятининг бош органи. Унга 1948 йилда Покистон армияси Бош штаби бошлиғининг ўринбосари генерал-майор *Роберт Коуторн* ва полковник *Шаҳид Ҳамид*лар асос солишган. Р. Коуторн 1950-1959 йилларда ИРга раҳбарлик қилган. Покистоннинг Ҳиндистон билан биринчи қуролли тўқнашуви (1947) *армия, ҳарбий-ҳаво кучлари* ва *ҳарбий-денгиз флоти* ўртасида разведкавий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда ўзаро алмашишдаги жиддий камчиликларнинг мавжудлигини кўрсатди. ИРнинг шахсий таркиби мазкур қўшин турларининг вакилларидан ташкил топган. Унга Покистон армияси Бош штаби бошлиғининг тавсияси билан мамлакат бош вазири томонидан тайинланадиган Бош директор раҳбарлик қилади. Расман Покистон армиясининг таркибий қисми ҳисобланган мазкур идора ўтган йиллар мобайнида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим роль ўйнайдиган акторга айланди. Мутахассислар уни *"давлат ичидаги давлат"* сифатида таърифлашади. Идоралараро разведканинг фаоллиги, айниқса, Афғонистон йўналишида ёрқин намоён бўлади.

1979 йилда совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши Идоралараро разведкани манфаатдор ғарб ва араб давлатлар махсус хизматларининг, хусусан, *МРА* (АҚШ), *Умумий разведка хизмати* (Саудия Арабистони) ҳамкори ҳамда афғон мужоҳидлари фаолиятининг мувофиқлаштирувчисига айлантирди. Идоранинг Зиёулҳақ президентлиги даврида тузилган *“Афғон бюроси”* ушбу сиёсатнинг ташкилотчиси ва ижрочисига айланди. ИР ходимларининг сони жиддий равишда кўпайди. Маълумотларга кўра, у дунёдаги энг кўп сонли махсус хизматлардан бири ҳисоблананди (тахминан 25 минг кишидан иборат). Афғонистон ва Покистон минтақасидаги воқеаларнинг кейинги ривожи, хусусан, толибларнинг Афғонистон ҳарбий-сиёсий саҳнасига чиқиши, хорижий террорчиларнинг афғон-покистон чегара ҳудудидан бошпана топиши, АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучларининг Афғонистонга кириб келиши ва бошқалар Идоралараро разведканинг аҳамиятини оширди. ИРни қуролли гуруҳлар (хусусан, “Толибон” ҳаракати) ҳамда террористик ташкилотлар (жумладан “Ҳаққоний тармоғи”, “Лашкари Тойиба”, “Ҳаракат ул-Мужоҳиддин” ва бошқалар)ни қўллаб-қувватлаши ва улар билан узвий алоқада эканлиги таъкидланади. ПИРнинг афғон йўналишидаги сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнаган ИР раҳбарларидан *Аҳтар Абдураҳмон* (1979-1987), *Ҳамид Гул* (1987-1989), *Асад Дурроний* (1990-1992), *Маҳмуд Аҳмад* (1999-2001), *Ашфақ Кайани* (2004-2007) ҳамда унинг Афғон бюроси бошлиғи *Муҳаммад Юсуф*ларни келтириш мумкин. *Қ.: Ҳамид Гул, “Циклон” операцияси.*

Ад: Mohammad Yousaf, Mark Adkin. *The Bear Trap: Afghanistan's Untold Story*. – London: Leo Cooper, 1992; Owen L. Sirrs. *Pakistan’s Inter-Services Intelligence Directorate: Covert Action and Internal Operations*. – New York: Routledge, 2016; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America’s Secret Wars in Afghanistan and Pakistan*. – New York: Penguin Press, 2018.

ИНГЛИЗ-АФҒОН УРУШЛАРИ – Россия империяси таъсир доирасини Британия Ҳиндистони томон кенгайиб боришини тийиб туриш ҳамда Афғонистон ҳудудини ўз назоратига олишга қаратилган инглиз ҳукуматининг уч маротаба олиб борилган мустамлака босқинчилик урушлари. *Биринчиси 1838-1842 йил*ларни қамраб олади. Унинг натижа ва оқибатлари: 1839 йилнинг апрелида инглиз қўшинлари Афғонистонга бостириб киради ва Қандаҳор, Ғазни ва Кобулни эгаллайди; шоҳ Шужо ул-Мулк афғон тахтига тикланади; Кобулда исён кўтарилади ва мамлакатда қаршилик ҳаракати бошланади; "катта ўйин" сиёсатининг ёрқин намояндаси *Александр Бёрнс* ўлдирилади; тахминан 16 мингдан ортиқ инглиз ҳарбийлари, уларнинг оила аъзолари ва сипоҳийлар Кобул – Жалолобод йўлида қирғин қилинади (1842 йил январь); Англия ҳукумати жазо экспедициясини юборади; 1842 йилнинг октябрида инглизлар Кобулни тарк этади; *Дўстмуҳаммадхон* афғон тахтига қайтарилади ва у мамлакатни 21 йил давомида бошқаради. 19-асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг Туркистондаги мустамлака босқинчилик сиёсати кучаяди. Шералихон томонидан Кобулдаги рус миссиясини чиқариб юбориш бўйича инглизлар талабининг қондирилмаганлиги *иккинчи инглиз-афғон урушини (1878-1880)* бошланишига расмий сабаб бўлди. Англия қўшинлари Афғонистонга Хайбар, Куррам ва Бўлан йўлаги орқали бостириб киради. 1879 йил 26 майда имзоланган *Гандамак шартномасига* кўра, Афғонистон амалда ўз мустақиллигини йўқотди ва ташқи сиёсатда мустақил ҳаракат қилишдан маҳрум бўлди. Мамлакатда халқ қўзғолони бошланди. Кобулдаги инглиз резиденти *Луи Каваньяри* ўлдирилди (1879 йил 3 сентябрь). Англия ҳукумати Афғонистонни босиб олиш ва ўз назоратига олиш режасидан воз кечишга ва *Абдураҳмон* билан келишишга мажбур бўлди. 1881 йилнинг апрелида инглиз

қўшинлари Афғонистонни тарк этди. Абдураҳмон мамлакатни 21 йил давомида бошқарди. Қисқа муддатли *учинчи инглиз-афғон уруши (1919 йил май-июнь)* Афғонистон мустақиллигини эълон қилиниши билан якунланди. 1919 йил 8 августда Равалпиндида дастлабки битим тузилиб, у 1921 йил 22 ноябрда Кобул томонидан ратификация қилинди. Битимга кўра, Англия Афғонистоннинг тўла мустақиллигини тан олди. Амир Омонуллахон дипломатик алоқалар ўрнатиш мақсадида Совет Иттифоқи, АҚШ ва Европа давлатларига миссияларни юборди. 19 август Афғонистоннинг мустақиллик куни деб эълон қилинди. *Қ.: Гандамак шартномаси*.

Ад: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Инглиз-афғон урушлари*; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003.

“ИСЛОМ ДАВЛАТИ” – *Қ.: “Хуросон вилояти”*.

“ИСЛОМ ЖАМОАТИ” (“Жамоати исломий”) – Покистоннинг етакчи диний сиёсий партияси. 1941 йилда Британия Ҳиндистонида ташкил топган. Асосчиси ва бош идеологи *Абдулаъло Маъдудий* (1903-1979). Маъдудий Британия мустамлакасидан озод бўлиш учун “солиҳ жамоат”ни барпо этиш лозим деб ҳисоблаган. Унга кўра, соф исломгина шариатга асосланган давлатни яратишга олиб келиши мумкин. Маъдудий *“Мусулмон биродарлар”* ташкилотининг асосчиси шайх *Ҳасан ал-Банно* (1906-1949) қаторида *сиёсий ислом* (исломизм)нинг назарий асосларини яратувчиси сифатида танилган. “Жамоат” мусулмон жамоаси ёки уммани бирлаштириш йўлида миллий, этник ёки қабилавий мансублик каби жиҳатларни рад этади. Ушбу мақсадларга эришиш учун партия доирасида юқори даражада

марказлашган бошқарув тизими яратилади. “Жамоат”ни унинг аъзолари томонидан сайланадиган амир бошқаради. Унга аъзолик чекланган. Партияга шахсий ва ижтимоий ҳаётда шариат қонунларига қатъий риоя қиладиган, синов муддатини ўтаган ҳамда қасамёд қилган шахслар қабул қилинади. Маъдудий “Жамоат”га фақатгина *тавҳид*, яъни яккахудолик тўғрисидаги таълимотнинг “тўлиқ моҳиятини” тушуниб етган шахсгина аъзо бўлиши мумкинлигини белгилаб қўйган. Шунинг учун ҳам партиянинг тўла ҳуқуқли аъзолари сони унча кўп эмас, аммо унинг асосий кучини партиянинг сиёсий қарашларини қўллаб-кувватловчи беҳисоб «тарафдорлар» ва «хайрихоҳлар» ташкил этади. Армия офицер ва генералларининг кўплари хизматдан кетгач (нафақага чиққач), исломий сиёсий партияларга, авваламбор, “Ислом жамоати” сафларига қўшилишади. “Жамоат” 20-асрнинг 80-йилларида Покистоннинг афғон сиёсатини амалга оширишда, хусусан, мужоҳидлар ўртасида молиявий манбаларни тақсимотида бевосита иштирок этган. “Жамоат” Покистон ва Саудия Арабистони билан узвий ҳамкорликда мақсад ва қарашлари яқин бўлган ҳамда “ғоявий қариндоши” сифатида таърифланадиган *Ҳикматёрнинг “Ислом партия”*сини қўллаб-қувватлаган. Таниқли француз афғоншунос ва исломшунос олими *Оливер Руа* ушбу ҳамкорликни “*Идоралараро разведка воситачилигида Саудия Арабистони, “Мусулмон биродарлар” ва “Ислом жамоати” ўртасида ташкил этилган қўшма корхона”* сифатида таърифлайди. 90-йилларда “Жамоат” Покистоннинг яна бир етакчи диний сиёсий ташкилоти *“Ислом уламолари жамияти”* билан бирга *“Толибон”* ҳукуматини фаол қўллаб-қувватлайди. Ҳозирда “Жамоат”нинг мақсад ва вазифалари ҳамда мафкурасини ёқловчи тармоқ партиялар Жанубий Осиёнинг қатор давлатлари, хусусан, Бангладеш, Ҳиндистон ва Шри-Ланкада фаолият юритмоқда. *Қ.: “Ислом уламолари жамияти”.*

Ад.: Ислом. Энциклопедия. “*Жамоати исломий”*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017*; История Пакистана. XX век* / В.Я. Белокреницкий, В.Н. Москаленко. – М.: ИВ РАН: Крафт+, 2008; *The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought. Jama'at- i Islami*. – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013; Olivier Roy. *Afghanistan, from Holy War to Civil War*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 1995.

“ИСЛОМ ЖИҲОДИ ИТТИФОҚИ” – 2002 йилда “Ўзбекистон ислом ҳаракати”дан ажралиб чиққан террористик гуруҳ. “Иттифоқ” жиҳодий фаолиятни кенгайтириш тарафдори бўлган. Унинг таркибини келиб чиқиши асосан *Марказий Осиё*дан бўлган жангарилар ташкил этади. Ўтган йиллар мобайнида ушбу террористик гуруҳ “*ал-Қаида”*нинг энг яқин иттифоқчиларидан бирига айланди. Асосчиси *Нажмиддин Жалолов*, 1972 йилда Андижон вилоятида туғилган, Абдували қори Мирзаевдан сабоқ олган. 90-йилларда Чеченистон ва Доғистонда ибн Хаттоб бошчилигидаги террорчилар сафларида бўлган, Афғонистонда “Шимолий альянс” кучларига қарши жангларда иштирок этган. “Ал-Қаида” террористик ташкилотининг етакчиларидан бири *Абу Лайс ал-Либи* ҳамда *“Ҳаққоний тармоғи”* билан яқин алоқалар ўрнатган. Ал-Либи “Иттифоқ”нинг идеологи ва уни “ал-Қаида” билан боғловчи бўғин ҳисобланган. Н. Жалолов 2009 йилда учувчисиз қурилма билан берилган зарба натижасида ўлдирилган. “Иттифоқ” 2004 йилда Тошкентда Исроил элчихонаси олдида ҳамда Бухоро вилоятида бир неча террорчилик актларини содир этганликда айбланади. АҚШнинг Германиядаги ҳарбий базасида террорчилик актини содир этишга ҳаракат қилган. “Иттифоқ” ўзининг асосий афғон ҳамкори “Ҳаққоний тармоғи” тажрибасидан келиб чиқиб, ўз сафларига кўплаб хорижий террористларни, хусусан, Покистон, Туркия, Германия, Озарбайжон, Афғонистон ва АҚШ фуқароларини жалб этган. Унинг асосий фаолият майдони Афғонистоннинг “Толибон”

назоратида бўлган шимолий ва шарқий вилоятлари ҳисобланган. Ҳозирда “Иттифоқ” “ЎИҲ”, «Ансаруллоҳ жамоати”, «Техрик-и толибон Покистон», «Лашкар-и Тойиба», «Шарқий Туркистон исломий ҳаракати”, “Имом Бухорий жамоати” каби террористик интернационалнинг бошқа аъзолари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Ад.: Jeremy Binnie, Joanna Wright. *The Evolving Role of Uzbek-led Fighters in Afghanistan and Pakistan* // CTC Sentinel. August 2009. Vol 2. Issue 8; Bill Rogio. *Islamic Jihad Union details Cooperation with Afghan Taliban* // https://www.longwarjournal.org/archives/2012/02/islamic_jihad_union.php; *Двадцать четвертый доклад Группы по аналитической поддержке и наблюдению за санкциями Совета Безопасности ООН* // https://www.securitycouncilreport.org/un-documents/document/s_2019_570.php.

“ИСЛОМ УЛАМОЛАРИ ЖАМИЯТИ” (“Жамияти уламои ислом”) – Покистоннинг етакчи диний сиёсий партияларидан бири. 1941 йилда *“Ҳиндистон ислом уламолари”* (1919) ташкилотидан ажралиб чиққан. Аксарият аъзоларини этник пуштунлар ташкил этади. Кейинчалик “Жамият” бир неча фракцияларга бўлиниб кетган. Хусусан, мавлоно *Фазлур Раҳмон* ва *Самиул Ҳақ* етакчилигидаги гуруҳлар фаолияти афғон йўналишида муҳим аҳамият касб этади. “Жамият” Покистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида, айниқса, Хайбар Пахтунхва ва Балужистон вилоятларида мустаҳкам мавқега эга. “Жамият” ўзининг *деобандий мадрасалари*ни айнан ушбу вилоятларда ташкил этган. 20-асрнинг 80-йилларида ПИРнинг афғон сиёсатини амалга оширишда ҳал қилувчи роль “Жамият”нинг асосий рақиби *“Ислом жамоати”*га берилган. Бироқ мустақил қабилалар ҳудуди бўйлаб ташкил этилган “Жамоат”нинг юзлаб мадрасалари афғон қочоқларига бошпана, озиқ-овқат, бепул диний ва ҳарбий таълим бериш билан афғон

мужоҳидларининг янги авлоди, толибларни тарбиялади. Хусусан, 1999 йилда толиблар ҳукуматининг саккизта вазири, ўнлаб губернаторлари, қозилари ва ҳарбий қўмондонлари ушбу мадрасаларнинг битирувчилари бўлишган. 1994 йилнинг декабрь ойида “Жамият”га тегишли мадрасаларнинг 12 минг талабаси Қандаҳорда “Толибон”га қўшилган. “Жамият” етакчилари (Фазлур Раҳмон ва Самиул Ҳақ) “Толибон” ҳаракатининг *маънавий раҳномалари* деб аталади. Мутахассисларнинг таъбирича, “*Толибон”нинг пайдо бўлиши “Жамият” учун “туҳфа”* бўлди. 90-йилларнинг бошида партия Беназир Бхутто ҳукуматининг иттифоқчиси ва унинг афғон сиёсатини амалга оширувчи муҳим ижрочига айланди. Фазлур Раҳмон Покистон парламенти, Миллий ассамблеянинг Халқаро муносабатлар қўмитаси раиси этиб сайланди. *Қ.: “Ислом жамоати”, “Толибон”.*

Ад.: Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London – New York, I.B. Tauris, 2010; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014; Коргун В. *История Афганистана*. – М.: ИВ РАН «Крафт+», 2004.

ИСМОИЛИЙЛАР – ворисийлик масаласи юзасидан шиалар ичида вужудга келган асосий фирқалардан бирининг тарафдорлари. Улар Жаъфар Содиқнинг ўғли – еттинчи *имом Исмоил*ни охирги имом деб биладилар. 11-асрнинг охирларида исмоилийлар ўртасида тахт ворислиги хусусида нифоқ чиқиб, улар *низорийлар* ва мустаълийларга бўлиниб кетди. Низорий исмоилийлар ўз раҳнамоларини тирик худо деб билишади, унинг амр-фармонини сўзсиз ижро этиш, унга назр-ниёзлар келтириб бериш одат тусига кирган. Низорийлар фирқасининг амалдаги имоми *Оғахон тўртинчи* ҳисобланади. Ҳозирда низорийлар дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатида, хусусан, *Афғонистон*, Сурия, Эрон, *Тожикистон (Тоғли Бадахшон автоном вилояти)*, Покистон, Ҳиндистон ва АҚШда истиқомат қилади. Исмоилийлар

Афғонистоннинг шимоли-шарқида асосан Бадахшон ва Бағлон вилоятларида мавжуд. Афғон исмоилийлари Бадахшонда яшовчи айрим халқлар ва ҳазораларнинг маълум бир қисмини ташкил этади. Суннийлар ва шиалар томонидан бидъатчи деб қаралган, Афғонистон ҳукумати ва етакчи этник гуруҳлар томонидан камситилган исмоилийлар 20-асрнинг 80-йилларида Афғонистон халқ-демократик партияси билан иттифоқда бўлади. 90-йилларнинг бошида *Саид Мансур Нодирий* Афғонистон исмоилийлари етакчиси (пири), Абдурашид Дўстим билан иттифоқда Нажибулла ҳукумати учун ҳаётий муҳим ҳисобланган *Саланг довонини* ўз назоратига олади. Саид Мансур кейинчалик генерал унвонига эга бўлади ҳамда Бағлон вилояти губернатори этиб тайинланади. *Қ.: Оғахон.*

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Исмоилийлар. Оғахон*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017*;* Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Islam.* 2 nd ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2009.

ИСМОИЛХОН МУҲАММАД – таниқли афғон сиёсатчиси, *“Афғонистон ислом жамияти”* партиясиинг машҳур дала қўмондони. 1942 йилда Фараҳ вилояти (Шиндонд)да туғилган. Кобул Ҳарбий академиясини тамомлаган. АДР Қуролли кучлари сафларида хизмат қилган. Ҳиротда 1979 йилнинг март ойида Кобул режимига қарши кўтарилган илк йирик қуролли қўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан бири. Қўзғолон бостирилгач, Эрон орқали Покистонга чиқиб кетади ва Раббонийнинг “Афғонистон ислом жамияти”га қўшилади. Жамиятнинг

ғарбий вилоятлар бўйича амири бўлган. Афғон мужоҳидлари (С. Мужаддадий) бошқаруви даврида генерал ҳарбий унвонини олган. Нажибулла ҳокимияти ағдарилганидан то толиблар томонидан босиб олингунга қадар (1995 йил сентябрь), Ҳирот ва унинг атрофидаги вилоятлар (Бодғиз (Бодхиз), Ғур ва Фараҳ)да ўз назоратини ўрнатган. Қўшни давлатлар (Эрон, Туркманистон, Ўзбекистон) билан ташқи алоқалар ўрнатиш мақсадида ушбу давлатларга ташрифларни амалга оширган. “Шимолий алъянс” таркибида “Толибон”га қарши курашда иштирок этган. 1997 йилда генерал Абдулмалик томонидан асирга олиниб, толиблар қўлига топширилади. Бироқ Қандаҳордаги қамоқхонадан қочиб, Эрондан бошпана топади. 2001 йилнинг май ойида ўзининг анъанавий таъсир доираси ҳудуди ҳисобланган Афғонистоннинг ғарбига толибларга қарши курашни ташкил этиш учун қайтиб келади. Унга содиқ кучлар ўша йилнинг ноябрь ойида Ҳирот ва Фараҳни эгаллайди. “Толибон” режими қулагач, Ҳирот вилояти губернатори этиб тайинланади ҳамда назоратидаги қуролли кучлар ёрдамида мамлакатнинг ғарбида ўз таъсирини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Хусусан, минтақадаги вилоят губернаторлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини тайинлашда Исмоилхон ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Қўшни давлатлар, авваламбор, Эрон билан савдо-сотиқ, божхона тўловлари, шунингдек, маҳаллий солиқлар орқали иқтисодий мавқеини мустаҳкамлайди. 2004 йилда Исмоилхон АИРнинг энергетика вазири лавозимига тайинланади. У ушбу мақомда бир неча бор Ўзбекистонга расмий ташриф билан келади. *Қ.: Ҳирот.*

Ad.: Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Islam.* 2 nd ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2009.

ИСҲОҚЗАЙ – *дурроний* иттифоқининг *панжпо* тармоғига кирувчи пуштун қабиласи. Асосан жанубий Ҳилманд ва

Қандаҳор ҳамда Ҳирот, Фараҳ, Нимруз вилоятлари ҳудудларида кенг тарқалган. Шунингдек, исҳоқзайларнинг кичик гуруҳлари мамлакатнинг шимолий Сарипул ва Жузжон вилоятларида ҳам мавжуд. Кўп сонли исҳоқзай қабиласи вакиллари истиқомат қиладиган Ҳилмандда таъсир доира учун кураш *ализай* қабиласи билан кечади. Қабила бошлиқлари ҳукуматдан кўра, кўпроқ *"Толибон"* ҳаракатига яқинроқ. Айниқса, мулла *Аҳтар Мансур* (исҳоқзай) етакчилиги даврида исҳоқзай қабиласининг мавқеи ҳаракат сафларида сезиларли даражада мустаҳкамланди. *Қ.: Аҳтар Мансур.*

Ад.: Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014; Antonio Guistozzi. *Koran, Kalashnikov and Laptop: The Neo-Taliban Insurgency in Afghanistan.* – London: C. Hurst & Co., 2007.



- К -



КАРЗАЙ ҲАМИД – таниқли афғон сиёсатчиси, Афғонистон Ислом Республикаси президенти. 1957 йилда Қандаҳорда туғилган, пуштун қабилалари *дурроний* иттифоқининг *попалзай* уруғи вакили. Отаси *Абдулаҳад Карзай* попалзай қабиласининг *Пактия, Қандаҳор, Урузгон* ва *Зобул* вилоятларидаги бошлиғи ва қирол Муҳаммад Зоҳиршоҳнинг яқин дўсти бўлган. Карзай Ҳиндистонда сиёсий фанлар бўйича таълим олган. 1983 йилда у Пешоварга келади ва Сибғатуллоҳ Мужаддадийнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси ва ёрдамчиси бўлиб фаолият юритади. 1992 йилда мужоҳидлар ҳукуматида ташқи ишлар вазирининг ўринбосари лавозимини эгаллайди. Маълум муддат толиблар билан ҳамкорлик қилади ва ҳаракатни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Карзайнинг отаси 1999 йилда Кветтада толиблар томонидан ўлдирилади. Шундан сўнг у бошқа етакчи афғон сиёсатчи ва дала қўмондонларининг толибларга қарши курашига қўшилади. 2001 йилнинг октябрида ўз қабиладошлари ва тарафдорларининг толибларга қарши ҳаракатини ташкил этиш мақсадида Афғонистоннинг жанубий ҳудудларига кириб келади. Кейинчалик унга АҚШнинг махсус кучлари ҳамроҳлик қилади. 2001 йилги Бонн конференцияси натижаларига кўра, Карзай *мувaққат ҳукумат* бошлиғи этиб тайинланади. 2002 йилда *Лойя жирға* қарори билан *ўтиш*

даври ҳукумати президенти лавозимини эгаллайди. Афғонистоннинг янги конституциясини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. 2004 ва 2009 йиллардаги президентлик сайловларида ғолиб чиқади. Карзай 2014 йилдан кейин ҳам Афғонистондаги ички сиёсий жараёнларда сезиларли мавқеини сақлаб қолди ва мунтазам равишда *Ашраф Ғани* ҳукуматини лаёқатсизликда айблаб, мухолиф сиёсий кучларни қўллаб келади.

Ад.: Katzman K., Thomas C. *Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security and U.S. Policy* / Congressional Research Service, 2017; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America's Secret Wars in Afghanistan and Pakistan*. – New York: Penguin Press, 2018; Encyclopedia Britannica. *Hamid Karzai*; Большая российская энциклопедия. *Карзай Хамид*.

КАРМАЛ БАБРАК – давлат ва ҳукумат бошлиғи, Афғонистон халқ-демократик партияси асосчиларидан бири, “*Парчам”* фракцияси етакчиси. 1929 йилда Кобулда туғилган. Кобул университетида таълим олган. Талабалик йилларида сўл сиёсий қарашлари ва нотиқлиги билан танилган. Уни марксизм таълимоти тарафдорига айланишида АХДП асосчиларидан бири “Парчам” фракциясининг бош идеологи *Миракбар Хайбар*нинг роли муҳим бўлган. 1953-1956 йилларда сўл сиёсий қарашлари учун қамалган. 1965 йилда *АХДП*нинг таъсисчиларидан бири бўлиб, партия бош котибининг ўринбосари лавозимига сайланади. Кармал бошчилигидаги “*Парчам”* фракцияси 1967 йилда *АХДП*дан ажралиб чиқади ва шу ном остида мустақил партия тузади. Мазкур фракция 1973 йилда *Муҳаммад Довуд* бошчилигидаги давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлайди. “Парчам” ва “Халқ” фракциялари қайта бирлашганидан сўнг (1977) АХДПнинг иккинчи котиби,

1978 йилда Инқилобий кенгаш раиси *Нурмуҳаммад Таракий*нинг ўринбосари этиб тайинланади. Партия сафларидаги ички ихтилоф натижасида ҳукуматдаги барча лавозимларидан четлаштирилиб, Афғонистоннинг Чехословакиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланади. Давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишда айбланиб, ушбу лавозимдан ҳам озод этилади. Маълум муддат Москвада яшайди ва 1979 йилнинг декабрида Совет Иттифоқи ёрдамида Афғонистонда ҳокимиятни эгаллайди. Кармалнинг афғон халқига мурожаати 1979 йилнинг 27 декабрида Тошкентдан туриб, радиотўлқинларни Кобул радиосига мослаштириш орқали эълон қилинади. Афғонистон халқи ва жамиятини социализм ғояси остида бирлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кўзланган мақсадларга олиб келмади. 1986 йилда унинг ўрнига АДР Давлат хавфсизлик хизмати раҳбари (1980-1985) *Муҳаммад Нажибулла* АХДП бош котиби этиб сайланади. Кармал 1986 йилдан Москвада яшади ва 1996 йилда оғир хасталикдан сўнг вафот этди. У Балхда дафн этилган.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2003; A. Arnold *Afghanistan's Two-party Communism: Parcham and Khalq* – Stanford, CA: Hoover Institution Press, 1983; Брейтвейт Родрик. *Афган: русские на войне.* – М.: АСТ: CORPUS, 2013; Большая российская энциклопедия. *Кармаль Бабрак;* Encyclopedia Britannica. *Babrak Karmal.*

“КАТТА МАРКАЗИЙ ОСИЁ” – таниқли америкалик олим, Жонс Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори *Фредерик Старр* томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган геосиёсий концепция/лойиҳа. Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўрилади. АҚШнинг “Катта Марказий Осиё”даги стратегик мақсадлари давлат институтлари ва минтақавий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, демократик сиёсий тизимларни

рағбатлантириш, минтақа транспорт инфратузилмасини ҳамда континентал савдони ривожлантириш тарзида белгиланади. *Катта Марказий Осиёнинг ҳамкорлиги ва ривожланиши бўйича шерикчилик* минтақавий форумини тузиш, ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Россия ва Хитой форум доирасида *кузатувчи*, Ҳиндистон ва Туркия унинг *“табиий иштирокчилари”*, айрим давлатлар (хусусан, Эрон ва Покистон) форумга *аъзо бўлиши мумкин бўлмаган* томонлар сифатида кўрилади. Мутахассислар мазкур концепциянинг асл мақсадини АҚШнинг РФ ва ХХР каби геосиёсий рақибларини Марказий Осиё минтақасига нисбатан таъсири ва монополиясини камайтиришга интилишда кўрадилар.

Ад.: Frederick S. Starr. *A ‘Greater Central Asia Partnership’ for Afghanistan and Its Neighbors.* – Washington, D.C., 2005. – Silk Road Paper, March; Frederick S. Starr. *In Defense of Greater Central Asia.* – Washington, D.C., 2008; Звягельская И. *Ключи от счастья, или Большая Центральная Азия* //Россия в глобальной политике. – Москва, №4, 2005.

“КАТТА ЎЙИН” – 19-аср ва 20-асрнинг бошида *Британия* ва *Россия* империяларининг Ўрта Осиё ва Афғонистонда ҳамда уларга чегарадош бўлган ҳудуд ва минтақаларда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган сиёсати (кураши)ни ифодаловчи тушунча. Ибора муаллифи сифатида инглиз офицери *Артур Конолли* (1840) келтирилади. Кенг муомалага *Редьярд Киплинг*нинг “Ким” асари орқали кириб келган. Британия империяси томонидан Ҳиндистонни тўлиқ забт этилиши ҳамда Осиёда Британия қудратига зарба беришга қаратилган Наполеон урушларининг ибтидоси “катта ўйин”нинг бошланғич нуқтаси сифатида кўрилади. Форс кўрфазидан то Ҳимолайгача бўлган ҳудуд Россия билан

Британия ўртасидаги геосиёсий кураши майдонига, Афғонистон эса ушбу қарама-қаршиликнинг марказига айланди. Охир-оқибатда Афғонистон *буфер ҳудуд*га, яъни икки империя ўртасидаги зиддиятни юмшатувчи оралиқ бўғин ёки заиф давлатга айланиб қолди. *“Дюранд чизиғи”* пуштун халқини иккига бўлиб қўйди. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан тўлиқ босиб олинди. Ҳимолай, Помир, Панж ва Амударёда империяларнинг таъсир доирасини белгиловчи делимитация чизиқлари ўрнатилди. 1919 йилда Афғонистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва тан олиниши билан “катта ўйин”га мантиқий якун ясалди. 1979 йилда Совет Иттифоқининг Афғонистон ички ишларига қуролли аралашуви буюк давлатларнинг геосиёсий курашида у ўз “аҳамияти”ни сақлаб қолаётганлиги ҳамда “катта ўйин” ҳамон давом этаётганлигини кўрсатди. Бироқ 1991 йилда Иттифоқнинг *“геосиёсий борлиқ сифатида”* барҳам топиши АҚШнинг Афғонистонга нисбатан “қизиқишлари”ни сўнишига олиб келди. 90-йилларнинг бошида мамлакатдаги ҳокимият ва хавфсизлик вакууми шароитида Афғонистон халқаро терроризм ўчоғига айланиб қолди. 1991 йилда Марказий Осиё халқларининг ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритиши углеводород ресурсларга бой минтақа атрофида, мутахассислар таъбири билан айтганда, *“янги катта ўйин”*ни бошланишига олиб келди. Унинг ўзига хослигини иштирокчилар сони ва кўламининг (давлат, нодавлат ва трансмиллий акторлар) кенглиги, манфаатлар ва воситаларнинг ранг-баранглиги билан изоҳлаш мумкин.

*Ад.:*Peter Hopkirk. *The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia.* – New York: Kodansha International, 1992; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond*. – London-New York: I.B. Tauris, 2010.

КВЕТТА ШЎРОСИ – *Қ.: Раҳбарий шўро.*

КОБУЛ – Афғонистон пойтахти ва у жойлашган тарихий вилоят номи. Ҳиндукуш тоғ тизмасида жойлашган водий

бўлиб, унинг ҳудудидан Кобул дарёси оқиб ўтади. Кобул турли даврларда Кушон подшолиги, Сосонийлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Темурийлар ва Бобурийлар давлати таркибига кирган. Дурронийлар давлати маркази 1775 йилда Қандаҳордан Кобулга кўчирилган. 20-асрга келиб Афғонистоннинг энг йирик шаҳрига айланди. Ҳозирда унинг аҳолиси 5 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Шарқий Афғонистон, хусусан, Кобул аҳолиси таркибининг ранг-баранглиги ва зичлигининг юқорилиги билан ажралиб туради. Кобул ва унинг шимолида тожиклар, жануби ва шарқида – пуштунлар (гилзайлар), ғарбида – ҳазоралар жойлашганлиги боис, шаҳар аҳолиси таркибида уларнинг улуши сезиларли даражада катта. Шунингдек, пойтахтда қизилбошлар, нуристонийлар, ўзбеклар ва бошқа халқлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. “Бобурнома”да Кобулнинг географияси ва иқлими қуйидагича таърифланади: *“Шаҳар обод ерларнинг ўртасида жойлашган... Шарқдан гарбга томон ястанган. Атроф-тевараги батамом тоғдир...Кобулдан бир кунда сира қор ёғмайдиган жойга борса бўлади. Яна нужумий (астрономик) икки соатда шундай ерга борса бўладики, у ерда ҳеч қачон қор камаймайди... Жуда латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволи ер оламда борлиги маълум эмас”* ҳамда аҳолиси борасида *“Кобул вилоятида хилма-хил қавмлар бордир. Тоғ оралиқлари ва текисликларда турклар, аймоқлар, саҳройи араблар, шаҳар ва баъзи кентларида сортлар истиқомат қилишади. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида пашойи, парожий, тожик, бараки ва афғонлар яшашади. Ғарбий тоғларида ҳазора ва накдарийлар яшайдилар. Буларнинг орасида баъзилари мўғул тилида гаплашишади”*. Кобул қадимда Буюк ипак йўлининг чорраҳаларидан бири бўлиб хизмат қилган ҳамда Ҳиндистон билан тарихий Хуросонни боғлаган. Ҳозирда пойтахт Қандаҳор, Ҳирот, Балх ва бошқа вилоятлар билан мамлакат бўйлаб ўтган магистрал ҳалқа йўл орқали боғланган.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010.

КОБУЛ УНИВЕРСИТЕТИ – Афғонистоннинг илк ташкил этилган ва етакчи олий ўқув юрти. 1932 йилда тиббиёт мактабининг очилиши билан асос солинган бўлса-да, университетнинг расмий тақдимоти 1946 йилда бўлиб ўтган. 20-асрнинг 60-йилларига келиб, мазкур ўқув юрти Кобул сиёсий ҳаётининг *авангарди* ва *сиёсий радикализмнинг ўчоғига* айланди. Марксистик, миллатчилик ва диний руҳдаги партиялар (*“Афғонистон халқ-демократик партияси”, “Афғонистон ислом жамияти”, “Афғонистон ислом партияси”*)нинг дастлабки тўгараклари, уларнинг етакчилари ҳамда таниқли сиёсатчилар (*Бурҳониддин Раббоний, Гулбиддин Ҳикматёр, Аҳмадшоҳ Масъуд, Бабрак Кармал, Муҳаммад Нажибулла, Абд ур-Раб Расул Сайёф* ва бошқалар)нинг фаолияти мазкур ўқув юрти билан боғлиқ. 1968 йилда қабул қилинган “Университетлар тўғрисидаги” қонун ўқитувчилар ва талабаларга сиёсий фаолият билан шуғулланишни тақиқлади. Ўз манфаатларига эга бўлган дунёнинг қудратли ва минтақанинг етакчи давлатлари Кобул университетини ўз мафкураси ва ғояларини ёйиш учун қулай муҳит деб билишган. Университетнинг янги шаҳарчаси ва инженерлик факультети АҚШ, Политехника институти Совет Иттифоқи (1967), теология факультети Миср (1951, ал-Азҳар университети) кўмагида ташкил этилган. Мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазият сабаб 90-йилларда университет ўз фаолиятини тўхтатган. Нисбатан барқарор ҳудудларда, хусусан, Мозори Шариф, Ҳирот, Бомиёнда университетлар

очилган. Кобул университети 2002 йилга келиб ўз фаолиятини бошлади. Университет ҳовлисида диний ва сиёсий арбоб, ислоҳотчи *Жамолиддин Афғоний*нинг хоки дафн қилинган.

Ад.: Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004.

КОРДОВЕС ДИЕГО – *Қ.: Женева келишувлари.*



КУЧИ (лар) – Афғонистонда кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи халққа нисбатан қўлланадиган умумий ном. Айнан *“кўчиб юрувчи одам”* деган маънони англатади. Ўтган асрнинг бошларида кучилар Афғонистон аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этган. Кўчманчи қабилалар ичида пуштунлар кўпчиликни ташкил этган. Хусусан, *гилзай* иттифоқининг *харотий, насири*, *аҳмадзай, сулаймонхел* ҳамда *дурроний* пуштунларининг *нурзай* каби қабилалари шулар жумласидандир. Ҳозирда мамлакатда кучиларнинг умумий сони тахминан 3 миллион кишини ташкил этади. 20-асрнинг 80-йилларида улар Афғонистондаги майда шохли мол ва туяларнинг 30 % га эгалик қилишган. Тарихан кучилар афғон тоғлари ва ҳинд водийси орасида кўчманчилик билан турмуш кечирган. Кўчманчи чорвадорлар ёз ойларида ўз чорваларини мамлакатнинг яйловларга бой шимолига қараб ҳайдаб боришган, қишда эса жанубий вилоятларга қайтишган. Улар Ҳазоражат ва шимолдаги ҳудудларни ўзларининг тарихий яшаш манзили деб билишган. Мамлакатда амалга оширилган пуштунлаштириш сиёсати натижасида Афғонистоннинг

шимолида ҳам кучи жамоалари вужудга келган. Кучилар ва шимолдаги этник гуруҳлар ўртасида маълум қарама-қаршилик мавжуд. Ҳозирда кучи жамоасининг кам сонли қисмигина анъанавий кўчманчи турмуш тарзини сақлаб қолган. Кучилар Афғонистон тарихидаги турли инқилоблар ва шу каби муҳим сиёсий воқеаларда муҳим роль ўйнаган. Уларга мамлакат парламентининг қуйи палатаси (*Волеси жирға)*да 10 та, юқори палатаси (*Мешрано жирға)*да 2 та ўрин ажратилган. 2006 йилда президент маъмурияти қошида Кучилар бўйича мустақил комиссия тузилган. Кучилар “Толибон” ҳаракати томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. 2002 йилда кучилар Бош кенгашининг раиси этиб АИР президенти Ашраф Ғанининг укаси *Хашамат Ғани Аҳмадзай* сайланган.

Ад.: История Афганистана с древнейших времен до наших дней / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; *Kuchis* / World Directory of Minorities and Indigenous Peoples //https://minorityrights.org/minorities/kuchis/.

- Л -

ЛОЙЯ ЖИРҒА – давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган, шунингдек, фавқулодда ва муҳим масалалар юзасидан чақириладиган бутун афғон кенгаши. Хусусан, тахтга ўтириш (Аҳмадшоҳ Дурроний, 1747, Муҳаммад Нодиршоҳ, 1930), уруш эълон қилиш (Мирвоис Хотакийнинг Қандаҳорни эгаллаб олган Эрон ҳукмдорларига қарши чақириғи), мамлакат конституцияларини тасдиқлаш (Омонуллахон, 1923, Зоҳиршоҳ, 1964, Карзай, 2004), халқаро шартномаларнинг имзоланишини қўллаб-қувватлаш (АҚШ билан Афғонистон ўртасидаги хавфсизликка оид шартнома, 2013) ва бошқалар. Амир Абдураҳмон Лойя жирғага қирол оиласи аъзоларини, етакчи қабила бошлиқларини ҳамда уламоларни жалб қилган. 2004 йилда қабул қилинган Афғонистон конституциясига кўра, Лойя жирға Миллий мажлис аъзолари ҳамда вилоят ва туман кенгашлари раисларидан иборат бўлган. Шунингдек, унинг йиғилишларида вазирлар, олий суд раиси ва аъзолари овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишлари мумкин бўлган (110-модда). *Қ.: Жирға.*

Ад.: *Конституция Исламской Республики Афганистан* / Конституции государств (стран) мира; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Encyclopedia Britannica. *Gnad National Assamly (Afghani government).*

- М -

МАНСУР АҲТАР – “Толибон” ҳаракати амири. 1963/1965 йилда Қандаҳорда туғилган, дурроний иттифоқининг *исҳоқзай* қабиласига мансуб. Диний таълимни Покистон мадрасаларида олган. *Юнус Холиснинг “Афғонистон ислом партияси”* сафларида Кобул режимига қарши курашган. 1994 йилда Қандаҳорни эгаллаган илк толиблар қаторида бўлган. 1996-2001 йиллар мобайнида “Толибон” ҳукуматида Қандаҳор вилояти губернатори, “Ариана” афғон ҳаво йўллари компанияси раҳбари ҳамда авиация вазири лавозимларида фаолият юритган. Араб кўнгиллиларини “Толибон” сафларига жалб қилиш сиёсатини қўллаб-кувватлаган ва Форс кўрфази давлатлари билан яқин тижорат алоқаларини ўрнатган. “Толибон” режими ағдарилгач, Покистонга кўчиб ўтган. 2007 йилда Раҳбарий шўро томонидан *Абдулғани Биродар*нинг ўринбосари этиб тайинланади ва 2010 йилда АҚШ билан Покистон ҳарбийларининг қўшма рейдида Биродар қамоққа олингач, Мансур ҳаракатнинг амалдаги етакчисига айланади. 2015 йилда мулла Умарнинг ўлими эълон қилинади ва у ҳаракат амири этиб сайланади. Раҳбарий шўрода исҳоқзай кланининг бошқа етакчи аъзолари (хусусан, *Гул Оға,* ҳаракатнинг бош молиячиси, мавлоно *Нани*, ҳаракатнинг бош қозиси ва бошқалар) билан биргаликда ушбу клан манфаатларини ҳимоячисига айланади. Бу шўродаги бошқа *дурроний* қабилалар, хусусан, *ализай* ва *нурзай*ларнинг эътирозига сабаб бўлади. 2016 йилнинг 21 май куни Мансур

Балужистон (Покистон) ҳудудида АҚШнинг учувчисиз учиш қурилмаси берган зарба натижасида ҳалок бўлади.

Ад.: Profile: Taliban leader Mullah Akhtar Mansour. BBC News; *Biography of new Taliban Leader Mullah Akhtar Mansoor*. Pajhwork Afghan News; Encyclopedia Britannica. *Akhtar Mohammad Mansour*.

МАСЪУД АҲМАДШОҲ – афғон мужоҳидларининг машҳур қўмондони, сиёсатчи, “*Афғонистон ислом жамияти”* партияси етакчиларидан бири. 1953 йилда Парвон вилояти Базарак қишлоғида (ҳозирги Панжшир вилояти)да туғилган, этник тожик. Француз тилига ихтисослашган *“Истиқлол”* лицейини тамомлаган. Кобул политехника институтининг инженерлик факультетида таълим олган. 1975 йилда *Муҳаммад Довуд* ҳукуматига қарши амалга оширилган *Панжшир қўзғолони*нинг ташкилотчиси. Совет қўшинлари ва коммунистик режимга қарши курашган. Стратегик аҳамиятга эга бўлган Кобул – Хайратон йўли, Панжшир водийси ҳамда мамлакатнинг айрим шимолий ҳудудларида ўз назоратини ўрнатган. Совет қўшинларининг Панжширдаги назорати ҳеч қачон тўлиқ ва доимий бўлмаган. Ҳарбий маҳорат ва иқтидор эгаси бўлган Масъуд *“Панжшир шери”* номини олган. Масъуд афғон мужоҳидлари ҳукуматида мудофаа вазири лавозимини эгаллаган. Бу даврда мамлакатда *Гулбиддин Ҳикматёр* бошчилигидаги *“Ҳизб-и ислом”* кучларининг қаршилигини бартараф этишга ҳаракат қилган. 1996 йилда бошқа дала қўмондонлари билан ҳамкорликда аксилтолибон “*Афғонистонни қутқариш бирлашган ислом фронти”* ёки *“Шимолий альянс”*ни тузади. *Панжшир, Таҳор*, шунингдек, *Парвон* ва *Бадахшон* вилоятларининг маълум қисмларини доимий равишда назорат қилган ва амалда мустақил маъмурий бирлик сифатида бошқарган. Масъуд мамлакатдаги турли сиёсий кучларни бирлаштиришга бир

неча бор уринган. Хусусан, 1995 йилнинг бошида мамлакатдаги барча сиёсий кучлар, жумладан, *“Толибон”* иштирокида сайловлар ўтказиш ҳамда янги ҳукуматни тузиш мақсадида умуммиллий тинчлик жараёнини бошлаш ташаббусини илгари суради. 1999 йилда мамлакатнинг шимолидаги халқлар, шунингдек, *Абдул Хақ* ва *Ҳамид Карзай* етакчилигидаги пуштун қабилаларини *“Толибон”га* қарши бирлаштиришга ҳаракат қилади. 2000 йилнинг ноябрида Масъуд қароргоҳидаги учрашувда Афғонистондаги можарони ҳал қилиш бўйича *Лойя жирға* йиғилишини чақириш ҳамда “Толибон” режими қулаганидан кейин ҳукумат тузиш масаласи муҳокама қилинади. Масъуд харизматик етакчилик ва кучли бошқарувчилик қобилиятига эгалиги билан ажралиб турган. Ҳатто душманлари орасида ҳам у ҳурматга сазовор бўлган. Қатор таниқли совет ҳарбийлари унинг номини ҳурмат билан тилга олиб, моҳир ҳарбий қўмондон ва стратег сифатида эътироф этишган. 2001 йилнинг баҳорида Европа парламентидаги чиқишида Масъуд Афғонистондаги конфликт ички муаммо эмаслиги, балки ташқи кучлар, авваламбор, Покистон таъсирида вужудга келганини таъкидлаб, халқаро ҳамжамиятни Исломободга таъсир ўтказишга чақиради. Масъуд 2001 йилнинг 9 сентябрида “ал-Қаида” амалга оширган террорчилик акти қурбонига айланади. Тарих ва адабиёт билан қизиққан, шеърият ихлосманди бўлган. *Қ.: “Афғонистон ислом жамияти”, “Шимолий альянс”*.

Ад.: Halim Tanwir *Afghanistan History, Diplomacy and Journalism*. Vol 1. – Xlibris, 2013; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Encyclopedia Britannica. *Ahmad Shah Masoud.*

МАҲСУДЛАР – *Қ.: Вазиристон.*

МЕШРАНО ЖИРҒА – 2021 йилгача Афғонистон Ислом Республикаси парламенти (Миллий мажлис)нинг юқори

палатаси. Мешрано жирға 102 нафар сенатордан иборат бўлиб, мамлакат конституцияси (84-моддаси)га кўра, улар ҳар бир вилоят кенгашлари томонидан 1 нафардан 4 йил муддатга ва туман кенгашлари томонидан ҳар бир вилоятдан 1 нафардан 3 йил муддатга сайланган, қолган аъзолар Афғонистон президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланган. Президент тайинлаган сенаторларнинг ярми аёллар, 2 нафари ногиронлар ва яна 2 нафари эса кучилар вакили бўлиши лозим бўлган. Мешрано жирға маълум сабабларга кўра давлат бошлиғи ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда президент маъмурияти фаолиятини назорат қилиш, қонунларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш каби ваколатларга эга бўлган. *Қ.: Волеси жирға.*

Ад.: Конституция Исламской Республики Афганистан, 2004 г.; Understanding Afghanistan's elections 2018 / Al Jazeera, 2018 //https://www.aljazeera.com/indepth/interactive/2018/10/understanding-afghanistan-elections-2018-181019150908439.html.

МИЛЛИЙ МАЖЛИС – Афғонистоннинг олий вакиллик органи, парламентининг номи. 1931 йилда қабул қилинган конституция билан таъсис этилган. Оммонулахон даврида амир назоратидаги бир палатали қонунчилик органи фаолият юритган. Мажлис аъзоларининг умумий сони 352 киши бўлиб, икки палатадан ташкил топган: *Мешрано жирға* (юқори палата) ва *Волеси жирға* (қуйи палата). Қонун лойиҳаси аввал қуйи, кейин юқори палата томонидан қабул қилиниб, Президент тасдиғига киритилган. Давлат бюджети ва ҳукуматнинг ривожланиш дастурларини қабул қилишда ўзгача тартиб амал қилган, яъни лойиҳа аввал *Мешрано жирға* кейин *Волеси жирғада* кўриб чиқилган. Палаталарнинг қўшма йиғилишида Волеси жирға спикери раислик қилган. 2015 йилда Ҳиндистон ҳукуматининг молиявий ёрдамида Афғонистон парламентининг янги биноси қуриб битказилди. Унинг очилиш маросимида АИР

президенти А. Ғани ва Ҳиндистон бош вазири Н. Моди иштирок этди. *Қ.: Мешрано жирға, Волеси жирға*.

Ад.: Конституция Исламской Республики Афганистан,2004г; S.H. Hashimi *The National Assembly of Afghanistan and the Role of Parliamentary Commissions //* https://www.asgp.co/sites/default/files/documents.doc.



МОЗОРИЙ АБДУЛ АЛИ – афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси. 1946 йилда Мозори Шариф шаҳрида туғилган. *“Мозорий”* тахаллуси унинг туғилган жойига ишора. 1990 йилда Эрон Ислом Республикаси кўмагида фаолият юритаётган афғон шиа гуруҳларини бирлаштириш орқали ташкил этилган *“Афғонистон ислом бирлиги партияси” (“Ҳизб-и Ваҳдат”)*нинг асосчиларидан бири ва етакчиси. Диний таълимни Мозори Шариф, Қум (Эрон) ва Нажаф (Ироқ)да олган. Совет қўшинларининг Афғонистонга кириб келишининг илк йиллариданоқ, уларга қарши қуролли ҳаракатга қўшилган. Ушбу курашда аксарият оила аъзоларидан ажралган. 90-йилларнинг бошида афғон мужоҳидларининг *ўтиш ҳукумати* билан ҳамкорлик қилган. Бироқ Саудия Арабистони томонидан қўллаб-қувватлаб келинган Абд ур-Раб Расул Сайёфнинг “Ислом иттифоқи” билан низо Кобулда “Иттифоқ” ва “Ваҳдат” кучлари ўртасида қуролли тўқнашувларга олиб келади ва уни Гулбиддин Ҳикматёр билан ҳамкорлик қилишга сабаб бўлади. Мозорий этник ҳазораларнинг ҳимоячиси сифатида Афғонистонда *федерал бошқарув шаклини* ўрнатилишини мамлакатда барча этник гуруҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашнинг воситаси деб билган. 1995 йилнинг 12 мартида толиблар ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда Мозорий бошчилигида “Ваҳдат” делегацияси асирга олинади ва у қатл этилади.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; *Biography of Abdul Ali Mazari* // https://www.afghan-web.com/biographies/biography-of-abdul-ali-mazari/.

МУЖАДДАДИЙ СИБҒАТУЛЛОҲ – *нақшбандийлик тасаввуф тариқати* асосчиларининг авлоди. Афғонистон ва бошқа мусулмон давлатларида машҳур бўлган м*ужаддадийлар сулоласи*нинг вакили. Мужаддадий 1925 йилда Кобулда туғилган. Мисрда *ал-Азҳар* университетида таҳсил олган. Кобулдаги “Ҳабибия” ва бошқа ўқув юртларида дарс берган. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. Бош вазир Муҳаммад Довудга мурожаат қилиб (1954), *Афғонистонда Совет Иттифоқи таъсири ва хавфининг ўсиб бораётганлигига* эътиборни қаратган. Совет делегацияси аъзоларига суиқасдда айбланиб қамалган (1960-1964). Озод бўлгач, маълум муддат хорижда яшайди. Мамлакатга қайтгач, фаол сиёсий ҳаётни давом эттиради. Иккинчи бор қамоққа олиниш хавфи остида хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1974-1978 йилларда Копенгаген (Дания)да Ислом марказини бошқаради. 1979 йилнинг январида Кобул режими *Мужаддадийлар сулоласи* вакилларини қатл этади (адабиётларда қатл этилганлар сони турлича келтирилади: 22 нафар (Коргун, Спольников), 70 (Рубин, Барфилд) ва 96 (Адамек)). С. Мужаддадий 1979 йилнинг 12 мартида бутун Афғонистон бўйлаб жиҳодни бошлаш тўғрисида фатво беради. Ушбу фатво Саудия Арабистони муфтийси томонидан қўллаб-қувватланади ва атеистик совет режимига қарши кураш бутун мусулмонларнинг бурчи деб эълон қилинади. У 1979 йилда *“Афғонистонни қутқариш миллий фронти*”ни тузади. Фронтнинг мўътадил сиёсий қарашлари ҳамда Мужаддадийнинг нуфузи унинг сафларига афғон жамиятининг турли қатламлари вакиллари (уламолар, зиёлилар,

аввалги режим амалдорлари, қабила бошлиқлари ва бошқалар)ни қўшилишига замин яратади. Фронт таркибини этник жиҳатдан асосан Афғонистоннинг жануби-шарқидаги пуштун қабилалари ташкил этади. Мужаддадий партиясини Саудия Арабистони, БАА, Миср ва Қувайт каби давлатлар қўллаб-қувватлайди. 1989 йили Равалпиндида *“Пешовар еттилиги”* С. Мужаддадий (президент) ва А. Сайёф (бош вазир) бошчилигидаги *ўтиш ҳукумати*ни тузади. Мужаддадий 1992 йил икки ой давомида (28 апрелдан 28 июнгача) *Афғонистон ислом давлатининг президенти* бўлган. 2003 йилда Афғонистон конституцияси лойиҳасини муҳокама этиш учун чақирилган *Конституциявий лойя жирға*га раислик қилган. 2005 йилда у Афғонистон парламентининг юқори палатаси, *Мешрано жирғанинг раиси* этиб сайланади. Мужаддадий 2019 йилда вафот этади. *Қ.: Мужаддадийлар сулоласи.*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

МУЖАДДАДИЙЛАР СУЛОЛАСИ – нуфузли *нақшбандийлик тариқати* шайхлари авлодлари. Мазкур сулоланинг асосчиси Ҳиндистоннинг *Сирҳинд* шаҳрида яшаган шайх *Сирҳиндий Аҳмад Форуқ* ҳисобланади. Сирҳиндий ўз қарашларини муридлари орасида кенг тарқалган мактубларида баён этган. Сирҳиндий мусулмон дунёсида кенг эътироф этилиб, *“имоми раббоний” (“илоҳий имом”)* ва “*мужаддиди алфи соний”* (*“2-минг йилликнинг янгиловчиси”*) унвонларига эга бўлган. Сирҳиндий нақшбандийлик тариқатининг янги тармоғи *мужаддадийликка* асос солган. Унинг Сирҳинд шаҳридаги

мақбараси аҳоли орасида, айниқса, *гилзай пуштунлари* учун муҳим зиёратгоҳ ҳисобланади. 19-асрнинг бошида шайхнинг еттинчи авлоди вакили *Қаюм Жон Оға* Афғонистонга кўчиб келади ва Кобулнинг *Шўр бозор* ҳудудида мадраса очади. Шундан унинг авлодлари *Ҳазрати Шўр бозор* фахрий номи билан улуғланади. Қаюм Жон Оғанинг авлодлари Фазл Муҳаммад, Фазл Умар ва Муҳаммад Иброҳимлар сулоланинг кўзга кўринган намояндалари ҳисобланади. Ушбу сулола афғон ҳукмдорларини тахтга ўтқазиш маросимини бошқариш ҳуқуқини мерос қилиб олган. Улар Афғонистоннинг жануби ва шарқида нақшбандийлик тариқатининг пирлари ҳисобланиб, анъанавий тарзда гилзай пуштунлари билан яқин алоқага эга. Мужаддадийлар Омонуллахон, Муҳаммад Довуд ислоҳотларига қарши чиқишган. 1979 йилнинг январида Кобул режими Муҳаммад Иброҳим ва Мужаддадийлар сулоласининг бошқа вакилларини қатл этади. Сибғатуллоҳ Мужаддадий замонавий афғон тарихида сезиларли из қолдирган сулола вакили ҳисобланади. *Қ. Сибғатуллоҳ Мужаддадий.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Сирҳиндий Аҳмад Форуқ* (Нажмиддин Комилов)*;* Коргун В. *История Афганистана. – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004;* Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

МУЛОҚОТ ГУРУҲИ, “6+2” – Афғонистондаги *конфликтни тинч йўл билан ҳал этиш* мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти *И.А. Каримов* ташаббуси билан тузилган мулоқот гуруҳи. Унга Афғонистонга чегарадош – *Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, ЭИР, ХХР* ва *ПИР,* шунингдек, *АҚШ* ва *РФ* кирган. Шу боис, ушбу “6+2” мулоқот гуруҳи *“дўстлар ва қўшнилар”* деб ҳам аталади. Мулоқот гуруҳи доирасида 1999 йил 19 июлда Тошкентда *БМТ*нинг Афғонистон бўйича махсус вакили *Лахдар Браҳими,* иштирокчи давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари, “*Шимолий альянс”* ҳамда *“Толибон”*

ҳаракати вакиллари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтган. Конференция якунлари бўйича *Афғон конфликтини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси* қабул қилинган. Ҳужжатда конфликтнинг ҳарбий ечимга эга эмаслиги таъкидланиб, курашувчи томонларни мамлакатнинг барча этник, диний ва сиёсий гуруҳларини қамраб олувчи инклюзив ҳукумат тузишга ҳамда БМТ шафелигида тўғридан-тўғри сиёсий музокараларни бошлашга чақирди. Шунингдек, конфликт томонларига ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик ҳамда ҳудудларидан ушбу мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик белгиланди. *“Толибон”* халқаро террористик ташкилотларга бошпана бермасликка чақирилди. Тошкент декларацияси Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича конструктив ёндашувни таклиф этган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосий қоидалари БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясида ўз аксини топди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг НАТО Афғонистон ҳарбий-сиёсий саҳнасида етакчи кучга айланди. 2008 йилнинг 4 апрелида *НАТО/ЕАҲК*нинг Бухарестдаги Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланган саммитида Ўзбекистон *Мулоқот гуруҳи*га *НАТОни* жалб қилиш ташаббуси билан чиқди. Расмий Кобул ҳамда айрим етакчи минтақавий давлатлар (хусусан, Ҳиндистон)нинг гуруҳ таркибига киритилмаганлиги манфаатдор давлатлар ва мутахассисларнинг эътирозига сабаб бўлган. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция мамлакатимизнинг Афғонистонга оид ташқи сиёсати ва нуқтаи назарининг изчиллиги ва қатъийлигининг намойиши ҳисобланади.

Ад.: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг НАТО/ЕАҲК саммитидаги нутқи (2008 йил 2 апрель) //Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008; Ahmed

---

Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London – New York: I.B. Tauris, 2010.

“МУСУЛМОН ЁШЛАР” – 20-асрнинг 60-йилларида Кобул университетининг теология факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан асос солинган диний/исломий ҳаракат. Унинг тарафдорлари университетда турли марксистик гуруҳлар фаолиятининг кучайиши, мамлакатда ғарблашув жараёнининг чуқурлашуви ҳамда дунёвийликка томон ривожланишига мухолифатда бўлишган. Ҳаракатнинг ташкилий ва ғоявий асосларини шаклланишида “*Мусулмон биродарлар”* (“Иҳвон ал-муслимун”) ташкилоти қарашлари ва фаолияти кучли таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам унинг оппонентлари ҳаракат аъзоларини “иҳвончилар” деб аташган. “Мусулмон ёшлар”нинг ғоялари пойтахтдаги бошқа ўқув юртлари ҳамда савдогарлар, амалдорлар ва зиёлилар орасида ҳам кенг тарқалган. Б. Раббоний, Г. Ҳикматёр, А. Масъуд, А. Сайёф ва бошқалар ҳаракатнинг фаол иштирокчилари бўлишган. 1971 йилда Раббонийнинг уйида бўлиб ўтган йиғилишда ҳаракатнинг ташкилий асослари яратилди ва у “Ислом жамияти” номини олди. *Раббоний* ташкилот кенгаши (шўро) раиси, *А. Сайёф* унинг ўринбосари ҳамда *Ҳабиб Раҳмон* котиб этиб сайланди. Муҳаммад Довуд ҳукумати ташкилот аъзоларини қаттиқ таъқиб остига олади. Амалдаги раҳбари *Ғулом Муҳаммад Ниёзий* 1974 йилда қамоққа олинади (1978 йилда “Халқ” режими томонидан қатл этилади). Ташкилотнинг қолган етакчи ва фаоллари, хусусан, Б. Раббоний ва Г. Ҳикматёр Покистондан бошпана топишга мажбур бўлади. Зулфиқор Али Бхутто ҳукумати уларни ва бошқа афғон муҳожирларини ўз “ҳимоясига” олади. 1975 йилда Г. Ҳикматёр ва Аҳмадшоҳ Масъуд Бадахшон ва Панжширда ҳукуматга қарши қуролли қўзғолонни амалга оширади. 70-йилларнинг ўрталарида “Мусулмон ёшлар” ҳаракати негизида “Пешовар еттилиги”нинг икки етакчи

партияси *“Афғонистон ислом жамияти”* ва *“Афғонистон ислом партияси”* вужудга келади.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

МУҲАММАДЗАЙЛАР – пуштунларнинг *дурроний* иттифоқига кирувчи *баракзай* қабиласи тармоғи/бўғини. Муҳаммадзайларнинг етакчиси сардор Пояндахоннинг ўғли *Дўстмуҳаммадхон* (Ғазни амири) 1826 йилда Кобул тахтини эгаллаб, *муҳаммадзайлар сулоласи*га асос солади. Ушбу сулола (1929 йилда Ҳабибулло Калаконийнинг қисқа муддатли ҳукмронлик даврини ҳисобга олмаганда) 1978 йилнинг апрель (савр) инқилобига қадар мамлакатни бошқаради.

МУҲАММАДИЙ МУҲАММАД НАБИ – афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси. 1920/21 йилларда Лоғар вилоятида туғилган, пуштунларнинг *аҳмадзай* қабиласига мансуб. Мавлоно Муҳаммадий диний таълимни Лоғардаги маҳаллий мадрасаларда олган. Нақшбандия тариқатининг машҳур шайхи *Иброҳим Мужаддадий*нинг муриди ҳисобланган. 1964 йилда Афғонистон парламенти депутатлигига сайланган. Савр инқилобидан кейин Покистонга чиқиб кетади ва 1978 йилда Балужистонда анъанавий уламо ҳамда Довуд режимининг профессионал ҳарбийларидан ташкил топган *“Афғонистон исломий инқилоб ҳаракати” (“Ҳаракати инқилоби исломий Афғонистон”)ни* тузади. Ҳаракат этник жиҳатдан асосан пуштунлардан иборат бўлган. Муҳаммадий Лоғар вилоятида мадрасани бошқарган ҳамда Ҳилманд водийсида катта ер-мулкка эга бўлган. Айнан ушбу икки вилоят ҳаракатнинг таянчи бўлиб хизмат қилган. Бироқ ҳаракат кучли ташкилий тузилмага эга бўлмаган. У 1992 йилда Раббоний ҳукуматида вице-президент лавозимини эгаллайди. Ҳаракатнинг аксарият ўрта қатлам қўмондонлари ва оддий жангчилари толибларга

қўшилади. Муҳаммадийнинг ўзи "Толибон" ҳокимиятини 1995 йилда тан олади. У 2002 йилнинг апрель ойида Покистонда вафот этади. *Қ.: "Пешовар еттилиги"*.

Ад.: Mohammad Nabi Mohammadi // https://dbpedia.org/page/Mohammad_Nabi_Mohammadi.

МУҲАҚИҚ МУҲАММАД – таниқли афғон сиёсатчиси, "*Афғон халқи ислом бирлиги партияси"* (2004) асосчиси ва етакчиси. 1955 йилда Мозори Шариф шаҳрида туғилган, этник ҳазора. Совет қўшинлари ва Кобул режимига қарши қуролли курашнинг фаол иштирокчиси. 90-йилларнинг бошида *"Ислом бирлиги партияси" ("Ҳизб-и Ваҳдат")*нинг Шимолий Афғонистон бўйича етакчиси бўлган. Унга содиқ кучлар "Шимолий алъянс" таркибида толибларга қарши курашган. 2001 йилдан кейинги *ўтиш ҳукумати* таркибида вице-президент ва вазир лавозимларида фаолият юритган. 2004 йилдаги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиган ва (Ҳамид Карзай ва Юнус Қонунийдан сўнг) 11,7 % овоз билан учинчи ўринни эгаллаган. 2014-2019 йилларда "Миллий бирлик ҳукумати" бошлиғи Абдулла Абдулланинг ўринбосарларидан бири бўлган. Муҳақиқ Афғонистонда марказлашмаган ҳокимият тизимини яратиш тарафдори. У ҳазора жамоаси орасида оммабоп бўлган теле- ва радиостанцияларга эга. Дарий, форс, ўзбек ва араб тилларида эркин сўзлашади.

Ад.: Mohaqeq, Haji Mohammad Mohaqiq // http://www.afghan-bios.info/index.php?option=com_afghanbios&id=1075&task=view&total=1&start=0&Itemid=2.

- Н -

НАЖИБУЛЛА МУҲАММАД – таниқли афғон сиёсатчиси, 1986-1992 йилларда давлат бошлиғи бўлган. 1947 йилда Гардезда туғилган, пуштунларнинг *гилзай* иттифоқига кирувчи *аҳмадзай* қабиласига мансуб. Кобул университетининг тиббиёт факультетини тамомлаган. *АХДП (“Парчам”* фракцияси)нинг аъзоси (1965). *Савр инқилобидан* сўнг қисқа муддат Афғонистоннинг Эрондаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлган. “Халқчи”ларнинг тазйиқи остида ушбу лавозимдан озод қилинган. Маълум муддат (1979) Шарқий Европада қувғинликда яшаган. *Бабрак Кармал* ҳукмронлиги даврида *Давлат ахборот хизмати* (хавфсизлик хизмати)ни бошқарган (1980-1985). Мазкур идорадаги фаолияти билан собиқ Иттифоқ раҳбарияти назарига тушган. 1986 йилнинг апрелида АХДП Марказий қўмитаси уни партиянинг бош котиби этиб сайлайди. 1987 йилда қабул қилинган конституцияга кўра, мамлакат номи *Афғонистон Республикаси* деб ўзгартирилади ва Нажибулла президент этиб сайланади. Унинг ҳукумати куролли мухолифат билан кескин курашлар шароитида *“миллий ярашув”* сиёсатини қўллаб-кувватлайди ва афғон мужоҳидлари билан коалицион ҳукумат тузишга розилигини билдиради. Социализм ғояларидан воз кечиб, афғон халқининг миллий қадриятлари ва манфаатларига эътиборни қаратади. 1988 йилда совет қўшинларининг Афғонистонни тарк этишининг биринчи куни (15 май) “миллий озодлик куни” деб эълон қилинади; *Исломий маслаҳат кенгаши* тузилади; шариатга зид бўлган

барча қонунлар бекор қилинади; 1990 йилда АХДП номи *“Ватан”* деб ўзгартирилади. Бироқ ҳукуматнинг бу каби саъй-ҳаракатлари кутилган натижаларга олиб келмади. 1991 йилда Совет Иттифоқининг *“геосиёсий борлиқ сифатида”* барҳам топиши ҳамда Афғонистон ҳукуматига берилаётган ҳарбий, молиявий ва иқтисодий ёрдамнинг тўхтатилиши 1992 йилнинг баҳорига келиб Нажибулла режимини қулашига олиб келди. Кобул афғон мужоҳидлари қўлига ўтгач, Нажибулла БМТ ваколатхонасидан бошпана топади. Бироқ 1996 йилда толиблар томонидан шафқатсизларча қатл этилади. *Қ.: АХДП.*

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Большая российская энциклопедия. *Наджибулла Мохаммад*; Encyclopedia Britannica. *Najibullah.*

НАНГАРҲОР – Афғонистон шарқидаги тарихий вилоят, маъмурий маркази *Жалолобод* шаҳри. Шаҳарга Бобурнинг невараси *Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ* томонидан асос солинган. Нангарҳор ёки Жалолобод водийси Кобул ва Пешовар (Покистон) транспорт йўлагининг муҳим бўғини ҳамда Хайбар довонига дарвоза бўлиб, Марказий Осиё ва Афғонистонни Ҳинд субконтиненти билан боғлайди. *“Бобурнома”*да Нангарҳор билан Кобул орасидаги йўл жуда ёмон эканлиги ва уч-тўрт ерда кичикроқ довонлари, икки-уч ерда тор даралари борлиги қайд қилинади. Айнан ушбу йўлда 1842 йилда 16 минг Британия империяси ҳарбийлари ва уларнинг оила-аъзолари қурбон бўлган. Шунингдек, ушбу вилоят/водий совуқ ва иссиқ иқлимни ажратиб туради. *“Бобурнома”*да ушбу ҳолат қуйидагича таърифланади: *“Нингнаҳорга етгач, ўзга бир олам намоён бўлди: гиёҳлар ва дарахтлар ўзгача, ҳайвонлар ўзгача, қушлар ўзгача, эл ва халқнинг расму одати, тутумлари ўзгача; ҳайратда қолдик. Дарҳақиқат, ҳайратга арзигулик жойлардир”.* Аҳолисини асосан пуштунларнинг *маҳманд, хугиёни, шинвари, тира*

ҳамда *гилзай* қабилалари истиқомат қилади. Тарихан Нангарҳор, Кунар, Лағмон ва Нуристон вилоятларини ўзида бирлаштирувчи шарқий минтақа *“катта Нангарҳор”* деб ҳам атаб келинган. Вилоятнинг шарқий қисмида самарали суғориш (ирригация) тизимининг мавжудлиги, тупроғининг унумдорлиги ҳамда унинг субтропик иқлими йилига икки ёки уч маротаба ҳосил олиш имкониятини беради. Асосан буғдой, маккажўхори, гуруч ҳамда цитрус мевалар етиштирилади. Нангарҳор қўшни Кунар, Нуристон вилоятлари каби ўрмонларга бой. Нангарҳорнинг жанубда Кўҳи Сафед (тоғи) ястаниб ётади. *“Тоғда қор ҳаргиз камаймайди. Шу боисдан бўлса керак, Кўҳи Сафед – Оқ тоғ дейдилар”* (“Бобурнома”). Мазкур тоғ тизмасининг таркибий қисми бўлган *Тора Бора* тоғларидаги ғорлар “ал-Қаида” террористик ташкилотининг бошпанаси бўлиб хизмат қилган. 2015 йилда Нангарҳор вилоятининг қатор жанубий туманларида “Хуросон вилояти”, яъни “Ислом давлати”нинг ячейкаси ўз назоратини ўрнатди.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Islam.* 2 nd ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2009.

НАҚШБАНДИЙЛИК – мусулмон оламида кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири. 15-асрда *Баҳоуддин Нақшбанд* томонидан асос солинган. Нақшбандийлик тариқатининг асосида *“Кўнгил худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин”* ғояси ётади. Савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадорлар (шунингдек, 15-асрдаёқ Афғонистон аҳолиси) орасида кенг ёйилган. Ҳозирда нақшбандийлик *қодирия* (қодирийлар) билан бирга Афғонистонда энг кенг тарқалган икки тасаввуф тариқатларидан бири ҳисобланади. Мазкур суфийлик

тариқатлари пирлари хусусан, *Сибғатуллоҳ Мужаддадий*нинг "*Афғонистонни қутқариш миллий фронти*" ва қодирийлар етакчиси пир *Саид Аҳмад Гилоний*нинг *"Афғонистон миллий исломий фронти"* собиқ Иттифоқ қўшинлари ва Кобул режимига қарши курашда муҳим роль ўйнаган.

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Нақшбандийлик.* – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2017.

НУР МУҲАММАД АТО – таниқли афғон сиёсатчиси, *"Афғонистон ислом жамияти"* партияси аъзоси ва етакчиларидан бири. 1964 йилда Балхда туғилган, этник тожик. Афғонистонда Совет Иттифоқи ва Кобул режимига қарши қуролли ҳаракатга қўшилгунга қадар мактаб ўқитувчиси бўлган. Шу боис *"устоз"* тахаллусини олган. "*Шимолий альянс"* таркибида "Толибон" ҳаракатига қарши курашган. Унинг қўмондонлиги остидаги Еттинчи афғон корпуси *Мозори Шариф шаҳри*ни толиблардан озод қилган. *Абдурашид Дўстим* (ҳамда *Муҳаммад Муҳақиқ)* билан узоқ қарама-қаршиликлардан сўнг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган Балх ва унинг атрофидаги вилоятларда ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришган. 2004-2018 йилларда Балх вилояти губернатори бўлиб, Афғонистоннинг замонавий тарихида энг узоқ муддат губернаторлик лавозимида ўтирган шахс сифатида танилган. Мамлакатнинг энг бой ва шу билан бирга қудратли инсонларидан бирига айланган ва вилоятда барқарорликни ўрнатган. Ато Нур муваффақиятининг сири унинг бошқарув маҳорати билан бирга қўл остида бўлган жангчиларни вилоятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳарбий тузилмаларига интеграциясини

таъминлаганлиги билан ҳам изоҳланади. Расмий Кобул билан муносабатда у ўзини марказнинг шимолдаги иттифоқчиси ва ҳамкори сифатида тутган. Мамлакат президентлигига номзодини қўймаган. 2009 ва 2014 йиллардаги президентлик сайловларида *Абдулла Абдулла* номзодини қўллаб-қувватлаган. Муҳаммад Ато Нур парламент бошқаруви ва марказлашмаган ҳокимият тарафдори ҳисобланади.

Ад.: Dipali Mukhopadhyay. *Warlords as Bureaucrats: The Afghan Experience,* Carnegie Papers, No 101, August 2009; Fabrizio Foschini. *The Enteqal Seven (7): Opportunities and Concerns in the North* // Afghanistan Analysts Network, 2011.

- О -

“ОЗОДЛИК ҚЎРИҚЧИЛАРИ” ОПЕРАЦИЯСИ (Operation Freedom’s Sentinel) – АҚШнинг 2015 йилнинг 1 январида Афғонистонда бошлаган ҳарбий миссияси номи. *“Енгилмас озодлик”* операциясининг мантиқий давоми ҳисобланади. Афғонистон билан АҚШ ўртасида тузилган *“Хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида”*ги шартнома (2014) миссиянинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Терроризмга қарши операцияларни амалга ошириш ҳамда НАТО бошчилигидаги *“Қатъий қўллаб-қувватлаш”* миссияси доирасида 1) Афғонистон миллий мудофаа ва хавфсизлик кучларини тайёрлаш, ўқитиш, уларга консультатив ёрдам кўрсатиш ҳамда 2) ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш миссиянинг икки муҳим вазифаси ҳисобланган. Миссия халқаро коалиция қўшинлари сонини кескин камайтирилишини назарда тутган. 2020 йилга келиб миссия таркиби 8 600 нафар ҳарбий хизматчигача қисқартирилган.

ОМОНУЛЛАХОН – Афғонистон амири, дурроний иттифоқининг *бараксай* сулоласи вакили. Отаси амир *Ҳабибуллахон* сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач, тахтга ўтиради ва шу куни (1919 йил 28 февраль) Афғонистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилади. Россия, Туркия, Эрон, Германия, Италия, Франция, Америка ва Япония каби давлатларга дипломатик алоқалар ўрнатиш мақсадида номалар юборади. Совет Иттифоқи 1919 йилнинг 27 мартида биринчи бўлиб,

Афғонистон мустақиллигини тан олади. 1919 йилнинг 8 августида учинчи инглиз-афғон уруши натижалари бўйича Равалпиндида тинчлик шартномаси имзоланади. 19 августда Омонуллахон мамлакатнинг тўлиқ мустақиллигини эълон қилади ва бу кун Афғонистоннинг *Мустақиллик куни* сифатида нишонланиб келинмоқда. Мусулмон дунёсида унинг мавқеи ошди ва у *“ғозий”*, яъни *“ғазавот/забт қилувчи”* унвонига шараф бўлди. 1923 йилда Афғонистоннинг биринчи конституцияси қабул қилинди. “Ёш афғонлар”, айниқса, қайнотаси Маҳмуд Тарзий таъсирида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда муҳим ислоҳотларни амалга оширди (хотин-қизларни озод қилиш (эмансипация), никоҳ тузишнинг минимал ёшини белгилаш, ялпи мажбурий таълимни жорий этиш ва бошқалар). Бироқ ушбу ислоҳотлар уламолар, пуштун қабилалари ҳамда жамиятдаги консерватив кучларнинг қаршилигига учради. 1929 йилнинг январида мамлакат бўйлаб бошланган қўзғолон натижасида Омонуллахон тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Ғулом Сиддиқхон ва Афғонистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ғулом Набихон Чархий И.В. Сталинга ҳарбий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳукуматнинг расмий таклифини етказди (1929 март). Бунга жавобан Иттифоқнинг Кобулдаги собиқ ҳарбий атташеси В. Примаков қўмондонлигидаги отряд афғон ҳарбий формасида мамлакатга киритилди. Бироқ май ойининг охирига келиб, Иттифоқ кучлари амир Ҳабибуллахонга қарши курашни тўхтатди. Омонуллахон яқин қариндошлари билан аввал Ҳиндистонга сўнгра Италияга чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1948 йилда Афғонистондаги мавжуд сиёсий ҳокимиятни тан олгач, унинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди. Омонуллахон 1960 йилда оламдан ўтди. У Жалолободда отасининг ёнига дафн этилди.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Омонуллахон;* Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Брейтвейт Р. *Афган: русские на войне.* – М.: АСТ: CORPUS, 2013.

ОСТ-ИНДИЯ КОМПАНИЯСИ – Британия империясининг Жануби-Шарқий Осиё ва Ҳиндистонда мустамлака сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган савдо компанияси. Компания 1600 йилда таъсис этилган. Қиролича Елизавета томонидан компанияга монопол (танҳо) савдо қилиш, қонунлар қабул қилиш ҳуқуқи ҳамда контрабандистларни жазолашга оид чекланган ваколатлар берилган. 18-асрнинг ўрталарига келиб, компания Бенгалия ва Ҳиндистоннинг амалдаги ҳукмдорига айланди. Мустамлака ҳудудларда ҳокимият компания тайинлайдиган генерал-губернатор томонидан амалга оширилган. Компания расмий ҳукуматга хос барча ваколатларга, хусусан, маҳаллий ҳукмдорлар билан алоқалар ўрнатиш, шартномалар тузиш, уруш олиб бориш ва бошқаларга эга бўлган. Мустамлака сиёсати унинг назоратидаги қўшин ёрдамида амалга оширилган. Биринчи инглиз-афғон уруши бевосита компания армияси томонидан олиб борилган. 1858 йилга келиб, компания ваколатлари бекор қилинади ва колониялар устидан назорат вице-қирол ваколатига ўтади.

Ад.: История Афганистана с древнейших времен до наших дней / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.

ОХУНЗОДА ҲАЙБАТУЛЛА – "Толибон" ҳаракати амири. 1961 йилда Қандаҳорда туғилган, пуштунларнинг дурроний иттифоқига кирувчи *нурзай* қабиласига мансуб. 20-асрнинг 80-йилларида Кобул ҳукумати ва Иттифоқ қўшинларига қарши курашган. 1994 йилда "Толибон" ҳаракатига қўшилган, Қандаҳорда *Ҳарбий суд раиси* ва *Олий суд раиси ўринбосари* лавозимларида фаолият юритган. 2001 йилдан кейин ҳаракатнинг Уламолар кенгаши раиси бўлган. Ислом ҳуқуқи бўйича мутахассис, "Толибон"нинг диний, сиёсий ҳамда

ижтимоий масалаларга оид аксарият фатволарнинг муаллифи ҳисобланади. Толибларнинг ундан аввалги икки амири, хусусан, мулла Муҳаммад Умар ва Аҳтар Мансур диний масалаларда бевосита унга мурожаат қилишган. “Толибон” *“иши”*га содиқлиги, қарашларининг консервативлиги ва кескинлиги билан ҳаракат доирасида кучли мавқега эга бўлган. “Толибон” ҳукмронлиги йилларидаги фаолияти учун аҳоли орасида *“шафқатсиз қози*” номини олган. Мулла Умар ва Мансурдан фарқли ўлароқ, 2001-2016 йилларда *Кветта шўроси* билан алоқаларни сақлаб қолган ҳолда, Афғонистондан туриб ўз фаолиятини олиб борганлиги айтилади. 2015 йилда “Толибон” етакчиси мулла Аҳтар Мансурнинг ўринбосари этиб тайинланган. Мансурнинг ўлимидан сўнг (2016), Раҳбарий шўро томонидан ҳаракатнинг амири этиб сайланган. Охунзода томонидан мулла Умарнинг ўғли *мулла Ёқуб*ни ҳаракат етакчисининг ўринбосари этиб тайинланиши, Мансур даврида Раҳбарий шўродан четлатилган бир неча етакчи қўмондонларни “Толибон” сафларига қайтарилиши ҳаракат доирасида қабилавий қарама-қаршиликларни нисбатан юмшашига ҳамда ички бирликни мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Ад.: Shereena Qazi. *Who is New Taliban Leader Mullah Haibatullah Akhunzada?* 2016. Aljazeera; Dawood Azami. *Mawlawi Hibatullah: Taliban's New Leader signals Continuity, 2016.* BBC World Service; *Profile: New Taliban Chief Mawlawi Hibatullah Akhundzada, 2016.* BBC World Service.

ОҒАХОН – исмоилийларнинг низорийлар фирқаси бошлиғининг *унвони*. 1818 йилдан шу ном билан аташ одатга айланган. Оғахонлар сулоласига 18-асрда ўзини шиа имомларининг вориси деб билган эронлик Абулҳасан асос солган. Низорий исмоилийлар ўз раҳнамоларини тирик худо деб билишади. Оғахон учинчи – Султон Муҳаммадшоҳ (1877-1957) жуда фаол бўлган. Карачида туғилиб, кейинчалик Европага кўчиб кетган (1898) ва шу ердан туриб

фирқани бошқарган. У Бутун Ҳиндистон мусулмонлари лигасининг биринчи фахрий президенти бўлган. 1937 йилда *Миллатлар лигасининг президенти* этиб сайланган. Низорийлар фирқасининг амалдаги имоми *Каримшоҳ Оғахон* унвонини олган кишиларнинг тўртинчисидир. У исмоилийларнинг 49-имоми бўлиб, имоматни 1957 йилда қабул қилган. Ҳозирда унинг қароргоҳи Парижда жойлашган. Исмоилийлар ўз жамоалари доирасида кенг миқёсдаги ривожлантириш ва тараққиёт дастурларини амалга оширишади. Ушбу мақсадда 1967 йилда *Оғахон жамғармаси* ташкил этилган. Унинг қароргоҳи Женевада жойлашган ва 15 дан ортиқ мамлакатда ўз филиалларига эга. Карим Оғахон ташаббуси билан Тожикистоннинг исмоилийлар яшайдиган Тоғли Бадахшон автоном вилоятида Марказий Осиё университети ташкил этилган. Ҳозирда университет шаҳарчалари Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам фаолият юритмоқда. Оғахон кўмагида Панж/Амударё устидан дарёнинг икки томонида яшовчи аҳолини боғловчи ўнга яқин кўприклар қурдирилган. *Қ. Исмоилийлар.*

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Оғахон*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017*;* Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Islam.* 2 nd ed. – Lanham, Maryland: Scarecrow Press, 2009; *Modern Afghanistan: the Impact of 40 years of War* / ed. by M. Nazif Shahrani. – Bloomington: Indiana: Indiana University Press, 2018.

- П -

ПАРЧАМ (партия) – *Қ.: Афғонистон халқ-демократик партияси, Бабрак Кармал.*

ПАҲЛАВОН АБДУЛМАЛИК – ўтган асрнинг 90-йилларида "*Афғонистон миллий исломий ҳаракати"*нинг етакчиларидан бири, Абдурашид Дўстимнинг сафдоши генерал Ғулом Расул Паҳлавоннинг укаси. 1962 йилда Фарёб вилоятининг Ширин Тагоб туманида туғилган, этник ўзбек. "Жунбиш"нинг ташқи алоқалар ва сиёсий масалалар бўйича масъули, Фарёб вилояти губернатори бўлган. Дўстимни акаси генерал Паҳлавоннинг ўлимида (1996) айблаб келган. 1997 йилнинг март ойида Абдулмаликка содиқ кучлар Бодғиз (Бодхиз), Фарёб ва Сарипул вилоятларини эгаллайди. Таниқли дала қўмондони Муҳаммад Исмоилхон ва унинг жангчиларини асирга олиб, уларни толиблар қўлига топширади. Май ойида Абдулмалик Дўстимга қарши исён кўтаради ва унинг ёрдамида "Толибон" ҳаракати Мозори Шариф шаҳрини эгаллайди. Бироқ толиблар Абдумалик қўшинини қуролсизлантиришни бошлаганида, "Ҳизб-и Ваҳдат" кучлари билан биргаликда уларга қарши чиқади ва толибларни мағлубиятга учратади. Покистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги консуллик идораси ўз фаолиятини тўхтатади (июль). Сентябрь ойида Абдурашид Дўстим Афғонистонга қайтиб келади (Рубин) ва Абдулмаликни мамлакатни тарк этишга мажбур

қилади. 1999 йилнинг охирида Абдулмалик АҚШдан Афғонистонга қайтади. “Афғонистонни озод қилиш партия”сини тузади (2001). Ҳозирда мамлакат сиёсий саҳнасида унинг фаолияти сезиларли эмас.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013.

“ПЕШОВАР ЕТТИЛИГИ” (“Афғон мужоҳидлари исломий иттифоқи” ёки “Еттилар альянси”) – Кобул режими ва собиқ Иттифоқ қўшинларига қарши курашган афғон мужоҳидларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи. Илк бор 1981 йилда *Пешовар*да олтита сиёсий гуруҳ ҳамкорлигида тузилган. Ички қарама-қаршиликлар сабаб иштирокчилар сони ва таркиби бир неча бор ўзгарган (1982, 1985). “Иттифоқ” якуний кўринишда еттита сунний мазҳабдаги фундаменталист ва традиционалист кучларни бирлаштирган. Улар: *“Афғонистон ислом партияси”* (Г. Ҳикматёр), *“Афғонистон ислом партияси”* (Ю. Холис), *“Афғонистон ислом жамияти”* (Б. Раббоний), *“Афғонистон исломий инқилоби ҳаракати”* (М. Н. Муҳаммадий), *“Афғонистон миллий исломий фронти”* (С.А. Гилоний), *“Афғонистонни қутқариш миллий фронти”* (С. Мужаддадий) ва *“Афғонистон озодлиги исломий иттифоқи”* (А. Сайёф). Еттиликдаги ягона пуштун бўлмаган гуруҳ бу Б. Раббонийнинг “Ислом жамияти” бўлиб, унинг таркибини асосан этник тожиклар ва Шимолий Афғонистоннинг бошқа миллий озчилик вакиллари ташкил этган. Альянсни яратишда *Покистон, Саудия Арабистони* ва *АҚШ* муҳим роль ўйнаган. Шиалардан иборат афғон мужоҳидлари Эрон кўмагида бирлаштирилган. Манфаатдор етакчи давлатлар қуролли мухолифатни афғон халқи номидан фаолият юритаётган сиёсий куч сифатида намоён этишга ҳаракат қилган. Мухолифат етакчиларининг дипломатик фаоллиги ошган. 80-йилларнинг иккинчи ярмида қатор хорижий

давлатлар (хусусан, АҚШ, Германия, Франция ва бошқалар) раҳбарлари билан учрашувлар ташкил қилинган. “Пешовар еттилиги” *БМТ* ва *Ислом конференцияси ташкилоти*да аъзоликка даъвогарлик қилган. Бироқ ташқи ҳамжиҳатликнинг мавжудлигига қарамасдан, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида Афғонистонда юз берган воқеалар ривожи “Пешовар еттилиги” аъзолари сиёсий қарашларининг бир-бирига зидлиги ва манфаатларнинг муштарак эмаслигини кўрсатди. *Қ.: Афғон мужоҳидлари, Рейган доктринаси.*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002.

ПОКИСТОН ТОЛИБОН ҲАРАКАТИ – 2007 йилда расмий Исломободга қарши қуролли кураш олиб бораётган турли тарқоқ гуруҳларнинг бирлашиши натижасида тузилган террористик ташкилот. Урдуда “*Техреек-е Толибон Покистон*” (ТТП) деб номланади. Етакчилари ва аъзоларининг асосий қисмини Шимолий ва Жанубий Вазиристоннинг пуштун қабилалари вакиллари ташкил этади. Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудудининг бошқа агентликлари/округлари ҳамда Хайбар Пахтунхва, Панжоб ва Синд вилоятларида ҳам ўз тарафдорлари ва иттифоқчиларига эга. Аксилшиа гуруҳлари (масалан, *“Лашкар-е Жангви”*) билан ҳамкорликда фаолият юритади. ТТПнинг вужудга келишида афғон толиблари омили сезиларли таъсир кўрсатди. Афғон ва покистон толиблари бир-биридан мақсади ҳамда фаолият ҳудуди (географияси) билан фарқ қилади. Бироқ иккисининг ҳам этник таркибини асосан пуштунлар ташкил этади. Покистон толибларининг аксарияти афғон жиҳоди ветеранлари ҳисобланади. ТТП

афғон толибларидан фарқли ўларок марказлашмаган, тарқоқ бошқарув тузилишига эга. Ҳокимият учун ўзаро кураш ҳамда қабилалар ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликлар сабаб 2015 йилда ТТПнинг айирмачи дала қўмондонлари АфПок минтақасида “Хуросон вилояти”, яъни “Ислом давлати”нинг ячейкасини яратдилар. Покистон толибларининг аксарият етакчилари Фазлур Раҳмоннинг *“Ислом уламолари жамияти”* аъзолари бўлишган. Ташкилотнинг биринчи раҳбари Байтуллоҳ Маҳсуд (Меҳсуд) Жанубий Вазиристондан бўлиб, 90-йилларда афғон толиблари сафларида расмий Кобулга қарши курашган. У *“ал-Қаида”* ва *“Ҳаққоний тармоғи”*нинг яқин иттифоқчиси бўлган. 2001 йилда “ал-Қаида” етакчиларига Афғонистонни тарк этишида ёрдам берган. 2009 йилда АҚШнинг учувчисиз учиш қурилмаси берган зарба натижасида ҳалок бўлган. Унинг ўлими ташкилот фаолиятини сусайишига олиб келди. ПИР ҳукумати расмий Кобулни ТТПни қўллаб-қувватлашда айблаб келган. 2008 йилда Покистон ҳукумати ҳаракат фаолиятини тақиқлади. 2010 йилда АҚШ ТТПни хорижий террористик ташкилотлар рўйхатига киритди.

Ад.: Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond.* – London-New York: I.B. Tauris, 2010; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014.

ПОПАЛЗАЙ – *дурроний* иттифоқига кирувчи асосий пуштун қабилалардан бири. Афғон қабилавий давлатчилигининг асосчиси *Аҳмадшоҳ Абдали* попалзай қабиласининг бош тармоғи ҳисобланган *садозай* уруғидан бўлган. Ушбу хон уруғи (*“хон хел”*)дан 1747 йилдан то 1826 йилгача Афғонистоннинг ҳукмдорлари етишиб чиққан. Попалзайлар/садозайлар асосан Афғонистоннинг жануби ва ғарбида, шунингдек, Покистоннинг Кветта, Дера Исмоилхон ва Мултон каби шаҳарларида яшайди. Абдулаҳад Карзай Қандаҳор, Ҳилманд, Зобул ва Урузгонда яшовчи попалзай

қабиласининг бошлиғи бўлган. Унинг ўлимидан сўнг (1999), мазкур қабиланинг етакчилиги ўғли Ҳамид Карзайга ўтган.

ПУШТУН ҚАБИЛАЛАРИ – кенг тарқалган ривоятга кўра, пуштун қабилаларининг келиб чиқиши Библияда номи зикр этилган шоҳ Саулнинг 11/12-асрда яшаб ўтган авлодларидан Қайс Абдурашид (ёки Афгана/Авагана)га бориб тақалади. Саулни ислом динига Муҳаммад алайҳиссалом киргизганлиги айтилади. Пуштунларнинг (*гилзайлар*дан бошқа) барча уруғ, қавм ва қабилалари Қайснинг уч ўғли: *Сарбон, Батан, Гургушт* ҳамда Гургуштнинг асраб олган ўғли *Карлан*дан келиб чиққанлиги қайд қилинади. Гилзайларнинг келиб чиқиши бир ривоятга кўра, Батаннинг қизи (Биби Мато) ва Ғурлар (Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги тарихий вилоят) ҳукмдорининг ўғли (шоҳ Ҳусайн)нинг ноқонуний никоҳидан туғилган фарзанди билан боғлиқ. Пуштунларнинг қабилавий тизими *оила, хел* (қабиладан кичик то уруғгача бўлган бирлик), *қавм* ва *қабила* тарзида ташкил этилган. Одатда ҳар бир уруғ ёки қабила унинг асосчиси номи билан аталган. Хусусан, пуштун қабиласининг умумий номига *“ўғли”* ёки *“ўғил”* маъносини англатувчи *“зай”* қўшимчаси қўшилган (масалан, муҳаммадзай, юсуфзай, аҳмадзай ва бошқалар). Ҳозирда Афғонистон ва Покистонда яшовчи жами пуштунларни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: *сарбонлар, гургуштлар, карланийлар* ва *гилзайлар*. Сон жиҳатидан катта ва кичик, мавқе ва таъсир жиҳатидан муҳим ёки у даражада муҳим ролга эга бўлмаган жами *60 дан о*ртиқ пуштун қабилаларининг мавжудлиги айтилади. Ҳар бир қабила одатда муайян ҳудудда жипс (компакт) ҳолда ҳаёт кечиради. Бироқ бу одатий ҳолат эмас ва муайян бир қабила аъзоларини бир неча вилоят ёки давлат ҳудудида мавжудлигини кузатиш мумкин. Одатда қабила ва кланларга *жирға*ларда сайланадиган (хусусан, вазирларда, афридийларда) ёки мерос бўлиб ўтадиган (юсуфзайлар, какарлар, туриларда) *хон ва маликлар* бошчилик қилади. Пуштунларнинг энг йирик

қабилалари сифатида Хайбар довони атрофида яшовчи афридийлар, момандлар, оракзайларни; Пешовар ва мустақил қабилалар ҳудудидаги юсуфзайлар, хаттаклар, вазирларни; Шимолий Балужистондаги какарлар, ачакзайларни келтириш мумкин. Афғонистонда иккита муҳим қабилалар иттифоқи ёки уюшмаси (конфедерацияси) мавжуд: *дурронийлар* ва *гилзайлар*. Уларнинг биринчи асосан мамлакатнинг жануби ва жануби-ғарбда, иккинчиси эса шарқида истиқомат қилади. *Қ.: Дурронийлар, Гилзайлар.*

Ад.: Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана*. Т.I. – М.: “Наука”, 1964; Темирханов Л. *Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика)*. – М.: “Наука”, 1984; Encyclopedia Britannica. *Pashtun.*

ПУШТУНВАЛИ (пахтунвалай ёки паштунвалай) – пуштун қабилаларининг ёзилмаган хулқ-атвор қоидалари; одат ҳуқуқи; анъаналар, меъёрлар ва қадриятлар мажмуи. Ушбу хулқ-атвор қоидалари пуштун халқининг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, менталитетининг ўзига хослигини намоён этиб, асрлар давомида қабилавий муносабатларни тартибга солиб, пуштун жамиятни бошқариш ва ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб келган. Пуштунвали амалиёти инсонларда мустақиллик, адолат, меҳмондўстлик, кечиримли бўлиш, бағрикенглик, тенглик каби хусусиятларни рағбатлантирган. Унинг асосини қуйидаги принцип ёки мезонлар ташкил этади: *мелмастия* (меҳмондўстлик), *бадал* (адолат/қасос), *нанавати/нанаватай* (бошпана), *нанг* (ғурур), *номус* (аёл номуси), *хеуад* (миллат) ва бошқалар. Нанаватига кўра, душман таъқиби сабаб ҳаёти хавф остида қолган шахснинг пуштун хонадонидан бошпана (ёрдам) сўраб қилган илтимоси рад этилмаслиги ва у албатта ҳимоя қилиниши лозим. Ҳаттоки, бошпана сўраб мурожаат қилган шахс мезбоннинг азалий душмани ёки унга ёрдам кўрсатиш мезбон ҳаёти учун хавф туғдирса ҳам. Мезбон ўз воситачилиги билан икки томон ўртасидаги адоват ва душманликни бартараф қилиши мумкин. “Толибон” ўз

амалиётида, авваламбор, шариатга асосланган. Бироқ мулла Умар халқаро ҳамжамиятнинг Усама Бин Лоденни бериш тўғрисидаги талабини рад этишда нанаватини асос сифатида келтиради. Реал воқеаларга асосланган фильмларда (*The Beast of War*, 1988 ва *Lone Survior*, 2013) ҳаёти хавф остида қолган ва нанаватига мурожаат қилган собиқ Иттифоқ ва АҚШ ҳарбийсининг тақдири очиб берилган. 20-асрнинг бошларига келиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш жараёнлари пуштун қабилалари турмуш тарзини ташкил этишнинг икки типи (тизими)ни вужудга келтирди: асосан тоғлик қабилалар ўртасида кенг тарқалган *“нанг”* (ғурур, ғурур ҳисси) ва маъмурий округлар пуштунларининг*“каланг”* (солиқ, ўлпон) тизимлари. Тоғлик пуштун (“нанг”)лар ўзида *мелмастия, бадал, нанавати* каби қадриятларни акс эттирган пуштунвали қоидаларига анъанавий содиқликни сақлаб қолишди. Маъмурий округларда эса пуштунвали қоидалари унутилиб, уларга эскилик сарқити сифатида қараш кузатилади. Қабила аъзосининг жамиятдаги мавқеи уни қадимий ва таниқли уруғга мансублиги билан эмас, балки иқтисодий ва маъмурий омиллар (хусусан, қудуқ ёки тегирмонга эга бўлиши, давлат органларида, армия ва полицияда хизмат қилиши ва бошқалар) билан белгиланадиган бўлди. Замонавий босқичда афғон жамиятидаги исломлашув жараёни, хусусан, толиблар фаолияти, кўчманчи ва ярим кўчманчи пуштун қабилаларининг ўтроқлашуви, пуштунларнинг бошқа ҳудудларга кўчириб юборилиши (пуштунлаштириш сиёсати) натижасида қабилавий жамоа билан узвий алоқаларнинг заифлашуви ва узилиши пуштунвали амалиётини ҳам сусайишига олиб келмоқда. *Қ.: Пуштунлар, Пуштун қабилалари*.

Ад.: Темирханов Л. Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика). М.: “Наука”, 1984; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014.

ПУШТУНИСТОН – пуштунлар ери, ватани; *“Дюранд чизиғи”*нинг икки томонидаги пуштунларни бирлаштиришни назарда тутувчи ғоя. 1947 йилда Покистоннинг мустақилликка эришиши билан пуштунлар масаласи яна долзарб аҳамият касб этди ва икки давлат сиёсатининг кун тартибига қўйилди. Расмий Кобул *Шимоли-Ғарбий чегара вилояти, Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди* ҳамда *Балужистон*нинг чегара ҳудудлари (тарихан афғон давлатчилигининг таркибий қисми)да истиқомат қилиб келган пуштунларга Афғонистонга қўшилиш ёки мустақил *“Пуштунистон”*ни барпо этиш ҳуқуқини берилишини талаб қилди. Бироқ пуштунларга ё Ҳиндистон ёки Покистонга қўшилиш имконияти берилади. Натижада Афғонистон Покистонни БМТга аъзо бўлишига қарши овоз берган ягона давлат бўлиб қолади. 1949 йилда шарқий пуштун қабилалари Тирах (Хайбар Пахтунхва)да Пуштунистон давлатини тузилганлиги, унинг Миллий ассамблеяси таъсис этилганлиги ҳамда байроғи қабул қилинганлигини эълон қилади. Афғонистон ҳукумати 31 августни *“Пуштунистон куни”* деб белгилайди. Муҳаммад Довуд Пуштунистон масаласида аксилпокистон сиёсатини олиб боради. Унинг ҳукумати 1921 йилда қабул қилинган инглиз-афғон битимини бекор қилинишини, Кобулда *Лойя жирга* чақирилишини ҳамда пуштунларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилишини талаб қилади. Пуштун миллатчилари ва шарқий пуштун қабилалари расмий Кобул томонидан қўллаб-қувватланади. Покистон ҳукумати ўз навбатида пуштун айирмачилиги ва миллатчилик кайфиятини бартараф қилиш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширади. Хусусан, 20-асрнинг 70-80-йилларида Кобул режимига қарши курашда Покистон миллатчи руҳдаги афғон гуруҳларини четлаштирган ҳолда исломий радикал партияларни; 90-йилларда Кобулда ўзига мойил бўлган сиёсий кучни кўриш мақсадида *“Толибон”* ҳаракатини қўллаб-қувватлайди (Бироқ толиблар ҳукумати ҳам “Дюранд чизиғи”ни Афғонистон билан Покистонинг давлат чегараси сифатида

тан олмади). 2010 йилда Покистоннинг *Шимоли-Ғарбий чегара вилояти* Хайбар *Пахтунхва*, яъни *“пуштунлар ери”* деб ўзгартирилди. 2018 йилда Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди Хайбар Пахтунхва таркибига киритилди, унинг аҳолисига барча сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти берилди. *Қ.: Дюранд чизиғи, Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди.*

Ад.: История Афганистана с древнейших времен до наших дней / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004.

ПУШТУНЛАР – асосан Афғонистон ва Покистон ҳамда Ҳиндистоннинг шимоли ва Эронннинг шарқида истиқомат қилувчи қабилавий халқ. Шарқий пуштун диалектида *“пахтун”* (Ҳиндистонда *“патан”*) деб талаффуз қилинади. Шарқий Эрон тиллари туркумига мансуб *пушту (пашто)* тилида сўзлашади. Пуштунлар асосан сунний мусулмонлар, оз қисмигина (*турилар* ҳамда *оракзайларнинг* айрим уруғлари) шиалар ҳисобланади. Кўчманчи пуштунлар “*кучилар*” деб аталади. Ҳозирда пуштунлар Афғонистонда давлат яратувчи (титул) миллат сифатида аҳолининг тахминан 45-48 % ни ташкил этади. Адабиётларда “афғон” ва “пуштун” тушунчалари синоним сифатида қўлланади. Пуштунлар бутун Афғонистон ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган. Бироқ улар жипс тарзда мамлакатнинг шарқий, жанубий ва ғарбий вилоятларида истиқомат қилади. 18-асрнинг ўрталаридан бошлаб, пуштунлар Афғонистонда муҳим мавқени эгаллаб келмоқда. *Ҳабибуллахон Калаконий* (1929) ва *Бурҳониддин Раббоний*дан (1992-2001) ташқари Афғонистоннинг барча ҳукмдорлари ушбу миллат вакиллари ҳисобланади. Покистон аҳолисининг тахминан 15 % дан ортиғини ташкил этувчи пуштунлар мамлакатда панжобилардан кейинги иккинчи кўп сонли халқ ҳисобланади. Покистонда пуштунлар Кветтадан шимолда Сулаймон тоғ тизмалари билан Ҳинд дарёси оралиғида жойлашган, хусусан, Балужистон, Хайбар Пахтунхва,

аввалги Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди, шунингдек, Карачида истиқомат қилишади. Покистон давлат органлари тизимида, хусусан, армия ва полицияда пуштунлар сезиларли мавқега эга.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Пуштунлар*; Большая российская энциклопедия. *Пуштуны;* Темирханов Л. Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика). – М.: “Наука”, 1984.

ПУШТУНЛАШТИРИШ СИЁСАТИ – Кобул (пуштун) ҳукуматининг давлат ва жамият бошқарувида пуштун кўпчилигининг мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатнинг миллий озчиликдан иборат маъмурий-ҳудудий бирликларига пуштун миллатига мансуб аҳолини кўчириб ўтказиш, пушту тилини таълим ҳамда давлат ва жамиятнинг бошқа соҳаларидаги таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсати. 19-асрнинг 80-йиллари, яъни амир Абдураҳмон ҳукмронлиги даври ушбу сиёсатнинг юқори палласи бўлиб, у ҳазоралар, ўзбеклар, туркманлар, тожиклар ҳамда гилзай пуштунлари орасида кўп сонли қурбонлар эвазига амалга оширилган. Натижада Шимолий Афғонистон амалда Кобул ҳукмронлиги остига ўтди. Шимолнинг туркий – сон жиҳатидан устун бўлган этник ўзбек аҳолиси амир ҳокимиятига душман сифатида кўрилган (асосан гилзай) пуштун қабилаларини кўчириб келтириш ҳисобига ўз мавқеини йўқота борди. Пуштунлаштириш ҳамда “катта ўйин” сиёсати Шимолий Афғонистон аҳолисининг Марказий Осиё билан мавжуд анъанавий сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларига чек қўйди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни пуштунлаштириш, хусусан, давлат бошқаруви ва таълим тизимида пушту тилини давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга интилиш, айниқса, 20-асрнинг 30-йилларида кучайди. Давлат ёки сиёсий бошқарувда пуштунлаштириш марказлашган ҳокимият тизимини яратишга интилишда намоён бўлади. *Қ.: Афғонистон ўзбеклари, Афғон Туркистони.*

Ад.: Nazif Shahrani. *Resisting the Taliban and Talibanism in Afghanistan: Legacies of a Century of Internal Colonialism and Cold War Politics in a Buffer State;* Eden Naby. *The Uzbeks in Afghanistan* // Central Asian Survey, 3:1, 1984; Kakar H.K. *Government and Society in Afghanistan: the Reign of Amir Abd al-Rahman Khan.* – Austin: University of Texas, 1979.

- Р -

РАББОНИЙ БУРҲОНИДДИН – таниқли афғон сиёсатчиси, *“Афғонистон ислом жамияти”* партиясининг асосчиси, афғон мужоҳидларининг йирик намояндаси. 1940 йилда Файзобод (Бадахшон вилояти)да туғилган, этник тожик. Кобул университетида илоҳиёт ва мусулмон ҳуқуқи бўйича таълим олган. Қоҳира (Миср)даги нуфузли ал-Азҳар университетида ўқиган (1966-1968). Афғонистонга қайтгач, Кобул университети теология факультетида дарс берган. *“Мусулмон ёшлар”* ташкилотининг асосчи ва етакчиларидан бири. 1973 йилдаги давлат тўнтаришидан кейин Покистонга чиқиб кетади. Афғон қаршилигининг таниқли арбобларидан бири. Унинг раҳбарлигидаги “Афғонистон ислом жамияти” таркибида 20 мингга яқин жангари фаолият юритган. 1992 йилнинг май ойида афғон мужоҳидларининг ўзаро келишувига асосан Раббоний Афғонистон Ислом Давлатининг вақтинчалик президенти лавозимини эгаллайди. Афғон мужоҳидларининг ҳукмронлик даври мамлакатни бошбошдоқликка олиб келди. Ушбу шароитда Афғонистон сиёсий саҳнасига янги куч – “Толибон” ҳаракати чиқди ҳамда қисқа муддат ичида мамлакат ҳудудининг асосий қисмини босиб олди. Раббоний ҳукумати Афғонистоннинг айрим ҳудудларидагина ўз назоратини сақлаб қолди. 2001 йилнинг 17 ноябрь куни у ўзини Афғонистон президенти деб эълон қилди. Бироқ 22 декабрь куни расмий равишда ушбу лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Раббоний Кобулнинг толиблар билан мулоқотни ташкил қилиш

мақсадида тузилган *“Тинчлик бўйича олий кенгаш”* раиси вазифасини бажарди (2010-2011). 2011 йилда “Толибон” ҳаракати томонидан содир этилган террорчилик акти қурбони бўлади. *Қ.: Пешовар еттилиги, “Афғонистон ислом жамияти”.*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: “Крафт+”, 2004; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone needs to know.* – New York: Oxford University Press, 2020.

РАВАЛПИНДИ БИТИМИ – 1919 йилнинг 8 август куни Британия Ҳиндистонидаги *Равалпинди* шаҳри (ҳозирги Покистон)да *учинчи инглиз-афғон уруши* якунлари бўйича Британия билан Афғонистон ҳукумати ўртасида тузилган шартнома. Беш моддадан иборат мазкур ҳужжатга кўра, Буюк Британия Афғонистон мустақиллигини (де-юре) тан олади; Афғонистон ҳудудига Ҳиндистон орқали қурол-яроғ олиб кирилиши тақиқланади; *Хайбар довони* ортидаги ҳудудларни қўшиб (босиб) олиш ҳисобига кенгайиш ҳамда Кобулга субсидиялар ажратиш тўхтатилади. Ўз навбатида амири *Омонуллахон* “*Дюранд чизиғи”*ни Афғонистоннинг давлат чегараси сифатида тан олади ҳамда Британия Ҳиндистони, авваламбор, “қабилалар ҳудуди”да пуштунларни қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини олади.

Ад.: Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана*. Том II. – М.: “Наука”, 1965; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: “Крафт+”, 2004; Encyclopedia Britannica. *Treaty of Rawalpindi*; Большая российская энциклопедия. *Англо-афганские договоры 1919, 1921*.

РАҲБАРИЙ ШЎРО – “Толибон” ҳаракатининг умумий сиёсати ва стратегиясини белгилаб берувчи бош органи. Шўронинг кўпчилик аъзолари ва уларнинг оилаларини *Балужистон* вилояти (Покистон)нинг маъмурий маркази Кветта шаҳрида истиқомат қилиши ҳамда шу ердан туриб ўз фаолиятини олиб бориши сабаб *Кветта шўроси* деб ҳам

аталади. Шўро мулла Умар томонидан 2003 йилнинг июнь ойида тузилганлиги айтилади (Усмон). Шунингдек, *Пешовар*, ва *Мироншоҳ*да ҳамда 2007 йилдан *Машҳад*да ҳам *минтақавий шўролар* ўз фаолиятини олиб борган. Амир бевосита раҳбарий шўро таркибига кирмаса-да, унинг фаолиятини бошқарган ҳамда сиёсий, диний ва ҳарбий масалалар бўйича якуний қарорни қабул қилган. Шўро аъзолари сони тахминан 18-22 кишидан иборат бўлиб, асосан собиқ вазирлар, дипломатлар, губернаторлар, ҳарбий қўмондонлар ва уламолардан иборат бўлган. Шўрода аксарияти “Толибон” ҳаракатининг ветеранлари ҳисобланган *Лойя Қандаҳор* (Қандаҳор, Ҳилманд, Урузгон, Зобул ҳамда Фараҳ) вакиллари кучли мавқега эга бўлган. *Мулла Аҳтар Мансур* ҳаракатни бутун афғон феноменига айлантириш мақсадида унинг раҳбарий ва бошқа органлари таркибига Афғонистоннинг пуштун бўлмаган халқлари (ўзбеклар, тожиклар ва туркманлар) вакилларини ҳам киритган. Бироқ бу ўзгаришлар Қандаҳор ёки дурроний пуштунларининг “Толибон” бошқаруви тизимидаги кучли мавқеига путур етказа олмаган. Шўронинг муҳим ваколатларидан бири – бу ҳаракат раҳбари - амирини сайлаш ҳисобланади. “Толибон”нинг икки етакчиси – мулла Аҳтар Мансур ва *Ҳайбатулла Охунзода* шўро томонидан сайланган. Раҳбарий шўро комиссиялар (2021 йилга келиб уларнинг сони 16 тага етган), яъни ҳаракатнинг ўзига хос “ҳукумати”, вилоятлар губернаторлари, судьялар ва дала қўмондонлари фаолиятини бошқарган. *Қ.: Аҳтар Мансур, Ҳайбатулла Охунзода.*

Ад.: Abubakar Siddique. *The Quetta Shura: Understanding the Afghan Taliban’s Leadership* //Terrorism Monitor Volume 12, Issue 4, 2014; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America’s Secret Wars in Afghanistan and Pakistan*. – New York: Penguin Press, 2018; Jeffrey Dressler, Carl Forsberg. *The Quetta Shura Taliban in Southern Afghanistan: Organization, Operations, and Shadow Governance*. Institute for the Study of War // Backgrounder, December 21, 2009; Antonio Giustozzi. *The Taliban at War: 2001-2018* – New York: Oxford University Press, 2019.

РЕЙГАН ДОКТРИНАСИ – АҚШ президенти Р. Рейган маъмуриятининг собиқ Иттифоқни тийиб туриш ва таъсирини камайтиришга қаратилган ташқи сиёсий фаолият доктринаси (1985). Доктрина *Ж. Картер* маъмуриятининг афғон сиёсати, жумладан, АҚШ МРА *“Циклон”* операциясининг мантиқий давоми ҳисобланади. Доктринани ишлаб чиқишда АҚШнинг консерватив ақлий марказларидан бири – “*Мерос*” жамғармаси (Heritage Foundation) муҳим роль ўйнаган. Доктринада Осиё, Африка ҳамда Марказий Америкада советпараст ва коммунистпараст сиёсий режимларни ағдаришга интилаётган ҳар қандай ҳаракатни қўллаб-қувватлаш белгиланган. Афғонистон мазкур сиёсатнинг муҳим объектига айланган. Рейган афғонларга мурожаатида: *“Сизнинг мақсад – бизнинг мақсад. Бизнинг мақсад – озод Афғонистон, биз сизни мағлуб бўлишингизга йўл қўймаймиз”*, деб айтади. АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг 166-сонли директивасида Оқ уй афғон сиёсатининг мақсади *“ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам, Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишга мажбур қилиш”* деб белгиланади. 1988 йилга келиб АҚШ ҳукуматининг афғон мужоҳидларига кўрсатган молиявий ва ҳарбий кўмаги 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. *Қ.: “Пешовар еттилиги".*

Ад.: Коргун В. *История Афганистана*. – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990.

- С -

САВР ИНҚИЛОБИ (апрель инқилоби) – 1978 йилнинг 27 апрелида *АХДП* томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши. Унинг натижасида *Нурмуҳаммад Таракий* бошчилигида янги ҳукумат тузилади; *Афғонистон Демократик Республикаси*нинг ташкил топганлиги эълон қилинади; мамлакат президенти *Муҳаммад Довуд* ва унинг яқинлари қатл этилади. Довуд ҳукумати билан *АХДП* ўртасидаги қарама-қаршиликнинг кучайиши ушбу "инқилоб"ни ҳаракатга келтирувчи асосий омил бўлди. 1978 йилнинг 17 апрелида *"Парчам"* фракциясининг таниқли вакили *Миракбар Хайбар*нинг ўлдирилиши аслида август ойига режалаштирилган инқилобнинг *казус белли,* яъни формал сабаби бўлиб хизмат қилди. *АХДП*нинг қатор етакчилари, хусусан, *Нурмуҳаммад Таракий, Бабрак Кармал* ва бошқаларнинг оммавий норозиликлар уюштиришда айбланиб ҳибсга олинганлиги боис, ҳарбий тўнтаришни амалга оширишда "*Халқ"* фракцияси ҳамда *Ҳафизулла Амин* ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ад.: Arnold A. *Afghanistan's Two-party Communism: Parcham and Khalq* – Stanford, CA: Hoover Institution Press, 1983; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: "Крафт+", 2004; Большая российская энциклопедия. *Апрельская революция.*

САЙЁФ АБД УР-РАБ РАСУЛ – таниқли афғон сиёсатчиси, *"Афғонистон озодлиги исломий иттифоқи"*нинг асосчиси ва етакчиси, афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси. 1946 йилда Пагман водийси (Кобул вилоятида)да камбағал деҳқон оиласида туғилган. Асли исми "Ғулом Расул" бўлган Сайёф кейинчалик уни *Абд ур-Раб Расул* деб ўзгартирган. Кобул ва ал-Азҳар университетларида таҳсил олган. Кобул

университетининг теология факультетида дарс берган. Мазкур билим даргоҳининг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. *“Мусулмон ёшлар” диний-сиёсий ҳаракати/*ташкилотининг етакчиларидан бири. Ташкилот раҳбари (Б. Раббоний)нинг ўринбосари бўлган. 1974 йилда Довуд режими томонидан қамоққа олинган. 1979/80 йилда озодликка чиқиб, Пешоварда афғон мужоҳидларига қўшилган. Афғон мужоҳидлари альянси “Пешовар еттилиги” ёки *“Афғонистон мужоҳидларининг исломий иттифоқи”*нинг раиси этиб сайланган (1980). 1982 йилнинг март ойида Саудия Арабистони кўмагида Пешоварда радикал диний партия *“Афғонистон озодлиги исломий иттифоқи”*ни тузган. 1989 йилда афғон мужоҳидларининг муваққат ҳукуматида бош вазир лавозимини эгаллаган. Сайёф радикал диний қарашлари ва салафийлик тарафдори эканлиги билан танилган. 2001 йилдан кейин Афғонистон парламенти депутати этиб сайланган. *Қ.: “Афғонистон озодлиги исломий иттифоқи”*.

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013.

САЛАНГ ДОВОНИ – Афғонистон шимолини пойтахт Кобул ва мамлакатнинг жануби билан ҳамда Марказий Осиё давлатларини Пешовар орқали Жанубий Осиё транспорт тизими билан боғловчи стратегик аҳамиятга эга бўлган *Ҳиндукуш* тоғидаги довон (баландлиги 3383 м). 1964 йилда собиқ Иттифоқнинг молиявий ва техник кўмагида *Парвон* ва *Бағлон* вилоятлари чегарасида тоннель қурилган (узунлиги 2676 м). 1973 йилгача у дунёнинг энг баланд (тоғда жойлашган) тоннели бўлиб ҳисобланган. Тоннелнинг

қурилиши Афғонистон минтақаларининг ўзаро транспорт ва иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлади. Тоннель ҳарбий-стратегик аҳамиятга ҳам эга. 40-армиянинг узлуксиз ҳарбий-техник ва озиқ-овқат таъминоти мазкур довонни назоратда ушлаб туриш билан боғлиқ бўлган. Довондан ўтадиган трасса бўйлаб Баграм авиабазасигача қувур ётқизилган. Мазкур қувур орқали Иттифоқдан ёқилғи етказиб берилган. Кобул режимига қарши курашда Аҳмадшоҳ Масъуд кучлари уни ўз назоратида ушлаб туришга ҳаракат қилган. 1997 йилда толибларни шимолга ҳаракатини тўхтатиш мақсадида тоннель "Шимолий альянс" кучлари томонидан портлатилган. Унинг фаолияти 2002 йилда Россия, Франция ва Буюк Британия мутахассислари кўмагида тикланган. 2003 йилдан Саланг узра Ўзбекистон байроғи ҳилпирай бошлади. Ўзбекистонлик мутахассислар Термиз – Кобул йўналишида 11 та темир-бетон конструкцияли кўприкларни қуриб битказишди.

Ад.: Брейтвейт Родрик. *Афган: русские на войне.* – М.: АСТ: CORPUS, 2013; *Ўзбекистон – дунё йўллари туташган юрт.* // https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/ozbekiston-dunyo-yollari-tutashgan-yurt.html.

САЛАФИЙЛАР (салаф – "аждодлар", "ўтмишдошлар") – исломнинг турли даврларида илк мусулмон жамоаси *"солиҳ аждодлар" ("ас-салаф ас-солиҳун")* эътиқоди ва турмуш тарзига риоя этишни даъват этиб, кейинги даврда киритилган барча янгиликларни, жумладан, Қуръонни мажозий-рамзий талқин этишдан бошлаб мусулмон дунёсини Ғарб билан алоқаси натижасида кириб келган янгиликларни бидъат деб эълон қилган мусулмон дин арбобларининг умумий номи (Энциклопедия). Шу билан бирга, мазкур тушунча мунозарали ва мураккаб ҳисобланади. Илмий адабиётларда ҳамда ислом динига эътиқод қилувчилар ўртасида мазкур тушунчанинг (кимларга нисбатан) қўлланиши, унинг доктринал табиати, тури ва шакллари борасида ягона қараш мавжуд эмас.

Афғонистонда салафийликнинг илдизлари 19-асрда ташкил топган ва Афғонистон – Покистон чегара ҳудудида фаол бўлган *“Аҳли ҳадис”* диний ташкилоти билан боғланади. Покистоннинг Хайбар Пахтунхва вилоятида *Акора Хаттак* ва *Панжпир*да ташкилотнинг мадрасалари очилган. Саудия Арабистони томонидан қўллаб-қувватланган ушбу мадрасаларда 1950-йиллардан бошлаб Афғонистоннинг шарқий (*Кунар, Нуристон, Нангарҳор)* ҳамда шимоли-шарқий *(Бадахшон)* вилоятлари муллалари таҳсил олган. Айнан улар 90-йилларнинг бошида Бадахшон, Кунар ва Нуристонда салафий “амирликлари”ни тузган. Ҳозирда ҳам салафийлик ушбу вилоятлар диний ландшафтининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда. 2004 йилда салафийларнинг мавлоно Нажиби бошчилигидаги гуруҳи/тармоғи *“Жамоат ад-даъват ал-Қуръон ва Сунна”* номи билан Афғонистон адлия вазирлигида сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтди. Афғонистондаги конфликт мамлакатда салафийлик қарашлари тарафдорлари сонини ортиши ва шу билан бирга адабиётларда *“жиҳодий салафийлик”* деб ном олган салафийлик оқимининг вужудга келишида муҳим роль ўйнади. Қарашларнинг яқинлиги боис афғон салафийлари *“Хуросон вилояти”*ни, яъни “*Ислом давлати”*нинг АфПок минтақасидаги ячейкасини биринчилардан бўлиб тан олди. *Қ.: Жамил ар-Раҳмон*.

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Салафийлар.* – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003; Roy Olivier. *The Failure of Political Islam.* – Cambridge: Harvard University Press, 1994; Thomas Ruttig. *On Kunar’s Salafi Insurgents* // Afghanistan Analysts Network; Obaid Ali, Khalid Gharanai. *Hit from Many Sides (2): The Demise of ISKP in Kunar* // Afghanistan Analysts Network.

СЕЙИСТОН – Эрон, Афғонистон ва Покистоннинг чегара ҳудудида жойлашган тарихий вилоят. Милоддан аввалги 2-асрда Дранғиёнага сак қабилалари келиб жойлашгани учун Сакистон, кейинчалик Сейистон деб аталган. Ҳозирда Эроннинг *Сейистон ва Балужистон* ҳамда Афғонистоннинг

Нимруз ва Фараҳ вилоятларига тўғри келади. Бу ерда Регистон ва Дашти Марго чўллари жойлашган. Йирик шаҳарлари Зобул (Эронда) ва Заранж (Афғонистонда). Аҳолиси суннийликка эътиқод қилувчи пуштун, балуж ва бошқа халқлардан иборат. Сейистон ва Балужистон вилояти шиа Эроннинг нозик нуқталаридан бири ҳисобланади. Ушбу вилоятда Эроннинг муҳим денгиз порти Чобаҳор жойлашган. Ҳиндистон Чобаҳорни Афғонистон ва Марказий Осиё минтақаси билан боғловчи асосий денгиз коммуникацияси деб билиб, портнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун кўп миллионли сармоя киритди. *Қ.: Голдсмид қарори.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Сейистон.*



СОЛИҲ АМРУЛЛА – таниқли афғон сиёсатчиси, Афғонистон вице-президенти. 1972 йилда *Панжшир водийсининг Базарак* қишлоғида туғилган, этник тожик. 22 ёшда афғон мужоҳидларининг машҳур қўмондони А. Масъуд кучларига қўшилган. Унинг маслаҳатчилари орасида энг ёши бўлган. “Шимолий альянс”нинг Тожикистондаги ваколатхонасида халқаро алоқалар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар разведка хизматлари билан алоқалари бўйича координатори вазифасини бажарган (1997-1999). “Ал-Қаида” томонидан АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида содир этилган террорчилик актларидан сўнг (1998) Масъуднинг *МРА* билан алоқасини таъминлаган. 1999 йилда *разведка ва контразведка фаолияти*га оид замонавий билимларни эгаллаш мақсадида Масъуд томонидан АҚШ (Клири университети, Мичиган шаҳри)га ўқишга юборилган. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ билан “Шимолий альянс” ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Тарихда энг ёш разведка

хизмати раҳбарларидан бири сифатида танилган Амрулла Солиҳ (32 ёшда ушбу лавозимга ўтирган) нафақат АҚШ, балки РФ, Ҳиндистон ва Эрон каби етакчи давлатларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлган. Покистон ҳукумати ва махсус хизматларининг Афғонистоннинг ички ишларига аралашишини кескин танқид остига олган. 2007 йилда Афғонистон ва Покистон давлат раҳбарлари учрашувида Усама бин Лоденни Абботтободдан (Покистон) узоқ бўлмаган Мансеҳра шаҳрида яширинганлигини маълум қилади. Халқаро ва афғон кузатувчилари 2010 йилда Солиҳни разведка хизмати раҳбарлигидан четлатилишини Покистон босими остида юз берган деб таъкидлашади. У қисқа муддат *Хавфсизлик соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича давлат вазири* (2017) ва *Ички ишлар вазири* (2019) лавозимларида фаолият юритган. 2019 йилдаги президентлик сайловларида Ашраф Ғани гуруҳида иштирок этиб, АИРнинг биринчи вице-президенти лавозимига сайланди. 2011 йилда ўз партиясига асос солган. Солиҳ Афғонистонда марказлашмаган бошқарув тизимини жорий этиш тарафдори ҳисобланади. Шунингдек, расмий Кобулни “Толибон”га нисбатан *“тинчлантириш сиёсати”*ни олиб бормасликка чақирган. Музокаралар тенг ва амалдаги конституцияга ҳурмат руҳида амалга оширилиши лозим деб таъкидлаб келган.

Ад.: *Амрулла Салех* //https://afghanistan.ru/doc/91863.html; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013; Steve Coll. *Directorate S: The CIA and America’s Secret Wars in Afghanistan and Pakistan.* – New York: Penguin Press, 2018.

СУЛАЙМОН ТОҒЛАРИ – Жанубий Осиёдаги тоғ тизмаси. Эрон тоғлиги ва Ҳинд субконтиненти ўртасида жойлашган. Покистоннинг Балужистон, Хайбар Пахтунхва ҳамда Афғонистоннинг бир неча вилоятлари ҳудудига тўғри келади. Узунлиги қарийб 600 км, эни 300 км. Энг баланд нуқтаси *Тахти Сулаймон* (3487 м., Балужистон) ҳисобланади.

Тизмалар орасида кўндаланг дарё ва водийлар мавжуд. Тоғлар Ҳинд дарёси водийси томон тик тушган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Сулаймон тоғлари водийлари унинг қадимий аҳолиси пуштун халқининг этногенезисини ташкил қилади (Ганковский). Шунинг учун *“афғон халқининг бешиги”* (Снесарев) ёки *“замонавий афғон давлатининг ядроси”* (Бартольд) ҳисобланган маконни афғон-инглиз шартномаларига кўра, афғон давлати таркибидан ташқарида қолганлиги “Дюранд чизиғи”нинг ҳар икки томонида яшовчи пуштунларнинг эътирозига сабаб бўлади.

Ад.: Бартольд В.В. *Работы по исторической географии и истории Ирана* /Подгот. к изд. Е.В. Зеймаль, В.А. Лившиц. Перепеч. с изд. 1971 г. – М.: Восточная литература, 2003; Снесарев А.Е. *Афганистан. Географическо-политический очерк.* – М.: «Лань», 2013; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.



- Т -

ТАНАЙ ШОҲНАВОЗ – АХДП (“Халқ” фракцияси)нинг аъзоси, АДР Қуролли кучлари генерал-лейтенанти. 1986-1988 йилларда Қуролли кучлар Бош штабининг бошлиғи бўлган. 1988 йилда *мудофаа вазири* этиб тайинланган (Нажибулла ушбу лавозимни Аҳмадшоҳ Масъудга таклиф қилганлиги айтилади (Коргун)). “Афғонистон ислом партияси” етакчиси *Г. Ҳикматёр* билан ҳамкорлик қилиб келган. 1990 йилнинг 6 март куни у бошчилигидаги “халқчи” офицерлар давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишади. Президент саройи ва бир қатор ҳукумат биноларига ҳужум уюштирилади. Бироқ шу куннинг ўзида қўзғолон бостирилади. Танай ўз тарафдорлари билан Баграм ҳарбий-ҳаво базасидан бир неча ҳарбий самолётларда Покистонга қочади ва Ҳикматёр кучларига қўшилади. Кейинчалик “Ҳизб-и ислом”нинг Лоғар вилоятидаги кучларига бошчилик қилади. Шунингдек, унга содиқ офицерларнинг 1994 йилдан толибларни қўллаб-қувватлаганлиги ва уларнинг сафларида хизмат қилганлиги маълум. Танай бошчилигидаги қуролли қўзғолон АХДПдаги ички қарама-қаршиликни янада кучайишига, партия сафларида мужоҳидлар тарафдорлари сонини ортишига ҳамда Нажибулла ҳокимиятининг заифлашувига олиб келди.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond*. – London – New York: I.B. Tauris, 2010.

ТАРАКИЙ НУРМУҲАММАД – таниқли афғон сиёсатчиси, давлат бошлиғи, *АХДП (“Халқ”* фракцияси)нинг асосчиси ва

етакчиларидан бири, журналист ва ёзувчи. 1917 йилда Афғонистоннинг Ғазни вилоятида туғилган, этник пуштун, *гилзай* иттифоқининг *таракий* қабиласи вакили. Унинг коммунистик мафкура таъсирига тушишида Ҳиндистон коммунистлари етакчиси – пуштун миллатчиси Абдулғаффорхоннинг ўрни муҳим бўлган. 1965 йилнинг 1 январида Таракийнинг уйида махфий тарзда *АХДП*нинг таъсис қурултойи чақирилган. Совет Иттифоқи билан яқин алоқалар ўрнатган, ҳарбий ёрдам кўрсатилишини назарда тутувчи "Дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома"ни тузган. Бироқ *АХДП*даги ўзаро қарама-қаршилик ва ички адоватни бартараф эта олмади. Унинг бошқаруви даврида амалга оширилган радикал ислоҳотлар мамлакатда ҳарбий-сиёсий вазиятни янада ёмонлашувига олиб келди. Таракий 1979 йилнинг сентябрида *Ҳафизулла Амин* тарафдорлари томонидан барча эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди ва қатл этилди.

Ад.: Arnold A. *Afghanistan's Two-party Communism: Parcham and Khalq* – Stanford, CA: Hoover Institution Press, 1983; Большая российская энциклопедия. *Тараки Нур Мохаммед;* Encyclopedia Britannica. *Nur Mohammad Taraki.*

ТАРЗИЙ МАҲМУД – таниқли афғон (пуштун) миллатпарвари, маърифатпарвар, давлат ва жамоат арбоби, "Ёш афғонлар" ҳаракатининг ғоявий раҳбари. 1865 йилда Ғазнида 19-аср афғон адабиётининг таниқли намояндаси Муҳаммад Ғулом Тарзий оиласида туғилган. Пуштунларнинг *дурроний* иттифоқига кирувчи *баракзай* қабиласи *муҳаммадзай* тармоғи/бўғини вакили. Унинг бобоси Қандаҳор ҳокими бўлган. 1881 йилда Тарзийлар оиласи амир Абдураҳмон қувғини сабаб мамлакатни тарк этган. Аввал

Британия Ҳиндистони (Карачи), кейинчалик султон Абулҳамид II нинг рухсати билан Дамашқда қўним топган. Тарзий ўн саккиз йил давомида Дамашқ ва Истанбулда яшади ва шу ерда таҳсил олди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланишида “Ёш турклар” ҳаракати, шунингдек, бу вақтда Истанбулда бўлган машҳур ислом илоҳиётчиси ва ислоҳотчи *Жамоллидин Афғоний* кучли таъсир кўрсатди. Тарзий отасининг тавсияси билан Афғонийнинг уйида ташкил этиладиган мунозара ва суҳбатларда иштирок этди. У ўзининг илк асарларини унинг ғоялари таъсирида ёзди. 1902 йилда амир Ҳабибуллахон таклифига кўра, Тарзий Афғонистонга қайтди. У ёзувчи, публицист, ўқитувчи, таржимон, замонавий таълим ва фаннинг тарғиботчиси сифатида фаолият юритди. Дунёқарашининг кенглиги ва маърифатпарварлик ғоялари билан Тарзий амирда чуқур таассурот қолдирди. У Афғонистонни ташқи дунёдан, замонавий билимлар ва таълимдан узилиб қолганлигини мамлакат ва жамият қолоқлигининг асосий сабаби деб билди. Дин пешволарининг анъанавий қарашларидан фарқли ўлароқ, Тарзий модернизацияни ислом дини қоидаларига зид эмаслигини ва афғон жамиятида туб ислоҳотларни амалга ошириш заруратини ёқлаб чиқди. 1911–1919 йилларда Афғонистоннинг илк газеталаридан бири *“Сирож ул-Ахбор”* (“Хабарлар чироғи/машъали”)ни нашр этди. Ушбу газета “Ёш афғонлар” ҳаракати ғояларининг тарғиботчисига айланди ҳамда Эрон, Ҳиндистон ва Туркистонда ҳам ўз ўқувчиларига эга бўлди. Омонуллахон даврида у ташқи ишлар вазири (1919-1922, 1924-1927) лавозимини эгаллади. Ташқи сиёсатда Туркия билан яқинлашиш тарафдори бўлган. Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия билан яқинлашишни Афғонистон мустақиллиги учун таҳдид деб

билган. Тарзий 1929 йилнинг январида амир Омонуллахон (қайнотаси) билан бирга Афғонистонни тарк этди. Афғонистон тарихи, дини, маданиятига оид қатор асарлар муаллифи. Жаҳон адабиёти намуналари ва илмий асарлар (хусусан, “Халқаро ҳуқуқ” китоби)ни таржимони ҳисобланади. Тарзий 1933 йилда Истанбулда вафот этди.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Маҳмуд Тарзий;* Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

ТОЛИБОН (*толиб* арабча – *изловчи, талаб қилувчи, ўқувчи, тингловчи*) – Афғонистонда “соф исломий ҳукумат” ёки “ислом амирлиги”ни тиклашни мақсад қилиб қўйган *ҳарбий-сиёсий ҳаракат*. 1994 йилда Қандаҳорда пайдо бўлган. Маънавий раҳномаси ва асосчиси, афғон жиҳоди ветерани мулла *Муҳаммад Умар*. Ҳаракатнинг ижтимоий асосини *мадраса талабалари* (толиблар), этник таркибини эса *пуштунлар* (асосан дурронийлар) ташкил этган. “Толибон” *“миллий исломий”* характер касб этувчи ҳаракат сифатида таърифланади. Ҳаракат 1996 йилнинг сентябрь ойида Кобулда *“Афғонистон ислом амирлиги”*ни тузганлигини эълон қилади. Ҳаракат қисқа муддат ичида мамлакат ҳудудининг 90-95 % ни ўз назоратига олади. Бундай ҳолат Афғонистонда ҳукм сурган сиёсий бошбошдоқлик, ҳокимият ва хавфсизлик вакууми, афғон халқининг урушдан ҳориганлиги, ташқи акторларнинг молиявий кўмаги ва бошқалар билан изоҳланиши мумкин. Ҳаракатни вужудга келишида *Беназир Бхутто* ҳукумати, хусусан, ПИР ички ишлар вазири *Насрулло Бабар* муҳим роль ўйнаган. “Толибон” ҳукмронлигининг муайян босқичида халқаро ҳамжамият аъзолари ҳаракатни

Афғонистонда сиёсий ҳокимиятни бирлаштирувчи ва тинчлик ўрнатувчи куч сифатида кўради. 20-асрнинг 90-йилларида толиблар ҳукумати учта давлат – *БАА, ПИР* ва *Саудия Арабистони* томонидан тан олинди. “Толибон” ўз назоратида бўлган ҳудудларда кескин ва қатъий шариат нормаларини ўрнатди. Телевидение, мусиқа, тасвирий санъат, шахмат, афғонлар учун анъанавий ҳисобланган варрак учириш ва бошқалар тақиқланди. Инсон ҳуқуқларининг кенг ва мунтазам бузилиши халқаро ҳамжамият аъзолари ва халқаро ташкилотларнинг эътирозига сабаб бўлди ва толибларга нисбатан босим кучайди. 1996 йилда *“ал-Қаида”* етакчиси Усама бин Лоден Судандан Афғонистонга қайтиб келди. У “Толибон” ҳаракатининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш билан бирга дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган террорчилик актларини Афғонистондан туриб режалаштирди ва бошқарди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ ва унинг иттифоқчилари *“Енгилмас озодлик”* операциясини бошлади. Натижада “Толибон” етакчилари ва ҳаракатнинг асосий кучлари Покистоннинг чегарадош ҳудудларига сиқиб чиқарилди. Толиблар ҳукуматининг ағдарилиши шубҳасиз “амирлик”нинг формал давлат органлари фаолиятининг тўхташига олиб келди. Бироқ ҳаракатнинг ижтимоий, тузилмавий ва ташкилий асосларининг муайян барқарорлиги сақлаб қолинди. “Толибон” ҳам миллий (афғон), ҳам минтақавий ва халқаро даражада ўз мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Қуролли мухолифат сифатида расмий Кобул ва АҚШ билан сиёсий мулоқот ўрнатди ва музокаралар томонига айланди. 2021 йилнинг сентябрь ойида “Толибон” ҳаракати Афғонистонда “ислом амирлиги” тикланганлигини эълон қилди. *Қ.*: *Афғонистон ислом амирлиги, Муҳаммад Умар*.

Ад.: Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond*. – London-New York: I.B. Tauris, 2010; Thomas Ruttig. *Have the Taliban changed?* // CTC Sentinel. March 2021, Volume 14, Issue 3: Abubakar Siddique. *The Quetta Shura:*

Understanding the Afghan Taliban's Leadership // Terrorism Monitor Volume 12, Issue 4, 2014; Бобокулов И.И. *«Талибан» на севере Афганистана: стратегия, предпосылки и география расширения* // Международные отношения. – Ташкент, УМЭД, 2016. - № 4.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ – 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида *“Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”* мавзусида ўтказилган халқаро конференция якунлари бўйича қабул қилинган декларация. 1999 йилда “6+2” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистондаги конфликт томонларининг Тошкентдаги учрашуви натижалари бўйича ҳам айнан шу номдаги ҳужжат қабул қилинган. Декларация *БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари, Афғонистон, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистонга чегарадош бошқа давлатлар, шунингдек, Германия, Италия, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Қатар, Саудия Арабистони ва БАА* вакиллари томонидан имзоланди. Декларациянинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат: 1) расмий Кобул ва *“Толибон”* ҳаракати ўртасида сиёсий мулоқотни ўрнатиш; толибларни сиёсий жараёнларга қўшилишга, зўравонлик ҳаракатларини тўхтатишга ҳамда халқаро террористик ташкилотлар билан алоқаларни узишга чақириш, шунингдек, барча афғонларнинг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаши лозимлиги таъкидланди; 2) трансмиллий терроризм, қорадорининг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликни Афғонистон, минтақа ва халқаро хавфсизликка умумий таҳдид эканлиги таъкидлаб ўтилди; 3) *“Толибон”* ва *“Ироқ ва Шомдаги ислом давлати”*га кўмак берилишига қарши чиқилди; 4) савдо, транспорт, энергетикага оид лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни

таъминлашда муҳим омил эканлиги таъкидланди.
Қ.: “6+2” мулоқот гуруҳи.

Ад.: “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференциясининг декларацияси; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг халқаро конференциядаги нутқи. Конференция материаллари – Т., 2018.

- У -



УМАР МУҲАММАД – “Толибон” ҳаракатининг асосчиси ва биринчи амири. 1960 йилда Афғонистоннинг *Қандаҳор* вилоятида туғилган, этник пуштун, *гилзай* иттифоқига кирувчи *хотакий* қабиласи вакили (бошқа манбаларда уни *Урузгон* вилоятида туғилганлиги ҳамда дурронийларнинг *нурзай* қабиласига мансублиги айтилади (Адамек)). “Толибон” ҳаракати тақдим этган расмий таржимаи ҳолга кўра, отасининг ўлимидан кейин Умарнинг болалиги Урузгонда амакиси қўлида ўтган. Диний саводга эга бўлган. Кобул режими ва собиқ Иттифоққа қарши курашда Муҳаммад Наби Муҳаммадий бошчилигидаги *“Афғонистон ислом инқилоби ҳаракати”* сафларида ҳаракат қилган. Жангларда бир кўзидан ажралган. 90-йилларнинг бошида Қандаҳорда имомлик қилган. 1994 йилда у бошчилигидаги мадраса талабалари Қандаҳорни, кейинчалик Ҳирот (1995), Кобул (1996) ва Балхни (1997/98) эгаллаган. 1996 йилнинг 4 апрель куни Қандаҳорда 1400 дан ортиқ дин пешволари иштирокидаги йиғинда мулла Умар *“амир ал-мўминун”* (мўминлар ҳукмдори) деб эълон қилинади. Афғонистон *“ислом амирлиги”* деб номланди. Умар ҳукуматни Қандаҳордан туриб бошқарди. Афғонистонда Умар ва унинг тарафдорлари нуқтаи назаридаги “соф” ва кескин кўринишдаги исломни жорий этишга интилиш халқаро ҳамжамият аъзоларининг эътирозига сабаб бўлди. *Усама бин Лоден* Афғонистонга қайтгач (1996), “Толибон” ҳаракатини қўллаб-қувватлади ва Афғонистон ҳудудини “ал-Қаида”

террористик ташкилотининг бошпанаси ва фаолият маконига айлантирди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг мулла Умар халқаро ҳамжамиятнинг Усама бин Лоденни бериш тўғрисидаги талабини рад этди. 2002 йилнинг 10 октябрида толиблар етакчиси Кветтага қараб афғон-покистон чегарасини кесиб ўтганлиги айтилади (А. Рашид). 2015 йилда "Толибон" ҳаракати мулла Умарнинг ўлимини расман эълон қилди. *Қ.: Толибон, Мулла Ёқуб.*

Ад.: Ahmed Rashid. *Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond*. – London-New York: I.B. Tauris, 2010; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Barnett R. Rubin. *Afghanistan: What Everyone Needs to know*. – New York: Oxford University Press, 2020.



- Ф -

ФАҲИМ МУҲАММАД ҚОСИМ – афғон мужоҳидларининг таниқли дала қўмондони, Афғонистон Қуролли кучлари маршали. Фаҳим 1957 йилда *Панжшир водийсида* туғилган, этник тожик. *Аҳмадшоҳ Масъуд* кучлари таркибида Кобул режимига қарши курашган. Афғон мужоҳидлари ҳукуматида *разведка хизматини* бошқарган. 1996 йилда Кобул толиблар қўлига ўтиши арафасида *Муҳаммад Нажибулла*га шаҳарни бирга тарк этишни таклиф этган. *“Шимолий альянс”*нинг энг қудратли қўмондонларидан бирига айланган. *Аҳмадшоҳ Масъуд*нинг ўлимидан кейин альянсга етакчилик қилган. 2001 йилда АҚШнинг *“Толибон”* ҳокимиятини ағдаришга қаратилган ҳарбий ҳаракатларида муҳим роль ўйнаган ва ўзига содиқ кучлар билан Кобулни эгаллаган. Натижада унинг ҳарбий ва сиёсий мавқеи кескин ошиб, мамлакатдаги энг қудратли ва нуфузли сиёсий шахслардан бирига айланган. У муваққат ҳукумат раиси ўринбосари (2001-2014), мудофаа вазири, президент маслаҳатчиси, икки муддат биринчи вице-президент лавозимларида фаолият юритган. Унинг катта ўғли *Адиб Фаҳим* 2015–2019 йилларда Афғонистон Миллий хавфсизлик бошқармаси директорининг биринчи ўринбосари бўлган. Фаҳим 2014 йил 9 март куни юрак хуружидан вафот этган. *Қ.: “Шимолий альянс”; Аҳмадшоҳ Масъуд*.

Ад.: K. Katzman, C.Thomas *Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security, and U.S. Policy* // Congressional Research Service, 2017; Dipali Mukhopadhyay. *Warlords as Bureaucrats: The Afghan Experience*, Carnegie Papers, No 101, August 2009.

ФЕДЕРАЛ БОШҚАРУВДАГИ ҚАБИЛАЛАР ҲУДУДИ – *“мустақил қабилалар ҳудуди”* ёки *“қабилалар зонаси”* деб ҳам номланувчи Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош этник пуштунлардан иборат ҳудуди. 2018 йилнинг май ойига қадар, ПИРнинг ўзига хос конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлиги бўлган. Шимоли-ғарбда Афғонистон, шарқда *Хайбар Пахтунхва* ва жанубда *Балужистон* билан чегардош. Ҳудуди 27 500 кв. км.га тенг. Аҳолиси тахминан 4,5 миллион кишини ташкил этади. Бу ерда, шунингдек, 1,5 миллиондан ортиқ афғон қочоқлари ҳам мавжуд. Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудудига еттита *агентлик* кирган: *Бажавр, Маҳманд, Хайбар, Оракзай, Қуррам, Шимолий* ва *Жанубий Вазиристон.* Оракзайдан ташқари барча маъмурий бирликлар Афғонистон билан умумий чегарага эга. Покистон ҳукумати ушбу ҳудудни бошқаришда инглизлар ўрнатган тизимни сақлаб қолган. Қабилалар ҳудуди ПИР президенти юрисдикцияси остида бўлиб, Хайбар Пахтунхва губернатори ва у томонидан тайинланган *агентлар* (федерал ҳокимият вакиллари) томонидан бошқарилган. Мустақил қабилалар ҳудуди аҳолиси мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлмаган (ҳудуд аҳолиси умуммилий сайловларда илк бор 1997 йилда иштирок этди); ҳудудда сиёсий партиялар ва ноҳукумат ташкилотлар фаолияти тақиқланган; ФБҚҲга нисбатан Покистон судлари юрисдикцияси татбиқ қилинмаган. Расмий Исломобод қабилалар ҳудудини қўшни Афғонистон ва Ҳиндистонга нисбатан олиб борган ташқи сиёсатининг плацдармига айлантирган. 1979 йилда собиқ Иттифоқнинг Афғонистон ички ишларига қуролли аралашуви ҳамда 2001 йилда халқаро терроризмга қарши глобал урушнинг бошланиши минтақавий ва халқаро акторлар учун қабилалар ҳудудининг “аҳамияти”ни янада оширди. Ҳозирда ушбу

ҳудуднинг катта қисми афғон ва покистон толиблари назорати остида қолмоқда. 2018 йилнинг май ойида Покистон парламенти ФБҚҲни Хайбар Пахтунхва вилояти таркибига қўшиш ва мамлакат конституциясига тегишли ўзгартиришларни киритиш бўйича қарор қабул қилди. *Қ.: Вазиристон, Пуштунистон, Хайбар Пахтунхва.*

Ад.: Shuja Nawaz. *FATA – a Most Dangerous Place: Meeting the Challenge of Militancy and Terror in the Federally Administrated Tribal Areas of Pakistan* // Center for Strategic and International Studies, January 2009; Farhat Taj. *Taliban and Anti-Taliban* – Newcastle: Cambridge Scholars Publishing, 2011.

- Х -

ХАВФСИЗЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ ХАЛҚАРО КУЧЛАР – 2001-2014 йилларда БМТ мандати асосида НАТО бошчилигида АИРда фаолият юритган халқаро коалиция аъзоларининг ҳарбий контингенти. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йилдаги *1386-сонли қарори*га мувофиқ ташкил этилган. 2003 йилда ҳарбий контингент бошқаруви НАТОга юклатилган, унгача қўмондонлик альянсга аъзо давлатлар орасида ҳар 6 ойда ихтиёрийлик асосида алмашилган. Дастлаб контингентга Кобул ва унга қўшни бўлган ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистон миллий хавфсизлик кучларини тайёрлаш, давлат бошқарув органларини шаклланишига кўмаклашиш каби вазифалар юклатилган. 2003 йилдан бошлаб унинг фаолият доираси босқичма-босқич Афғонистоннинг бутун ҳудудига ёйилган ҳамда “Толибон” ҳаракати ва бошқа қуролли гуруҳларга қарши кенг қамровли жанговар ҳаракатларга жалб қилинган. Миссия таркибидаги 6 та қўмондонликда 50 дан ортиқ давлатнинг ҳарбийлари иштирок этган. 2011 йилда контингентнинг умумий сони энг юқори даражага етиб, 132 минг кишини ташкил этган *(90 минг нафари АҚШ ҳарбийлари)*. ХКХК Афғонистонда 400 га яқин ҳарбий объектлар, шу жумладан, ҳарбий лагерлар, оператив базалар ва жанговар аванпостлардан фойдаланган. 2011 йилдан бошлаб мамлакатда хавфсизликни таъминлаш масъулияти босқичма-босқич тарзда афғон ҳукуматига берилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар томонидан ХКХК пухта ишлаб чиқилмаган, тинч аҳолининг ўлимига сабаб бўлган ҳарбий амалиёт ва ҳаво зарбаларини амалга оширишда айбланади.

Фақатгина 2001-2003 йиллар давомида бу каби ҳарбий зарбалар натижасида 3 600 дан ортиқ тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган. Халқаро кучларнинг Афғонистонда қорадори етиштиришга қарши самарали кураш олиб бормаганлиги ҳам жиддий танқид остига олинади. 2014 йилдан ХКХК ўрнига *Қатъий қўллаб-қувватлаш миссияси* ўз фаолиятини бошлади. *Қ.: "Енгилмас озодлик" операцияси, Қатъий қўллаб-қувватлаш миссияси.*

Ад.: UN Security Council Resolutions 1386 (2001) //https://www.un.org/securitycouncil/content/resolutions-0*; К.* Katzman, C. Thomas. *Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security, and U.S. Policy* / Congressional research service, 2017; Encyclopedia Britannica. *International Security Assistance Force.*

ХАЙБАР ДОВОНИ – Спингар (ёки Кўҳи Сафед, Сафедкўҳ) тоғ тизмасидаги Афғонистон ва Покистонни боғлаб турувчи иқтисодий ва ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган довон (баландлиги 1067 м). Довон орқали *Кобул-Пешовар* йўли ўтади. 1925 йилда Британия Ҳиндистони томондан Афғонистон чегарасигача 34 та тоннель ва 94 та кўприкдан иборат темир йўл қурилган. *Марказий ва Жанубий Осиё*ни боғловчи муҳим савдо, транспорт йўли ҳисобланади. Тарихда довон шимоли-ғарбдан форслар, греклар, араблар, туркийлар ва афғонларга Ҳинд субконтинентига бостириб киришлари учун дарвоза вазифасини ўтаган. Ундан ўз замонида Искандар Зулқарнайн, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Бобур мирзо, Нодиршоҳ, Аҳмадшоҳ Дурроний фойдаланган. Инглиз-афғон урушларида *Британия империяси* довоннинг ҳарбий-стратегик аҳамиятини қадрлаган. Довон ва унинг атрофида кўп сонли пуштун қабилаларидан бири афридийлар яшайди. 1879 йилда иккинчи инглиз-афғон уруши натижасида имзоланган *Гандамак шартномаси*га кўра, Хайбар довони атрофида яшовчи пуштун қабилалари Британия назорати

остига ўтган. 2001 йил воқеаларидан кейин довон *АҚШ ва халқаро коалиция кучлар* учун ҳарбий техника ва ёқилғи етказиб беришнинг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилган.

ХАЙБАР ПАХТУНХВА – Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги маъмурий-ҳудудий бирлик. 2010 йилгача *Шимоли-Ғарбий чегара вилояти* деб номланиб келинган. Афғонистон билан чегарадош, маъмурий маркази – *Пешовар шаҳри.* Аҳолиси ва иқтисодиётининг ҳажми бўйича Покистоннинг учинчи йирик вилояти ҳисобланади. Аҳолисининг аксарият кўпчилигини этник пуштунлар ташкил этади. Маъмурий бирлик номидаги *"пахтунхва"* ибораси *"пуштунлар ери"* деган маънони англатади. "Хайбар" мазкур вилоят ҳудудида жойлашган шу номдаги довон номидан олинган. Пуштунлардан иборат Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди 2018 йил май ойида Хайбар Пахтунхва таркибига қўшилди. *Қ.: Шимоли-Ғарбий чегара вилояти.*

ХАЛИЛЗОД ЗАЛМАЙ – дипломат, тадқиқотчи ва олим. У 1951 йилда *Мозори Шариф* шаҳрида туғилган, этник пуштун. Байрут (Ливан)даги Америка университетида таҳсил олган. 1979-1989 йилларда *Колумбия университети*да илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланган. Бу даврда у таниқли сиёсий арбоб ва олим *Збигнев Бжезинский* билан яқин муносабат ўрнатган. *Рональд Рейган* (1985-1989) ва *Жорж Буш* маъмуриятида (1990-1992) Давлат департаменти ва мудофаа вазирлигида турли лавозимларда ишлаган. 1993-2000 йилларда АҚШнинг етакчи таҳлил марказларидан бири *РЭНД корпорацияси*да фаолият юритган. *Афғон мужоҳидлари* билан узвий алоқада бўлган. 90-йилларнинг иккинчи ярмида Каспий минтақасининг углеводород ресурсларини Жанубий Осиё

бозорига етказиб беришни мақсад қилган АҚШнинг *“Юнокал”* компанияси маслаҳатчиси бўлган. 2001 йилдан бошлаб *кичик Жорж Буш* маъмуриятида (президентнинг махсус ёрдамчиси, Миллий хавфсизлик кенгашида катта директор, *Дональд Рамсфелд*нинг маслаҳатчиси лавозимларида) фаолият юритган. *Бонн конференциясида* турли афғон гуруҳларини ўзаро келиштиришда иштирок этган. Ғарбда Халилзод фавқулодда дипломатик истеъдодга эга бўлган шахс сифатида танилган. 2001 йилнинг декабрида АҚШ президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили этиб тайинланди. Афғонистондаги илк президентлик ва парламент *сайловлари* ва *Лойя жирға*ни ташкил этишда ҳамда мамлакат *конституцияси* лойиҳасини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган. АҚШнинг Афғонистондаги (2003-2005) элчиси сифатида *Ҳамид Карзай* ҳукуматига нисбатан кучли таъсирга эга бўлган. *Афғонистонда Америка университети*ни очилишига катта ҳисса қўшган. 2005-2007 йилларда АҚШнинг *Ироқдаги элчи*си, 2007-2009 йилларда *БМТдаги доимий вакили* бўлган. *Трамп* маъмуриятида унинг номзоди давлат котиби лавозимига кўрилган. 2018 йилнинг сентябрь ойида Халилзод АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили этиб тайинланди. Унинг саъй-ҳаракати билан 2020 йилнинг 29 февраль куни *АҚШ билан “Толибон”* ўртасида шартнома имзоланди. 2021 йилнинг октябрида Халилзод Афғонистон бўйича махсус вакил лавозимидан истеъфога чиқди. У фалсафа доктори илмий даражасига эга (Чикаго университети, 1979). 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Пушту, дарий, араб, инглиз ва урду тилларида сўзлашади. *Қ.: АҚШ-“Толибон” музокаралари.*

Ад.: Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Sayed Ziafatullah Saeedi. *Why is Zalmay Khalilzad such a Controversial Figure in Afghanistan?* https://thediplomat.com/2019/04/why-is-zalmay-khalilzad-such-a-controversial-figure-in-afghanistan/.

ХАЛИЛИЙ АБДУЛКАРИМ – таниқли афғон сиёсатчиси, *“Афғонистон ислом бирлиги”* ёки *“Ҳизб-и Ваҳдат”* партиясининг етакчиларидан бири. 1950 йилда Вардак вилоятида туғилган, этник ҳазора. Диний таълимни Эроннинг Қум шаҳрида олган. Совет қўшинлари ва Кобул режимига қарши қуролли курашнинг фаол иштирокчиси. Афғон мужоҳидлари ҳукуматида молия вазири вазифасини бажарган. 90-йилларнинг бошида Б. Раббонийнинг *“Афғонистон ислом жамияти”*, Абдурашид Дўстимнинг *“Афғонистон миллий исломий ҳаракати”* ҳамда қисқа муддат толиблар билан ҳамкорлик қилган. 1998 йилда Эронга чиқиб кетишга мажбур бўлган. 2001 йилда халқаро коалиция кучлари кўмагида Ҳазоражатда ўз назоратини ўрнатган. Ҳамид Карзай президентлиги даврида Афғонистон *вице-президенти* (2002, 2004 ва 2009) лавозимига сайланган. 2017 йилда Афғонистоннинг *Тинчлик бўйича олий кенгаш раиси* этиб тайинланади. Халилий Афғонистонда федерал бошқарув шаклини қўллаб-қувватлайди. *Қ.: “Афғонистон ислом бирлиги партияси”*.

Ад.: Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: “Крафт+”, 2004; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013.

ХАЛҚ (партия) – *Қ. Афғонистон халқ-демократик партияси, Нурмуҳаммад Таракий.*

ХОЛИС МУҲАММАД ЮНУС – афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси, *“Афғонистон ислом партияси” (Холис)* етакчиси, шоир. 1919/20 йилларда Гандамак (Нангарҳор вилояти)да туғилган, пуштунларнинг *карланий* иттифоқига кирувчи *хугиани* қабиласига мансуб. Мавлоно Юнус Холис Афғонистонда исломий ҳаракатнинг асосчиларидан бири

ҳисобланади. У диний таълимни Покистоннинг Акора Хаттак шаҳридаги *“Дор ул-илм Ҳаққония”* мадрасасида олган (бироқ бошқа манбада Холисни Ҳаққония асосчиси мавлоно *Абдулҳақ Акорви* билан бирга таҳсил олганлиги айтилади). Кобул ва Нангарҳордаги мадрасаларда дарс берган. Шариат масалаларига оид қатор (жумладан, С. Мужаддадий билан ҳаммуаллифликдаги) асарлар муаллифи. Холис *Саид Қутб* асарини таржима қилган ва нашр эттирган. У Кобул университети талабаларининг исломий ҳаракатини қўллаб-қувватлаган анъанавий уламонинг кам сонли вакилларидан ҳисобланади (Холиснинг ўғилларидан бири “Мусулмон ёшлар” ҳаракатининг аъзоси бўлганлиги айтилади). Бироқ уларнинг инқилобий ғояларини қўллаб-қувватламаган. *“Гаҳез” (“Тонг”)* газетасида чоп этилган мақолаларидан бирида у *“ҳокимиятни капитал ёки қилич билан эгаллаш исломга зид”* деб ёзади. 1973 йилдаги давлат тўнтаришидан кейин ташкилотнинг кўплаб аъзолари қатл этилади ёки қамоққа олинади (хусусан, унинг катта ўғли ҳам). Ушбу шароитда Холис Покистоннинг қабилалар ҳудудига кўчиб ўтади. У аввал *Г. Ҳикматёр* партиясига қўшилади. Бироқ 1979 йилда ундан ажраб чиқади ва *“АИП” (Холис)*ни тузади. Мазкур бўлиниш консерватив ва фундаменталист уламолар билан ёш авлод ўртасидаги жамият ва давлат бошқарувида исломнинг ўрни борасида қарашлардаги тафовутни ҳам кўрсатди. Холис уларни *“мактабиан”* ёки *“мактаб ўқувчилари”* деб атади. Ўз навбатида “Ҳизб-и ислом” (Холис) мутахассислар томонидан *“муллалар ва уламолар”* партияси номини олди. У “Пешовар еттилиги”га кирувчи партия етакчиларининг энг ёши улуғи бўлган. Кобул режимига қарши курашда шарқий пуштун қабилалари, авваламбор (Кобул ва Жалолобод оралиғида Кобул дарёси водийсида истиқомат қилувчи), хугиани қабиласи унинг асосий таянчи

бўлиб хизмат қилди. *Жалолиддин Ҳаққоний (задран)* ҳамда *арсала* кланининг етакчилари ака-ука *Абдулҳақ, Абдулқодир ва Динмуҳаммад* каби дала қўмондонларига таянди. Афғон мужоҳидлари етакчиларидан фарқли ўлароқ, у ўз фаолиятини Афғонистон ҳудудидан туриб амалга оширган. *Тора Бора* (пуштуда *“қора ғор”*)ни ўзининг қароргоҳига айлантирган. Холис 1987 йилда Оқ уйда АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашади (мазкур учрашувда уни Рейганга Қуръон совға қилганлиги айтилади). У ҳукуматни кўп миллатли бўлишига ва шиаларнинг иштирокига қатъий қарши бўлган. Нажибулла режими қулаганидан сўнг ўз ташкилотини тарқатиб юборади. 90-йилларнинг бошида афғон мужоҳидлари ўртасида юз берган қарама-қаршиликда четда туради. Толибларни қўллаб-қувватлайди, бироқ улар жорий этган қатор (хусусан, мусиқа эшитиш ёки телевизор кўриш борасидаги) тақиқларни танқид қилади. Қирол Зоҳиршоҳни мамлакатга қайтишини қўллаб-қувватлайди. 2001 йилдан кейин сиёсий фаолиятдан четлашади. 2006 йилнинг июль ойида оила аъзолари томонидан унинг ўлими маълум қилинади.

Ад.: Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014; Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели. –* М.: “Наука”, 1990; Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012.* – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013.

“ХУРОСОН ВИЛОЯТИ” – *“Ислом давлати”* ёки *“Ироқ ва Шомдаги ислом давлати”* деб номланувчи террористик ташкилотнинг Афғонистон, Покистон ҳамда уларга чегарадош бўлган ҳудудлар, хусусан, Марказий Осиёда “ислом давлати”ни қуришни мақсад қилиб қўйган ячейкаси. 2015 йилнинг январь ойида *Куррам агентлиги* (ФБҚҲ)да покистон ва афғон толибларининг бир гуруҳ норози дала қўмондонлари томонидан тузилган. Ячейканинг таркибини толиблар билан бирга, “ЎИҲ” фракцияси ҳамда бошқа қатор

хорижий террористик гуруҳлар жангарилари ташкил этган. АфПок чегара ҳудудида “Ислом давлати” ячейкасининг пайдо бўлиши тасодифий ҳодиса эмас. Бу ҳолат минтақадаги беқарор вазият, ҳам афғон ҳукумати, ҳам (афғон ва покистон) толибларнинг ўзаро ички қарама-қаршилиги ҳамда етакчи давлатларнинг геосиёсий манфаатларининг мавжудлиги билан изоҳланади. 2015-2018 йилларда мамлакатнинг шимолида, хусусан, Жузжон вилоятининг *Дарзоб* ва *Қуштепа* туманларида собиқ “Толибон” қўмондонлари бошчилигида этник ўзбеклардан иборат гуруҳ “Ислом давлати” байроғи остида фаолият юритди. Толибларнинг 2018 йилнинг август ойида амалга оширган ҳарбий амалиёти натижасида мазкур гуруҳ тор-мор қилинди ва унинг жангарилари ҳукумат кучларига, келиб чиқиши марказий осиёлик бўлган террорчилар эса толибларга таслим бўлди. Ўтган давр мобайнида “Хуросон вилояти”нинг бир неча амири ўлдирилди. “Хуросон вилояти” байроғи остида фаолият юритаётган террорчилар асосан Афғонистоннинг шарқида, хусусан, Нангарҳор ва Кунар вилоятларида сақланиб қолмоқда.

Ад.: Osman Borhan. *The Shadows of «Islamic State» in Afghanistan: What Threat does It Hold?* // Afghanistan Analysts Network, 12 February 2015; Бобокулов И.И. *«Исламское государство» в Афганистане и региональная безопасность Центральной Азии* // Центральная Азия и Кавказ. – Лулео, Швеция, 2016. – Том 19, вып. 3.

- Ц -

“ЦИКЛОН” ОПЕРАЦИЯСИ – Совет қўшинлари ва Кобул режимига қарши курашаётган афғон қуролли мухолифатини қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШнинг Марказий разведка агентлиги томонидан амалга оширилган операциянинг шартли номи (1979-1989). “Циклон” МРАнинг кўпхарж ва узоқ муддат давом этган махсус операцияларидан бири ҳисобланади. Йиллик бюджети 20-30 миллион АҚШ доллари бўлган дастур 1987 йилга келиб, йилига 630 миллионга етган. Операция *Ж. Картер* маъмурияти афғон сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган. Шунингдек ушбу операция Р. Рейганнинг Совет Иттифоқини тийиб туриш ва унинг таъсирини камайтиришга қаратилган ташқи сиёсий фаолият доктринаси (Рейган доктринаси, 1985) учун замин яратган. *Қ.: Рейган доктринаси.*



- Ш -

ШЕРЗАЙ ГУЛ ОҒА – афғон сиёсатчиси, таниқли дала қўмондони. Шерзай 1955 йилда Қандаҳорда туғилган, дурроний иттифоқининг кучли мавқега эга бўлган *баракзай* қабиласи вакили. Отаси Абдулатиф Афғонистон жанубида собиқ Иттифоқ ва Кобул режимига қарши курашган таниқли дала қўмондонларидан бири бўлган. Отасининг ўлимидан сўнг, у ўз исмига *"шерзай",* яъни *"шернинг ўғли"* номини олган. 2001 йил ноябрь-декабрь ойларида ўзига содиқ кучлар билан АҚШнинг молиявий, ҳарбий ҳамда махсус кучлари кўмагида Қандаҳорни толиблардан озод қилган ва вилоят губернатори этиб тайинланган. Халқаро коалиция кучлари, авваламбор, АҚШнинг ишончли ҳамкорига айланган Шерзай, вилоятдаги асосий хўжалик ва тадбиркорлик объектлари (хусусан, Спин Болдак)ни ўз назоратига олади. Афғонистон жанубида кучлар мувозанати қабилалар ўртасидаги муносабатлар ҳолати билан белгиланади. Толиблардан кейинги Қандаҳор учун кураш уч етакчи қабила вакиллари: *Шерзай (баракзай), мулла Нақибулла (аликозай)* ва *Аҳмад Вали Карзай (попалзай)*лар ўртасида кечди. Натижада у 2004 йилда Нангарҳор вилояти губернатори этиб тайинланди. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида у бошқарувнинг турли усул ва воситалари (рағбатлантириш, жазолаш, қабила бошлиқлари ва АҚШ кучлари билан ҳамкорлик)дан кенг ва унумли фойдаланди. Иш услуби сабаб Шерзай *"бульдозер"* лақабини олган. Гул Оға Шерзай инсон ҳуқуқларини бузиш ва

ноқонуний қурадори савдоси билан шуғулланишда айбланади. У 2014 йилдаги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйган.

Ад.: *Гуль Ага Шерзай* // https://afghanistan.ru/doc/71730.html; Dipali Mukhopadhyay. *Warlords as Bureaucrats: The Afghan Experience*, Carnegie Papers, No 101, August 2009; Gilles Dorronsoro. *Revolution Unending: Afghanistan: 1979 to the Present*. – London: Hurst & Co., 2005.

ШИМОЛИЙ АЛЬЯНС – таниқли дала қўмондонлари *Аҳмадшоҳ Масъуд, Абдурашид Дўстим, Исмоилхон*, *Абдулкарим Халилий, Абд ур-Раб Расул Сайёф* ҳамкорлигида 1996 йилда *“Толибон”* ҳаракатига қарши тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ, расмий номланиши “*Афғонистонни қутқариш бирлашган ислом фронти”*. Иттифоқ *Бадахшон, Таҳор* ва *Каписа* вилоятлари, шунингдек, *Парвон, Кунар, Нуристон, Лағмон, Саманган, Қундуз, Бомиён* ва *Ғур* вилоятларининг маълум ҳудудларини назорат қилган ва толибларнинг мамлакат бўйлаб тўлиқ ўз ҳукмронлигини ўрнатишига йўл қўймаган. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин альянс АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучларининг яқин ҳамкори ва иттифоқчисига айланди. АҚШнинг эътирозига қарамасдан, “Шимолий альянс” кучлари 2001 йилнинг 14 ноябрь куни Кобулни эгаллайди ва мамлакатдаги асосий ҳарбий-сиёсий куч сифатида эътироф этилади. Бонн конференциясида (2001 йил 27 ноябрь – 5 декабрь) ўзини етакчи томон сифатида намоён этиб, 25 та вазирликдан 15 тасига, хусусан, мудофаа, молия, разведка ва ички ишлар вазирликларига ўз номзодларини тайинлашга эришади. Альянс умумий душман мавжудлиги боис Афғонистон сиёсий саҳнасида ўз мақсад, қараш ва манфаатларига эга бўлган турли этник ва диний гуруҳларни бирлаштира олди.

Ад.: Katzman K., Thomas C. *Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security, and U.S. Policy* / Congressional Research Service, 2017*;* Encyclopedia Britannica. *Northern Alliance; The Northern Alliance strategy* http://news.bbc.co.uk/2/hi/events/newsnight/1647657.stm.



ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ЧЕГАРА ВИЛОЯТИ – Покистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган тарихий маъмурий-ҳудудий бирлик. 1901 йилда ташкил топган ва мустақил қабилалар ҳудуди билан бирга Британия империяси учун *буфер ҳудуд* вазифасини ўтаган. 1947 йилда Покистон давлати таркибига кирган. Маъмурий маркази – Пешовар шаҳри 20-асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларида афғон мужоҳидларининг сиёсий маркази ва афғон қочоқларининг бошпанасига айланган. *"Афғонистон мужоҳидлари исломий иттифоқи"* ёки *"Пешовар еттилиги"* айнан шу ерда вужудга келган ва ўз фаолиятини Пешовардан туриб амалга оширган. 2010 йилда Шимоли-Ғарбий чегара вилояти номи *Хайбар Пахтунхва* деб ўзгартирилди. *Қ.: Хайбар Пахтунхва.*

- Ў -

"ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ҲАРАКАТИ" – Марказий Осиёда терроризмнинг "тамал тоши"ни қўйган террористик ташкилот. Унинг илдизлари 80-йилларнинг охири – 90-йилларнинг бошида мавжуд бўлган *"Адолат уюшмаси", "Тавба"* ва *"Ислом лашкарлари"* каби радикал, экстремистик гуруҳлар фаолиятига бориб тақалади. Ушбу гуруҳлар Фарғона водийсида *муқобил* ҳукумат органларини тузиш орқали Ўзбекистонда давлат тузумини ўзгартиришга ҳаракат қилган. 1992-1997 йилларда Тожикистонда юз берган фуқаролар уруши бу каби экстремистик кучларни *Бирлашган тожик мухолифати* сафларида жангларда "тобланиш" имкониятини беради. Ташкилотнинг бош идеологи ва асосчиларидан бири Тоҳир Йўлдошев (Йўлдош). 1997 йилда расмий Душанбе билан мухолифат ўртасида имзоланган келишувдан сўнг Жума Ҳожиев (Намангоний) ва Т. Йўлдошев бошчилигидаги жангарилар Афғонистон ҳудудига кўчиб ўтади. 1996 йилда Кобулда *Афғонистон ислом амирлиги* паноҳида "ЎИҲ" тузилганлиги эълон қилинади. Шу даврдан бошлаб *"ЎИҲ" – "Толибон" – "ал-Қаида"* учбурчаги мустаҳкамланиб боради. 90-йилларнинг бошида "ЎИҲ" жангарилари *"Ҳаққоний тармоғи"*нинг Завара водийси (Хўст вилояти)даги лагерларида тайёргарликдан ўтган. Ташкилот фаолиятига глобал жиҳоднинг таъсири кучайди, унинг мақсад ва вазифаларида ўзгаришлар юз берди. 2001 йилгача "ЎИҲ" террорчилари "Толибон" ва "ал-Қаида"нинг ишончли ҳамкори бўлиб қолди ва толиблар режими ағдарилганидан сўнг, уларнинг қолдиқлари билан бирга Шимолий ва Жанубий Вазиристон (Покистон)дан бошпана топди. Ички қарама-қаршиликлар сабаб "ЎИҲ" сафларида бўлиниш юз берди: 2002 йилда унинг сафларидан *"Ислом жиҳоди иттифоқи"*, 2006 йилда

“Ансоруллоҳ жамоати” ажралиб чиқди. 2014/15 йилларда *“Ислом давлати”*га қўшилиш масаласи юзасидан “ЎИҲ”да навбатдаги бўлиниш юз берди. *Усмон Ғозий* (Т. Йўлдошевнинг куёви) бошчилигидаги бир гуруҳ жангарилар “ИД”га қўшилди. Ушбу гуруҳ Зобул вилоятида 2016 йилнинг ноябрида толиблар тарафидан тор-мор қилинди. Т. Йўлдош (2009) ва Ж. Намангоний (2001)нинг ўлимидан кейин ташкилот етакчилари бир неча бор ўзгарди. “ЎИҲ” етакчиларининг йўқ қилиниши, ички қарама-қаршиликлар ва бўлинишлар ҳамда молиявий қийинчиликлар ташкилотни маргинал кучга айланишига олиб келди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирда ташкилот ўз мустақиллигини йўқотган, молиявий жиҳатдан “ал-Қаида”га боғлиқ ва “Толибон” назоратида Афғонистоннинг шимолий вилоятларида ўз мавжудлигини сақлаб қолмоқда.

Ад.: Babadjanov B. et al. *Islam in the Ferghana Valley: Between National Identity and Islamic Alternative*. Ferghana Valley: The Heart of Central Asia / Ed. by S.F. Starr, B. Beshimov, I.I. Bobokulov, P. Shozimov. New York – London: M.E. Sharpe, 2011; Тулепов А. *Ислом ва ақидапараст оқимлар*. – Т., 2014; Олкотт М. Б. *Провал джихадистских движений в Узбекистане* // Россия и мусульманский мир. – 2010. – №3; Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012*. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013.

- Қ -

ҚАНДАҲОР – Афғонистоннинг жанубидаги тарихий вилоят ва унинг маъмурий маркази. Ҳиндукуш тоғларининг ғарбий этагида жойлашган воҳа. Мамлакатнинг сиёсий, маданий ва савдо марказларидан бири. Вилоят 14-аср охиридан Темурийлар салтанати, кейинчалик Сафавийлар, Бобурийлар давлати таркибида бўлган. 18-асрнинг биринчи ярмида бу ерда қисқа муддат Мирвоис Хотакий ҳокимлиги мавжуд бўлган (1709-1738). 1747 йилда Аҳмадшоҳ Абдали Дурронийлар давлатига асос солади ва Қандаҳор унинг марказига айланади. Ҳилманд дарёси бассейнида қишлоқ хўжалиги учун унумдор тупроқли зонада жойлашган. Ҳосилга мўл буғдойлари ҳамда узум ва анорлари билан машҳур. Шунингдек, самарали суғориш (дарё ва *кориз (еrости ариғи)*) тизимига эга бўлган Қандаҳор сўнгги йилларда Афғонистон жанубидаги қорадори етиштириладиган асосий вилоятлардан бирига айланиб қолди. Қандаҳор дурроний иттифоқига кирувчи пуштун қабилалари яшовчи макон ҳисобланади. Мамлакатнинг шимоли, жануби ва ғарбидаги минтақавий марказлардан аҳолининг сийраклиги, шаҳар аҳолисини асосан пуштунлардан иборат эканлиги ҳамда пушту тилида сўзлашиши билан фарқ қилади. Қандаҳор Афғонистон ҳалқа йўлининг муҳим бўғини ва транспорт чорраҳаси бўлиб, мамлакатни жанубида Чаман ва Бўлан довонлари орқали Ҳинд субконтиненти ҳамда Покистоннинг Араб денгизидаги портлари билан боғлайди. "Бобурнома" асарида қайд қилиб ўтилганидек, *"Ҳиндистон билан Хуросон орасида қуруқликдаги йўлда икки катта қўнимгоҳ бор: бири – Кобул, яна бири – Қандаҳор"*. Қандаҳор, Ҳилманд, Урузгон, Зобул

ва Фараҳ вилоятларини қамраб олувчи жанубий минтақа тарихан *"катта Қандаҳор"* деб атаб келинган. 20-асрнинг 90-йилларида Қандаҳор "Толибон" ҳаракатининг марказига айланди. Ҳаракат амири мулла Умар айнан шу ердан туриб ўз бошқарувини амалга оширди. Меъморий ёдгорликлардан Аҳмадшоҳ Дурроний мақбараси, *Ҳирқа-и шариф* масжиди сақланиб қолган.

Ад.: *Ад.*: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: "O'qituvchi" НМИУ, 2008; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. – NJ: Princeton University Press, 1980; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cltural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010.

"ҚАТЪИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ" МИССИЯСИ (Resolute Support Mission) – НАТО бошчилигидаги Афғонистон миллий мудофаа ва хавфсизлик кучларини тайёрлаш, ўқитиш ва консультатив ёрдам кўрсатиш бўйича миссия. Ўз фаолиятини 2015 йил 1 январда *Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар* миссияси якунлангач бошлаган. 2014 йил 30 сентябрда АИР билан НАТО ўртасида тузилган "Қўшинларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги шартнома ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2014 йил 12 декабрдаги 2189-сонли қарори миссия фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Унинг доирасида НАТОга аъзо ва ҳамкор бўлган 38 та давлатнинг 16 000 га яқин ҳарбий хизматчисини ўз ичига олган 8 та қўмондонлик мавжуд бўлган. Қ.: *Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар, "Озодлик қўриқчилари" операцияси.*

Ад.: UN Security Council Resolutions 2189 (2014) // https://undocs.org/S/RES/2189%20(2014); *Agreement between the NATO and the IRA on the Status of NATO Forces and NATO personnel conducting mutually agreed NATO-led activities in Afghanistan* //https://www.nato.int/cps/en/natohq/official_texts_116072.htm?selectedLocale=en; NATO Resolute Support // https://rs.nato.int/rsm.

ҚИЗИЛБОШЛАР, Қизилбошлилар – 1) сафавийлар даврида Озарбайжон ва Шимолий Эрондаги туркий қабилалардан эрон қўшинида хизмат қилган аскар; 2) ана шу даврда суннийларга қарши диний жангларда қатнашган шиа жангчиларига уларнинг бош кийимларига қараб турклар томонидан берилган ном (улар 12 шиа имоми шарафига 12 та қизил йўллик матодан салла ўраб юришган); 3) Кобул, Ҳирот ва Қандаҳор шаҳарларида истиқомат қилувчи миллий ва диний озчиликка мансуб халқнинг номи. Нодиршоҳ Афшарнинг қизилбош аскарларининг маълум бир қисми Афғонистонда қўним топган. Қизилбош туркий жангчилар 18-асрнинг ўрталарида Аҳмадшоҳ Дурронийга афғон давлатчилигини яратишда асосий кўмакчи ҳамда пуштун қабилаларини тийиб туришда самарали восита бўлиб хизмат қилган. 19-асрнинг 60-йилларигача, яъни Дўстмуҳаммадхон ҳукмронлиги якунигача қизилбошлар давлатнинг таянчи, дурронийларнинг иттифоқчиси бўлиб келган. Улар шиа мазҳабига мансуб бўлса-да, бироқ ҳукуматдаги фаоллиги, афғон сиёсий элитасига қўшилиб кетганлиги боис, бошқа диний озчилик вакиллари, хусусан, ҳазоралар каби тазйиққа учрамаган. Мамлакат конституциясида (2004) афғон миллатини ташкил этувчи этник гуруҳлар қаторида қизилбошлар ҳам санаб ўтилади (4-моддаси).

Ад.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Қизилбошлилар*; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010.

ҚОДИРИЙЛАР, Қодирия – суфийлик тариқати. 12-асрда Ирокда Абдулқодир Гилоний асос солган. Қодирийлар қарашлари жиҳатдан суннийлик оқимига мансуб. Уларнинг тасаввурига кўра, тариқат асосчисининг тариқатга аъзолиги давом этаверади, у ўз тарафдорларини воситачи орқали бошқаради. Тариқатни бошқариш анъанага кўра, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Қодирийларнинг марказий

қароргоҳи Бағдодда жойлашган бўлиб, унинг таркибидаги Абдулқодир Гилоний қабри ёнига қурилган мадраса, работ ва масжид асосий қадамжолардан саналади. Ҳозирда қодирия (шиа Эронидан ташқари) бутун мусулмон дунёсига тарқалган. Қодирия Афғонистонда нақшбандийлик билан бир қаторда кенг тарқалган тариқатлардан бири ҳисобланади. Абдулқодир Гилоний авлодларидан бўлган Саид Хасан Гилоний 1905 йилда Афғонистонга келади ва мамлакатда қодирия тариқати етакчисига айланади. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қодирия пирлари муҳим ўрин тутади. “Пешовар еттилиги” доирасида *Саид Аҳмад Гилоний*, қодирийлар пири *“Афғонистон миллий исломий фронти”*га раҳбарлик қилган. Қодирия тариқати вакиллари асосан мамлакатнинг шарқи ва жанубида истиқомат қилувчи пуштун қабилалари ҳисобланади.

Ад.: Ислом. Энциклопедия. *Қодирийлар*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017; *The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought*. – Princeton: Princeton University Press, 2013.

ҚОНУНИЙ ЮНУС – таниқли афғон сиёсатчиси. 1957 йилда Панжширда туғилган, этник тожик. Аҳмадшоҳ Масъуд кучлари таркибида Совет қўшинлари ва Кобул режимига қарши курашган. Масъуднинг Покистондаги вакили бўлган (1982-1988). 2001 йилдаги Бонн конференциясида “*Шимолий алъянс”* делегациясига бошчилик қилган. *Мувaққат ҳукумат*да ички ишлар вазири лавозимини бажарган. *Ўтиш ҳукуматида* Панжшир вакилларининг ҳаддан зиёд кўплиги боис, Қонуний президентнинг хавфсизлик масалалари бўйича махсус маслаҳатчи ва таълим вазири этиб тайинланган. 2004 йилда “Янги Афғонистон партияси”га асос солган. 2005 йилда Афғонистон парламенти қуйи палатаси Волеси жирғанинг спикери этиб сайланган. Афғонистон президентлиги

сайловларида ўз номзодини қўйган. Муҳаммад Фаҳимнинг ўлимидан сўнг қисқа муддат биринчи вице-президент лавозимини бажарган (2014). Дарий, пушту ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.

Ад.: Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013; *Qanooni, Muhammad Younis* // http://www.afghan-bios.info/index.php?option=com_afghanbios&id=1392&task=view&total=2234&start=1557&Itemid=2.

ҚОЧОҚЛАР – Афғонистонда кечаётган конфликтнинг мамлакат ва минтақа учун салбий оқибатларидан бири – бу қочоқлар муаммосидир. Афғон қочоқларининг дастлабки гуруҳи 1973 йилда амалга оширилган давлат тўнтаришидан кейин пайдо бўлган. Турли сиёсий қараш ва мафкурага эга бўлган мухолифат вакиллари, авваламбор, исломий руҳдаги гуруҳлар қувғин остига олинган. Уларнинг аксарияти қўшни Покистон ҳудудидан бошпана топган ва расмий Исломободнинг кўмагида бу ердан туриб ўз фаолиятини давом эттирган. Саврь инқилоби, Совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши, мамлакатда фуқаролар урушининг бошланиши афғон қочоқларининг кучли тўлқинини вужудга келтирди. 6 миллиондан ортиқ афғонлар мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Қўшни Покистон (3,5 миллиондан ортиқ) ва Эронда (2,5 миллион) афғон қочоқларининг йирик жамолари вужудга келди. Шу билан бирга қочоқлар ва сиёсий бошпана изловчиларни қабул қилувчи давлатлар кўлами кенгайди. Афғон зиёлилари, хорижий университетлар битирувчилари, малакали мутахассислар ҳамда мамлакатнинг бой қатлами вакиллари Ғарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Австралия ҳамда Яқин Шарқ давлатларидан ўзларига манзил қидирди. Мухолифат кучлар ҳамда қўшни мамлакатларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, исломий партиялари қочоқлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилди. Покистон

ҳудудидаги кўп сонли лагерларда яшовчи ҳар бир оила қочоқ мақомини олиш учун “Пешовар еттилиги”га кирувчи муайян партия рўйхатида туриши лозим эди. Шунингдек, Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларида айнан афғон қочоқлари учун *“Жамияти уламои ислом”*нинг кўп сонли мадрасалари вужудга келди. БМТ муассасаларининг гуманитар ёрдами асосан Покистон ҳудудидаги афғон қочоқларига йўналтирилган бўлса, АҚШ, Покистон, Саудия Арабистони ва Қатар каби давлатларнинг гуманитар ва молиявий кўмаги афғон мужоҳид партиялар қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Исломий руҳдаги нодавлат ташкилотларнинг асосий эътибори мадрасалар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ушбу ташкилотлар Пешоварда *Абдулла Аъзам* бошчилигидаги *Исломий мувофиқлаштириш кенгаши*ни тузади. Покистондан фарқли ўлароқ, Эрондаги афғон қочоқлари бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб тарқоқ жойлашган. (Асосан шиа мазҳабига мансуб афғон қочоқлари ҳамда меҳнаткаш мигрантлардан Эрон Сурия ва Ироқдаги муқаддас қадамжоларни ҳимоя қилиш ва “Ислом давлати”га қарши курашда фойдаланиш учун қуролланган гуруҳлар тузилди). 90-йилларнинг иккинчи ярмида толибларнинг сиёсий саҳнага чиқиши ҳамда 2001 йилда АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучларининг Афғонистонга кириб келиши яна юз минглаб афғонларни мамлакатни тарк этишига сабаб бўлди. 1973 йилдан бошлаб, Афғонистон аҳолисининг ҳар бир учинчи вакили ё қочоқ ёки ўз уйларини тарк этиб мамлакат ичида бошқа манзилда яшашга мажбур бўлди. Шу билан бирга, қочоқларнинг Афғонистонга қайтиши мамлакатда ерва сув тақсимоти масалаларида жиддий низолар ва тўқнашувларга олиб келмоқда. Ҳозирда хорижда, авваламбор, Покистон ва Эронда 3 миллиондан ортиқ афғонларнинг истиқомат қилаётганлиги айтилади. Афғон қочоқлари омили афғон-покистон ва афғон-эрон муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. *Қ.: Пешовар еттилиги.*

Ад.: Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; Barnett R. Rubin. *Afghanistan from the Cold War through the War on Terror* – Oxford: Oxford University Press, 2013; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

ҚУНДУЗ – Шимолий Афғонистоннинг тожик-афғон чегарасида жойлашган вилоят ва унинг маъмурий маркази. Вилоят ҳудуди бўйлаб шу номдаги дарё оқиб ўтади. Аҳолиси асосан этник ўзбеклар, тожиклар, пуштунлар ва бошқа халқлардан иборат. Қундуз илк бор 13-асрга оид қўлёзмаларда тилга олинади. 19-асрнинг иккинчи ярмига қадар Афғонистон шимоли, хусусан, Қундузда мустақил ва ярим мустақил ўзбек хонликлари мавжуд бўлган. 18-19-асрларда ўз таркибига Амударёнинг ўнг қирғоғидаги айрим ҳудудлар (хусусан, Кўлоб)ни ҳам қамраб олган Қундуз хонлиги фаолият юритган. 19-асрнинг сўнгги ўн йилликларидан бошлаб, пуштунлаштириш сиёсати доирасида Қундуз ва унинг атрофидаги ҳудудларга исёнчи пуштун (асосан гилзай) қабилалари кўчириб келтирилган. Вилоят қишлоқ хўжалиги ва аграр саноат ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Пахта тозалаш, ёғ-мой, шакар, керамика ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. 20-асрнинг 40-50-йилларига келиб, Қундуз Афғонистон пахта саноатининг марказига айланади. Пахта Ўзбекистон орқали шимолга экспорт қилинди. Вилоятда муҳим иқтисодий институт, “*Спинзар” (“Оқ олтин”)* пахта компанияси ташкил этилади. Кўп миллатли Имом Соҳиб туманида мамлакатнинг асосий дарё порти *Шерхон бандар* жойлашган. Қундуз ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Толиблар 2015 йилда Қундуз шаҳрини ишғол қилиб, икки ҳафта давомида уни ўз назоратида ушлаб турди. Тожикистондаги фуқаролар уруши йилларида Бурҳониддин Раббоний ва Гулбиддин Ҳикматёр кучлари назоратида бўлган Қундуз *“Бирлашган тожик мухолифати”* учун муҳим бошпана ва плацдармб бўлиб хизмат қилди.

Әд.: Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010; Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; *История Афганистана с древнейших времен до наших дней* / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.

- Ғ -

ҒАЗНИ – Афғонистон шарқидаги тарихий вилоят ва унинг маъмурий маркази. Вилоят ҳудуди бўйлаб Ғазни дарёси оқиб ўтади. Аҳолиси асосан этник тожик, пуштун (гилзай ва дурроний) ҳамда ҳазоралардан иборат. Тарихда Ғазни Ғазнавийлар давлатининг пойтахти бўлганлиги билан машҳур. Султон Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгач (1017), барча олимларни Ғазнига олиб келишга буйруқ беради. Ўрта асрнинг дунёга машҳур қомусий олими, мутафаккири Абу Райҳон Беруний ҳам умрининг сўнгги 30 йилини Ғазнида ўтказган ва шу ерда дафн қилинган. Унинг Ҳиндистон этнографияси, географияси, маданияти ва фанига оид асарлари айнан шу даврда ёзилган. Ери камҳосил, экин экиш учун сермашаққат меҳнат талаб қиладиган ҳамда сувга танқис ҳисобланади. Бу тўғрида “Бобурнома”да *“Ғазни – жуда камҳосил ер. Ҳиндистон ва Хуросонни ўз забтларида тутган подшоҳларни нега бундай ночоргина ерни пойтахт қилганликларига ҳамиша таажжуб қилинади”* деб ёзилади. Ғазни кейинчалик Ғурийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Бобурийлар ва Дурронийлар давлати таркибига кирган. Ғазни пойтахтга олиб борувчи ҳалқа йўлда жойлашган. Биринчи ва иккинчи инглиз-афғон урушларида Британия ҳарбийлари ушбу йўлдан фойдаланишган. 1995 йилда Ғазнини толиблар томонидан ишғол қилиниши пойтахтга юришлари учун имконият яратган. Ғазни Гомал йўли (Гомал дарёси бўйлаб Сулаймон тоғи) орқали Афғонистонни Покистоннинг Хайбар Пахтунхва вилояти билан боғлайди.

Ад.: Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома* // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султонов, Б. Алимов ва б.; Халқаро Бобур жамғармаси – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD:

Scarecrow Press, 2003; Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана, II том.* – М.: “Наука”, 1965.

ҒАНИ АШРАФ – таниқли афғон сиёсатчиси, Афғонистон президенти, олим. 1949 йилда Лоғар вилоятида туғилган, этник пуштун, гилзай иттифоқининг *аҳмадзай* қабиласига мансуб. Байрут (Ливан)даги Америка университетини тамомлаган. Турмуш ўртоғи Рула билан шу ерда танишган. АҚШнинг бир нечта олий таълим муассасаларида, ҳусусан, Колумбия, Калифорния ва Жонс Хопкинс университетларида илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланган. 1991-2001 йилларда Жаҳон банки тизимида турли лавозимларда ишлаган. 2001 йилда БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили *Лахдар Браҳими*нинг маслаҳатчиси сифатида *Бонн келишувини* ишлаб чиқиш ва қабул қилинишида фаол қатнашган. 2002 йилда Афғонистон *молия вазири* этиб тайинланган. Валюта, бюджет ва ғазначилик соҳаларида сезиларли ислоҳотларни амалга оширган. 2006 йилда унинг номзоди БМТ Бош котиблигига қўйилади. 2011 йилдан Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш борасидаги масъулиятни мамлакат хавфсизлик кучларига юклаш бўйича дастур раҳбари, Ҳамид Карзайнинг маслаҳатчиси лавозимларида фаолият юритади. 2009, 2014 ва 2019 йиллардаги Афғонистон президентлигига сайловларда қатнашиб, сўнгги 2 тасида ғалаба қозонади. Бироқ сайлов натижалари *Абдулла Абдулла* ва унинг тарафдорлари томонидан тан олинмайди. Бевосита АҚШнинг аралашуви билан томонлар муросага келтирилади (2014). Афғон ва халқаро воситачилар иштирокида “*Ўзаро ҳамкорлик ва ҳокимият ваколатларини бўлиш бўйича келишув”* имзоланади (2020). Қатор илмий асарлар муаллифи. Жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва ақлий марказлари (БМТ комиссияси, Брукингс институти, Атлантика кенгаши ва бошқалар) маслаҳат кенгашларининг

аъзоси. 2021 йилнинг август ойида Афғонистонда ҳокимият толиблар қўлига ўтади ва А. Ғани мамлакатни тарк этади.

Ад.: Biography of the President of Afghanistan // https://president.gov.af/en/page/8262/8263; *Биография Ашрафа Гани* // https://ria.ru/20200218/1564935054.html.



- Ҳ -

ҲАЗОРАЖАТ – асосан этник ҳазоралар истиқомат қиладиган Афғонистоннинг марказий қисмида жойлашган тоғли ҳудуд/минтақа. Денгиз сатҳидан баланд (айрим жойларда 4000 метрдан ортиқ) ҳамда мураккаб тоғли ландшафтга эга бўлган ушбу минтақа Ғур, Урузгон, Дайкунди ва Бомиён ҳамда қисман уларга чегарадош вилоятлар ҳудудларини қамраб олади. Унинг асосий қисми *Боботоғ* тизмаларига тўғри келади. Ернинг танқислиги боис кўпчилик аҳоли мамлакатнинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетишган. Ҳазоражат ҳудудининг четидан Кобул – Ҳирот автомобиль йўли ўтган. Кобулдан Бомиёнга олиб борадиган йўлдан ёз ойларидагина фойдаланиш мумкин. Қиши узоқ (сентябрь ойидан то апрель ойигача) ва совуқ бўлади. Тоғларидаги музликлар бу ердан ўз ирмоқларини оладиган дарёлар, хусусан, Ҳилманд дарёси учун асосий сув манбаи бўлиб хизмат қилади. Кобул Ҳазоражатда ўз ҳокимиятини 19-асрнинг сўнгги ўн йиллигида (1893) ўрнатган. 20-асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳазоралар манфаатларини ҳимоя қилувчи *“Ҳизб-и Ваҳдат”*нинг турли фракциялари ушбу минтақада ўз назоратини ўрнатиш учун ўзаро кураш олиб боришган. *Қ.: Ҳазоралар.*

Ад.: Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана,* II том. – М.: “Наука”, 1965.

ҲАЗОРАЛАР (*ҳазор* форсча – *минг*) – Афғонистонда яшовчи қабилавий халқ, мамлакат аҳолисининг 10 % дан ортиқ қисмини ташкил этади. Исломнинг шиа мазҳабига эътиқод қилади. Шунингдек, кам миқдорда суннийлар ва (шиа) исмоилийлар ҳам учрайди. Дарий тилининг *ҳазора* лаҳжасида сўзлашади. Ҳазоралар Чингизхон давридан қолган

мўғул аскарларининг авлодлари эканлиги таъкидланади. Шу билан бирга, уларнинг этногенезида туркий ва эроний кўчманчи халқларнинг ҳам иштирок этгани маълум. “*Бобурнома”*да ҳазоралар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Тарихан Афғонистоннинг марказий қисми, тоғли ҳудудларидаги *Ҳазоражат* деб номланган ҳудуд (Ғур, Урузгон, Дайкунди ва Бомиён вилоятлари)да яшаб келган. Турли урушлар ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб ҳазораларнинг маълум қисми Кобул, Мозори Шариф, Ҳирот ҳамда Кветта (Покистон) ва Машҳад (Эрон) атрофларига кўчиб ўтган. 19-асрнинг сўнгида *амир Абдураҳмон* томонидан Ҳазоражатни бўйсундириш мақсадида амалга оширилган қатор ҳарбий кампаниялар натижасида ҳазораларнинг демографик ва ижтимоий ҳолати ёмонлашади; аҳолининг кўп қисми қириб юборилади, қул қилинади, кўплаб етакчилари ҳибсга олинади ва қатл этилади; маълум ҳудудларига пуштун қабилалари кўчириб келтирилади. 1888-1893 йилларда ҳазораларнинг учта қўзғолони бостирилади. Ҳукумат ва ҳазоралар ўртасидаги ихтилоф 20-асрда ҳам давом этди. Ҳазоралар миллий, диний, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан камситиб келинди. Хусусан, Зоҳиршоҳ даврида айнан ҳазоралар учун солиқ тури жорий қилинди. Афғонистоннинг 1976 йилгача амалда бўлган барча конституцияларида ҳанафийлик мазҳабининг устунлиги белгиланиб, шиаларга хос диний маросимларни ўтказишга нисбатан чекловлар ўрнатилди. Коммунистлар ҳукмронлиги давридан бошлаб ҳазораларнинг ўз сиёсий мавқеини тиклашга бўлган кураши яққол кўзга ташланади. Бу жараёнда ҳазораларнинг Эрон томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим роль ўйнади. Иттифоқ қўшинлари ва Кобул режимига қарши курашда ҳазоралардан иборат шиа мужоҳидлари иттифоқи тузилди. 1990 йилдан кейинги жараёнларда ҳазораларнинг *“Ҳизб-и ваҳдат”* партияси муҳим сиёсий роль ўйнади. “Толибон” ҳукмронлиги даврида ҳазораларга нисбатан камситиш (дискриминация) сиёсати кучайди. Улар “Шимолий альянс” таркибида толибларга қарши фаол

курашди. 21-асрда ҳазораларнинг сиёсий мавқеи бир қадар мустаҳкамланди. Ҳазораларнинг *Абдулкарим Халилий, Муҳаммад Муҳақиқ* каби етакчилари мамлакатдаги сиёсий жараёнларда муҳим роль ўйнаб келишмоқда. Ҳазоралар етакчилари этник озчилик вакиллари, хусусан, этник ўзбеклар етакчиси *Абдурашид Дўстим* билан яхши ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларига эга. *Қ.: Абдул Али Мозорий, Афғонистон ислом бирлиги партияси.*

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Ҳазоралар*; Barnett R. Rubin. *The Fragmentation of Afghanistan.* 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002; Массон В.М., Ромодин В.А. *История Афганистана,* II том. – М.: “Наука”, 1965; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: “Крафт+”, 2004; Encyclopedia Britannica. *Hazara;* Encyclopedia Iranica. *Hazara.*



ҲАҚҚОНИЙ ЖАЛОЛИДДИН – афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси, *“Ҳаққоний тармоғи”*нинг асосчиси. Пуштунларнинг *карланий* иттифоқига кирувчи *задран* қабиласининг *султонхел* уруғи вакили. Покистоннинг Хайбар Пахтунхва вилояти Акора Хаттак шаҳридаги *“Дор ул-илм Ҳаққония”* мадрасасида таҳсил олган. *“Афғонистон ислом партияси”* амири Муҳаммад Юнус Холиснинг ўринбосари бўлган. Афғон мужоҳидлари ҳукуматида адлия вазири (1992) лавозимини бажарган. 1995 йилда “Толибон” ҳаракатига қўшилган ва толибларни Кобулни эгаллашида муҳим роль ўйнаган. “Толибон” ҳукуматида қабила ва чегара ишлари бўйича вазир бўлган. Ҳаққоний *Шимолий Вазиристон (Мироншоҳ)*да мадрасалар тармоғи (асосийси *“Манба ул-илм”*), жангариларни тайёрлаш лагерлари, омборлар ва ҳ.к.дан иборат мустаҳкам инфратузилма яратган. Бу ерни ўз фаолиятининг марказига айлантирган. Араб тилида эркин сўзлашган Ҳаққоний

хорижий жангариларни, авваламбор, араб кўнгиллиларини (шунингдек, марказий осиёликларни) тармоқ сафларига жалб қилган. Усама бин Лоден унинг дўсти ва ҳомийларидан бирига айланган. Ҳаққонийнинг мустақил қабилалар ҳудудида мустаҳкам мавқега эгалиги, унинг ҳарбий ва воситачилик маҳорати, қабилалар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан самарали фойдаланиш қобилияти билан бирга, унинг Покистон махсус хизматлари билан яқин алоқада бўлганлиги билан ҳам изоҳланади. 20-асрнинг 80-йилларида Ҳаққоний АҚШ ва Саудия Арабистони каби давлатларнинг алоҳида ҳисобида туриб, уларнинг кўмагини олган. У бир қатор афғон мужоҳидлари билан Вашингтонга боради ва Оқ уйда АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашади. Конгрессмен Чарли Уилсон Ҳаққонийни *“эзгулик/олижаноблик тимсоли*” (“*goodness personified”*) деб таърифлайди. Ҳаққоний 2018 йилда оламдан ўтади. *Қ.: “Ҳаққоний тармоғи”.*

Ад.: Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012*. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013; Abubakar Siddique. *The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan*. – London: C. Hurst & Co., 2014; George Crile. *Charlie Wilson’s War*. – New York: Grove Press, 2003.

“ҲАҚҚОНИЙ ТАРМОҒИ” – Афғонистоннинг ҳарбий-сиёсий саҳнасидаги энг фаол ва қудратли қуролли гуруҳлардан бири. Расман *“Толибон”* ҳаракатининг такибий қисми. Де-факто молиявий, ҳудудий ва операциявий жиҳатдан мустақил қуролли гуруҳ. Амалдаги етакчиси *Сирожиддин Ҳаққоний* ҳаракат амирининг ўринбосарларидан бири бўлган. 2021 йил сентябрь ойида АИА ички ишлар вазири лавозимига тайинланди. Тармоқ *“ал-Қаида”* террористик ташкилоти билан узвий

тарихий ҳамда никоҳ ришталари билан мустаҳкамланган ўзаро яқин шахсий алоқаларга ҳам эга. Гуруҳнинг дастлабки аъзолари Афғонистоннинг жануби-шарқидан бўлиб, 20-асрнинг 60-йилларида Хайбар Пахтунхва вилоятининг Акора Хаттак шаҳридаги *“Дор ул-илм Ҳаққония”* мадрасасида таълим олишган. Гуруҳни “Ҳаққоний тармоғи” деб номланиши шу билан боғлиқ. Тармоқ *Лойя Пактиядан*, яъни унинг анъанавий фаолият макони ҳисобланган Пактия, Пактика ва Хўстдан ташқарида, хусусан, Афғонистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда шимолда ҳам ўз таъсирини кучайтириб борган. Тармоқнинг *Шимолий Вазиристон*да яратган мустаҳкам инфратузилмаси (мадрасалар тармоғи, жангариларни тайёрлаш лагерлари, омборлар, касалхоналар ва ҳ.к.) унинг асосий таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда. “Дюранд чизиғи”нинг икки томонида ҳам ўз илдизларига эга бўлган тармоқ ўз фаолиятини *“Техрик-е толибон Покистон”*, *“Лашкари Тойиба*” каби террористик ташкилотлар билан узвий алоқада амалга оширган. Мутахассислар тармоқни Покистон махсус хизматлари билан яқин алоқага эга бўлган *“прокси куч”* сифатида кўришади. АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари қўмитаси раҳбари адмирал Майкл Муллен тармоқни Идоралараро разведканинг *“ишончли қўли”* деб атаган. 2012 йилда БМТ ва АҚШ тармоқни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган. 20-асрнинг 80-йилларида тармоқ Афғонистонда собиқ Иттифоқ таъсирининг кенгайишига қарши курашда авангард бўлиб, АҚШнинг асосий иттифоқчиси ҳисобланган. Тармоқ *“Ўзбекистон ислом ҳаракати”, “Ислом жиҳоди иттифоқи” ва “Имом Бухорий жамоати”* каби террористик ташкилотларни қўллаб келган. Ушбу террористик гуруҳларнинг шаклланиши ва жиҳодий фаолиятининг глобаллашувида “Ҳаққоний тармоғи” муҳим роль ўйнаган. Тармоқнинг бошқа асосий етакчилари сифатида *Халил ур-Раҳмон Ҳаққоний* (Жалолиддин Ҳаққонийнинг укаси) ва *Анас Ҳаққоний* (Жалолиддин Ҳаққонийнинг кичик ўғли)ни қайд этиб ўтиш мумкин.

Ад.: Jeffrey Dressler. *The Haqqani Network: a Strategic Threat* // Afghanistan report 9, 2012; Vahid Brown, Don Rassler. *Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973–2012*. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013. Seth G. Jones. *Afghanistan's Future Emirate? The Taliban and the Struggle for Afghanistan* //CTC Sentinel. November/December 2020, Volume 13, Issue 11.

ҲЕНТИГ - НИДЕРМАЙЕР МИССИЯСИ – Биринчи жаҳон уруши йилларида (1915-1916) Германия ҳамда Туркиянинг Афғонистонни Россия ва Британияга қарши урушга тортиш мақсадида Кобулга юборилган қўшма миссияси. Немис делегациясининг етакчилари мамлакат Қуролли кучлари бош штаби вакиллари гуруҳи раҳбари капитан *Оскар фон Нидермайер* ҳамда ташқи ишлар вазирлиги ходими, Эронда хизмат қилган ёш дипломат лейтенант *Вернер Отто фон Ҳентиг* эди. Туркия томонидан Қосимбей вакил бўлган. Шунингдек, миссия таркибига икки нафар ҳинд революционерлари – Махендра Пратап ва мавлоно Баракатулла ҳам киритилган. Улар 1916 йилнинг охирида Британия Ҳиндистони ва Ўрта Осиёда қўзғолонни ташкил этиш ва амалга ошириш режасини ишлаб чиқиши лозим эди. 80 кишидан иборат миссия 1915 йилнинг март ойида Боғдоддан йўлга чиқди ва 24 августда Ҳиротга, 7 сентябрда эса Кобулга етиб келди. Амир *Ҳабибуллахон* делегация аъзоларини 26 октябрь куни қабул қилди. Амирга турк султони ва Германия императорининг шахсий мактублари топширилди. Нидермайерга амирни Германия ва унинг иттифоқчилари тарафида бўлиб, Ҳиндистон ва Туркистонга ҳужум қилишга, хусусан, пуштун қабилаларини инглизларга қарши қўзғолон кўтаришга кўндириш вазифаси юклатилган эди. Буни эвазига улар амирга ҳарбий ва молиявий кўмак беришни ваъда қилишди. Шубҳасиз, ушбу миссияни қабул қилиш билан амир инглизларга ўз

мустақиллигини намойиш этишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, амир нейтарлитетни бузиш Афғонистон ҳукуматига қанчалик қимматга тушишини англаб турар эди. Мазкур масала юзасидан Ҳабибуллахон томонидан чақирилган Лойя жирға (1915) яна бир бор мамлакатнинг нейтралитет мақомини тасдиқлади. Охир-оқибат 1916 йилнинг январида миссия амирни Афғонистон билан Германия ўртасидаги шартнома лойиҳасини тузишга кўндира олди. Германия Афғонистон мустақиллигини тан олди. Бироқ ҳужжатда Афғонистонни урушга киришига оид қоида ўз аксини топмади. Афғонистон амири Ҳабибуллахон Россия нейтралитети таъминланганида, турк ва немис қўшинлари Афғонистонга кириб келганида, Германия ва унинг иттифоқчилари ғалаба қозонган ҳамда Афғонистонга Шимолий Ҳиндистон ва Балужистонни қайтариб бериш мажбуриятини олган тақдирдагина урушга киришга тайёрлигини айтди. 1916 йилнинг баҳорига келиб, Ҳентиг ва Нидермайер ўзларига юклатилган миссиянинг истиқболи йўқлигини тушуниб етди ва май ойида Германиянинг Афғонистондаги илк дипломатик миссияси (*“маъносиз шартнома билан” (with their meaningless treaty*) (Дюпре)) мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Ҳентиг Воҳон коридори, Хитой ва АҚШ орқали, Нидермайер эса Ўрта Осиё, Эрон ва Усмонли турк салтанати ҳудудлари орқали Германияга қайтди. Қосимбей, Пратап ва Баракатулла Афғонистонда қолиб, сиёсий бошпана олишди. 20-асрнинг 40-йилларида афғон ҳукумати тажрибали разведкачи, абвер полковниги Отто фон Ҳентигни Германиянинг Афғонистондаги элчиси бўлишига розилик бермади. 1970 йилда Ҳентиг Зоҳиршоҳнинг меҳмони сифатида Афғонистонга ташриф буюрди.

Ад.: Dupree L. *Afghanistan.* 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980; Ludwig W. Adamec. *Historical Dictionary of Afghanistan*. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН: «Крафт+», 2004.

ҲИКМАТЁР ГУЛБИДДИН – афғон мужоҳидларининг таниқли намояндаси, *“Афғонистон ислом партияси”* асосчиси ва етакчиси. 1947 йилда Қундуз вилоятининг тожик-афғон чегарасидаги *Имом Соҳиб* туманида туғилган, пуштунларнинг гилзай иттифоқи вакили. Кобул политехника институтининг инженерлик факультетида ўқиган. 1972 йилда маочи талабани ўлдирганликда айбланиб қамоққа олинган. “*Мусулмон ёшлар”* ташкилотининг етакчиларидан бири. 1973 йилдаги давлат тўнтаришидан кейин Покистонга қочиб ўтган. Радикал диний қарашлари боис, Ҳикматёр ва унинг партияси Покистон ва Форс кўрфазининг манфаатдор давлат ва нодавлат акторлари томонидан берилган молиявий ва ҳарбий кўмакнинг сезиларли қисмига эгалик қилган. 1990 йилда Ҳикматёр генерал Шоҳнавоз Танай ёрдамида Нажибулла ҳукуматини ағдаришга уринган. *Мужоҳидлар ҳукумати*да у бош вазир лавозимига тайинланган, бироқ бошқа сиёсий кучлар, авваламбор, “Афғонистон ислом жамияти” ҳамда *Аҳмадшоҳ Масъуд* билан келишмовчиликлар сабаб амалда бу лавозимни бажармаган. Афғонистон ҳарбий-сиёсий саҳнасида “Толибон” таъсирининг ўсиб бориши шароитида Ҳикматёр 1996 йилнинг май ойида Раббоний билан келишувга эришган ва бош вазир лавозимини эгаллаган. Кобул толиблар қўлига ўтгач, “Ислом партияси” жангариларининг маълум бир қисми толибларга қўшилган. 1996-2002 йилларда Ҳикматёр *Эрон*да яшади. 2016 йил сентябрь ойида Ашраф Ғани ҳукумати билан Г. Ҳикматёр ўртасида тинчлик сулҳи имзоланди. 2017 йилнинг бошида у БМТнинг террорчилар рўйхатидан чиқарилди. *Қ.: Афғонистон ислом партияси (Ҳикматёр).*

Ад.: Спольников В.Н. *Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели.* – М.: “Наука”, 1990; Коргун В. *История Афганистана.* – М.: ИВ РАН, «Крафт+», 2004.

ҲИНДУКУШ – Ўрта Осиёнинг йирик тоғ тизмаси, узунлиги тахминан 800 км, эни 350 км атрофида. Шимоли-шарқда Ҳимолай тоғ тизмасига туташиб, жануби-ғарбга қараб пасайиб боради ва мамлакатнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларидаги текисликларга туташиб кетади. Ҳиндукуш шимол ва жануб дарёлари (*Қундуз, Мурғоб, Ҳерируд, Ҳилманд, Кобул, Ғурбанд)* сувайирғичидир. Амударёнинг энг катта ирмоқларидан бири Панж дарёси Ҳиндукуш тоғларидан (Вахжир номи билан) бошланади. Ҳиндукуш пойтахт Кобул ва мамлакатнинг шимолдаги вилоятлари ўртасидаги табиий чегара вазифасини ўтайди. Афғонистоннинг шимоли ва жануби Ҳиндукуш тоғидаги довонлар тизими орқали боғланади. Ушбу довонларнинг табиий-географик хусусиятлари тўғрисида *“Бобурнома”*да атрофлича ёритилган. Уларнинг иккитаси, хусусан, Бомиён орқали ўтадиган *Шибар* ҳамда Панжшир водийсига чиқадиган *Хавак* довонлари муҳим ҳисобланади. Панжшир водийси кўчманчи чорвадорлар учун ёзда Бадахшон қишда Лағмон-Жалолободга олиб борувчи асосий йўл бўлиб хизмат қилган. 1964 йилда собиқ Иттифоқнинг молиявий ва техник кўмагида *Парвон* ва *Бағлон* вилоятлари чегарасида *Саланг довони* орқали тоннель қурилган. *“Ҳиндукуш* – деб ёзади А. Снесарев, - *Афғонистон орографик картасининг асоси, унинг скелети ҳисобланади”.* Ёки Торнборн таъбири билан айтганда, *“Ҳиндукуш тоғ тизмалари билан Афғонистоннинг ҳукмрон географик шакли ҳисобланади”.* Ҳиндукуш тоғи ва унинг бағридаги кўп сонли водийлар Афғонистоннинг этник тузилиши, этник ва лингвистик ранг-баранглигини шаклланишида муҳим ўрин тутган. Тоғнинг марказий тизмаларида ҳазоралар истиқомат қилади. Шунингдек у туркийларни пуштунлар ҳамда Афғонистоннинг жанубидаги бошқа халқларидан бўлиб турувчи ўзига хос девор вазифасини ўтаб келган.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Снесарев А.Е. *Афганистан. Географическо-политический очерк.* – М.: Изд.-во «Лань», 2013;

Ўрта Осиё табиий географияси: Ўқув қўлланма /П. Баратов, М. Маматкулов, А. Рафиков; П. Баратовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002; Ф.Ҳ. Ҳикматов. Д.П. Айтбаев. *Ўрта Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар.* – Т.: “Университет”, 2006.

ҲИРОТ – Афғонистон ғарбидаги тарихий вилоят ва унинг маъмурий маркази. Ўрта Осиё ҳамда тарихий Хуросоннинг қадимий шаҳарларидан бири. “Бобурномада” кўпинча *Ҳирий* шаклида қайд қилинади. Ҳирот номи милоддан аввал ҳам маълум бўлган. Сосонийлар даврида йирик шаҳарга айланган. 1221/22 йилларда Чингизхон қўшинлари шаҳарни вайрон қилган. 1381 йилдан бошлаб *Амир Темур давлати* таркибидаги *Хуросон вилояти/мулки*нинг маркази бўлган. Шоҳрух мирзо ҳукмдорлиги даври (1397)дан Ҳирот бир аср давомида Темурийлар давлатининг пойтахти бўлади ва жуда тараққий этади. 1863 йилдан Афғонистон давлати таркибига кирган. Ҳиротда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Муҳаммад Солиҳ, Мирхонд, Ҳилолий, Беҳзод каби олим, фузало ва мусаввирлар яшаб, ижод қилган. Ҳирот – Ўрта аср миниатюра ва амалий безак санъатининг маркази ҳисобланади. Кобул, Мозори Шариф ва Қандаҳор билан бир қаторда мамлакатнинг тўртта асосий минтақавий, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланади. Ғарбда Эрон, шимоли-ғарбда Туркманистон билан чегарадош. Асосан Ҳерируд ҳамда Мурғоб ва Фараҳруд дарёлари билан суғориладиган воҳада жойлашган. Вилоятда асосан тожиклар, чораймоқлар, ўзбеклар, туркманлар ва пуштун (дурроний)лар истиқомат қилади. 20-асрнинг ўрталаригача Ҳиротда кичик аммо қадимий яҳудий жамоаси мавжуд бўлган. 1979 йилнинг мартида Кобул режимига қарши курашнинг бошланишига сабаб бўлган Ҳиротдаги ҳарбий гарнизонда қўзғолон кўтарилади. Нажибулла ҳукумати ағдарилганидан то толиблар томонидан босиб олингунга қадар (1995) Ҳирот таниқли дала қўмондони Исмоилхон назоратида бўлади. Ҳирот транспорт чорраҳаси ва Афғонистон ҳалқа йўлининг таркибий қисми ҳисобланади.

Шунингдек, Марказий Осиёни Эрон темир йўл тизими, Форс кўрфази ва Араб денгизидаги портлар билан боғловчи муҳим бўғин ҳамдир.

Ад.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. *Ҳирот*; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси* / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва б. – Т.: “Sharq”, 2014; Thomas J. Barfield. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 2010.

КАРТАЛАР

Афғонистоннинг этник картаси



Манба: БМТ Илмий-тадқиқот ва малака ошириш институтининг ЮНОСАТ дастури, www.unitar.org

Афғонистоннинг табиий-географик картаси

Манба: Maps of the World, www.maps-of-the-world.ru.

Афғонистоннинг маъмурий-ҳудудий бўлиниш картаси

Манба: Maps of the World, www.maps-of-the-world.ru.

Афғонистоннинг транспорт картаси

Манба: Maps of the World, www.maps-of-the-world.ru.

АФҒОНИСТОН ТАРИХИГА ОИД ЭНГ МУҲИМ САНАЛАР

1747 йил	Аҳмадшоҳ Абдали томонидан қабилавий афғон давлатига асос солинди.
1775 йил	Дурронийлар давлатининг маркази Қандаҳордан Кобулга кўчирилди.
1826 йил	Дўстмуҳаммадхон Кобул тахтига ўтирди.
1838-1842 йй.	Биринчи инглиз-афғон уруши.
1878-1880 йй.	Иккинчи инглиз-афғон уруши.
1880-1901 йй.	Абдураҳмоннинг ҳукмронлик даври.
1914 йил август	Ҳабибуллахон томонидан Афғонистоннинг нейтралитети эълон қилинди.
1919 йил май	Учинчи инглиз-афғон уруши. Равалпинди битими имзоланди.
1923 йил апрель	Афғонистоннинг биринчи конституцияси қабул қилинди.
1929 йил январь	Ҳабибулло Калаконий Афғонистон амири деб эълон қилинди.
1929-1933 йй.	Нодиршоҳнинг тахтда бўлган даври.
1931 йил 31 октябрь	Афғонистон конституцияси қабул қилинди.
1933-1973 йй.	Муҳаммад Зоҳиршоҳнинг ҳукмронлик даври.
1934 йил	Афғонистон Миллатлар Лигаси аъзоси бўлди.
1946 йил	Афғонистон БМТ аъзоси бўлди.
1953-1963 йй.	Муҳаммад Довуднинг бош вазирлик йиллари.
1959 йил	АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг Афғонистонга ташрифи.
1964 йил октябрь	Афғонистон конституцияси қабул қилинди.
1965 йил	Афғонистон халқ-демократик партияси ташкил топди.
1967 йил	АХДП “Халқ” ва “Парчам” фракцияларига бўлиниб кетди.

1973 йил	Муҳаммад Довуд бошчилигидаги давлат тўнтариши. Афғонистон республика деб эълон қилинди.
1978 йил апрель	АХДП бошчилигидаги давлат тўнтариши. Дурронийлар ҳукмронлиги тугатилди.
1979 йил декабрь	Совет қўшинлари Афғонистонга киритилди.
1979-1986 йй.	Бабрак Кармал бошқаруви даври.
1981 йил	Афғон мужоҳидларининг исломий иттифоқи тузилди.
1987 йил январь	Муҳаммад Нажибулла миллий ярашув сиёсатини эълон қилди.
1988 йил март	Афғонистон бўйича Женева келишувлари имзоланди.
1989 йил февраль	Совет қўшинлари Афғонистонни тарк этди.
1990 йил март	Шоҳнавоз Танай бошчилигидаги аксилҳукумат исёни.
1992 йил апрель	Нажибулла ҳукумати ағдарилди ва Кобул афғон мужоҳидлари томонидан босиб олинди.
1996 йил апрель	Афғонистонда ислом амирлигининг ўрнатилганлиги эълон қилинди.
1999 йил июль	Тошкентда БМТ шафелигида Афғонистон бўйича халқаро конференция чақирилди.
2001 йил 9 сентябрь	Аҳмадшоҳ Масъудга нисбатан террорчилик акти содир этилди.
2001 йил 7 октябрь	Халқаро коалиция кучлари “Толибон” ҳукумати ва “ал-Қаида”га қарши ҳарбий ҳаркатларни бошлади.
2001 йил декабрь	Афғонистон бўйича Бонн конференцияси. Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукумат тузилди.
2004 йил январь	Афғонистон конституцияси қабул қилинди.

2020 йил 29 февраль	АҚШ билан “Толибон” ҳаракати ўртасида шартнома имзоланди.
2021 йил 31 август	АҚШ ва халқаро коалиция кучлари Афғонистонни тарк этди.
2021 йил сентябрь	Афғонистон Ислом Амирлигининг тузилганлиги эълон қилинди.

АФҒОНИСТОН ВА ПОКИСТОН БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАХСУС ВАКИЛЛАРИ

1. **Дебора Лайонс** – БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили ҳамда Афғонистонга кўмаклашиш бўйича БМТ миссиясининг раҳбари.
2. **Иргашев Исматулла** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили.
3. **Кабулов Замир Набиевич** – Россия Федерацияси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили.
4. **Томас Уэст** – АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили.
5. **Дэн Сицзюнь** – ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон бўйича махсус вакили.
6. **Саймон Гасс** – Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили.
7. **Яспер Вик** – Германия ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили.
8. **Муҳаммад Содиқ** – Покистон бош вазирининг Афғонистон бўйича махсус вакили.
9. **Рольф Вилли Хансен** – Норвегия Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили.
10. **Роланд Кобия** – Европа Иттифоқининг Афғонистон бўйича махсус вакили.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва раҳбарий адабиётлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи, 2018.

1.2. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи.

1.3. Выступление Первого Президента Республики Узбекистан И.Каримова на саммите НАТО/СЕАП, 2008.

1.4. Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мазусидаги Тошкент конференциясининг декларацияси, 2018.

1.5. Конституция Исламской Республики Афганистан, 2004 г.

1.6. Tashkent Declaration on Fundamental Principles for a Peaceful Settlement of the Conflict in Afghanistan, 1999.

1.7. UN Security Council Resolutions 1386 (2001), 2189 (2014).

1.8. Agreement for Bringing Peace to Afghanistan between the Islamic Emirate of Afghanistan which is not recognized by the United States as a state and is known as the Taliban and the United States of America, 2020.

1.9. Agreement on Provisional Arrangements in Afghanistan Pending the Re-establishment of Permanent Government Institutions (Bonn Agreement), 2001.

1.10. Afghanistan and the International Community: From Transition to the Transformation Decade, Conference Conclusions, Bonn 2011.

1.11. Agreement between the NATO and the IRA on the Status of NATO Forces and NATO personnel conducting mutually agreed NATO-led activities in Afghanistan, 2014.

1.12. Security and defense cooperation agreement between the IRA and the USA, 2014.

II. Монографиялар, илмий мақолалар, илмий тўпламлар

2.1. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур: Тарихий роман (Махсус муҳаррир: Б. Омон). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

2.2. Бабаходжаев М.А. Очерки социально-экономической истории Афганистана. – Т.: “Фан”, 1975.

2.3. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. лит., 2002.

2.4. Бартольд В.В. Работы по исторической географии и истории Ирана – М.: Вост. литература, 2003.

2.5. Бобокулов И.И. Ферганская долина как ФАТА? // Центральная Азия и Кавказ. – Лулео, Швеция, 2014. – Том 17, вып. 4.

2.6. Бобокулов И.И. «Исламское государство» в Афганистане и региональная безопасность Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – Лулео, Швеция, 2016. – Том 19, вып. 3.

2.7. Бобокулов И.И. «Талибан» на севере Афганистана: стратегия, предпосылки и география расширения. /Международные отношения. – Ташкент, УМЭД, 2016. - № 4.

2.8. Бобокулов И.И. Политический диалог, внутриафганская стабильность и региональная безопасность Центральной Азии. // Международные отношения. – Ташкент, УМЭД, 2019. - № 3-4.

2.9. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома // Таҳрир ҳайъати А. Қаюмон, Х. Султанов, Б. Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008.

2.10. Бойко В.С. Мировая афганистика между наукой и политикой: проблемы истории и модернизации Афганистана в XX и начале XXI вв.: учебное пособие. – Барнаул: АлтГПУ, 2016.

2.11. Брейтвейт Родрик. Афган: русские на войне. – М.: АСТ: CORPUS, 2013.

2.12. Звягельская И. Ключи от счастья, или Большая Центральная Азия //Россия в глобальной политике. – Москва, №4, 2005.

2.13. История Афганистана с древнейших времен до наших дней / Отв. ред. Ю.В. Ганковский. – М.: Мысль, 1982.

2.14. История Пакистана. XX век / В.Я. Белокреницкий, В.Н. Москаленко. - М.: ИВ РАН: Крафт+, 2008.

2.15. Коргун В. История Афганистана. – М.: ИВ РАН, “Крафт+”, 2004.

2.16. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Т.I. С древнейших времен до начала XVI века. – М.: “Наука”, 1964.

2.17. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Т. II. Афганистан в новое время – М.: “Наука”, 1965.

2.18. Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари – Т., 2011.

2.19. Назаров Х.Н. Социальные движения 20-х годов XX века в Афганистане. – Душанбе: Дониш, 1989.

2.20. Олкотт М. Б. Провал джихадистских движений в Узбекистане // Россия и мусульманский мир. – 2010. - №3.

2.21. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Т., 2002.

2.22. Рашидов Р.Р. Афғонистонда давлатчилик масаласи: тарих ва ҳозирги замон. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017.

2.23. Снесарев А.Е. Афганистан. Географическо-политический очерк. – М.: Изд-во «Лань», 2013.

2.24. Спольников В.Н. Афганистан: исламская оппозиция, истоки и цели. – М.: “Наука”, 1990.

2.25. Темирханов Л. Восточные пуштуны в новое время (этносоциальная характеристика). – М.: “Наука”, 1984.

2.26. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т., 2014.

2.27. Фененко А.В. Проблематика «АфПак» в мировой политике // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. 2013. № 2.
2.28. Халфин Н.А. Провал британской агрессии в Афганистане (XIX в. – начало XX в.). – М., 1959.
2.29. Хашимбеков Х. Узбеки Северного Афганистана. – М., 1994.
2.30. Ўрта Осиё табиий географияси: Ўқув қўлланма /П. Баратов, М. Маматкулов, А. Рафиков; П. Баратовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002.
2.31. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Ўрта Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар. – Т.: “Университет”, 2006.

III. Хорижий тиллардаги адабиётлар

3.1. A History of Pakistan and Its Origins // Ed. by Christophe Jaffrelot. – London: Anthem Press, 2002.
3.2. Abubakar Siddique. The Pashtun Question: The Unresolved Key to the Future of Pakistan and Afghanistan. – London, C. Hurst & Co., 2014.
3.3. Abubakar Siddique. The Quetta Shura: Understanding the Afghan Taliban’s Leadership //Terrorism Monitor Volume 12, Issue 4, 2014.
3.4. Ahmed Rashid Taliban: The Power of Militant Islam in Afghanistan and Beyond. – London – New York, I.B. Tauris, 2010.
3.5. Ali Soufan. Al-Qa`ida's Soon-To-Be Third Emir? A Profile of Saif al-‘Adl // CTC Sentinel. February 2021. Vol. 14. Issue 2.
3.6. Anand Gopal. The battle for Afghanistan: militancy and conflict in Kandahar’, New America Foundation, November 2010.
3.7. Antonio Guistozzi. Koran, Kalashnikov and Laptop: The Neo-Taliban Insurgency in Afghanistan. – London: C. Hurst & Co., 2007.
3.8. Antonio Giustozzi. The Taliban at War: 2001-2018. – New York: Oxford University Press, 2019.

3.9. Anthony Arnold Afghanistan's Two-party Communism: Parcham and Khalq. – Stanford, CA: Hoover Institution Press, 1983.

3.10. Barnett R. Rubin. Afghanistan from the Cold War through the War on Terror. – Oxford: Oxford University Press, 2013.

3.11. Barnett R. Rubin. Afghanistan: What everyone needs to know. – New York: Oxford University Press, 2020.

3.12. Barnett R. Rubin. The Fragmentation of Afghanistan. 2 nd ed. – New Haven and London: Yale University Press, 2002.

3.13. Dipali Mukhopadhyay. Warlords as Bureaucrats: The Afghan Experience, Carnegie Papers, 2009.

3.14. Dupree L. Afghanistan. 2 nd ed. - NJ: Princeton University Press, 1980.

3.15. Eden Naby. The Uzbeks in Afghanistan // Central Asian Survey, 3:1, 1984.

3.16. Farhat Taj. Taliban and Anti-Taliban – Newcastle, Cambridge Scholars Publishing, 2011.

3.17. Ferghana Valley: The Heart of Central Asia / Ed. by S.F. Starr, B. Beshimov, I.I. Bobokulov, P. Shozimov. – New York – London: M.E. Sharpe, 2011.

3.18. Frederick S. Starr. A ‘Greater Central Asia Partnership’ for Afghanistan and Its Neighbors. – Washington, D.C., 2005. – Silk Road Paper, March.

3.19. Frederick S. Starr. In Defense of Greater Central Asia. – Washington, D.C., 2008.

3.20. George Crile. Charlie Wilson’s War. – New York: Grove Press, 2003.

3.21. Gilles Dorronsoro. Revolution Unending: Afghanistan: 1979 to the Present. – London, Hurst & Co., 2005.

3.22. Halim Tanwir. Afghanistan History, Diplomacy and Journalism. Vol 1. – Xlibris, 2013.

3.23. Hein G. Kiessling. Faith, Unity, Discipline: the Inter-Service-Intelligence of Pakistan. – London: C. Hurst & Co, 2016.

3.24. Jeffrey Dressler. The Haqqani Network: a Strategic Threat //Afghanistan report 9, 2012.

3.25. Jeffrey Dressler, Carl Forsberg. The Quetta Shura Taliban in Southern Afghanistan: Organization, Operations, and Shadow Governance. Institute for the Study of War // Backgrounder, December 21, 2009.

3.26. Jeremy Binnie, Joanna Wright. The Evolving Role of Uzbek-led Fighters in Afghanistan and Pakistan // CTC Sentinel. August 2009. Vol. 2. Issue 8.

3.27. Kakar H.K. Government and Society in Afghanistan: the Reign of Amir Abd al-Rahman Khan. – Austin: University of Texas, 1979.

3.28. Katzman K., Thomas C. Afghanistan: Post-Taliban Governance, Security and U.S. Policy / Congressional Research Service, 2017.

3.29. Lawrence Wright. The Looming Tower: Al-Qaeda and the Road to 9/11. – New York: Alfred A. Knopf, 2006.

3.30. Ludwig W. Adamec. Historical Dictionary of Islam. 2 nd ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2009.

3.31. Ludwig W. Adamec. Historical Dictionary of Afghanistan. 3 rd. ed. – Lanham, MD: Scarecrow Press, 2003.

3.32. Maley William. Fundamentalism Reborn? Afghanistan and the Taliban / ed. William Maley. – London: Hurst, 1998.

3.33. Modern Afghanistan: the impact of 40 years of war / Ed. by M. Nazif Shahrani. – Bloomington, Indiana: Indiana University Press, 2018.

3.34. Mohammad Yousaf, Mark Adkin. The Bear Trap: Afghanistan's Untold Story. – London: Leo Cooper, 1992.

3.35. Osman Borhan. The Shadows of «Islamic State» in Afghanistan: What Threat does It Hold? // Afghanistan Analysts Network, 12 February 2015.

3.36. Owen L. Sirrs. Pakistan’s Inter-Services Intelligence Directorate: covert action and internal operations. – New York: Routledge, 2016.

3.37. Peter Hopkirk. The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia. – New York: Kodansha International, 1992.

3.38. Robert D. Kaplan. Soldiers of God with Islamic Warriors in Afghanistan and Pakistan. – New York: Vintage Books, 2001.

3.39. Roy Olivier. The Failure of Political Islam. – Cambridge: Harvard University Press, 1994.

3.40. Roy Olivier. Islam and Resistance in Afghanistan. 2 nd. ed. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990.

3.41. Roy, Olivier. Afghanistan, from Holy War to Civil War. – Princeton & Oxford: Princeton University Press, 1995.

3.42. Seth G. Jones. Afghanistan's Future Emirate? The Taliban and the Struggle for Afghanistan //CTC Sentinel. November/December 2020, Volume 13, Issue 11.

3.43. Shuja Nawaz. FATA – a Most Dangerous Place: Meeting the Challenge of Militancy and Terror in the Federally Administrated Tribal Areas of Pakistan // Center for Strategic and International Studies, January 2009.

3.44. Stewart R.W. The United States Army in Afghanistan: Operation Enduring Freedom. October 2001 – March 2002 / U.S. Army Center for Military History, 2004.

3.45. Steve Coll. Directorate S: The CIA and America's Secret Wars in Afghanistan and Pakistan. – New York: Penguin Press, 2018.

3.46. The Princeton Encyclopedia of Islamic Political Thought. – Princeton and Oxford. Princeton University Press, 2013.

3.47. Thomas J. Barfield. Afghanistan: a Cultural and Political History. – Princeton & Oxford. Princeton University Press, 2010.

3.48. Thomas Ruttig. "Nothing is agreed until everything is agreed": First steps in Afghan peace negotiations // Afghanistan Analysts Network, 2019.

3.49. Thomas Ruttig. Have the Taliban changed? // CTC Sentinel. March 2021, Volume 14, Issue 3.

3.50. Vahid Brown, Don Rassler. Fountainhead of Jihad: the Haqqani Nexus, 1973 – 2012. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2013.

IV. Луғатлар, энциклопедиялар ва маълумотномалар

4.1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Т.: “Sharq”, 2014.

4.2. Ислом. Энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017.

4.3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси / www.qomus.info.

4.4. Большая российская энциклопедия / www.bigenc.ru.

4.5. Encyclopedia Britannica / www.britannica.com.

4.6. Encyclopedia Iranica / www.iranicaonline.org.

V. Интернет-сайтлар

5.1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги / www.uza.uz.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайти / www.mfa.uz

5.3. Информационный портал / www.afghanistan.ru.

5.4. Конституции государств мира / www.worldconstitutions.ru.

5.5. Afghanistan online / www.afghan-web.com.

5.6. Al Jazeera Channel / www.aljazeera.com.

5.7. A Project of the Foundation for Defense of Democracies / www.longwarjournal.org.

5.8. BBC World Service / www.bbc.com.

5.9. Biographical Information / www.peoplepill.com.

5.10. Deutsche Welle / www.dw.com.

5.11. NATO / www.nato.int.

5.12. NATO Resolute Support / www. rs.nato.int.

5.13. Pajhwork Afghan News / pajhwok.com.

5.14. Radio Free Europe/ Radio Liberty / www.rferl.org.

5.15. The Afghanistan Analysts Network / www.afghanistan-analysts.org.

5.16. The Diplomat / www. thediplomat.com.

5.17. The New York Times / www.nytimes.com.

5.18. UN Peacemaker / www.peacemaker.un.org.

5.19. UN Security Council / www.un.org/securitycouncil.

5.20. United Press International / www.upi.com.

5.21. U.S. Department of State / www.state.gov
5.22. Who is who in Afghanistan / www.afghan-bios.info.
5.23. United Press International / www.upi.com.
5.24. World Directory of Minorities and Indigenous Peoples / www.minorityrights.org.
5.25. Special Inspector General for Afghanistan Reconstruction Quarterly reports to the United States Congress www.sigar.mil.
5.26. The Afghanistan Justice Project www.afghanistanjusticeproject.org.

МУНДАРИЖА

И.И. БОБОҚУЛОВ

АФҒОНИСТОН

ЛУҒАТ – МАЪЛУМОТНОМА

Мухаррир: А. Раҳимов

«Complex Print» нашриёти, Тошкент, 2021

Босишга рухсат этилди 20.12.2021 й. Буюртма № 174
Формати 60x84/16. Times New Roman гарнитураси билан
рақамли усулида чоп этилди. Ҳажми 14,42 ш.б.т. 200 нусха.

Нашр.лиц. Ai №004, 20.07.2018 й.
«Complex Print» нашриёти, Тошкент ш., А.Навоий кўч., 24.
Тел.: +998 71 244 40 89